

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ



**БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ТАШКИЛОТЛАРИ ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
ФОЙДАЛАНИШЛАРИ УЧУН**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент - 2026 йил

МУНДАРИЖА

1.	Кириш	-	7
2.	Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	-	8
Ижтимоий шериклик масалаларига доир меъёрий ҳужжатлар, тавсиялар			
3.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 24 августдаги 3-52 “с”-сонли “Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби” ҳамда “Жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори	-	10
4.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш Тартиби (3-52 «с»-сонли қарорга 1- илова) ҳамда Тартибнинг иловалари	-	12
5.	Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар	-	23
6.	Жамоа шартномалари бўйича ҳисобот шакллари (1-JSh ва 2-JSh)ни тўлдиришга оид ТАВСИЯЛАР ва уларга иловалар (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2025 йил “07” апрелдаги 14-2-сонли қарорига 2-илова)	-	30
7.	Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш соҳасида касаба уюшмаларининг вазифалари	-	57
Меҳнат муҳофазасига доир меъёрий ҳужжатлар, тавсиялар			
8.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарори билан тасдиқланган)	-	63
9.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 4 апрелдаги 6-44«с»-сонли «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисида»ги қарори	-	68
10.	Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза бўйича комиссияси тўғрисида Низом (6-44«с» - сонли қарорга 2-илова) ва Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси Низоми асосида комиссияга намунавий шаклдаги тавсиянома	-	69
11.	Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар ва иловалари (6-44 «с» - сонли қарорга 3-илова)	-	76

12.	Бошланғич касаба уюшма қўмитаси (ташкилоти)нинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича олиб борган ишлари ҳақида маълумот (ЎзКУФ Кенгаши Раёсатининг 04.04.2017йил № 6-44“с” қарори билан тасдиқланган "Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги Низом"га 3-илова)	-	87
13.	Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнатнинг хавфсиз усулларида ишлаш учун ўтказиладиган йўриқномаларнинг ҳолатини текшириш учун касаба уюшмаси қўмитасига тавсиянома	-	90
14.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисидаги Н-1 шаклдаги Далолатномани тузиш ва рўйхатга олишни назорат қилиш юзасидан касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясига тавсиянома	-	94
15.	Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиянинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар	-	106
16.	Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раисига услубий маслаҳат	-	107
17.	Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари	-	108
18.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 20 ноябрдаги 8-108 “с”-сонли “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги қарори.	-	114
19.	Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида Низом” (8-108 “с”-сонли қарорга 1-илова) ҳамда Низомнинг иловалари)	-	116
Ҳуқуқий ҳимоя масалаларига доир меъёрий ҳужжатлар			
20.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 мартдаги 2-37 “с”-сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида мурожаатлар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори	-	141
21.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом (2-37 “с”-сонли қарорга 1-илова)	-	143
22.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 23 майдаги 9-5-сонли “Касаба уюшмаси қўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби ҳақида (янги таҳрирда)”ги қарори	-	154
23.	Касаба уюшмаси қўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш	-	155

	берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби (янги таҳрирда)		
Молиявий масалаларга доир меъёрий ҳужжатлар			
24.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 25 январдаги 7-4-сонли «Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳақида»ги қарори	-	161
25.	Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (Федерация Кенгаши Мажлисининг 2013 йил 25 январдаги 7-4-сонли қарори билан тасдиқланган, Федерация Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-23- сонли ва 2019 йил 30 сентябрдаги 16-12 “с” - сонли, Федерация Ижроия қўмитасининг 2023 йил 17 июлдаги 10-7-сонли қарорлари билан қўшимча ва ўзгартишлар киритилган)	-	167
26.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 24 апрелдаги 6-11-сонли “Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш Тартиби тўғрисида”ги қарори	-	179
27.	Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш Тартиби (6-11-сонли қарорга илова)	-	181
Касаба уюшмаси бюджети ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланмаларни ажратишга доир меъёрий ҳужжатлар			
28.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли “Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишга оид Йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори	-	196
29.	Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли қарори билан тасдиқланган (қарорга 1-илова), 2016 йил 19 апрелдаги 2-12 сонли қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)	-	198
30.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини	-	210

	соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (2007 йил 15 май, 56-сон, 2007 йил 15 май, М-23-сон, 2007 йил 15 май, 2007-14-сон, 2007 йил 15 май, 287-В-сон) [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 июнда 1690-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]		
31.	Касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ (Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 15 майдаги 56, М-23, 2007-14, 287-В-сон қарори билан тасдиқланган)	-	211
32.	Касаба уюшмасидан санаторийларга йўлланмалар олиш тартиби (намуна)	-	215
33.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисида Йўриқнома (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли қарорига 2-илова билан тасдиқланган)	-	217
Маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил қилишга доир меъёрий ҳужжатлар			
34.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида маданий-маърифий йўналишида тавсиялар	-	229
35.	Касаба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги Низом	-	232
36.	Корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича тавсиялар	-	236
37.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси	-	238
38.	Касаба уюшмалари тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги Низом	-	244
39.	Касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот, муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини ошириш, аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини узайтириш учун тавсиялар	-	249
Ташкилий ишларга доир меъёрий ҳужжатлар, тавсиялар			
40.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2015 йил 31 мартдаги 21-53«с» -сонли “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида ўтказиладиган «Энг намунали	-	261

	бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тўғрисида”ги қарори		
41.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказиладиган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тўғрисида Низом (янги таҳрири) (21-53 “с”-сонли қарорга илова)	-	264
42.	Бошланғич ташкилотда ишни режалаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан тавсиялар, ҳужжатлар намуналари	-	277
43.	Касаба уюшмалари органларида сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш юзасидан тушунтириш	-	294

КИРИШ

Хурматли ҳамкасблар!

Маълумки, касаба уюшмаларининг энг асосий мақсади ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

Касаба уюшмаси тизимида бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлиб, айнан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида бевосита ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси билан ишлаш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига кўра **бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти** — бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳимоя функцияси унинг органлари (умумий йиғилиш (конференция), касаба уюшмаси кўмитаси) фаолияти орқали амалга оширилади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо тегишли тармоқ касаба уюшмасининг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг мутахассислари томонидан мазкур услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Қўлланмадан бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ишни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ идоравий меъёрий ҳужжатлар, тавсиялар ўрин олган бўлиб, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари улардан ўз фаолиятларида фойдаланадилар, деб умид қиламиз.

Шу билан бирга, услубий қўлланмани янада такомиллаштириш юзасидан Сизларнинг таклифларингизни кутиб қоламиз.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларини қуйидагиларга асосан олиб борадилар:

- 1.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
- 2.** Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни (2019 йил 6 декабрда қабул қилинган).
- 3.** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил 15 февралда қабул қилинган).
- 4.** Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 14 апрелда қабул қилинган).
- 5.** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
- 6.** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси».
- 7.** Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунлари.
- 8.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари (2025 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган IX Қурултойда қабул қилинган).
- 9.** Тармоқ касаба уюшмаларининг Уставлари.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР,
ТАВСИАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
ИЖРОИЯ ҚЎМИТА**

**O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI
IJROIYA QO'MITA**

**ҚАРОРИ
QARORI**
Тошкент ш.
Toshkent sh.

2021 йил 24 август

№ 3 – 52 “с”

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби” ҳамда “Жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида амалга оширилган тузилмавий ўзгаришларни, билдирилган таклифларни инобатга олиб ҳамда жамоа келишувлари ва шартномалари таъсирчанлигини ошириш, уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Бош ҳамда юқори поғонадаги тармоқ ва ҳудудий келишувларга мувофиқлигини таъминлаган ҳолда тезкор ва сифатли экспертизадан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби” 1-иловага;

“Жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жамоа келишувлари ва шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур тартибга тўлиқ амал қилган ҳолда жамоа келишувлари ва шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа келишувлари ва шартномаларини рўйхатга олиш ишларини йўлга қўйсинлар.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-21-сонли қарори билан тасдиқланган “Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тўғрисидаги Низом” ҳамда

2014 йил 24 октябрдаги 19-13-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тартиби” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси



Қ.Рафиқов

*ЎКУФ Ижроия қўмитасининг
2021 йил 24 августдаги 3-52 “с”-сонли
қарорига 1- илова*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш

ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, жамоа-шартномавий муносабатларнинг холис мониторингини йўлга қўйиш, жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, жамоа келишувларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жорий этилади.

2. Жамоатчилик экспертизасини тезкор ва сифатли ўтказиш учун касаба уюшмаси раҳбар органи (Кенгаш, Қўмита, Раёсат, Ижроия қўмита) қарори билан тегишли комиссия тайинланади. Комиссиянинг сон таркиби раҳбар орган томонидан белгиланади, лекин 3 нафар аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамоатчилик экспертизаси субъектлари

3. Жамоа шартномалари лойиҳалари жамоатчилик экспертизасини қўйидагилар (бундан буён **“Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси”** деб номланади) қошидаги эксперт комиссиялар амалга оширади:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси;

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари (тегишли тармоқ масъул ташкилотчилари иштирокида);

тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари;

мазкур Тартибда кўзда тутилган ҳолларда – касаба уюшмаси қўмиталари.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги эксперт комиссияси “Олмалиқ КМК” АЖ, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар жамоа шартномаларининг, айрим тармоқлардаги ягона жамоа шартномаларининг, ўз аппарати, шунингдек тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

кенгашлари аппаратларининг жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

5. Тармоқ (тариф) келишувларини тузган ижтимоий шерикларнинг республика идоралари, олий ва малака ошириш ўқув юртлари, тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари (бирлашган қўмиталари) аппаратлари ҳамда бевосита Республика кенгашига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини барча тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

Шунингдек, тармоққа мансуб йирик юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари 1-иловадаги жадвалга мувофиқ жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

6. Қоида тариқасида бошланғич ташкилотга бевосита хизмат кўрсатадиган юқори касаба уюшмаси органи қошидаги эксперт комиссиялар ушбу бошланғич ташкилотнинг жамоа шартномаси лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди. (Мазкур Тартибнинг 5-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

Жумладан:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бевосита тегишли тармоқ масъул ташкилотчиларига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини;

тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари бевосита ўзларига чиқадиган юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

7. Тармоқ касаба уюшмаларининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари қошидаги эксперт комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмаган айрим ҳолларда юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг эксперт комиссиялари томонидан жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши мумкин. (Мазкур Тартибнинг 1-илосида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно)

Жамоатчилик экспертизасига ҳужжатларни тақдим этиш ва уни ўтказиш

8. Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун жамоа шартномасининг ёзма ёки электрон шаклдаги лойиҳаси тегишли эксперт комиссиясига юридик шахснинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси ёки касаба уюшмаси ташкилотчиси (кейинги ўринларда “Бошланғич ташкилот раҳбари” деб юритилади) томонидан тақдим этилади. Зарур ҳолларда лойиҳанинг Word

ёки PDF варианты электрон почта ёки мессенджерлар орқали тегишли **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** юборилиши мумкин.

9. Жамоатчилик экспертизасига келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳалари “Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш китоби”да (2-илова) қуйидагилар томонидан дастлабки тарзда қайд этилади:

экспертизани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг эксперт комиссиялари ўтказган ҳолларда – тегишли **масъул ташкилотчилар** томонидан;

қолган барча ҳолларда - **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** томонидан.

10. Ҳар бир жамоа шартномаси лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун 15 календарь кундан кўп бўлмаган муддат ажратилади.

11. Жамоатчилик экспертизаси жараёнида экспертлар томонидан жамоа шартномасининг лойиҳаси амалдаги меҳнат қонунчилиги меъёрларига ва Бош ҳамда тегишли тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) ва ҳудудий-тармоқ келишувларига мувофиқлиги кўриб чиқилади ва тегишли тавсиялар берилади.

12. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси сифатида туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари, бошланғич ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари иштирок этган тақдирда улар томонидан экспертизани ўтказишга ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа малакали мутахассислар шартнома асосида жалб қилинишлари мумкин.

13. Ҳаракатдаги жамоа шартномаларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти (касаба уюшмаси қўмитаси)нинг талабига кўра экспертиза қилиниши мумкин.

14. Экспертиза натижалари 3-иловада келтирилган шаклда ёзма равишда расмийлаштирилади ва эксперт комиссияси раиси ва экспертларнинг имзоси ҳамда муҳр қўйилган нусхаси юридик шахснинг касаба уюшмаси вакилига, унинг имзосини олиб, берилади ёки сканердан ўтказилган электрон шакли бошланғич ташкилотнинг электрон ёки мессенджер манзилига юборилади.

15. Жамоа шартномаси экспертиза қилиниши лозим бўлган корхона, ташкилот, муассаса бошланғич ташкилоти раҳбари иш берувчи билан биргаликда:

жамоа шартномаси қабул қилинишидан камида 30 кун олдин **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** экспертизадан ўтказиш учун жамоа шартномасининг лойиҳасини барча иловалар билан тақдим этади (ёзма ёки электрон шаклда);

экспертиза ўтказилганидан сўнг **жамоа шартномасининг лойиҳаси бўйича** эксперт хулосани ижро учун қабул қилади ва унда келтирилган эътироз ва таклифлар асосида жамоа шартномаси лойиҳасига иш берувчи билан биргаликда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига эришади;

эксперт хулосадаги эътироз ва таклифларни асоссиз деб топган ҳолда, бу тўғрида юқори поғонадаги касаба уюшма органига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Қабул қилинган жамоа шартномасини рўйхатдан ўтказиш

16. Қабул қилинган жамоа шартномалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Kasaba KIAT” ахборот тизимининг маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бунинг учун **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси вакили ёки** тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкилотчиси Федерациянинг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлиmidан ахборот тизимига кириш учун логин ва пароль олиши лозим.

17. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иштирок этган ҳолларда тегишли масъул ташкилотчилар ўзи бевосита хизмат кўрсатувчи бошланғич ташкилотлар жамоа шартномаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказадилар.

Қолган барча ҳолларда қабул қилинган жамоа шартномаларини **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** рўйхатдан ўтказди.

18. Корхона, ташкилот, муассаса касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшма ташкилотчиси) жамоа шартномасига имзо чекилган кундан бошлаб 6 иш куни ичида **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчисига** ёки тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкилотчисига имзо ва муҳрлар қўйилган жамоа шартномасини ҳамда жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш тўғрисида меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) баёнини сканердан ўтказиб PDF шаклида тақдим этади.

19. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси ёки масъул ташкилотчи тақдим этилган жамоа шартномасини 12 иш куни давомида “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида жамоа шартномасига оид қуйидаги сатрларни тўлдиради:

“Шартнома рақами” (“Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш китоби”даги тартиб рақами);

“Шартнома санаси” (Жамоа шартномасига тарафлар имзо чеккан сана);

“БКУТ (ППО)” (Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасидан танлаб олинади);

“Баён №” (Меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференция) баёни

рақами);

“Иш берувчининг ФИШ”;

“Касаба уюшмаси қўмитаси раиси ФИШ” (касаба уюшмаси қўмитаси раиси ёки касаба уюшмаси ташкилотчисининг ФИШ);

Шартнома иловалари (жамоа шартномаси электрон шаклда иловалари билан юкланади).

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси ёки масъул ташкилотчи “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базаси рўйхатида мазкур жамоа шартномаси қайд этилган саҳифа скриншотининг распечаткасига имзо, штамп қўйиб бошланғич ташкилот касаба уюшмаси органига қайтариб беради. Ҳаракатдаги жамоа шартномаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилмайди.

20. Рўйхатга олинган жамоа шартномасининг PDF нусхаси “Kasaba KIAT” ахборот тизими маълумотлар базасида янгиси қабул қилингунча сақланади.

Якуний қоидалар

21. Агар экспертизадан ўтказилган жамоа шартномасида экспертиза натижалари инобатга олинмагани маълум бўлса, ёхуд ходимлар аҳволини қонун ҳужжатларида, шунингдек Бош, тармоқ (тариф) ва ҳудудий (минтақавий) келишувларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган янги шартлар аниқланса, жамоа шартномаси рўйхатга олинмайди. Бу ҳолда **Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси** раҳбари жамоа шартномасига имзо чеккан шахсларга нуқсонларни бартараф этиш муддатини белгилайди.

22. Агар белгиланган муддатда нуқсонлар бартараф этилмаса **Жамоатчилик экспертизаси ташкилотчисининг** ҳайъат органи тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда Меҳнат кодексига биноан жамоа шартномасининг ходимлар аҳволини қонун ҳужжатларида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартларини ҳақиқий эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Бундай қарор 5 кун ичида жамоа шартномасига имзо чеккан шахсларга, шунингдек Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекциясига юборилади.

23. Мазкур тартиб 2021 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилади, шу кундан эътиборан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 24 октябрдаги 19-13-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тартиби” ўз кучини йўқотади.

*“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини
жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул
қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш
тартиби”га
1-илова*

**Касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт
комиссиялари томонидан жамоа шартномалари лойиҳалари
жамоатчилик экспертизасидан ўтказиладиган юридик шахслар**

Т/р	Тармоқ	Касаба уюшмаси Республика кенгаши қошидаги эксперт комиссияси томонидан жамоа шартномалари лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказиладиган тармоққа мансуб юридик шахслар
1.	Авиаходимлар	Барча юридик шахслар
2.	Агросаноат мажмуи	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
3.	Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация	“Ўзбектелеком” АКдан бошқа барча юридик шахслар
4.	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати	Тошкент шаҳрида жойлашган рўйхатдаги ходимлар сони 100 нафардан кўп бўлган юридик шахслар
5.	Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари	Рўйхатдаги ходимлар сони 300 нафардан кўп бўлган юридик шахслар
6.	Кимё ва фармацевтика саноати	Бевосита Республика кенгаши хизматига олинган юридик шахслар
7.	Металлургия ва машинасозлик саноати	1. Рўйхатдаги ходимлар сони 100 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар 2. Хоразм вилояти юридик шахслари
8.	Энергетика, нефт-газ ва геология	Қашқадарё вилояти юридик шахсларидан ташқари барча юридик шахслар
9.	Соғлиқни сақлаш	Фақат эслатмада кўрсатилган юридик шахслар
10.	Таълим ва фан	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар

11.	Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари	Бевосита Республика кенгаши хизматига олинган юридик шахслар
12.	Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари	Рўйхатдаги ходимлар сони 500 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
13.	Маданият, спорт ва туризм ходимлари	Рўйхатдаги ходимлар сони 200 нафардан кўп бўлган барча юридик шахслар
14.	“Олмалиқ КМК” АЖ	Комбинат тузилмасига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар

Эслатма:

а) айрим тармоқлар миқёсидаги ягона жамоа шартномалари, “Олмалиқ КМК” АЖ, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар, ўз аппаратининг, шунингдек тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларининг жамоа шартномалари лойиҳаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги эксперт комиссияси жамоатчилик экспертизасидан ўтказди;

б) тармоқ келишувларини тузган ижтимоий шерикларнинг республика идоралари, олий ва малака ошириш ўқув юртлари, тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудий кенгашлари (бирлашган қўмиталари) аппаратлари жамоа шартномалари лойиҳаларини барча тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари қошидаги эксперт комиссиялари жамоатчилик экспертизасидан ўтказди.

*“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида
жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик
экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа
шартномаларини рўйхатга олиш тартиби”га
2-илова*

**Жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини қайд этиш
китобини тўлдириш
НАМУНАСИ**

Т/ р	Корхона, ташкилот, муассаса номланиши	Ходимла р сони	Касаба уюшмаси ташкilotи раҳбари ФИШ	Жамоа шартномаси лойиҳаси экспертиза- га тақдим этилган сана	Экспертиза натижалари берилган сана ва уни олган шахс имзоси ёки юборилган электрон почта манзили, мессенджер рақами	Жамоа шартномаси “Kasaba KIAT” маълумотлар базаси рўйхатида қайд этилган саҳифа скриншотининг бошланғич ташкилот вакилига берилган сана ёки юборилган электрон почта манзили, мессенджер рақами
1	2	3	4	5	6	7

“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини
жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул
қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш
тартиби”га
3-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(касаба уюшма органининг номи)

эксперт комиссияси раиси

(Ф.И.Ш.)

____ йил «__» _____

(жамоа шартномасини тақдим этган юридик шахс номи)

жамоа шартномасининг лойиҳаси бўйича
ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати _____

I. Экспертларнинг эътироз ва таклифлари:

“УМУМИЙ ҚОИДАЛАР” бўлими бўйича

“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” бўлими бўйича

“МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ” бўлими бўйича

“ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ” бўлими бўйича

**“МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ
ТЎЛОВЛАРИ” бўлими бўйича**

“МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ” бўлими бўйича

“МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ” бўлими бўйича

“МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” бўлими бўйича

“ИЖТИМОЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР” бўлими бўйича

“МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИШЛАРИ” бўлими бўйича

“АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР” бўлими бўйича

“ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР” бўлими бўйича

“МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ” бўлими бўйича

“ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ” бўлими бўйича

“ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ” бўлими бўйича

**“ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ
БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК” бўлими бўйича**

Иловалар бўйича

Экспертлар:

_____	_____	(имзо)
Ф.И.Ш.		
_____	_____	(имзо)
Ф.И.Ш.		
_____	_____	(имзо)
Ф.И.Ш.		
_____	_____	(имзо)
Ф.И.Ш.		
_____	_____	(имзо)
Ф.И.Ш.		

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

2022-йил 28-октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-798-сонли Қонуни имзоланди, ушбу кодекс 2023-йил 30 апрелдан кучга кирди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасида ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтирди.

Маълумки, жамоа шартномаси бошланғич даражадаги ижтимоий шерикликнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва унга Меҳнат кодексининг алоҳида боби бағишланган.

Жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жамоа шартномаси умуман ташкилотда, унинг алоҳида бўлинмаларида тузилиши мумкин. Жамоа шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарор ва уни тузиш масаласи бўйича жамоавий музокаралар бошлаш тўғрисидаги таклиф исталган тарафдан берилиши мумкин.

Жамоавий музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш учун ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия тузилади.

Жамоавий музокаралар.

Ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи жамоавий музокаралар ташаббускори бўлиши мумкин.

Аввалги жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугагунига қадар уч ой ичида ёки ушбу ҳужжатда белгиланган муддатларда ижтимоий шерикликнинг ҳар қандай тарафи бошқа тарафга янги жамоа келишувини, жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар юборишга ҳақлидир.

Иш берувчиларнинг манфаатларини ифода этувчи шахслар, шунингдек иш берувчилар ташкил этган ёки молиялаштирадиган органлар томонидан ходимлар номидан жамоавий музокаралар олиб борилишига ҳамда жамоа шартномаси тузилишига йўл қўйилмайди.

Ижтимоий шериклик тарафлари тегишли сўров олинган кундан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай жамоавий музокаралар олиб бориш учун зарур бўлган ўзидаги мавжуд ахборотни бир-бирига тақдим этиши керак.

Жамоавий музокаралар иштирокчилари, жамоавий музокаралар олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар олинган маълумотларни, агар ушбу

маълумотлар давлат сирларига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли бўлса, ошкор қилмаслиги лозим.

Жамоавий музокаралар бошланиши тўғрисида билдиришнома олган ижтимоий шериклик тарафи етти кунлик муддатда ташаббускорга жамоавий музокаралар ўтказилиши ҳақида жавоб юборган ҳолда жамоавий музокараларга киришиши шарт. Агар тарафларнинг келишувига кўра жамоавий музокаралар бошланишининг бошқа санаси белгиланмаган бўлса, жамоавий музокаралар ўтказиш ташаббускори томонидан мазкур жавоб олинган кундан кейинги кун жамоавий музокаралар бошланадиган кун бўлади.

Жамоавий музокаралар ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан олиб борилади. Ушбу комиссия, зарурат бўлганда, ишчи гуруҳлар тузишга ҳақли.

Ишчи гуруҳлар тарафлар тенглиги асосида ижтимоий шериклик тарафларининг вакилларида шакллантирилади. Тарафларнинг ҳар бири ишчи гуруҳдаги ўз вакиллариининг шахсий таркибини мустақил равишда белгилайди. Тарафларнинг келишувига кўра ишчи гуруҳ таркибига маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга бўлган мустақил олимлар, экспертлар, мутахассислар шартнома асосида киритилиши мумкин.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида жамоавий музокаралар тарафлари музокаралар предмети бўлган айрим масалалар юзасидан келишувга эриша олмаган бўлса, улар ихтилофларга сабаб бўлмаган масалаларга доир келишувни расмийлаштиради ва бир вақтнинг ўзида келишувга эришиб бўлмаган масалалар бўйича ихтилофлар баённомасини тузади.

Агар жамоавий музокаралар жараёнида музокаралар предмети бўлган барча масалалар юзасидан келишилган қарор қабул қилинмаган бўлса ҳам музокаралар тарафлари ихтилофлар баённомасини тузади.

Ихтилофлар баённомасида тарафларнинг ихтилофларни бартараф этиш учун зарур бўлган чоралар ва жамоавий музокараларни қайта тиклаш муддатлари тўғрисидаги келишиб олинган таклифлари кўрсатилади.

Тарафлар жамоавий музокараларни қайта тиклаш чоғида ҳал қила олмаган ихтилофларни ҳал этишга (тартибга солишга) доир низолар жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоавий музокараларда, жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлашда иштирок этадиган шахслар асосий ишидан тарафларнинг келишуви билан белгиланадиган муддатга, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда озод этилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда компенсация қилинади. Агар жамоа шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлмаса, олимлар, экспертлар ва

мутахассисларнинг хизматларига ҳақ тўлаш таклиф қилувчи тараф томонидан амалга оширилади.

Жамоавий музокараларда иштирок этадиган ходимларнинг вакиллари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан ушбу музокаралар олиб борилаётган даврда бекор қилишга, шунингдек уларга нисбатан интизомий жазо қўллашга ёки уларни бошқа ишга ўтказишга уларнинг вакиллик қилишига ваколат берган органнинг олдиндан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши.

Жамоа шартномасининг мазмунини ва тузилишини унинг тарафлари белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчининг ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгаришидан, инфляция даражасидан, жамоа шартномасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларнинг бандлиги, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни ишдан бўшатиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақтининг, таътилларнинг давомийлиги;

ходимларнинг, шу жумладан аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ташкилотни, идорага қарашли уй-жойни хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;

ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун имтиёзлар;

ихтиёрий тиббий ва ижтимоий суғурта;

иш берувчи томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари;

жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат қилиш, тарафларнинг жавобгарлиги, касаба уюшмаси қўмитаси фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар билан таъминлаш.

Ташкилотнинг иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, жамоа шартномасида бошқа шартлар, шу жумладан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллари, пенсияларга устамалар, муддатидан олдин пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш,

ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкилотларида ва мактабгача таълим ташкилотларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, уяли алоқа, Интернет жаҳон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш, олий таълим ташкилотларида ўқитиш учун ссудалар тўлаш ва ҳақ тўлаш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам бўлиши мумкин.

Агар қонунчиликда қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шартлиги тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлса, ушбу қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

Жамоа шартномасида қуйидаги шартлар бўлмаслиги керак:

ходимларнинг ҳолатини мазкур ходимларга татбиқ этиладиган қонунчиликка ёки жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирадиган;

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган;

ички даражада ҳал этилиши мумкин бўлган масалалардан ташқарига чиқадиган.

Агар жамоа шартномасида юқорида назарда тутилган шартлар бўлса, бундай шартлар ҳақиқий эмасдир. Жамоа шартномаси айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги жамоа шартномасининг умуман ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди.

Жамоа шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси ташкилотнинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши лозим ҳамда келиб тушган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия томонидан маромига етказилади.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси жамоатчилик экспертизасини ўтказиш учун тегишли касаба уюшмаларига, уларнинг бирлашмаларига, бўлинмаларга ва касаба уюшмалари қўмиталарига тақдим этилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг маромига етказилган лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига (конференциясига) кўриб чиқиш учун киритилади.

Жамоа шартномаси, агар меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) ҳозир бўлганларнинг эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия уни умумий йиғилишнинг (конференциянинг) таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ маромига етказди ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилишда (конференцияда) кўриб чиқиш учун такроран тақдим этади.

Тарафлар жамоа шартномаси лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида ҳал қила олмаган ихтилофларни ҳал этиш бўйича низолар жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари уч кун ичида жамоа шартномасини имзолайди.



Жамоа шартномасининг кучга кириши, амал қилиш муддати ва доираси.

Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан ёки жамоа шартномасида белгиланган кундан эътиборан кучга киради ва шартномада назарда тутилган муддат ичида, бироқ кўпи билан уч йил амал қилади. Мазкур муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунига ёки амалдаги жамоа шартномасини ўзгартиргунига, тўлдиргунига қадар амал қилади. Тарафлар жамоа шартномасининг амал қилиш муддати тугагунига қадар уни узайтириши мумкин.

Жамоа шартномасининг амал қилиши иш берувчига ва ташкилотнинг барча ходимларига, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан, ташкилотнинг алоҳида бўлинмасида тузилган жамоа шартномасининг амал қилиши эса тегишли бўлинманинг барча ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

Жамоа шартномасининг амал қилиши жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Ташкилотни қайта ташкил этиш якунланган пайтдан эътиборан бир ой ичида жамоавий музокараларнинг исталган тарафи амалдаги жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш ёки ўз кучида сақлаб қолиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақли.

Ташкилотнинг мулкдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши олти ой мобайнида сақлаб қолинади. Бу даврда тарафларнинг янги жамоа шартномасини тузиш ёхуд амалдагисини сақлаб қолиш, унга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақида музокаралар бошлашга ҳақли.

Жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш чоғида аввалги жамоа шартномасида ходимлар учун назарда тутилган имтиёзларни сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа шартларни бажариш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) тугатилаётганда жамоа шартномасининг амал қилиши тугатишнинг бутун муддати ичида сақлаб қолинади.

Жамоа шартномаси ташкилотнинг тузилмаси, номи, бошқарув органи таркиби ўзгарган ёки ташкилот раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам ўзининг амал қилишини сақлаб қолади.

Жамоа шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу Кодексда уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.


Иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат шартнома тарафларининг вакиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Шартнома тарафларининг вакиллари ҳар йили ёки жамоа шартномасида назарда тутилган муддатларда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

79-модда. Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат



*Ўзбекистон КУФ Ижроия қўмитасининг
2025 йил “07” апрелдаги 14-2-сонли қарорига
2-илова*

Жамоа шартномалари бўйича ҳисобот шакллари (1-JSh ва 2-JSh)ни тўлдиришга оид ТАВСИЯЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигининг асосий тушунчалари

Қонунчилик ҳужжатларида Ўзбекистонда мулкчиликнинг иккита шакли – хусусий ва оммавий (давлат) мулки, юридик шахсларнинг иккита тури – тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар эътироф этилган. Айни пайтда ташкилотларнинг таъсисчи ва мулкдор билан молиявий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлари ва бошқа хусусиятларга қараб, улар ташкилий-ҳуқуқий шакллариининг ҳилма-ҳиллиги билан фарқланадилар.

Мулкчилик шакллари

Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослар.

Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Оммавий мулкка қуйидагилар киради:

-давлат корхоналари;

-республика ва муниципал мулкидаги давлат муассасалари.

Юридик шахс тушунчаси

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Юридик шахслар турлари

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга Қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Хусусий корхоналар

Корхоналар

Давлат корхоналари

Жамоат бирлашмалари корхоналари (ташкилотлар)

Истеъмол кооперативи корхоналари

Маҳалла корхоналари

Акциядорлик жамиятлари

Давлат-акциядорлик жамиятлари

Аралаш ширкатлар

Тўлиқ ширкатлар

Ишлаб чиқариш кооперативлари

Деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкилотлари (бирлашмалар, ассоциациялар)

Мулкдорлар

Унитар корхоналар

Ассоциациялар (бирлашмалар)

Концернлар

Акциядорлик жамиятлари корхоналари бирлашмалари

Аралаш ширкат корхоналари бирлашмаси

Тўлиқ ширкат корхоналари бирлашмаси

Лизинг компаниялари

Корпорациялар

Холдинг компаниялари

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари

Бошқа тижорат ташкилотлари
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР

Давлат идоралари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари

Жамоат бирлашмалари (ташкилотлар)

Жамоат бирлашмалари идоралари (ташкилотлар)

Жамият, иттифоқ, ассоциация ва фондлар бирлашмаси

Истеъмолчилар жамиятлари уюшмаси

Истеъмол кооперацияси идоралари

Молиявий-саноат гуруҳлари

Давлат корхоналари

Бошқа нотижорат ташкилотлар

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари деб сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, фан, техника, маданий-оқартув, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, ватандошлар уюшмалари, жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари эътироф этилади.

Чет эл инвестициялари (сармояси) иштирокидаги корхоналар

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақларни очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

ссудаларни чет эл валютасида олиш ва қайтариш.

II. Жамоа шартномаси бажарилиши бўйича 1-JSh шаклини тўлдириш бўйича тавсиялар

1-JSh шакли бўйича йиллик ҳисобот электрон шаклда тўлдирилиб KASABA KIAT тизимига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январигача жойлаштирилади.

Ушбу шаклни фақат юридик шахслар мақомига эга ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси) топширади.

Агар ташкилотнинг алоҳида бўлинмаларида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлса, улар мазкур шаклнинг 06- ва 07-сатрларида акс эттирилади.

Жамоа шартномаси (жамоа шартномалари)га киритилган жами бандлар умуман ташкилот ва унинг бўлинмалари жамоа шартномалари бўйича ҳисоблаб жамланади (01-сатр).

Жамоа шартномаси (жамоа шартномалари)нинг ҳақиқатда бажарилган бандлари йиғиндиси ташкилотнинг ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссияси тузган текширув далолатномаси асосида ҳисоблаб чиқилади ва мазкур шаклга киритилади. (02-сатр).

Жамоа шартномаси (жамоа шартномалари) тадбирларини бажариш учун йил давомида сарф қилинган жами маблағ (03-сатр) ташкилотнинг молия бўлими, касаба уюшмаси қўмитаси ғазначиси ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида мазкур тавсияларнинг 1-илоvasида келтирилган **«Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун сарфланган маблағни ҳисоблашда инобатга олинадиган сарф-харажатлар рўйхати»**да келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони (04-сатр) «Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом» (АВ томонидан 17.02.2017 й. 2858-сон билан рўйхатга олинган) асосида ҳисоблаб чиқилади.

Жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун йил давомида сарф қилинган жами маблағ ва ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ ташкилот бўйича (алоҳида бўлинмаларни ҳам қамраб олган ҳолда) жамланиб, юридик шахс бўйича кўрсатилади.

II. Жамоа шартномалари бажарилиши бўйича 2-JSh ҳисобот шаклини тўлдириш бўйича тавсиялар

Жамоа шартномалари бажарилиши бўйича 2-JSh ҳисобот шакли бевосита масъул ходим томонидан ёки KASABA KIAT тизимида автоматлаштирилган ҳолда тўлдирилиши мумкин.

Жамоа шартномалари бажарилиши бўйича 2-JSh ҳисобот шаклини тўлдириш мақсадлари учун ташкилотларни таснифлаш хусусиятлари

2-JSh шакли бўйича ҳисоботда юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимида ўтиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 275-сонли қарори асосида, уларнинг **мулкчилик шакллари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари** бўйича туркумлаштирилади.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, қонун мулкчиликнинг иккита шакли: хусусий ва оммавий (давлат) мулкини тан олади. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи

субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳилма-ҳиллигини иложи борица тўлиқ ҳисобга олиш учун, ҳисобот беришнинг 2-JSh шаклида, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан чоп этиладиган Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларига оид йиллик қисқача статистик тўпламларида анъанавий тарзда қабул қилинган тартибда таснифлаштирилган.

Бунда мулкчиликнинг хусусий шаклидага корхоналар уларнинг ташкилий-ҳуқуқий аломатларига қараб бир нечта гуруҳларга бўлинган: чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқалар.

Мулкчилик шакллари бўйича ташкилотлар (1-7 устунлар)
--

2-JSh шакли тўлдирилади танда юридик шахсларнинг қуйидаги турлари кўрсатилиши лозим:

«Давлат мулки» (1-устун)

-давлат корхоналари (тижорат ёки нотижорат), республика ва муниципал мулкидаги халқ хўжалиги ва мулкый мажмуалари, концернлар,

-республика ва муниципал мулкидаги давлат муассасалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқалар.

(Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг сурати туширилган муҳрга эга барча юридик шахслар давлатники деб тушунилади).

«Хусусий корхоналар мулки» (2-устун)

Фуқаро ўз шахсий мулкни сармоя қилиши, давлат, ширкат ва бошқа корхоналар мулкни сотиб олиши, мулкни ижарага олиши, ким ошди савдосида ёки қонун назарда тутган бошқа асосларда харид қилиши натижасида яратилган мулк - хусусий мулк дейилади.

Мазкур устунда қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги хусусий корхоналар назарда тутилган: ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотга фуқарони хусусий мулкчилиги асосида ташкил этилган юридик шахслар.

“Фермер хўжаликлари” (3-устун)

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

«Акциядорлик жамиятлари» (4-устун)

Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг жойлашган ери, агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

“Масъулияти чекланган жамиятлар” (5-устун)

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

«Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар» (6-устун)

Чет эл сармояси (инвестициялари) иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият юритадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

«Бошқа мулкчилик шакллари» (7-устун)

Бошқа мулкчилик шакллари деб нодавлат нотижорат ташкилотлари юритилади.

Масалан:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари
2. Жамоат бирлашмалари (ташкилотлар)
3. Жамоат бирлашмалари идоралари (ташкилотлар)
4. Жамият, иттифоқ, ассоциация ва фондлар бирлашмаси
5. Истеъмолчилар жамиятлари уюшмаси
6. Истеъмол кооперацияси идоралари
7. Молиявий-саноат гуруҳлари
8. Бошқа нотижорат ташкилотлар.

«Жами»

Ушбу устунда ҳар бир сатр бўйича барча кўрсаткичлар йиғиндиси (1-7 устунлар йиғиндиси) кўрсатилади.

01. Жами ишловчилар сони

Мазкур сатрда ҳар бир мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар бўйича табақалаштирилган ва мазкур касаба уюшма органи томонидан касаба уюшма хизматига олинган барча ташкилотлардаги ишловчилар сони кўрсатилади.

02. Юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот, муассасалар ва /улардаги алоҳида бўлинмалар сони

Ушбу сатрда касаба уюшма хизматида турган юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот ва муассасалар (шунингдек, улардаги алоҳида бўлинмалар) кўрсатилади. Маълумотлар ҳар бир мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл бўйича алоҳида ва йиғиндиси келтирилган ҳолда берилади. (1-JSh шакли бўйича топширилган ҳисоботлар сони ва улардаги 06-сатр кўрсаткичлари йиғиндиси)

Фуқаролик кодексининг 39-моддасига биноан Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

2-JSh шаклини тўлдираётганда юридик шахслар (шунингдек, улардаги алоҳида бўлинмалар) ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сони амалда ҳамма вақт ҳам бир-бирига тенг келмаслигини инобатга олиш керак. Битта юридик шахсинг тизим бирликларида (масалан, трестга бирлашган бошқармаларда, ҳиссадорлик жамиятларининг филиалларида, юридик шахс мақомига эга бўлмаган давлат муассасаларида ва ҳоказо) бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилган бўлиши мумкин. Айти пайтда бир нечта юридик шахслардаги меҳнат жамоалари ягона касаба уюшма ташкилотига бирлашган бўлиши мумкин.

03. Улардан жамоа шартномаси тузганлар: ташкилотлар/алоҳида бўлинмалар

Жамоа шартномалари тузилган юридик шахслар (шунингдек, улардаги алоҳида бўлинмалар) сони ҳар бир мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл бўйича алоҳида ва йиғиндиси келтирилган ҳолда берилади.

04. Жамоа шартномаси тузган ташкилотларда ишловчилар сони

Мазкур сатрда жамоа шартномалари тузилган корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчилар сони, яъни ходимларни жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиниши кўрсатилади.

Бу сатрни тўлдиришда 1-JSh шакли бўйича топширилган ҳисоботлардаги 04-сатр кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Маълумотлар ҳар бир мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл бўйича алоҳида ва йиғиндиси келтирилган ҳолда берилади.

05. Жамоа шартномаларига киритилган жами бандлар / улардан бажарилган

05 сатрда жамоа шартномаларига киритилган жами бандлар ва каср (/) тагида шулардан бажарилганлари кўрсатилади. Маълумотлар ҳар бир мулкчилик шакли бўйича алоҳида ва йиғиндиси келтирилган ҳолда берилади.

06. Ташкилотларда жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ (минг сўм)

Жамоа шартномаси тадбирлари бажарилиши учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ, ҳисобот йилидаги амалда сарф қилинган чиқимлар асосида 2-иловада келтирилган схема бўйича ҳисобланади.

Бошланғич ташкилотнинг касаба уюшма органи ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағни ҳисоблашда, корхона бўйича умумий суммани ҳисобот йилида ходимларнинг рўйхатдаги сонига бўлиб кўрсатиши лозим.

Бевосита бошланғич ташкилотларга хизмат кўрсатувчи тармоқ касаба уюшма органи 06-сатрни тўлдиришда (бошланғич ташкилотлар касаба уюшма органлари тақдим этган маълумотлар асосида) мазкур органнинг касаба уюшма хизматида турган барча корхона, ташкилот, муассасалар бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарф қилинган маблағни қуйидаги формулага биноан ҳисоблаб чиқади:

$$Cp = (Cp1 \cdot Ч1 + Cp2 \cdot Ч2 + Cp3 \cdot Ч3 + \dots + Cpn \cdot Чn) / Чоб$$

бунда **Cp** - мазкур орган касаба уюшма хизматида турган барча ташкилотлар бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарф қилинган маблағ миқдори

Cp1, Cp2....Cpn - мазкур орган касаба уюшма хизматида турган ҳар бир ташкилот бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарф қилинган маблағ миқдори (бошланғич ташкилотлар касаба уюшма органлари тақдим этган маълумотлар асосида)

Ч1, Ч2 ... Чn - мазкур орган касаба уюшма хизматида турган ҳар бир ташкилот бўйича ҳисобот йилида ходимларнинг рўйхатдаги сони (бошланғич ташкилотлар касаба уюшма органлари тақдим этган маълумотлар асосида)

Чоб - мазкур орган касаба уюшма хизматида турган барча ташкилотлар бўйича ҳисобот йилида ходимларнинг умумий сони

Бевосита бошланғич ташкилотларга хизмат кўрсатмайдиган касаба уюшма органи (касаба уюшмалар ҳудудий кенгаши) 06-сатрни тўлдиришда (қуйи органларнинг 2-JSh шакли бўйича берган ҳисоботларига асосланиб) мазкур тармоқ (ҳудуд) бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдорини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқади:

$$\text{Сотр} = (\text{Ср1} * \text{Ч1} + \text{Ср2} * \text{Ч2} + \text{Ср3} * \text{Ч3} + \dots + \text{Срn} * \text{Чn}) / \text{Чоб}$$

бунда **Сотр** - мазкур тармоқ (ҳудуд) бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори

Ср1, Ср2....Срn - ҳар бир қуйи касаба уюшма органининг ўрта ҳисобда ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ миқдори (уларнинг 2-JSh шакли бўйича ҳисоботида 06-сатр маълумотлари)

Ч1, Ч2 ... Чn - ҳар бир қуйи касаба уюшма органининг 2-JSh шакли бўйича ҳисоботининг 04-сатри маълумотлари

Чоб - ҳисобот йилида мазкур тармоқ (ҳудуд) бўйича жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган ходимларнинг умумий сони

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Жамоа шартномалари бўйича ҳисобот шакллари (1-JSh ва 2-JSh)ни тўлдиришга оид тавсияларга

1-илова

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун сарфланган маблағни ҳисоблашда инобатга олинadиган сарф-харажатлар рўйхати

Т/р	Жамоа шартномаси орқали тартибга солинган сарф-харажатлар	Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун сарфланган маблағни ҳисоблашда инобатга олинadиган сарф-харажатлар меъёри	Асос ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўрнатилган меъёрлар
Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик			
1.	Касаба уюшмаси органларига сайланган ходимларга бериладиган имтиёзлардан	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 44-моддаси
2.	Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти сайлаб қўйиладиган органи (вакили)ни ўз вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	“Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси, Меҳнат кодексининг 45-моддаси
3.	Касаба уюшмалари органларининг ишлаб чиқаришдаги ўз ишидан озод этилмаган аъзоларига меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши, шунингдек касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилиши.	Иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан ошган қисми	“Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси, Меҳнат кодексининг 45-моддаси
4.	Иш берувчи томонидан касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	“Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси Меҳнат кодексининг 45-моддаси

5.	Ташкилот ходимлари, шунингдек олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг жамоавий музокараларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни компенсация қилиш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 64-моддаси
Меҳнат шартномаси			
6.	Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан ҳисоб-китоб қилишда жамоа шартномасига биноан (охиригача олинмаган иш ҳақи ҳамда ходим томонидан фойдаланилмаган барча асосий ва қўшимча таътиллار учун компенсациялардан ташқари) тўланган бошқа тўловлар	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 172-моддаси
7.	Ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш	а) Ишдан бўшатиш нафақаси миқдорининг: уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан; уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан; беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг юз фоизидан; ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизидан; ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан ошган қисми	Меҳнат кодексининг 173-моддаси

		б) ишдан бўшатиш нафақасининг миқдорига таъсир кўрсатадиган иш стажига ходимларнинг муайян тармоқдаги ёки муайян касбга доир меҳнат фаолияти давлари киритилган бўлса, шу киритиш ҳисобига нафақанинг ошган қисми в) ташкилотга иш берувчининг таклифи билан ишга кирган ходимларнинг кўрсатилган стажига ходим илгари меҳнат қилган ташкилотда ишлаган вақти ҳисобга олинган бўлса, шунинг ҳисобига ишдан бўшатиш нафақасининг ошган қисми	
Иш вақти			
8.	Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги учун тўлиқ миқдорда тўланадиган ҳақ	Жамоа шартномасига мувофиқ айрим тоифадаги ходимлар учун қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши муносабати билан нормал ва амалдаги иш вақти учун тўланадиган ҳақ ўртасидаги фарқ миқдорида. <i>(Қуйидагилар бундан мустасно:</i> <i>ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар;</i> <i>I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар;</i> <i>ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;</i> <i>иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларига, педагогларга ва бошқа тоифадаги ходимлар;</i> <i>уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бири (васийси).</i>	Меҳнат кодексининг 183-моддаси

9.	Тўлиқсиз иш вақтида ишлаганлик учун меъёрдан ортиқ тўланадиган ҳақ	Амалда тўланган ҳақ ва қонунчиликда белгиланган меъёр бўйича тўланиши лозим бўлган ҳақ ўртасидаги фарқ миқдорида.	Меҳнат кодексининг 186-моддаси
10.	Иш куни (смена) қисмларга бўлинган иш вақти режимида ишлаганлик учун устама	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 194-моддаси
Дам олиш вақти			
11.	Ходимни меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этишнинг дам олиш вақти бўлмаган даврлари учун сақлаб қолинган иш ҳақи	а) Жами сарф-харажатлар ҳажмида. б) Қуйидагилар учун ўртача иш ҳақидан юқори қисми сақлаб қолинганда юзага келган тафовут: меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиниши тўғрисидаги огоҳлантириш муддати даврида ходимга ишга жойлашиш учун бериладиган ишдан бўш бўлинадиган қўшимча кунлар; ўн олти ёшга тўлгунига қадар ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онадан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) бериладиган ишдан бўш бўлинадиган қўшимча кунлар; ҳомиладор аёлларга бериладиган ишдан бўш бўлинадиган кунлар; донорларнинг тиббий текширув кунида ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари топириладиган кунда ишдан озод этилиши; ижтимоий таътиллار: ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, болани парваришlash таътиллари, ўқув таътиллари ва ижодий таътиллари; ходим томонидан давлат ёки жамоат мажбуриятлари бажариладиган даврлар;	Меҳнат кодексининг 202-моддаси

		иш берувчининг ва меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб мажбуриятлар бажариладиган даврлар; ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврлари;	
12.	Ходимларга иш куни давомида иш вақтига киритиладиган танаффуслар берилганда сақлаб қолинадиган иш ҳақининг танаффус давомийлигига мутаносиб қисми.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 205-моддаси
13.	Қонунчиликда белгиланганидан ташқари, жамоа шартномаси орқали ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллар берилганда, шунингдек ҳар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлиги унинг қонунчилик билан кафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтирилганда таътил учун ҳақ тўланиши.	Ҳар йилги асосий ёки асосий узайтирилган таътилнинг қонунчиликда белгилаб қўйилган давомийлигидан юқори қисми учун тўланган ҳақ миқдорида	Меҳнат кодексининг 218-моддаси,
14.	Жамоа шартномасида ўрнатилган ҳар йилги қўшимча таътиллар учун ҳақ тўланиши.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида. (Меҳнат кодексининг 481, 483, 220-моддаларида, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган қўшимча таътиллар бундан мустасно.)	Меҳнат кодексининг 219-моддаси
15.	Битта ташкилотда ёки тармоқда қўп йиллик иш стажы учун бериладиган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили учун тўланган ҳақ.	Ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа иш берувчидаги ёхуд бошқа тармоқдаги иш стажини киритилиши натижасида мавжуд қўшимча таътилга яна қўшилган таътил кунлари учун тўланган ҳақ қисми.	Меҳнат кодексининг 220-моддаси
16.	Ходимга ҳар йилги меҳнат таътилида бўлган вақти учун ўртача иш ҳақи тўлаш	Меҳнат кодексининг 257-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган ўртача иш ҳақидан юқори қисми	Меҳнат кодексининг 233-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 й. 14.11.даги 758-сон қарорига 5-илова

17.	Ходимларга қонунчиликда белгиланмаган бошқа ижтимоий таътиллار бериш (никоҳ тузилганлиги муносабати билан, бола туғилиши муносабати билан боланинг отасига, ходимнинг яқин қариндоши вафот этганлиги муносабати билан, ва бошқалар) ва бундай таътиллarda бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ёки унинг бир қисми сақланиб қолиши назарда тутилиши.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 238-моддаси
18.	Қонунчиликда белгилаб қўйилган ижтимоий таътиллар давомийлигини уларнинг қонунчиликда белгиланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш ва бу давр учун моддий ўртача иш ҳақини сақлаш ёки моддий ёрдам бериш.	Қонунчиликда белгилаб қўйилган меъёрдан юқори қисми	Меҳнат кодексининг 238-моддаси
19.	Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил берилганда қисман сақланадиган иш ҳақининг миқдори	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 240-моддаси
Меҳнатга ҳақ тўлаш			
20.	Жамоа шартномаси билан ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими бўйича иш ҳақининг асосий қисмини тўлаш	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги ва қонунчилик билан белгилаб қўйилган (ёки белгилаб қўйилиши мумкин бўлган) тизимлари бўйича ҳисоблаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш фондлари ўртасидаги тафовут (масалан, ЯТС бўйича ва ташкилотда амалда бўлган тариф сеткаси ёки тарифсиз тизим бўйича ҳисоблаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўртасидаги фарқ)	Меҳнат кодексининг 243-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг: 2019 йил 18 январдаги 47-сон қарори; 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарори.
21.	Янги ишлаб чиқариш (маҳсулот) ўзлаштириладиган даврда ходимнинг олдинги иш ҳақини сақлаб қолиш	Амалдаги тариф бўйича ҳисобланган ва сақлаб қолинаётган иш ҳақи ўртасидаги тафовут	Меҳнат кодексининг 261-моддаси

22.	Иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш	Тўланган ҳақнинг бир ярим ҳиссасидан ортиқ қисми	Меҳнат кодексининг 262-моддаси
23.	Дам олиш кунларида ёки ишланмайдиган байрам кунларида меҳнатга ҳақ тўлаш	Тўланган ҳақнинг икки ҳиссадан ортиқ қисми	Меҳнат кодексининг 263-моддаси
24.	Тунги вақтдаги меҳнат учун ҳақ тўлаш	Тўланган ҳақнинг 1,5 баравардан ортиқ қисми	Меҳнат кодексининг 264-моддаси
25.	Бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш	Иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолинган вақт учун бекор туриб қолинган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошининг) учдан икки қисмидан юқори миқдори.	Меҳнат кодексининг 266-моддаси
Кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари			
26.	Меҳнат кодексининг 280-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кафолатли тўловлардан ташқари жамоа шартномасида белгиланган бошқа кафолатли тўловларни амалга ошириш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 280-моддаси
27.	Меҳнат кодексининг 281-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кафолатли қўшимча тўловлардан ташқари жамоа шартномасида белгиланган бошқа кафолатли қўшимча тўловларни амалга ошириш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 281-моддаси
28.	Меҳнат кодексининг 286-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган компенсация тўловларидан ташқари жамоа шартномасида белгиланган бошқа компенсация тўловларини амалга ошириш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 286-моддаси
29.	Хизмат сафарлари чоғидаги компенсация тўловлари	а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарига юборилган ходимга турар жой билан боғлиқ харажатлар (меҳмонхона	1. Меҳнат кодексининг 287-моддаси. 2. Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги

		ёки турар жой ижараси), хизмат сафари жойига бориш, шу жумладан, хизмат сафари доирасида шаҳарлараро ва туманлараро ҳаракатланиш ҳамда доимий иш жойига қайтиш учун йўл харажатларини қоплаш, шунингдек, кундалик харажатлар учун ҳақ тўлаш сарф-харажатларининг Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом”да келтирилган меъёрлардан юқори қисми миқдорида б) Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилган ходимлар учун хизмат сафари харажатларининг “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”да кўрсатилганидан юқори қисми миқдорида.	424-сонли қарори. 3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низом”.
30.	Иш сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга бўлганда, шунингдек дала шароитларида ва вахта усулида ишланганда компенсация тўловлари	Меҳнат кодекси 288-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилганидан кўпроқ миқдорда тўланган компенсациялар миқдорида. <i>(Маълумот учун, Меҳнат кодекси 288-моддасида:</i> <i>Сайёр хусусиятга эга иш учун устамалар қуйидаги энг кам миқдорларда белгиланади:</i> <i>ташкилот жойлашган жойдан иш жойига (объектга) етиб бориш ва орқага қайтиш учун сафар кун давомида уч</i>	1. Меҳнат кодексининг 288-моддаси 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори

		соатдан кам бўлмаган ва иш вақтидан ташиқари вақтда амалга оширилган ҳолларда, - қонунчиликда белгиланган суткалик ставканинг саксон фоизигача ва саксон фоизи миқдорида, уч соатдан кам бўлган ҳолларда эса қирқ фоизигача ва қирқ фоизи миқдорида; ишларни йўлда бажариш билан боғлиқ сафар чоғида - йўлда ўтган ҳар бир кун учун ойлик тариф ставкасининг (маошининг) бир ярим фоизи, йўловчи поездларига, почта-багаж поездларига, йўловчи поездлари ва почта вагонларининг ресторан-вагонларида (кафе-буфетларда) хизмат кўрсатувчи ходимларга эса уч фоизи миқдорида; агар ходимлар бир ойда ўн икки ва ундан ортиқ кун сафарда бўлса, -қонунчиликда белгиланган суткалик норманинг йигирма фоизигача, агар бир ойда ўн икки кундан кам сафарда бўлса, - сайёр хусусиятга эга шароитлардаги ишининг бир суткаси учун ойлик тариф ставкасининг (маошининг) ўн беш фоизигача миқдорда. Кўчиб юриш хусусиятига эга иш учун устама қуйидаги энг кам миқдорларда белгиланади: олис объектларда бўлиш кунларида - ҳар бир тўлиқ ишланган иш кунни (смена) учун ходим кунлик ставкасининг ўттиз фоизигача; объект жойлашган ерга бориш ва орқага қайтиш кунларида -ходимнинг кунлик тариф ставкаси миқдорида.	
--	--	--	--

		<i>Дала шароитларидаги иш учун дала нафақаси қўйидаги миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда тўланади:</i> <i>бевосита дала ишлари ўтказиладиган объектларда, ташкilotнинг даладаги базавий шаҳарчасидан ташқарида ишлаганда - кунлик меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти фоизи;</i> <i>ташкilotларнинг даладаги базавий шаҳарчаларида бажариладиган иш учун - кунлик меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки фоизи.</i> <i>Вахта усулидаги иш учун ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда устама белгиланади.)</i>	
31.	Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари бўйича тўловлар	Жами сарф-харажатлар ҳажмида. (Бюджетдан молиялаштириладиган ташкilotлар, шунингдек, устав капиталида (фондида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкilotлар бундан мустасно)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори
32.	Ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтаётганда компенсация тўловлари	Бошқа жойда ишлаш учун кетаётган ходимлар учун тўловларнинг Меҳнат кодекси 289-моддаси биринчи қисмида назарда тутилганидан юқорироқ миқдорлари.	Меҳнат кодексининг 289-моддаси
33.	Иш берувчининг йўлланмаси бўйича касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкага юборилган ходимларга яшаш жойидан ташқарида яшаганлик учун компенсация (суткалик) тўлови	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 290-моддаси

34.	Бошқа кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари (таътилга чиқишда қўшимча тўлов, кўп йиллик химатлари учун устамалар ва ҳоказо)	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 280-моддаси
Меҳнат интизоми			
35.	Меҳнат учун рағбатлантириш (мукофотлар, шу жумладан ойлик, чораклик, байрам саналари муносабати билан, йил яқунлари бўйича мукофотлаш ва ҳоказо)	Жами сарф-харажатлар ҳажмида. <i>(Маълумот учун: Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турлари жумласига кирмайди.)</i>	Меҳнат кодексининг 299-моддаси
Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги			
36.	Иш берувчининг ходимни меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум қилганлиги натижасида унга етказилган зиённинг ўрнини қоплаш мажбурияти	Жами сарф-харажатлар ҳажмида. <i>(Қўйидаги ҳоллар бундан мустасно: ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги; ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги; ходим ишдан гайриқонуний равишда четлаштирилганлиги; ходим билан меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги; ходимга меҳнат дафтарчаси ёхуд электрон меҳнат дафтарчаси кўчирмаси берилиши иш берувчи томонидан кечиктирилганлиги; меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича органнинг ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги қарорини ўз вақтида бажармаганлиги; ходимнинг бошқа ишга киришига</i>	Меҳнат кодексининг 320-моддаси

		<i>тўсқинлик қиладиган, унинг шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар ҳар қандай усул билан тарқатилганлиги;)</i>	
37.	Ходимнинг соғлиғига зиён етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақа миқдори	Жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида ҳисобланган йиллик иш ҳақидан юқори қисми.	Меҳнат кодексининг 323-моддаси
38.	Меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги туфайли боқувчи вафот этганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори	Мархумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан юқори қисми.	Меҳнат кодексининг 330-моддаси
39.	Ходимга иш ҳақи тўлашни ва унга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни кечиктирганлик учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги	Пулли компенсациянинг Меҳнат кодекси 333-моддасида кўрсатилганидан юқори қисми.	Меҳнат кодексининг 333-моддаси
Меҳнатни муҳофаза қилиш			
40.	Меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар учун иш берувчи томонидан ажратиладиган маблағлар ва материаллар (шу жумладан, Меҳнат муҳофазаси бўйича битим)	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 353-моддаси
41.	Меҳнат шароитларига кўра иш ўринларини аттестациядан ўтказиш сарф-харажатлари.	Меҳнат кодексининг 361-моддасида назарда тутилганидан бошқа иш ўринларини меҳнат шароитларига кўра аттестациядан ўтказиш сарф-харажатлари	Меҳнат кодексининг 361-моддаси
42.	Ходимларни сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 363-моддаси
Ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш			
43.	Ходимларни мажбурий қайта тайёрлаш	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 367-моддаси

	ва уларнинг малакасини ошириш талаблари жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда бундай тадбирларни молиялаштириш.		
44.	Мураббийлик	Мураббийликни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар	Меҳнат кодексининг 368-моддаси
45.	Ходимларни қайта тайёрлаш ёки малака ошириш ихтиёрий равишда амалга оширилса, унинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 370-моддаси
46.	Ишни таълим билан бирга олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш	Сарф-харажатларнинг Меҳнат кодекси 383-моддаси 2,3,4-қисмларида белгилаб қўйилганидан юқори миқдори.	Меҳнат кодексининг 383-моддаси
47.	Кечки ёки сиртқи таълим шакли бўйича таълим олаётган ходимлар учун кафолатлар ва компенсациялар	Сарф-харажатларнинг Меҳнат кодекси 385-моддаси биринчи қисмида назарда тутилганига нисбатан давомийлиги кўпроқ бўлган ўқув таътиллари бериш билан боғлиқ қисми.	Меҳнат кодексининг 385-моддаси
Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жihatдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари			
48.	Уч ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бири (васийси) учун қисқартирилган иш вақти	Нормал ва тўлиқсиз иш вақти учун тўланадиган иш ҳақлари ўртасидаги тафовут миқдори. (Фақат бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар учун)	Меҳнат кодексининг 397-моддаси
49.	Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар учун қўшимча имтиёзлар	Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан ташқари ўрнатилган имтиёзлар учун сарф-харажатлар миқдори	Меҳнат кодексининг 413-моддаси
50.	Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун пасайтирилган ишлаб чиқариш нормалари	Пасайтирилган ишлаб чиқариш нормалари жорий этилиши учун сарф-харажатлар миқдори	Меҳнат кодексининг 419-моддаси

51.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли меҳнат шарт-шароитлари	Қонунчиликда белгиланган имтиёзларга қўшимча равишда ўрнатилган имтиёзли шарт-шароитлар учун сарф-харажатлар миқдори	Меҳнат кодексининг 425-моддаси
52.	Касаначининг йиллик меҳнат таътили	Йигирма бир календарь кундан ортиқча қисми учун сарф-харажатлар миқдори	Меҳнат кодексининг 449-моддаси
53.	Иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш	Стационар иш жойида ходим бажараётган ишнинг ўзига хос хусусияти уни вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтишини ёки ўтказилишини амалга ошириш имконини бермаса ва Меҳнат кодекси 454-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган чораларни кўриш имкони бўлмаса, мазкур ходим ўз меҳнат вазифаларини бажармаётган вақт иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолиш ҳисобланади ҳамда бу вақт учун Меҳнат кодекс 266-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳақ тўланади. Агар жамоа шартномасида каттароқ тўлов миқдори назарда тутилган бўлса бекор туриб қолинган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошининг) учдан икки қисмидан юқори миқдори.	Меҳнат кодексининг 454-моддаси
54.	Масофадан туриб ишловчи ходимлар томонидан уларга тегишли бўлган ёки ижарага олинган ускуналар, ташкилий техника, дастурий-техник воситалар, алоқа воситалари, ахборотни ҳимоя қилиш воситаларидан ҳамда бошқа воситалардан фойдаланганлик учун компенсациянинг миқдори, масофадан туриб ишлаш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг ўрнини	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 459-моддаси


	қоплаш.		
55.	Масофадан туриб ишловчи ходимнинг ҳар йилги меҳнат таътили	Йигирма бир календарь кундан ортиқча қисми учун сарф-харажатлар миқдори	Меҳнат кодексининг 462-моддаси
56.	Вахта усулида ишловчи шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, кафолатлар ва компенсациялар	1. Вахтадаги иш жадвали доирасидаги иш вақтида ортиқча ишлаганлик муносабати билан тўланган ҳақнинг ҳар бир дам олиш куни (вахталар оралиғидаги дам олиш куни) учун кунлик тариф ставкаси, кунлик ставка (бир кунлик иш учун маошининг бир қисми)дан юқори қисми миқдорида. 2. Вахта усулида ишлаганлик учун устаманинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизидан юқори қисми.	1. Меҳнат кодексининг 472-моддаси 2. Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида Намунавий низом (ЎзР ВМ 13.07.2023 й. 287-сон қарорига илова)
57.	Ноқулай меҳнат шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътилга тўланган ҳақ	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 481-моддаси
58.	Ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун ҳар йилги қўшимча таътилга тўланган ҳақ	1. Жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун Меҳнат кодекси 483-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилмаган йиллик қўшимча таътиллار белгилан бўлса - жами сарф-харажатлар ҳажмида. 3. Нобюджет ташкилотлар учун “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун қўшимча таътиллار ўрнатилган бўлса - жами сарф-харажатлар ҳажмида.	1. Меҳнат кодексининг 483-моддаси 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори

59.	Ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш коэффициентлари	Нобюджет ташкилотлар учун “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилниң энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик устамалар ўрнатилган бўлса - жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори
60.	Вақтинчалик ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланган ишдан бўшатиш нафақаси	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 499-моддаси
61.	Иш берувчи бўлган микрофирмаларнинг ходимларига ушбу микрофирмадаги иш стажини учун қўшимча меҳнат таътилига тўланган ҳақ	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 505-моддаси
62.	Аёллар ва oilавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар учун қўшимча имтиёзлар	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
63.	Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар			
64.	Пенсионерлар пенсияларига устамалар тўлаш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
65.	Муддатидан олдин пенсияга чиқиш харажатларини иш берувчи томонидан қоплаш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
66.	Ходимларнинг иш билан боғлиқ транспорт харажатларини компенсация қилиш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
67.	Ходимларни ишлаб чиқаришда бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси

	овқатлантириш.		
68.	Ходимларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкилотларида ва мактабгача таълим ташкилотларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
69.	Уяли алоқа, Интернет жаҳон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
70.	Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт шартномаси асосида таҳсил олиш сарф-харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
71.	Ходимларга фойсиз ссудалар бериш.	Жами сарф-харажатлар ҳажмида	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
72.	Бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар	Жами сарф-харажатлар ҳажмида ёки қонунчиликда белгилаб қўйилганидан юқори миқдорида.	Меҳнат кодексининг 67-моддаси
73.	Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари	Жами сарф-харажатлар ҳажмида.	Меҳнат кодексининг 67-моддаси

**Жамоа шартномалари бўйича ҳисобот шакллари (1-JSh
ва 2-JSh)ни тўлдиришга оид тавсияларга
2-илова**

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағни ҳисоблаш схемаси



МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Касаба уюшмасининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади - ходимларнинг иш ҳақи ва даромадларини юксалтиришга кўмаклашишдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларида белгиланишича, Федерациянинг вазифа ва функциялари ғоят серқирра бўлса-да, касаба уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ва даромадларини юксалтиришдан иборатдир.

Муносиб меҳнатнинг асосий мезони - муносиб иш ҳақидир, зеро, бундай иш ҳақи меҳнаткаш ва унинг оиласининг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизими учун негиз яратади, инсонга ўз саломатлигини юксак ишчанлик, жисмоний фаоллик, узоқ умрни таъминловчи даражада сақлаб туриш имконини беради, шунингдек, касбий, маданий ва маънавий ривожланиш ҳамда цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун шарт-шароит яратади.

Касаба уюшмалари учун **муносиб иш ҳақи тушунчаси** - мулк шаклидан қатъий назар, барча ташкилотларда асослантирилган миқдорларда ўрнатилган ҳамда ходимнинг малака даражасига, бажариладиган ишнинг мураккаблиги, миқдори, сифатига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган, шунингдек, кам ва кўп ҳақ оловчи ходимлар тоифалари иш ҳақлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлайдиган **адолатли иш ҳақини англатади.**

Шундан келиб чиққан ҳолда, Федерация ва унга аъзо ташкилотларнинг келгуси даврдаги саъй-ҳаракатлари яратилган миллий маҳсулотнинг меҳнат ва капитал ўртасида адолатли тақсимланишига, **ялпи ички маҳсулот таркибида (маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархида) иш ҳақининг улуши оширилишига** эришишга йўналтирилади.

Миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенцияси талабларига мувофиқлаштириш борасида изчил чоралар кўрилади.

Меҳнаткашларнинг ҳам **номинал, ҳам реал иш ҳақлари сезиларли даражада оширилишига** қаратилган ҳаракатлар давом эттирилади, **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг таклифлари тизимли равишда ишлаб чиқирилиши йўлга қўйилади.

Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор бўйича Халқаро меҳнат ташкилотида эришилган уч томонлама консенсус республикамизда ҳам иш ҳақини белгилаш ва жорий этиш жараёнларида ўз ифодасини топиши лозим.

Шу боис, Федерация ва унга аъзо ташкилотлар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражада умум белгиланиши тарафдори бўлиб, тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан паст бўлган даромадларни фуқароларнинг солиқ солинадиган даромадларидан чегириб ташлаш ғоясини ёқлайди.

Федерацияга аъзо ташкилотлар ўз ижтимоий шерикларига аҳоли пул даромадларининг ўзгариш динамикаси, инфляцияни жиловлаш ҳамда нархлар ўсишининг салбий оқибатларини юмшатиш вазифалари билан уйғунлашган тариф ва нарх-наво сиёсатини юритишни тавсия этиб боради. **Жамоа шартномалари ва келишувларига истеъмол нархларининг ўсишига қараб ходимларнинг иш ҳақи, бошқа пуллик даромадлари индексация қилиниши тўғрисидаги қоидалар киритилишига эришилади.**

Жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг **оширилган тариф коэффициентлари**, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, компенсациялар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловларни жорий этиш борасидаги меҳнат жамоаларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар қабул қилинади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ёки бошланғич ташкилотлари билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар фаолиятида **иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган тарзда ушлаб қолишларга йўл қўймаслик, ходимларга тўланаётган ҳақ уларнинг малакасига ва меҳнат шароитларига мувофиқлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари табақаланишни камайтириш ва камситишларга йўл қўймаслик** масалалари устувор бўлиб қолаверади.

Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир

кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгилаб қўйилган пулли компенсация билан бирга тўланиши назоратга олинади.

Жамоа шартномавий ҳужжатлар **воситасида тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш** принципини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Беқарор иқтисодий вазият юзага келган шароитда даромадлар кафолатларини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг **тариф тизимлари кенг жорий этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбат ўрнатилиши, иш берувчи тўловга лаёқатсиз бўлганда иш ҳақи ҳимоя қилиниши, иш ҳақи учун яширин тўловларга йўл қўймаслик масалаларида муросасиз бўлади.**

Юқорида келтирилган вазифаларни касаба уюшмалари бўлинмалари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ваколатларига мос ҳолда қуйидагича конкретлаштириш мумкин.

1. Жамоа шартномаларига инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақини индексация қилиш тўғрисида меъёрлар киритилишига эришиш.

2. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этиш борасида тармоқ ёки корхона миқёсида тадбиқ этиладиган тариф сеткаларини таҳлил қилиш, уларда айрим тоифаларга мансуб ходимларнинг тариф коэффицентлари асоссиз равишда пасайтириб юборилиши эвазига бошқа тоифаларга мансуб ходимларники оширилишини олдини олиш чораларини кўриш, бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича локал ҳужжатларни келишиб бериш ваколатидан самарали фойдаланиш.

3. Тармоқнинг ёки корхонанинг ўз тариф сеткаларини ишлаб чиқишда ходимларнинг тариф коэффицентлари Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткаси (ЯТС)даги мос разрядларникига нисбатан пасайтириб юборилишига йўл қўймаслик тавсия этилади. (Маслан, ЯТС бўйича 3-разряднинг тариф коэффиценти 1,1060 га тенг бўлса, тармоқ (корхона)нинг ўз тариф сеткасида 3-разряд учун тариф коэффиценти шундан кам бўлмаслигини талаб қилиш лозим).

4. Меҳнатни меъёрлаштириш масалаларида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш: ишбай баҳоларни, лавозим йўриқномаларини келишиб беришда меҳнат меъёрлари асосланганлигига (хусусан, тўланадиган ҳақни оширмай туриб ходимнинг мажбуриятлар доираси кенгайтирилишига йўл қўймаслик нуқтаи назаридан) алоҳида эътибор бериш.

5. Ташкилот (тармоқ, ҳудуд) бўйича ўртача иш ҳақини ҳамда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таркибида иш ҳақи улушини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва уни пасайиб кетишига йўл қўймаслик.

6. Ташкилот (тармоқ)да иш ҳақининг асосий (базавий) ва қўшимча (ўзгарувчан) қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат тармоқ жамоа келишувларида ва жамоа шартномаларида белгиланишига, бунда иш ҳақининг асосий (базавий) қисми 50 фоиздан кам бўлмаслигига эришиш.

7. Иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан касаба уюшмаларининг таъсирчан назоратини ўрнатиш керак. Бу борада тизимли равишда жамоатчилик мониторингини олиб бориш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини юритиш тизими», «Энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини юритиш схемаси» каби намунавий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб жойларга етказилган.

8. Маълумки, айрим иш берувчилар (айниқса фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя қилмайдилар. Баъзида бу миқдорга мукофотлар, иш ҳақига устамалар, бошқа рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек иш вақтидан ташқари иш, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги иш, тунги вақтдаги иш учун тўловлар, туман коэффицентларига доир тўловлар ҳамда бошқа компенсацияга оид ва ижтимоий тўловларни ҳам қўшган ҳолда, тўланаётган ҳақ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам эмаслигини кўрсатишади.

Бундай ҳол Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 245-моддасига зидлигини ҳисобга олиб, ходимнинг мансаб маоши (оклади)нинг ўзи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслигини талаб қилиш лозим.

9. Иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 333-моддасига биноан тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлашини талаб қилиш тавсия этилади.

10. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 253-моддасига биноан иш берувчи ходимнинг сўровига кўра уни иш берувчи томонидан ходимнинг иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш чоғида амалга оширилган ҳисоблашлар ва ушлаб қолишлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Бундай амалиётни кенг жорий қилиш тавсия этилади. Зеро, бу билан ходимларга тегишли маблағлардан ноқонуний ушлаб қолишларнинг олди олинади.

11. Нобюджет ташкилотларининг жамоа келишувлари ва шартномаларида Ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун харажатлар солиқ солинадиган базага киритилган ҳолда устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши

тўғрисидаги шартларни молиявий имкониятдан келиб чиқиб назарда тутиш тавсия этилади.

12. Устав капиталида (фондида) давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ташкилотларда ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллашга эришиш.

13. Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхатини, шунингдек, устамалар миқдорини иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишига ва жамоа шартномасида кўрсатилишига эришиш.

14. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ташкилотларда автотранспорт ҳайдовчиларига малака даражаси учун, халқаро юк ташувларини амалга оширганлиги учун устамалар ўрнатилишига ва уларнинг миқдори жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилишига эришиш.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР, ТАВСИЯЛАР

**Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўйича вакил тўғрисида
НИЗОМ**

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда (кейинги ўринларда - ташкилотлар) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда - вакил) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланади.

3. Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказади ва номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилади.

4. Номзодлар вакил бажарадиган вазифаларга билими, тажрибаси, саломатлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра тайёр бўлмаса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номзодларни қайта кўриб чиқиш таклифи билан меҳнат жамоасига қайтариши мумкин.

5. Ўз лавозимига кўра ташкилотдаги меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолати учун жавобгар бўлган шахслар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларидан бўлган шахслар вакил этиб сайланиши мумкин эмас.

6. Ташкилотда ишловчиларнинг сонидан, унинг бўлинмалари географик жиҳатдан турли ҳудудларда жойлашганидан, меҳнат шароитларининг хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда бир неча вакил, шу жумладан, алоҳида бўлинмаларда сайланиши мумкин. Бундай ҳолларда вакиллардан бирига "Бош вакил" мақоми берилади ва у вакилларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вакилларнинг сайланишини таъминлаш учун жавобгарлик иш берувчи ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига юкланади.

7. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлайди.

8. Вакил ўз фаолияти тўғрисида жамоа шартномасида ёки жамоа келишувида белгиланган муддатларда, аммо бир йилда камида бир марта меҳнат жамоаси олдида, чорак якуни билан эса бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳисобот беради.

2-БОБ. ВАКИЛ ВАЗИФАЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

9. Қуйидагилар вакилнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мунтазам равишда мустақил ёки назорат қилувчи органлар билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ходимларни хавфсизлик талаблари бузилганлиги аниқлангани ҳақида огоҳлантириш.

10. Вакил ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида текшириш далолатномасини тузиш ва иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланганини назорат қилиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ташкилот раҳбаридан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар ва нормалар лойиҳаларини, шунингдек, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли тарафларнинг аралаш жавобгарлигида ташкилот раҳбарияти айби даражаси тўғрисида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар талабларини бузган ёки ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан ўзига ҳам, бошқа ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётига ҳам таҳдид соладиган ходимларни жавобгарликка тортиш талаби билан иш берувчига ёки таркибий бўлинма раҳбарига мурожаат қилиш;

ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича иш берувчига тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, суд харажатларини тўлашдан озод этилган ҳолда, судга даъво аризаси билан мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилгани, шунингдек, меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

11. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меҳнат жамоасининг, зарур ҳолларда эса касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номидан давлат, суд ва жамоат ташкилотларида ваколатли вакили ҳисобланади.

12. Вакил ўз фаолиятини ушбу Низомга ва ташкилотнинг ички ҳужжатларига асосан ташкилотнинг мутасадди ходимлари ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

3-БОБ. ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Иш берувчи вакил фаолиятини йўлга қўйиш учун қуйидагиларга мажбур:

вакилнинг ҳуқуқларини таъминлаши, унинг фаолиятига қўмаклашиши;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирокида бир ой муддатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган ваколатли шахсларни иш берувчи томонидан тасдиқланган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган дастурлар бўйича иш берувчи маблағлари ҳисобидан ўқитишни ташкил этиши;

вакил вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитларни яратиши, меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ҳамда бошқа маълумотнома материаллари билан таъминлаши, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича вакил томонидан киритилган асосли таклифларини амалга ошириш чораларини кўриши;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ишлаб чиқиладигани ҳақида вакилни хабардор қилиши ва унинг розилигини олиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборотни тақдим этиши;

вакилга ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар ҳафтада камида икки соат давомида ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этади (бу вақтнинг аниқ давомийлиги ва кунлари жамoa шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари келишувига биноан белгиланади).

14. Вакилнинг ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир масалалар юзасидан киритган таклифларини иш берувчи 10 кун муддатда кўриб чиқиши ва қабул қилган қарорлари ҳақида унга ёзма равишда асосли жавоб бериши лозим.

4-БОБ. ВАКИЛ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

15. Ташкилот бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари сайланган вакилга сайлов ўтгандан кейин уч иш кунидан кечикмай гувоҳнома беради. Гувоҳнома шакли ташкилотнинг локал ҳужжатлари билан тасдиқланади. Вакил ушбу гувоҳномага асосан хизмат кўрсатадиган участканинг барча иш жойларига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

16. Иш берувчи билан вакил ўртасидаги низо, агар низо вакилнинг вакиллик вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ёки манфаатдор тарафнинг мурожаатига кўра суд тартибида ҳал этилади.

17. Вакилга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг олдидан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

18. Вакил ўзининг вакиллик вазифаларини бажаргани учун иш берувчи томонидан рағбатлантирилиб борилади. Шунингдек, вакил ушбу вазифалар учун бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилиши мумкин.

19. Жамоа шартномасида ёки жамоа келишувида касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари таркибига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ходимлар учун ушбу тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар вакилга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

20. Вакил ўзига юкланган вазифаларни қониқарсиз бажарган ҳолларда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ташаббуси билан, уни сайлаган органнинг қарори билан муддатидан аввал вазифасидан озод этилиши мумкин.

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**

**O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI**

РАЁСАТ

RAYOSAT

**ҚАРОРИ
QARORI**

2017 йил 4 апрель

Тошкент ш.
Toshkent sh.

№ 6 - 44 "с"

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳужжатларини
Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш
тўғрисида"ги Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Федерация Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 18 октябрдаги 4-4-сонли қарори билан тасдиқланган Ишчи гуруҳ томонидан Федерация тизимида амалда бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ҳужжатлар хатловдан ўтказилди. Хатлов якуни бўйича айрим ҳужжатларни қонун талабларига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Федерация тизимидаги ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатнинг назоратини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда) **1-иловага**;

Касаба уюшмаси кўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси тўғрисида Низом **2-иловага**;


Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари мазкур қарор билан тасдиқланган ҳужжатларни барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига етказсин ва ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги **9-23-сонли**, 1996 йил 23 сентябрдаги **10-10-сонли**, 2012 йил 3 сентябрдаги **8-25 "о"-сонли** ва 2015 йил 5 февралдаги **21-10 "с"-сонли** қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Б.Махмадалиевга юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси



К.Рафиков

КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИНИНГ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари (бундан буён матнда касаба уюшмаси ташкилоти) томонидан тузиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида комиссиянинг фаолияти ташкил этилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Комиссия касаба уюшмаси ташкилотининг сайланма органи ҳисобланиб, касаба уюшмаси ташкилоти ваколатли бўлган даврда ташкил этилади ва фаолият олиб боради.

Тармоқнинг хусусияти ва ходимлар сонидан келиб чиқиб, Комиссия таркиби (раис ва аъзолари) ва сони касаба уюшмаси ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Ташкилотда касаба уюшмаси аъзолари сони 15 нафардан кам бўлган тақдирда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил зиммасига юкланади.

2. Комиссиянинг асосий вазифаси:

иш берувчининг қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мазкур соҳада касаба уюшмалари аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш.

3. Комиссиянинг аъзолари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа хизматларда иш берувчининг вакили сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги масалаларида ташкилий-бошқарув ва назорат функцияларини бажармайдиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича вазифалар лавозим йўриқномаларида белгиланмаган тажрибали ходимлар – касаба уюшмалари аъзолари бўлиши мумкин.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси касаба уюшмаси ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича вакили ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг

кафолатлари тўғрисида”ги ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (31-моддаси) қонунлари доирасида, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставлари асосида ваколатларга эга бўлади.

4. Касаба уюшмаси ташкилоти аъзоларидан бири Комиссия раиси этиб сайланади. У бир вақтнинг ўзида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ҳам ҳисобланади.

5. Комиссия ўз фаолиятида меҳнат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставларига амал қилади.

6. Комиссия касаба уюшмаси ташкилоти тасдиқлаган иш режага мувофиқ фаолият юритади.

7. Комиссиянинг мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

8. Комиссиянинг мажлиси ярмидан кўп аъзолари иштирок этганда қонуний ҳисобланади.

Комиссия қарорлари кворум мавжуд бўлган ҳолда кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор шаклида қабул қилинади.

9. Комиссия мажлисининг баёни эркин ёзилган шаклда бўлиб, тавсиявий хусусиятга эга ҳамда у иш берувчига ва бошқа манфаатдор шахсларга амалиётга тадбиқ этиш учун тақдим этилади.

Энг муҳим ва принципиал масалалар бўйича Комиссия касаба уюшмаси ташкилотига материалларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш учун киритади.

10. Комиссия раиси ва аъзолари ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ва хизматлари, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, суғурта компаниялари Федерация Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради.

11. Комиссия ўз фаолияти юзасидан касаба уюшмаси ташкилоти ёки Раёсатида ярим йил ва йиллик (заруратга қараб бошқа муддатда, тез-тез) ҳисобот беради.

12. Иш берувчи ўз ҳисобидан касаба уюшмаси ташкилоти билан Комиссия аъзолари ўқувини ташкил этади, меҳнатни муҳофаза қилишга оид тегишли воситалар ва меъёрий ҳужжатларга маблағ ажратади, шунингдек ўқув даврида иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, юклатилган жамоатчилик вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ва (ёки) жамоа шартномасида белгиланган иш вақти ажратилади.

II. КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ

13. Комиссия касаба уюшмаси ташкилоти ваколатларини амалга оширишида “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг

кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставларида белгиланган талабларни бажариш учун кўмаклашади.

14. Шу мақсадларни амалга ошириш учун:

меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолатини, санитария-маиший хоналар, жамоавий ҳимоя воситалари, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан бепул таъминланганлиги, мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилганлигини, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлигини текширади;

жамоа шартномасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими”ни шакллантиришда иштирок этади, иш берувчи билан меҳнат шароитларини белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини текширади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилади, огоҳлантирувчи профилактик тадбирларни қабул қилиниши бўйича иш берувчига таклифлар тайёрлайди, шунингдек Н-1 шаклидаги далолатнома белгиланган тартибда асосиз тузилмаганда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

махсус текшириш комиссияси томонидан аниқланган ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари сабабларини бартараф этилишини, иш берувчи томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиниши ва хисоботлар тақдим қилинишини назорат қилади;

ҳар бир касб тури бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалар, меҳнат муҳофазаси бўйича бошқа ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқирилиши ва тасдиқланишини, ходимларни йўриқдан ўтказиш дафтари юритилишини, дастгоҳларнинг даврий техник кўриқдан ўтказиш дафтарлари ҳамда механизмлар, хавфи юқори бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа ҳужжатларнинг қоида ва талабларга жавоб беришини текшириб боради;

аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилади ҳамда ушбу масалаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишда уларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишловчиларга имтиёз ва товон пуллари берилишида

қонун талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради, айрим шахсларга қўшимча имтиёз белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга ёки вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда товон пулларини, бир йўла тўланадиган нафақа ва бошқа хил суғурта тўловларини ёки ижтимоий ёрдамни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ундирилишида кўмаклашади;

иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун талаблари ва жамоа шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли ходим ўз меҳнат шартномасини бекор қилганда ишдан бўшатиш нафақаси тўловларини ундирилишида ёрдам беради;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

меҳнат муҳофазаси хонасини ташкил қилишда, шунингдек уни самарали ишлашида, меҳнат муҳофазаси бўйича бурчаклар, стендлар ва бошқа тарғибот қилувчи воситаларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолати юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради; иш берувчи билан ҳамкорликда корхонадаги меҳнат муҳофазаси ҳолати юзасидан кўрик-танлов ташкил қилади;

корхонанинг касаба уюшма ташкилоти раисига ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини мустақил равишда экспертизадан ўтказиш, белгиланган дастгоҳларнинг хавфлилиги, механизмлар, асбоб-ускуналар, бинолар ва қурилмаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга, янги қурилган ёки қайта таъмирланган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларига мослигини текшириш каби масалаларни кўтаради.

15. Комиссия раиси ёки аъзоларидан бири касаба уюшмаси билан келишган ҳолда қуйидаги ишларда иштирок этади:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ёки касб касаллигини текшириш комиссияларида;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиш комиссияларида;

раҳбар ва ходимларнинг ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари, ўз касблари ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтказиш комиссияларида;

фойдаланишга топширилаётган, янги ёки қайта таъмирланган ишлаб чиқариш ёки ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектларни меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текшириш бўйича қабул қилиш комиссияларида;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорат органлари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини комплекс ўрганиш ёки текшириш комиссиялари ишларида.

16. Комиссия раиси ва (ёки) аъзолари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ишларни ҳам амалга оширади.

17. Комиссиянинг раиси ва (ёки) аъзоларидан бири корхонанинг касаба уюшмаси ташкилоти раисига ишлаб чиқаришда содир бўлган гуруҳий, оқибати оғир ва ўлим билан тугаган ҳар бир бахтсиз ходисалар ҳақидаги хабарни юқори турувчи касаба уюшмалари органларининг махсус текширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари учун етказди.

III. КОМИССИЯНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

18. Комиссия тўсқинликсиз иш вақти давомида куннинг хохлаган вақтида қуйидагиларни текшириш ҳуқуқига эга:

меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, санитария-маиший хоналар ҳолати;

жамоавий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва белгиланган меъёрларга мувофиқлиги;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан бепул таъминланганлиги;

мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилганлиги;

ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлигини, шунингдек жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида қайд этилган мажбуриятларнинг бажарилиши.

19. Шунингдек, комиссия ўз ваколати доирасида:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига таалуқли барча масалаларда иш берувчига тақдимнома киритади ҳамда ундан аниқ ва тўлиқ жавоб олади;

иш берувчидан ходимлар ҳаётига ёки соғлига хавфли бўлган иш жойларида, ишлаб чиқариш участкаларида, цех ва бошқа тизим бўлинмаларидаги ишларни зудлик билан тўхтатишни талаб қилади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларини келиб чиқиши сабаблари ва шароитлари, шунингдек ушбу ходисаларда масъул раҳбар ходимлар томонидан ўз вақтида чора кўрмаганлиги ва лоқайдлик қилингани натижасида содир бўлган ҳолатларда ўз хулосаларини беради;

комиссия ваколати доирасида иш берувчи, амалдор шахслар ва ишчи-ходимлардан зарур маълумотларни, ҳужжатларни ва тушунтиришларни олади;

ўз мажлисларида иш берувчи вакили хисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.

20. Корхонанинг касаба уюшма қўмитаси комиссия раиси ёки комиссия аъзоси томонидан берилган тақдимномани агар қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ва ходимларнинг ҳуқуқи ҳамда манфаатларига зид бўлса қайтариши мумкин.

IV. ЖАВОБГАРЛИК

21. Комиссия раиси ва аъзолари ушбу низомда назарда тутилган тегишли вазифаларни бажармаганлиги учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, шу жумладан вазифасидан четлатилиши мумкин.

НАМУНА:

Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат
муҳофазаси бўйича комиссияси Низоми асосида
комиссияга намунавий шаклдаги тавсиянома

**Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиянинг жамоат Назоратини амалга
оширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича**

ТАВСИЯЛАР

Кимга _____
(Ф.И.Ш.)

(Ташкилот, бўлимнинг номи)

(мансаби)

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда аниқланган
камчиликларни бартараф этиш бўйича

ТАВСИЯЛАР

20__йил «__» _____ №__

Т.р.	Таклифлар

Тавсияларни бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотни 20__ йил «__» _____гача
меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раисига тақдим этишингизни сўрайман.

Тавсияни олдим _____
(имзо, Ф.И.Ш.)

Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия аъзолари:

(имзо, Ф.И.Ш.)

(имзо, Ф.И.Ш.)

Изоҳ: Тавсиялар икки нусхада тўлдирилади.

1- нусхаси бажарувчига берилади,

2-нусхаси бажарилишини назорат қилиш учун комиссия раисига берилади.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

I. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Мазкур Тавсиялар касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига доир фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (янги таҳрири) Қонунининг **5-моддасига** мувофиқ, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлашдан иборат.

Мазкур Қонуннинг **23-моддасига** кўра иш берувчи ҳар бир иш ўрнида меҳнат шaroитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши зарур ва бунинг учун у бир қатор чора-тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси **211-моддасига** асосан, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг **216-моддасида** меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилиши белгиланган. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамoa шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизимидир.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар (матнда кейинги ўринларда – **Тавсиялар**) Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан тайёрланган.

2. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассаса (матнда кейинги ўринларда – **ташкилот**)ларнинг иш берувчилари

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда мазкур Тавсиялардан амалда фойдаланишлари мумкин.

3. Режа мазкур Тавсияларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва ташкилотнинг касаба уюшма ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилади ва иш берувчи томонидан тасдиқланади. Мазкур режа жамоа шартномасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими” қисми ва (ёки) жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битими (матнда кейинги ўринларда – **Битим**) кўринишида расмийлаштирилиши мумкин.

Битим – бажариш муддатлари ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклидир.

Битим тарафлар (иш берувчилар ва касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) томонидан имзоланган кундан ёхуд, битимда белгиланган кундан бошлаб кучга киради. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро келишуви орқали амалга оширилади. Битимнинг бажарилишини назорат қилиш бевосита тарафлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари томонидан амалга оширилади. Назоратни амалга оширишда тарафлар бунинг учун мавжуд бўлган барча зарур ахборотларни тақдим этишлари шарт.

4. Режа меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация ва бошқа тадбирларни қамраб олади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга сарфланган харажатлар ҳақидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тўдирилади.

6. Технологияларнинг тараққий этиши билан боғлиқ ҳолда маҳсулотнинг ҳажми ва турининг ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ошиши ва бошқалар билан боғлиқ техник қайта таъминлаш ва қайта қуриш тадбирлари режага киритилмайди.

III. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

7. Режага киртиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ишлаб чиқиш ва режалаштириш (матнда кейинги ўринларда – **тадбир**), иш берувчи ёки унинг вакили ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг вакиллик органи билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун ташкилотнинг тегишли хизмат ва бўлимлари жалб этилади.

8. Тадбирларда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтиши, малака ошириши ва билимлари текширилиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавfli ишлаб чиқариш омиллари ҳақида, шу жумладан

касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиш;

бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши, касбий хавфни бартараф этиш;

зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирида, оғир жисмоний меҳнат қилаётган ходимлар сонини камайтириш;

ходимларни белгиланган нормаларга мувофиқ санитария-маиший хоналар билан таъминлаш ва тегишли мосламалар билан жиҳозлаш;

шахсий ҳимоя воситалари (уларнинг сақланиши), гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан таъминлаш;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этиш;

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларинин ишлаб чиқиш ва режалаштириш меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан ҳамда ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақидаги маълумот (хулоса)ларга мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларинин ишлаб чиқиш ва режалаштириш маълумот (хулоса)ларга қуйидагилар киради:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлар ҳолати ва сабаблари таҳлили;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси натижалари;

ходимларни тегишли ҳимоя воситалари билан таъминланган иш ўринлари, шунингдек йўл-йўриқлар олгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтгани, малака оширгани ва билимлари текширилгани ҳолати таҳлили;

техник кўриб чиқиб, текширувдан, синовдан, объект (бино, иншоот, қурилма, машина, механизм ва бошқалар)нинг техник ҳолати экспертизадан ўтказилгани, ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид бошқа ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш, далолатнома, баённома, маъмурий-жамоатчилик журналлари ва бошқалар), шунингдек ташкилотда

фойдаланилаётган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарганларнинг эксплуатация (фойдаланиш) ва ремонт (тузатиш) қилиш ҳужжатлари, хавфсизлик талаблари;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши бўйича назорат ва текширув асосида махсус ваколатли давлат органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, иш берувчининг бошқа хизматларининг тақдимномалари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассисларининг хулосалари, ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномалари;

ташкилотнинг таркибий тузилмаси ва хизматлари, касаба уюшмалари, ҳамда алоҳида ходимларнинг таклифлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни тахминий рўйхати мазкур Тавсияларнинг 1-иловасида келтирилган.

IV. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

10. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағлари;

иш берувчининг ўз маблағлари;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг маблағлари;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун бюджет маблағлари тегишли (республика ва маҳаллий) бюджетларда алоҳида қайд билан ажратилади, бу маблағлардан бошқарув органларининг, назорат қилувчи ва текширувчи органларнинг таъминоти, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини ва бошқа дастурларни бажариш учун фойдаланилади.

12. Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ажратади. Ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмайдилар.

13. Ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармани ўзининг тижорат фаолияти ва бошқа фаолиятдан олинадиган фойда (даромадлар), шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этишга ҳақлидир.

14. Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин эмас.

15. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида белгиланади.

V. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МУДДАТЛАРИ

16. 1 йилдан 3 йилгача муддатда амалга ошириладиган ишлар Тадбирларда режалаштирилади.

17. Ташкилотнинг бюджети келгуси даври учун лойиҳа тайёрланаётганда Тадбирларни режалаштириш амалга оширилади.

18. Тадбирларни режалаштириш якуни “Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш тадбирлари режаси” шаклида расмийлаштирилади.

Таклиф этилаётган режа шакли мазкур Тавсияларнинг 2-иловасида келтирилган.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19. Иш берувчи ёки унинг вакили ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокидаги комиссия томонидан ҳар бир амалга оширилган тадбирлар далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномада бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда амалга оширилган тадбирга тегишли хужжатлар асосидаги сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси кўрсатилади.

20. Режани назорат қилишни жамоа шартномасининг томонлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли ва бошқа ваколат берилган давлат органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, касаба уюшмаларининг юқори турувчи органлари ваколат доирасида амалга оширадилар.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

№	Тадбир номи	Асос
1.	Ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2014 йил 15 сентябрь 263-сон
2.	Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтиши, малака ошириши ва билимлари текширилиши	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 215-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 17-, 25-моддалари, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410 Адлия вазирлигида 1996 йил 14 август 272-, 273-сон билан рўйхатга олинган буйруқлар
3.	Дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 214-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410 Адлия вазирлигида 2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга олинган буйруқ
4.	Зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари, хавфли меҳнат шароитлари, шунингдек алоҳида температура ва иқлим ёки атроф-муҳит ифлосланган шароитда банд бўлган ходимларни сертификатлаштирилган махсус кикий, махсус пойабзал ва бошқа шахсий	Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

	ҳимоя воситалари, гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан таъминлаш	қарорлари, 2000 йил 12 июль 267-сон, 2010 йил 20 июль 153-сон
5.	Бино, иншоот ва хоналарни белгиланган меъёрларга мувофиқ ҳолатга келтириш	Давлат стандартлари 12.2.003-91, 12.2.009-99, 12.2.049-80, 12.2.061-81
6.	Ишлаб чиқариш воситаларини автоматизациялаш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, технологик жараёнлар, юк кўтариш ва транспорт ускуналарини масофадан туриб (дистанцион) бошқариш	Давлат стандартлари 12.2.049-80, 12.2.061-81, 12.2.062-81, 12.2.064-81, 12.2.072-98, 12.3.002-75, 12.4.026-76
7.	Иш жойларида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари устидан назорат қилувчи ва огоҳлантирувчи автоматик тизимини, шунингдек технологик ва энергетик жиҳозларнинг носоз ҳолларда фавқулодда ўчирилишини таъминлайдиган блокировка қурилмаларини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211-модда
8.	Ишловчиларни электр токи таъсиридан ҳимоя этувчи техник воситаларининг амалдаги давлат стандартлари ҳамда “Электроқурилмаларини ўрнатиш қоидалари” талабларига асосан тадбиқ этиш ва такомиллаштириш	Давлат стандартлари 12.1.018-93, 12.1.019-79, 12.1.030-81, 12.1.038-82, 12.1.045-84, 12.2.007.0-75, 12.2.007.14-75
9.	Буг, сув, газ, кислота ва бошқа коммуникация ҳамда ишлаб чиқариш иншоотларини хавфсиз эксплуатациясини таъминлаш мақсадида сақлагич аппаратларини, ҳимоя ва огоҳлантириш воситаларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан ўрнатиш	Давлат стандартлари 12.2.016-81, 12.2.052-81, 12.2.063-81, 12.2.085-2002, 12.3.001-85
10.	Ишлаб чиқаришда қўлланадиган заҳарли, агрессив, тез ўт олувчи ва ёнувчи суюқликларни силжийдиган ва стационар резервуар (идиш)ларда сақлаш, кўчириш, тўлдириш ва бўшатиш билан боғлиқ қуйиш ва транспортировка қилиш технологик жараёнларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан механизациялаш ва автоматлаштириш	Давлат стандартлари 12.1.004-91, 12.1.007-76, 12.1.010-76, 12.2.022-80, 12.3.020-80, 12.4.026-76
11.	Иш жойларда иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларни ҳамда салбий таъсир этувчи механик тебранишлар (шовқин, вибрация, ультратовуш ва ҳ.к.) ва нурланишлар (ион, электр, лазер, ультрабинафша нурлари ва ҳ.к.) даражасини ўрнатилган меъёрларга қадар	Давлат стандартлари 12.1.006-84, 12.1.012-2004, 12.1.040-83, 12.1.045-84

	амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан пасайтириш	
12.	Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоялайдиган жамоавий ҳимоя воситаларини амалдаги давлат стандартлари талабларига мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.4.011-89, 12.4.120-83, 12.4.125-83
13.	Иш ва хизмат кўрсатиш зоналарида нормал иссиқликка оид тизимни ва микроиклимни таъминлаб бериш мақсадида ишлаб чиқариш ва маиший хоналарда иситиш ва шамоллатиш системаларини, иссиқлик ва ҳаво ниқобларини, аспирация ва чанггазютувчи қурилмаларни амалдаги давлат стандартлари ҳамда “Иситиш, шамоллатиш ва конденсирлаш” талабларига мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.1.005-88, 12.2.028-84 Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.04.05-97
14.	Иш жойи, цех, маиший хона, оммавий ўтадиган йўлакча ҳамда майдонларда сунъий ва табиий ёруғликни амалдаги “Табиий ва сунъий ёритиш” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан таъминлаш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.01.05-98
15.	Ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга оид асбоб-ускуналар жойланишини амалдаги давлат стандартлари талаблари мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.3.002-75, 12.4.120-83
16.	Огоҳлантирувчи ҳамда хавфсизлик белги ва рангларни амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари (бошқарув ва назорат органлари, мослама таркибий қисмлари)га, коммуникация ва бошқа объектларига жорий қилиш	Давлат стандартлари 12.4.026-76, 12.4.040-78, 14202-69
17.	Хомашё, тайёр маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини омборга жойлаштириш ва транспорт воситасида ташиш ишларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан механизациялаштириш	Давлат стандартлари 12.2.022-80, 12.3.009-76, 12.3.020-80
18.	“Иситиш, шамоллатиш ва конденциялаш” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан ишлаб чиқариш хоналарини, зарарли ва хавфли хомашё манбалари бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташлаш ва зарарсизлантириш, ҳаво юритиш ва шамоллатиш қувурларни, ёруғлик лампаларни, деразаларни тозалашни механизациялаштириш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.04.05-97
19.	Бино (ишлаб чиқариш, маъмурий, маиший, оммавий, омбор)ларни, иншоотларни, хоналарни, қурилиш ва саноат майдончаларини амалдаги “Корхоналарнинг	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09 Шаҳарсозлик нормалари

	маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мос ҳолга келтириш	ва қоидалари ШНҚ 2.07.02-07
20.	Санитария-маиший хона (гардероб, душ, ювиниш, ҳожат, аёллар гигиенаси, исситиш ёки совитиш, ишлов бериш, махсус кийимларни сақлаш ва тарқатиш хона)ларини амалдаги “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқлаштириш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
21.	“Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан газли сув тайёрлаш учун сатуратор автоматларини сотиб олиш ва ўрнатиш, иш жойларига ичимлик ва газли сувлар, чой ҳамда витаминли шарбатларни иш жойларига етказиб берилишини ташкил этиш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
22.	“Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан объектларда дам олиш, дармон кўриш, психологик бўшаниш, исиниш хоналарни ҳамда очиқ ҳавода ишлаш пайтида кўёш нурлари ва қор-ёмғирлардан сақланиш ва пана жойларини янгитдан қуриш ёки қайта қуриш ва жиҳозлаш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
23.	Ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 217- модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-,23- моддалари, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410
24.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари 2008 йил 10 сентябрь ЎРҚ-174, 2009 йил 16 апрель ЎРҚ- 210
25.	Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бурчаклар, кабинет, кўчма лабораторияларни ташкил этиш, уларни жиҳозлаш керакли техникавий воситалар, кўргазмали қўлланмалар, намоиш этувчи	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211- модда Ўзбекистон Республикаси

	аппаратура ва ҳ.к.ларни сотиб олиш, меҳнат муҳофазаси ва йўл-ҳаракати хавфсизлиги бўйича кўргазмаларни ўтказиш	Қонуни 23-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410
26.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни нашр этиш (кўпайтириш) ҳамда меҳнат муҳофазаси соҳасида адабиётларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сотиб олиш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410

Изоҳ:

Асос қилиб келтирилган ҳужжатлардан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам асос бўлиши мумкин.

Иш берувчилар, касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг хоҳишига кўра меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга ходимларни соғломлаштириш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган бошқа ишларни ҳам киритиш мумкин.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари (савдо, маданият ташкилотлари, давлат муассасалари ва бошқалар), шунингдек электр қурилмалар, телерадио ва алоқа корхоналарига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, таъмирлаш, йиғиш ва барпо этиш жараёнлари ҳамда транспортировка қилиш, сақлаш ва ташиш жараёнлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг мазмуни ушбу Тавсияларда кўрсатилган тадбирлардан фарқ қилиши мумкин.

Тасдиқлайман

Ташкилот раҳбари
 20__ йил __
 имзо, муҳр

МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ

[illegible]

ЎзКУФ Кенгаши Раёсатининг
04.04.2017йил № 6-44“с” қарори билан
тасдиқланган
"Қасаба уюшмаларининг меҳнат
муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати
тўғрисидаги Низом"га
3-илова

(корхона, ташкилот ва муассасанинг тўлиқ номи)

бошланғич қасаба уюшма қўмитаси (ташкilotи) нинг 20__ йилнинг
_____ давомида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича олиб борган
ишлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Корхона, ташкилот ва муассасадаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
мутахассислар сони _____ нафар.

т/р	Кўрсаткичлар	Жами
1.	Қасаба уюшмасига аъзолар сони	
2.	Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган тадбирлар сони	
	тадбирларга сарфланадиган маблағ миқдори (минг. сўм)	
	шу жумладан:	
2.1.	меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметасига кўра) битимдаги тадбирлар сони	
	битим бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг. сўм)	
2.2.	махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.3.	сут (ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари), даволаш- профилактика озиқ-овқатлари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.4.	гигиена воситалари (совун, ювиш ва (ёки) зарарсизлантириш воситалари) учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.5.	иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланадиган маблағ (минг сўм),улардан:	
	суғурталанадиган ходимлар сони	
2.6.	дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишига сарфланадиган маблағ (минг сўм)	
3.	Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган тадбирлар сони	
	уларга сарфланган маблағ миқдори (минг. сўм),	
	шу жумладан:	
3.1.	меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (меҳнатни муҳофаза	

	қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) битимдаги тадбирлар сони	
	битим бўйича сарфланган маблағ миқдори (минг сўм)	
3.2.	махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.3.	сут (ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқатлари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.4.	гигиена воситалари (совун, ювиш ва (ёки) зарарсизлантириш воситалари) учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.5.	иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланган маблағ (минг сўм), улардан:	
	суғурталанган ходимлар сони	
3.6.	дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишига сарфланган маблағ (минг сўм)	
4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори (минг сўм)	
5.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссияларида иштирок этилди	
6	Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони, жами:	
6.1.	Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар сони, улардан:	
	қўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	
6.2.	Оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар сони, улардан:	
	қўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	
6.3.	Меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	
6.4.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотган ходимлар сони	
	меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони	
7.	Ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида иштирок этилди, уларда:	
	аниқланган касб касалликлари сони	
8.	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этилди	
	меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	
9.	Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш комиссиясида иштирок этилди	
	аттестациядан ўтган иш ўринлари сони	
10.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар сони шу жумладан:	

	ўқитилганлари	
11.	Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан аниқланган ва касаба уюшма қўмитаси ёки иш берувчига йўлланган қонун, қоида ва меъёрлар талабларининг бузилишлари сони	
	бартараф қилинганлари	
12.	Қонун, қоида ва меъёрлар талаблари бузилишларининг бартараф этилиши юзасидан юқори касаба уюшмалари ташкилотларига ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш учун топширилган ҳужжатлар сони	
	белгиланган тартибда чора кўрилганлари	

Касаба уюшма қўмитасининг раиси

(имзо)

(исми шарифи ва фамилияси)

«__» _____ 20__ йил

**Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнатнинг хавфсиз
усулларида ишлаш учун ўтказиладиган йўриқномаларнинг ҳолатини
текшириш учун касаба уюшмаси қўмитасига**

ТА В С И Я Н О М А

1. Кириш йўриқномасини корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан ишлаб чиқилади.

Кириш йўриқномаси асосида меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан ҳар бир янги ишга қабул қилинаётган ходимнинг малакаси, стаж, касб (лавозими) ва бажарадиган ишининг туридан қатъий назар, ишлаб чиқариш таълими ёки амалиётига келган ўқувчиларни талабларнинг кириш йўриғидан ўтказилади.

Кириш йўриғини олганлиги рўйхатдан ўтказиш журналида қайд қилинади.

Китоб саҳифаланиб, ип (каноп) билан боғлаб муҳрланади. Кириш журнали меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандисда ёки қайси бир шахс вазифасига иш берувчи томонидан буйруқ билан юклатилган шахсда сақланади.

Кириш йўриқномаси қайд қилинадиган журнали 1996 йил 29 июнида Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 14.08.96 йилда 272-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш тўғрисида»ги Намунавий низом бўйича шакл қуйидагича:

Титул варағи:

(бирлашма, бошқарма, корхона, ташкилот номи

Кириш йўриқномасини қайд қилиш

Ж У Р Н А Л И

20__ й. _____ бошланган

Йўриқноманинг санаси	Йўриқнома ўтувчининг Ф.И.Ш.	Касб, лавозим	Йўриқнома олган ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғига юборилди	И М З О	
				Йўриқнома олувчи	Йўриқнома берувчи
1	2	3	4	5	6

2. Иш жойларидаги йўриқномаларни бўлим бошлиқлари ишлаб чиқадилар ва касаба уюшмаси билан келишган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланади.

Иш жойидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан, муассасага барча янги ишга қабул қилинганлар, бир бўлимдан бошқа бўлимга ўтказилганлар, ишлаб чиқариш таълими ёки амалиётига келган ўқувчилар, талабалар, ўзлари учун янги бўлган ишни бажариш учун бўлим бошлиғи томонидан ўтказилади.

Иш жойидаги йўриқномадан ўтказиш ҳар бир ходим билан якка тартибда ўтказилади:

- меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ўзгарганда;
- технология жараёни ўзгарганда, ускуна, мослама, асбоблар ёки меҳнат хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллари ўзгарганда;
- меҳнат хавфсизлиги талаблари бузилиб, улар жароҳатланишга олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган пайтда;
- ишда узилиш бўлганда;
- меҳнат хавфсизлигининг қўшимча (оширилган) талаблари қўйиладиган ишлар учун 30 календар куни ва ундан ортиқроқ бўлганда, бошқа ишлар учун 60 кун ва ундан ортиқ бўлганда.

Иш жойидаги такрорий ва режадан ташқари йўриқнома беришни бевосита ишларнинг раҳбари ўтказди. Айни пайтда такрорий ва режадан ташқари йўриқнома беришни якка тартиб ёки бир касб ходимлари гуруҳи билан ўтказилади. Бошланич, такрорий ва режадан ташқари йўриқнома беришни ўтказиш махсус журналда рўйхатга олинади, китобнинг шакли қуйидагича:

Титул бети

(бирлашма, бошқарма, корхона, ташкилот ва муассаса номи)

**Иш жойидаги йўриқнома қайд қилинадиган
Ж У Р Н А Л**

(бўлим, бўлинма, цех ва ҳоказо номи)

200____ йил _____ бошланган

1 бет

Ходимлар рўйхати

Фамилия, исми	Касби, лавозими	Йўриқнома ёзилган бетнинг рақами	Эслатма
1	2	3	4

2-ва қолган бетлари

(фамилияси, исми, отасининг исми, касби, лавозими)

Йўриқноманинг ўтказилган санаси, тури, сабаблари	Йўриқноманинг мавзуси (йўриқномани ўтказишдаги мақсад)	Имзо	
		Йўриқнома олувчи	Йўриқнома берувчи
1	2	3	4

Йўриқноманинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилишни иш берувчи, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис ва касаба уюшма фаоллари олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 25-моддасига асосан, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Ишчи ва хизматчиларнинг билимларини текширилганлигини қайд қилувчи журналлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 14.08.96 йилда 272-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича

ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш тўғрисида»ги Намунавий низом асосида юргизилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 14.08.96йилда 273-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низом асосида амалга оширилади.

**Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа
хил зарар етказилиши тўғрисидаги Н-1 шаклдаги Далолатномани
тузиш ва рўйхатга олишни назорат қилиш юзасидан касаба уюшма
қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
комиссиясига**

ТАВСИЯНОМА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарларини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

1. Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;

текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиши зарур.

2. Корхона тиббий-санитария қисми (шифохона, поликлиника) бир сутка ичида ёрдам сўраб мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва корхона ишлаб чиқариш объектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради.

3. Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

уч иш куни ичида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга

йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

бахтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклидаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

4. Иш берувчи ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч иш куни давомида тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни:

жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга ҳамда текшириш материаллари билан бирга корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га ва ҳудудий меҳнат органининг Давлат меҳнат инспекциясига юборади.

Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади (2-илова).

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини, касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки Ўзэнергоинспекция органи вакилига, агар бахтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (хўжалик бошқаруви органлари)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Мазкур бўлимнинг 7, 10, 11, 12 ва 13-бандларида кўрсатилган ҳолларда Н-1 шаклидаги далолатнома тўрт нусхада тузилади ва тасдиқланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклидаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган текшириш материаллари, Н-1 шаклидаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолгунча сақланади.

5. Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклидаги далолатнома ҳуқуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома, туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

6. Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат меҳнат техник инспекторининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш масаласи бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза

ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилганидан сўнг ҳал этилади.

7. Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу бахтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

Н-1 шаклидаги далолатноманинг 3-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Бахтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Бахтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхасини бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, ҳисобга олиш, сақлаш ва 4-бандда кўрсатиб ўтилган манзилларга жўнатиш учун юборади.

8. Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берса бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

9. Бошқа корхонанинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган корхона ходими билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

10. Ҳарбий қисм билан корхона ўртасидаги шартнома, битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида иш олиб бораётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий состави билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ қутқарувчилари қисмлари шахсий состави билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки Ўзэнергоинспекцияси вакили иштирокида текширилади.

11. Корхонадаги меҳнатга жалб қилиниб, ишни унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида бажараётган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасида (кейинги ўринларда — АТММ), даволаш-меҳнат ва тарбия-меҳнат профилакторияларида (кейинги ўринларда — ДМП ва ТМП) сақланаётган шахслар билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у АТММ, ДМП ва ТМП вакиллари иштирокида иш берувчи томонидан текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

АТММ, ДМП ва ТМПларда хўжалик ишларини бажараётган шахс билан, шунингдек, ўзининг ишлаб чиқаришида бахтсиз ҳодиса юз берса, у Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

12. Автокорхона ёки бошқа корхона томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибида қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган автомобиль ҳайдовчиси билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган корхона вакили қатнашади.

13. Корхона ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодиса корхона томонидан таълим муассасаси вакили билан биргаликда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар таълим муассасалари томонидан корхона вакили билан биргаликда текширилади ва таълим муассасаси томонидан ҳисобга олинади.

14. Мазкур бўлимнинг 10, 11, 12 ва 13-бандларида кўрсатилган ҳолларда, тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхаси жабрланувчининг доимий иш, хизмат ёки ўқиш жойига юборилади.

Бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш.

1. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш — мазкур Низомга мувофиқ махсус текшириш комиссияси томонидан гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга қаратилган текширув.

Қуйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган зарарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гуруҳли бахтсиз ҳодисалар;

оқибати ўртача оғир ёки оғир бахтсиз ҳодисалар;

ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар.

2. Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан қуйидагиларга хабар бериши керак:

ҳудудий меҳнат органининг давлат меҳнат инспекциясига;

юқори турувчи хўжалик органига;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг маҳаллий органига ва «Ўзэнергоинспекция»нинг ҳудудий органига, агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.

3. Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш махсус ваколатли орган билан олдиндан келишилмаган ва хабардор этмаган ҳолда махсус ташкил этилган комиссия томонидан текширилади.

Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва уч кишигача ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисани ҳудудий меҳнат органи буйруғига асосан қуйидаги таркибдаги комиссия махсус текширади;

раис — ҳудудий меҳнат органининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори ёки Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили ёхуд «Ўзэнергоинспекция» вакили назорати остидаги корхона (объект) бўйича;

аъзолар — юқори турувчи хўжалик органи вакили, иш берувчи, II бўлимнинг 7, 10, 11, 12 ва 13-кичик бандларида кўзда тутилган ҳолларда жабрланувчининг асосий иш жойи касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг вакили.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоинспекция» органи назорати остидаги корхона (объект)ларда юз берган гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисани тегишли ҳудудий меҳнат органининг Давлат меҳнат инспекцияси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоинспекция» республика ёки маҳаллий органлари буйруғи асосида тузилган комиссия юқори турувчи хўжалик органи вакили иштирокида текширади. Комиссия раиси қилиб шу орган вакили тайинланади. Комиссия таркибига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектор киради.

Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар юз берганда, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари таркибида иш берувчининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан Н-1 шаклидаги далолатнома махсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир кун ичида комиссия хулосаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

уч нафардан ўн бир нафаргача инсон сабаб бўлган бахтсиз ҳодисани махсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қарорига асосан қуйидаги таркибдаги комиссия томонидан ўтказилади:

раис — Ўзбекистон Республикаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори;

аъзолар — юқори турувчи орган раҳбарларидан бири, иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ташкилот ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоинспекция» назорати остида бўлган ташкилот (объект)даги бахтсиз ҳодиса Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси билан келишилган ҳолда, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоинспекция» органининг буйруғи асосида тузилган комиссия томонидан юқори турувчи орган раҳбари иштирокида текширилади. Комиссия раиси этиб Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоинспекцияси» органи раҳбарларидан бири тайинланади. Ўзбекистон Республикаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори комиссия таркибига киритилади.

Ўн бир нафар ва ундан ортиқ инсоннинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

4. Махсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхона (бўлинма, цех)даги меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишни ташкил этади, махсус текшириш далолатномасини тузади (4-илова) ҳамда III бўлимнинг 7-бандида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради.

Комиссия аъзолари жабрланувчилар ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ташкил этадилар, зарур бўлса тегишли органларга таклифлар киритадилар ёки ижтимоий тусдаги ёрдам масалаларини жойида ҳал қиладилар, жабрланувчига ёки ўлганнинг оила аъзоларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтирадилар.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори махсус текшириш комиссияси чиқарган хулосалардан норози бўлса, шунингдек, у зарур деб ҳисоблаган бошқа ҳолларда ўз хулосасини чиқаради.

Комиссия аъзоси махсус текшириш ўтказаетган комиссия хулосасидан норози бўлганда ўзининг алоҳида фикрини билдириши мумкин.

6. Махсус текшириш комиссияси талабига кўра иш берувчи:

бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этиш учун ўзларининг ораларидан эксперт гуруҳи тузиш мумкин бўлган эксперт-мутахассисларни таклиф қилиши;

техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари, синовдан ўтказиш ва бошқа ишларни амалга ошириши;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойни суратга олиши ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

текшириш учун зарур бўлган транспорт ва алоқа воситалари, махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши;

комиссия аъзолари ишлаши учун уларга жиҳозланган алоҳида хона ажратиб бериши;

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш материалларини машинкада ёзишни ва етарли миқдорда кўпайтиришни таъминлаши шартдир.

Техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари синовдан ўтказиш ва таклиф қилинган мутахассислар амалга ошираётган бошқа ишлар, шунингдек, транспорт ва алоқа воситалари харажатларини бахтсиз ҳодиса юз берган корхона тўлайди.

Комиссия аъзолари текшириш давомида иш берувчидан, корхона ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, гувоҳлар ва бошқа шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар олишга ҳақлидирлар.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисида хабар бериш

СХЕМАСИ

1. Корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик, хўжалик бошқаруви органи номи.
2. Ҳодиса юз берган сана, вақт, жой, бажарилаётган иш ва бахтсиз ҳодиса юз бергандаги ҳолатнинг қисқача тавсифи.
3. Жабрланувчилар, шу жумладан, ҳалок бўлганлар сони.
4. Жабрланувчи (ҳалок бўлган)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, касби, лавозими.
5. Хабар юборилган сана, вақт, хабарни имзолаган шахснинг фамилияси, лавозими.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Н-1 шакли

Иш берувчи

(имзо, имзо ёйилмаси)

19 ____ йил ____

корхона муҳри

Бир нусхадан юборилади:

— жабрланувчига (ўлган бўлса оиласига);

— меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га;

— ҳудудий меҳнат органининг Давлат меҳнат инспекциясига

ДАЛОЛАТНОМА №

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида

1. Корхонанинг номи _____

1.1. Корхонанинг манзили _____

(вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

1.2. Мулкчилик шакли _____

(давлат, акциядорлик, хусусий ва ҳоказо)

1.3. Бахтсиз ҳодиса юз берган жой _____

(бўлинма, цех)

2. Вазирлик, хўжалик бошқаруви органи _____

3. Ходимни йўллаган корхона _____

(номи, манзили, вазирлик хўжалик бошқаруви органи)

4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсин)

6. Ёши (тўлиқ йиллар сони кўрсатилсин) _____

7. Касби, лавозими _____

7.1. Разряди, класс _____

8. Бахтсиз ҳодиса юз берганда бажарилаётган иш бўйича иш стажи _____

9. Меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқнома, ўқитиш:

9.1. Кириш йўриқномаси (сана) _____

9.2. Меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитиш (сана) _____

9.3. Дастлабки (даврий) йўриқнома (сана) _____

9.4. Ўта хавфли ишлар учун билимларни текшириш (сана) _____

9.5. Ишга кираётганида ва даврий тиббий кўрикдан ўтганлиги _____

10. Бахтсиз ҳодиса юз берган сана ва вақт _____
(йил, кун, ой)

_____ (иш бошлашдан тўлиқ соатлар сони)

11.1. Бахтсиз ҳодиса сабаблари _____

11.2. Жароҳат етказилишга сабаб бўлган асбоб-ускуна

11.3. Жабрланувчининг ҳушёрлиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги)

_____ (тиббий хулосага биноан)

11.4. Ташхис _____
(дастлабки, охирги)

12. Бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш тадбирлари:

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажарувчи	Бажарилиши ҳақида белги
-----	----------------	-----------------	-----------	-------------------------

13. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахслар

_____ (Ф.И.Ш., лавозими, корхона номи)

_____ (улар томонидан бузилган қонунлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатларнинг моддалари, бандлари)

14. Бахтсиз ҳодиса гувоҳлари _____

Далолатнома тузилди _____
(йил, кун, ой)

Комиссия раиси _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Н-1 шаклидаги далолатномани тўлдириш

- ✓ Агар жабрланувчи бир неча касб эгаси бўлса, унда бахтсиз ҳодиса юз берганда бажараётган касби кўрсатилади.
- ✓ Иш стажининг тўлиқ йиллари сони кўрсатилади, агар иш стажи бир йилдан кам бўлса, унда ой ва кунлар сони кўрсатилади.
- ✓ Бахтсиз ҳодисанинг техник ва ташкилий сабаблари биринчи бўлиб, қолганлари аҳамиятига яраша тартибда кўрсатилади.
- ✓ Жароҳатга сабаб бўлган асбоб-ускунанинг номи, тури, русуми, ишлаб чиқарилган йили, тайёрлаган корхона номи.
- ✓ Суд-тиббий муассаса маълумотномаси (хулосаси)га асосан жабрланувчининг ҳушёрлиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги) кўрсатилади.

Титул бети

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни қайд қилиш

ЖУРНАЛИ

(корхона, муассаса, ташкилот номи)

1-чи ва қолган бетлар

№	Бахт-сиз ҳодиса санаси	Ходимнинг ф.и.ш. туғ. йили	Ходим. касби, лавози ми	Б/х рўй берган жой	Б/х сабаб бўлган ускуна	Б/х шарт-шароити	Б/х сабаблари	Н-1 далолатнома тузилган сана	Б/х оқиба-ти	Амал-га оширилган чора-тадбирлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарлар иш берувчилар томонидан тўланади.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарар миқдорлари ва ҳисоб китоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги

60-сонли қарори билан тасдиқланган Қоидаларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунларига ва қарорларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Кўрилган зарарни тўлаш миқдори жабрланувчининг меҳнат жароҳати олгунга қадар оладиган иш ҳақиға нисбатан фоизларда уларнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб белгиланади. Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган ва боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар учун зарар миқдори вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан унинг ўзига ва қарамоғидаги меҳнатга лаёқатли, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга тўғри келадиган улушни чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарарни тўлашда керакли ҳужжатлар рўйхати:

1. Жабрланувчининг аризаси.

2. Н-1 шаклдаги далолатнома нусҳаси.

3. ТМЭКнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси тўғрисидаги ҳамда тегишли ҳолларда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги ҳақидаги ҳулосаси.

4. Жабрланувчининг охириги 12 ойдаги ўртача иш ҳақи тўғрисидаги маълумот.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга зарарни тўлаш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. ЗАГС томонидан боқувчининг вафоти тўғрисида берилган гувоҳнома нусҳаси;

2. Маҳалла қўмитаси раисининг вафот этган шахснинг оила аъзолари таркиби, шу жумладан, унинг қарамоғида бўлганлар тўғрисидаги маълумотномаси ёки суднинг тегишли қарори нусҳаси;

3. Маҳалла қўмитаси раисининг вафот этган шахснинг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки невараларини парвариш қилиш билан банд бўлган ота-онаси, умр йўлдоши ёки бошқа оила аъзосининг ишламаётганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

4. Ўқув муассасасининг зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган, ёши 16 дан 18 гача бўлган фуқароларнинг ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиши тўғрисидаги маълумотномаси.

Зарар тўловлари:

1. Жабрланувчиларга – улар меҳнат жароҳати оқибатида касб бўйича меҳнатга лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотган кундан бошлаб.

2. Боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга – боқувчининг вафот этган кундан, аммо фақат зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган вақтдан бошлаб тўланади.

Ариза берилган кун зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун ҳисобланади. Зарар суммасини тўлаш даврида жабрланганларнинг уларга

тўловни тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлари йиғмажилди иш берувчининг бухгалтериясида сақланади.

Зарар суммасини тўлаш тўхтатилгандан икки йил кейин кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар йиғмажилдлари иш берувчининг архивига доимий сақлаш учун топширилади.

НАМУНА:

*Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат
муҳофазаси бўйича комиссияси Низоми
асосида комиссияга намунавий
шаклдаги тавсиянома*

**Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиянинг жамоатчилик назоратини
амалга оширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича**

ТАВСИЯЛАР

Кимга _____
(Ф.И.Ш.)

(Ташкилот, бўлимнинг номи)

(мансаби)

**Жамоатчилик назоратини амалга оширишда аниқланган
камчиликларни бартараф этиш бўйича**

ТАВСИЯЛАР

20__ йил «__» _____ №__

Т.р.	Таклифлар

Тавсияларни бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотни 20__ йил «__» _____гача меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раисига тақдим этишингизни сўрайман.

Тавсияни

олдим _____

(имзо, Ф.И.Ш.)

Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия аъзолари:

(имзо, Ф.И.Ш.)

(имзо, Ф.И.Ш.)

Изоҳ: Тавсиялар икки нусхада тўлдирилади.

1- нусхаси бажарувчига берилади,

2-нусхаси бажарилишини назорат қилиш учун комиссия раисига берилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раисига услубий маслаҳат

Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раиси ишини нимадан бошлайди? Энг аввало меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини текшира оладиган, ҳурматга сазовор ходимлардан комиссия аъзолари аниқланади ва касаба уюшмаси мажлис йиғилишида улар тасдиқланади.

Ҳар бир комиссия аъзоларига аниқ бажарадиган ишини аниқлаб бериш керак. Масалан: комиссия аъзоларининг бирига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларига ва Меҳнат кодексига маъмурият роя қилишини текшириш топширилсин, бошқасига – техника хивфсизлиги ҳолати ва ишлаб чиқариш санитариясини. Комиссия аъзолари амалий иш олиб бориши учун улар ўзларига ёрдамчи жалб этиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, комиссия ишини тўғри ташкил қилиш уларнинг иш режасининг тузилишидан иборатдир.

Мақсадга мувофиқ ваколат даври учун келажак иш режасини тузиб, унда комиссиянинг асосий иш йўналиши кўрсатилиши, келажак иш режаси асосида чорак иш режаси тузилади. Чорак иш режасига аниқ ва кундалик саволлар киритилади. Иложи борица йиллик иш режада ҳар бир комиссия аъзоси учун аниқ топшириқ кўрсатилиши зарур.

Иш режаси касаба уюшмаси мажлисида тасдиқланади. қуйида меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиянинг намунали иш режаси кўрсатилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия асосан 3та гуруҳда ташкил қилиниши керак.

1 гуруҳ – Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрларга роя этилишини назорат қилувчи.

2 гуруҳ – Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ва Меҳнат кодекси талабларининг бажарилишини назорат қилувчи.

3 гуруҳ – Меҳнат муҳофазаси бўйича битим бажарилишини ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг тўри текширилишини назорат қилувчи.

Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг ТАВСИЯЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан миллий сиёсатимизнинг ҳаётга тадбиқ этилиши бевосита иқтисодиётнинг ривожланиши, барча соҳаларда ўзига хос ривожланиш имкониятларини яратиб берди.

Республикамизнинг қарийб барча соҳаларида, жумладан саноат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, маҳсулотларни қайта ишлаш, маданий ва маиший жабҳалардаги ривожланишнинг жонли гувоҳи бўлмоқдамиз. Янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари, автомобилсозлик, кимё, энергетика, газ ва нефтни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш борасида Республикамиз нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсидаги ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Республикамиздаги қазилма бойликларни ўзлаштириш, минерал хомашёларни қазиб олиш, уни қайта ишлаш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарида хизмат қилаётган минглаб ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш, касбий ва умумий касалликларнинг олдини олишнинг чора тадбирларини амалга ошириш соғлиқни сақлаш тизимининг ва касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаси деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони билан амалга оширилаётган тиббиётни ислоҳ қилиш давлат дастурларининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлардан бири Республика аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисмининг соғлиғини сақлаш ва янада мустахкамлашдир. Бу йўналишдаги асосий вазифалардан бири халқ хўжалигининг турли соҳаларида зарарли ва нохуш омиллар таъсирида ишлаётган инсонларда учратиш мумкин бўлган касб касалликларининг илк енгил даражаларида аниқлаб ташхислаш, уларни самарали даволаш, тиббий ва меҳнат реабилитациясини амалга оширишдан иборатдир. Касб касалликларидан ташқари меҳнат фаолияти билан этиологик боғлиқ бўлмаган, лекин айрим касбий гуруҳларда нисбатан кўп учрайдиган юрак-қон томир ва асаб тизимининг, нафас олиш аъзолари, меъда ичак йўлининг, қон ҳосил қилиш аъзолари, таянч ҳаракат аппарати, тери ва бошқа касалликларнинг эрта ташхислаш, даволаш ҳамда юқори малакали ишчи-техник ходимларнинг касбий яроқлилик даврини узайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 октябрдаги ПҚ-3923, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан касб касалликлари ижтимоий касалликлар рўйхатига киритилган ва касб касаллигига эга бўлган беморлар учун қатор имтиёзлар яратилган.

2011 йил якунлари бўйича Республикамизда 7163 нафар бемор касб касалликлари билан диспансер назоратида бўлиб келмоқда.

Республикадаги касб касалликлари умумий сонининг 25,7 фоизи, яъни 1851 тасини аёллар ташкил этади. Беморларни ёши кесимида қаралганда, 35 ёшгача беморлар 3 фоизни, 35-45 ёшгача беморлар 11,5 фоизни, 45-60 ёшгача бўлган

беморлар 37,0 фоизни, 60 ва ундан катта ёшдаги беморлар 48,5 фоизни ташкил этади.

Республикамизда касб касалликлари таркибидаги қулоқ, бурун ва томоқ (ЛОР) органларининг касалликлари (асосан иккитомонлама кохлеар неврит, касбий лоренгит) 21,4 фоизни, касбий бронхитлар 19,8 фоизни, тебраниш (вибрация) касаллиги 14,4 фоизни, пестицидлардан заҳарланиш 14,2 фоизни ташкил этади.

Касб касаллигига эга бўлган беморларнинг умумий сони охириг етти йилда бирмунча камайган. Биринчи марта ташхисланган касб касалликлари динамикада ўрганилганда уларнинг сони камайлиги кузатилади. Касб касалликлари билан касалланиш кўрсаткичи (10 минг ишловчи аҳолига нисбатан) 2007 йилда 0,49 ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 0,29 ни ташкил этган. Бирламчи касб касалликларини нозологик бирликларда ўрганилганда ЛОР аъзоларининг касалликлари сонининг кескин камайганлиги, пестицидлар билан заҳарланишларнинг бирмунча камайганлиги, пневмокониозлар гуруҳига кирувчи силикоз касаллигининг эса аксинча кескин кўпайганлигини кузатиш мумкин.

Республикамизда касб касалликларига эга бўлган беморларнинг 26 фоизи ҳар йили тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан экспертизадан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси (фоизи) белгиланиб келинмоқда.

Беморларнинг 74 фоизига ногиронлик гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси муддатсиз белгиланган.

Касб касалликларига эга бўлган беморларнинг 15 фоизи ногиронлик гуруҳига эмас, уларда 10 фоиздан 30 фоизгача касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси аниқланган, 58 фоизи III гуруҳ ногиронлари ва 30 фоиздан 60 фоизгача касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражасига эга. Касб касалликлари туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганлар 25 фоизни ташкил этиб, уларнинг 11 таси I гуруҳ ногиронидир. Ушбу ногиронларнинг касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси 60 фоиздан 100 фоизгача белгиланган.

Касб касалликларнинг асосий профилактик йўналишлари, уларнинг олдини олиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар

Ходимларнинг соғлиғини сақлашда, жумладан касб касалликларининг профилактикасида меҳнат фаолиятининг ҳолати муҳим ўринга эгадир. Шунинг учун ҳам меҳнат шароитларини яхшилаш ва касб касалликларини олдини олиш масалаларига «Ўзбекистон Республикаси Санитария Назорати»

ҳақидаги Қонун, «Ўзбекистон Республикасида аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилишнинг асосий қоидалари» каби ҳужжатларда алоҳида эътибор берилган.

Республикада ходимларга тиббий-санитар хизмат кўрсатиш, касб касалликларининг профилактикаси икки йўналишда олиб борилмоқда.

1. Меҳнат шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш.
2. Тиббий профилактик ёрдам кўрсатиш.

Касб касалликлари профилактикасида ишлаб чиқариш жараёнларининг модернизацияси, автоматлаштириш, механизациялаштириш, дистанцион бошқарув ва робот техникасидан фойдаланиш, заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишни чеклаш, чанг миқдорини, физик омиллар даражасини камайтиришга йўналтирилган технологик чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришда маҳаллий ва умумий ҳаво алмаштирувчи вентиляцияни қўллаш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, маиший хоналар, овқатланиш ва дам олиш учун шароитлар яратиш, меҳнат режимини тўғри ташкил этиш касбий ва умумий касалликларнинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Касб касалликлари профилактикасининг энг самарали йўналишларидан бири ишчи ва хизматчиларни профилактик тиббий кўриклардан ўтказишдир.

Республикада касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишга қабул қилинаётганда ходимнинг дастлабки ва даврий тиббий кўриклари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғи асосида ўтказилади. Ушбу буйруқда профилактик расмийлаштириш, жумладан тиббий кўрикларни ўтказишда қатнашиши шарт бўлган шифокор-мутахассислар ва меҳнат жараёнида этиологик омилларга асосланиб ўтказилиши керак бўлган лаборатор функционал текширувлар, ишлаб чиқаришнинг зарарли, хавфли ва нохуш омиллари билан боғлиқ иш жойларига ишга қабул қилиш учун қаршилик кўрсатувчи монийликлар кўрсатилган.

Профилактик кўрикларни ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бир ходимга тўғри хулоса бериш, нафақат даволаш-профилактика муассасаларининг иши, бу касба уюшмаларининг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дастлабки тиббий кўриклар организмнинг аъзолари ва тизимларида у ёки бу ўзгаришлар бўлган ва зарарли касбий омилларнинг таъсирида ишлашга рухсат этилмайдиган шахсларни ишга қўймасликка йўналтирилган. Бундай кўриклар аввало касб касалликларнинг олдини олишга ва ишлаб чиқаришда ишга кираётган фуқароларнинг соғлиғини ҳисобга олган ҳолда рационал ишга жойлаштириш, яъни зарарли омилларнинг таъсири билан боғлиқ касбларга рухсат беришнинг тиббий регламентини аниқлашга қаратилган бўлиб, профилактик чора-тадбирларни яратувчи асосий шароитлардан биридир. Шунинг учун бунда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

шахсий ҳимоя чораларига амал қилиш;

профилактиканинг тиббий – биологик – физиологик усуллари қамраб олган чораларни тўлиқ ўтказиш;

ишга киришдан олдинги дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғига қатъий ва тўла амал қилган ҳолда сифатли ўтказиш;

ишга киришдан олдинги дастлабки ва даврий тиббий кўрикларнинг сифатли ўтказилишини касаба уюшмаси, меҳнат хавфсизлиги бўлимлари, қолаверса иш берувчи томонидан назорат қилиш;

ходимларга соғлом турмуш тарзига янгича қараш, соғлом меҳнат шароитларини талаб қилиш, ўз соғлиғига эътибор беришни ўргатиш;

санитар-маиший ишларни фаоллаштириш.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни бажариш учун уларнинг бажарилишини таъминловчи ва назорат қилувчи механизмни яратиш зарур. Профилактик тадбирларни ўтказишда корхонанинг маъмурияти қатнашиши ва икки томонлама (иш берувчи ва ходим) мажбуриятлари кўрсатилган, ҳуқуқий ҳужжатлар тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Даврий тиббий кўрик ўтказилганидан кейин, якуний далолатнома тузишда, дифференцияланган диспансер назоратини олиб бориш учун қуйидаги гуруҳларни ажратиш тавсия қилинади.

Диспансер гуруҳлари:

Д1 – зарарли омиллар ва нохуш иш шароитларининг таъсири бўлмаган шахслар;

Д2 – касб касалликлари ривожланиши эҳтимоли бор шахслар;

Д3 – касб касалликлари билан касалланган беморлар.

Диспансер назорати гуруҳлари алоҳида патологик белгилар ёки уларнинг биргаликда кетишига таъсир қилувчи омилларнинг характери ва улар келтириб чиқарадиган патологиянинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади.

Профилактик чора-тадбирлар ичида касб касалликлари ривожланиши хавфи бўлган гуруҳни ўз вақтида аниқлаш ва уларга даволаш соғломлаштириш тадбирлари мажмуини қўллаш ходим (аҳоли)нинг соғлиғини сақлашда катта аҳамиятга эга. Касб касаллиги билан касалланган беморлар Д3 гуруҳига киритилади ва уларнинг диспансер назорати ўрнатилган тартибда олиб борилади.

Касб касалликларининг профилактикасида қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

барча беморлар касб касаллиги аниқланиши биланоқ, жумладан касалликнинг бошланғич клиник белгиси кам намоён бўлган ҳолатларда ҳам диспансер назоратига олиниши керак;

касб касаллиги билан касалланган беморлар меҳнат қилишлари ёки нафақада бўлишларидан қатъий назар, доимо даволаш ва диспансер назоратида бўлишлари шарт;

беморларни диспансер кузатиш принциплари касб касалликларининг шакли ва кечиш хусусиятлари билан белгиланади;

касб касалликларининг авж олиши ва асоратлари қўшилишининг олдини олиш мақсадида касб касалликларининг яққол ифодаланган шакллари билан касалланган беморлар ҳар йили касб касалликлари клиникасида даволанишлари зарур;

касб касалликлари билан касалланган беморларни диспансер назорат қилиш тизими беморлар реабилитациясининг таркибий қисми ҳисобланган, уларни меҳнатга тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун тузилган Бош келишувда меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш учун олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда таклифлар ишлаб чиқишни Тарафлар ўз зиммаларига олишган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2011 йил якуни бўйича бўлиб ўтган IV Мажлисида республикамізда касб касалликларига чалинганлар 7163 нафар кишига етганлиги ва шундан 1851 нафари, яъни 25,8 фоизи аёлларни ташкил этиши таъкидлаб ўтилди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг таклифларини инобатга олган ҳолда ходимлар саломатлигини сақлаш, касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олиш ҳамда камайтириш бўйича асосий йўналишларни ўз ичига олган ушбу тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бу вазифаларни амалга оширишда, яъни касб касалликлари ва умумий касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида илк босқичларида ташхислаш, беморларнинг тиббий ва меҳнат реабилитацияси самарадорлигини ошириш учун даволаш профилактика муассасалари ва касаба уюшмалари томонидан биргаликда қуйидаги тадбирларни амалга оширишларини тавсия этилади:

1. Корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғи асосида ўтказилаётган дастлабки ва даврий тиббий кўрикларнинг сифатини ошириш;

2. Тиббий кўрикларни ўтказадиган даволаш профилактика муассасалари врачларининг касб касалликлари бўйича малакасини ошириш ва тиббий кўрикларнинг ҳулосалари касб касалликлари бўйича сертификатга эга бўлган шифокорлар томонидан амалга оширилиши юзасидан касаба уюшмалари назоратини олиб бориш;

3. Касаба уюшмалари фаолларининг малакасини ошириш бўйича ўқув марказининг дастурларига касб касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли буйруғи асосида тиббиёт кўрикларини ташкил этиш ва кўрик хулосалари бўйича тадбирларни амалга оширишда, беморларни тиббий ва меҳнат реабилитациясида касаба уюшмалари вазифалари юзасидан ўқув соатлари киритиш;

4. Касб касалликлари қайд этилган корхоналардаги иш жойларини шаҳодатлаш, даврий тиббий кўриклар натижаларининг объектив бўлишини таъминлаш мақсадида, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги, ушбу вазифаларни амалга оширишга лицензияси бўлган муассасалар томонидан амалга ошириш юзасидан касаба уюшмалари билан биргаликда назоратни ташкил этиш;

5. Касб касалликлари келиб чиқиши хавфи юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида ходимларнинг даврий кўриклари ҳар 3 йилда касб касалликлари клиникасининг юқори малакали шифокорларидан тузилган махсус гуруҳлар томонидан ўтказилишини ташкил этиш;

6. Хусусий корхоналар, касаначилар, ҳунармандлар орасида касб касалликлари профилактикаси, уларнинг тиббий кўриклари, беморларнинг тиббий ва меҳнат реабилитациясини ташкил этиш;

7. Касб касалликлари ташхисланган беморларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашни яхшилаш, улар учун тиббий хулосалари ва тавсиялари асосида иш жойларини ташкил этиш, амалдаги қонунлар ва ҳужжатлар асосида уларга етказилган зарарни қоплаш юзасидан касаба уюшмалари назоратини кучайтириш;

8. Касб касалликларига чалинган беморларнинг тиббий реабилитациясини амалга ошириш ва уларни самарали даволаш йўли билан ногиронлик даражасини камайтириш учун иш берувчилар томонидан санаторий-профилаторийлар ва бошқа даволаш муассасаларига бепул йўлланмалар, касаба уюшмалари тизимидаги санаторияларда улар учун имтиёзли жойлар ажратиш;

9. Корхоналар қошида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволаниш учун санаторий-профилаторийлар ташкил этиш.

**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**

РАЁСАТ

**O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI**

RAYOSAT

**ҚАРОРИ
QARORI**

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2017 йил 20 ноябрь

№ 8-108 “с”

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида

Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

1. “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида Низом” **1-иловага**, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўрик-танлов якунларини умумлаштириш комиссияси таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларига:

кўрик-танловнинг 1 ва 2-босқичларга ташкилотларни кенг жалб қилиш, танлов Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда юқори савияда ўтказилишини таъминлаш;

иш берувчилар ва касаба уюшмаси қўмиталарига ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига касаба уюшмалари фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқлар ва ваколатлар, имтиёзлар ўрнатилиши, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича энг яхши вакилларни ҳамда ёш мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари киритилишига эришиш;

кўрик-танлов иштирокчиларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги соҳасида эришган ютуқлари ҳақида мунтазам оммавий ахборот воситалари орқали таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, жадваллар, фотосуратлар, видеолар ҳақида шаклида ёритиб борилишини ташкил қилиш;

кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш учун Низомда белгиланган қимматбаҳо совғаларни харид қилиш учун зарур бўладиган маблағларни йиллик даромадлар ва харажатлар сметасига киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Федерация Кенгаши аппаратининг Ишлар бошқармаси (О.Умаров) кўрик-танлов якунларини кўриб чиқиш комиссиясининг таклифига кўра кўрик-танловнинг III босқичи ғолибларини тақдирлаш учун дипломлар тайёрлаш, қимматбаҳо совғалар учун шартномалар тузиш ва уларни харид қилишни таъминласин.

4. Федерация Кенгаши аппаратининг Молия бўлими (Ж.Хамзаев) кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш учун Низомда белгиланган маблағлар ажратилишини ва III босқич ғолибларини тақдирлаш учун тузилган шартномаларга мувофиқ маблағ ўтказилишини таъминласин.

5. Федерация Кенгаши аппаратининг Матбуот хизмати (М.Ўрмонбекова) кўрик-танловнинг тегишли босқичлари ғолиблари фаолиятини мунтазам равишда ёритиб боришда касаба уюшмалари Республика кенгашлари, касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмаларига амалий ёрдам кўрсатсин.

6. “Ishonch” ва “Ishonch-доверие” газеталари таҳририяти (Ж.Шарофбоев)дан кўрик-танловни ёритувчи материалларни газета саҳифаларида алоҳида рукн остида чоп этиб бориш топширилсин.

7. Федерация Кенгаши аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (Н.Каримова)га:

Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг комиссиялари ишини мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш;

кўрик-танлов ғолибларини аниқлашда ҳаққонийлик ва ошкоралик принципларига амал қилинганлиги устидан назоратини жойига чиқиб ўрганилган ҳолда амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Федерация раисининг ўринбосари Б.Махмадалиев ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Н.Каримова зиммаларига юклатилсин.

**Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини
ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида Низом**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисидаги Низом ихтиёрийлик асосида, ташкилий-ҳуқуқий, мулк шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, муассасалар, жамоат бирлашмалари ва хусусий тадбиркорлар (матнда кейинги ўринларда – ташкилот), шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (матнда кейинги ўринларда – Федерация), тизимида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассислар ўртасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика танловини ўтказиш тартибини белгилаб беради.

2. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2. Кўрик-танлов давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

3. Кўрик-танловнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхоналарни тармоқлар кесимида аниқлаш;

ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши касаба уюшма ташкилотини аниқлаш;

меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилни аниқлаш;

ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг фаол иштирок этган меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассисларни аниқлаш;

корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга доир ишларни кучайтириш;

меҳнат муҳофазаси борасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан ижобий тажрибаларни ва бу борадаги илғор шакл ва усулларни кенг ёйиш.

4. Кўрик-танлов ўтказиш давомида қуйидагилар кўриб чиқилади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг мавжудлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талаблари бўйича йўл-йўриқлар берилгани, уларнинг ўқитилгани ва билимлари синалгани;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларнинг белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши;

иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилганлиги;

меҳнат шароити оғир, зарарли ва хавфли ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек ходимларнинг айрим тоифалари (аёллар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши;

ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) тиббий кўриклардан ўтказилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинганлиги;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари туфайли ходимларга етказилган зарарнинг иш берувчилар ёки суғурта компаниялари томонидан ўз вақтида ва тўғри тўланиши;

меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан жамоатчилик назорати бўйича олиб борилаётган ишлар;

меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолияти;

жамоа шартномаларида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар.

3. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

5. Кўрик-танловни ташкил этиш ва якунини кўриб чиқиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг комиссиялари томонидан амалга оширилади.

6. Тармоқ ва ҳудудий комиссиялар таркибига туман (шаҳар) касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг аппарати ходимлари ҳамда сайланма органлари аъзолари киради.

7. Комиссия (Федерация, тармоқ ва ҳудуд бўйича) қуйидаги вазифаларни бажаради:

кенг жамоатчиликка, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ташкилотлари раисларига ўтказилаётган кўрик-танлов ва уни ўтказишга оид шартларни маълум қилади;

кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

кўрик-танлов иштирокчиларига маслаҳат ҳамда услубий ёрдам беради;

кўрик-танловнинг якуни бўйича ҳолибларни аниқлайди.

4. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

8. Кўрик-танлов ҳар йили уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич – ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича 35 ёшдан ошмаган ёш мутахассислар ўртасида ўтказилади. Биринчи босқичга ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши комиссияси якун ясайди.

Иккинчи босқич – тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши тизимига қарашли ташкилотлар ўртасида ўтказилиб, унда ҳар бир ҳудудда тармоқ бўйича энг яхши деб топилган ташкилот, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассислар қатнашади. Иккинчи босқичга тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши комиссияси якун ясайди.

Учинчи босқичда – тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари иштирок этадилар. Учинчи босқичга Федерациянинг кўрик-танлов якунларини умумлаштириш комиссияси (матнда кейинги ўринларда – Федерация комиссияси) якун ясайди.

9. Кўрик-танловда қатнашиш тўғрисида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарори қабул қилинади.

10. Кўрик-танловда қатнашиш учун ташкилотлар томонидан ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши комиссиясига **1 февралга** қадар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- кўрик-танловда қатнашиш тўғрисидаги қарор нусхаси;
- корхонадаги меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ҳолати ва меҳнат шaroитларини акс эттирувчи кўрсаткичлар (1-илова);
- касаба уюшма кўмитасининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар (2-илова);
- меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар (3-илова);
- меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар (4-илова);
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар, жамоа шартномаси бўйича тадбирларнинг бажарилиши, меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича сарфланган маблағлар ҳақида таҳлилий маълумотлар ҳамда 1-, 2-, 3- ва 4-иловаларга тегишли ҳужжатлар.

11. Кўрик-танловда қатнашиш учун тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан тизим ташкилотларида амалга оширган ижобий кўрсаткичлар (5-илова) акс эттирилган тегишли ҳужжатлар Федерация комиссиясига тақдим этилади.

12. Кўрик-танлов қатнашчилари тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва тўғрилиги учун масъулдир.

13. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига тўғри баҳо бериш мақсадида комиссиялар корхоналарга чиқиш ва бошқа тегишли ташкилотлардан қўшимча маълумотларни сўраб олишлари мумкин.

14. Кўрик-танлов қатнашчиси тақдим этган ҳужжатларга онгли равишда нотўғри маълумотлар киритганлиги аниқланган тақдирда, ташкилот, касаба уюшма кўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил, меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис, тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кўрик-танловга қўйилмайди.

5. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ЯКУНИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

15. Кўрик-танловнинг 1-босқичида ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг комиссияси ҳудуд бўйича олинган энг яхши ташкилот, касаба уюшма кўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассиснинг ҳужжатларини **25 февралга** қадар баҳолаш мезонларига асосан (1-, 2-, 3-, 4-иловалар) кўриб чиқиб, ҳар бир номинация бўйича учтадан энг юқори бал тўплаган 1-, 2- ва 3-ўринларга номзодларни аниқлайди.

Баҳолашда ўтган йил якуни бўйича маълумотлар таҳлили олинади.

16. Фаолият баҳоланаётган йил давомида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса:

- кўрик-танлов қатнашчиси энг яхши ташкилот номинацияси бўйича кўрик-танловга қўйилмайди;

- энг яхши касаба уюшма қўмитаси, энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис номинациялари бўйича кўрик-танлов қатнашчиси кўрсаткичларини баҳолашда, олган баллари гуруҳий ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса учун 50 фоизга, оқибати оғир бахтсиз ҳодиса юз бергани учун 30 фоизга камайтирилади.

17. Худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қарорига асосан ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган энг яхши ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис номинациялари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаганлар ғолиб деб ҳисобланади.

18. Ғолиблар худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

19. Кўрик-танловнинг 1-босқичи ғолибларига бериладиган қимматбаҳо совғалар миқдори қуйидагича белгиланади:

3- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 4 баробаригача;

2- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 6 баробаригача;

1- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробаригача.

Кўрик-танловнинг 1-босқичи ғолибларини тақдирлаш жорий йилнинг **15 мартга қадар** тантанали тарзда ўтказилади.

20. Ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган худуд бўйича барча ғолиблар – энг яхши ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассиснинг ҳужжатлари **25 мартга** қадар худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши комиссияси томонидан тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши комиссиясига етказилади.

21. Кўрик-танловнинг 2-босқичида тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши комиссияси тармоқ бўйича олинган энг яхши ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассиснинг ҳужжатларини **20 апрелга** қадар баҳолаш мезонларига асосан (1-, 2-, 3- ва 4-иловалар) кўриб чиқиб, ҳар бир номинация бўйича 1-, 2- ва 3-ўринларга номзодларни аниқлайди.

1-, 2-, 3- ва 4-иловалардаги кўрсаткичларга тармоқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгаши қарори билан қўшимчалар киритилиши мумкин.

22. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашининг қарорига асосан энг яхши ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис номинациялари бўйича 1-, 2- ва 3- ўринни эгаллаганлар ғолиб деб ҳисобланади.

23. Кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолибларига бериладиган қимматбаҳо совғалар миқдори қуйидагича белгиланади:

3- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробаригача;

2- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача;

1- ўрин учун – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 12 баробаригача.

Кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолибларини тақдирлаш **“28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”**да тантанали тарзда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши томонидан ўтказилади.

24. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши комиссиялари 1- ва 2- босқич кўрик танлов якунлари бўйича тўлиқ маълумотни **22 майга** қадар Федерацияга тақдим этадилар.

25. Кўрик-танловнинг 3-босқичида тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари тизим ташкилотларида амалга оширган ижобий кўрсаткичлар бўйича ҳужжатларни (5-илова) **10 мартга** қадар Федерация комиссиясига тақдим этадилар.

25. Кўрик-танловнинг 3-босқичида Федерация комиссияси **1 июнга** қадар тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан тизим ташкилотларида амалга оширган ижобий кўрсаткичлар баҳолаш мезонларига асосан (5-илова) кўриб чиқиб, биттадан ғолибларни аниқлайди.

26. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига асосан қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгаши;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши.

Ҳар бир ғолиб республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробаригача миқдорда Федерациянинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

27. Кўрик-танловнинг учинчи босқичи ғолибларини тақдирлаш Федерация Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, ижтимоий ҳамкорлар ҳамда тегишли давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Федерация тизимида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари тузилмасига кирадиган таркибий бўлинмаларидан вакиллар, ғолибликни қўлга киритганлар, иш берувчилар ва касаба уюшмалари қўмиталари раислари иштирокида, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этган ҳолда тантанали тарзда ўтказилади.

28. Кўрик-танловнинг барча босқичи якунлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6. КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА САРФЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҚОПЛАНИШИ

29. Кўрик-танловнинг 1- ва 2-босқичларида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ғолибларни тақдирлашга кетадиган харажатлар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (биринчи босқич) ва тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари (иккинчи босқич) томонидан ва 3-босқич Федерация (учинчи босқич) томонидан қопланади. Кўрик-танлов ғолиблари ҳомийлар томонидан ҳам тақдирланиши мумкин.

**Ташкилотдаги меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги тизими ҳолати ҳамда
меҳнат шароитларини акс эттирувчи кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари**

1. Тармоқ касаба уюшмасининг номи _____

Бошқарув органи номи _____

Ташкилот номи _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, хусусий ёки бошқа) _____

Манзили _____

Веб-портал ёки саҳифаси _____

Ташкилот ходимлари сони, жами _____, шундан аёллар _____

Йил давомида ишга кирганлар сони _____, шундан ишчилар _____

Ташкилотдаги иш ўринлари сони _____

Ташкилотдаги касблар сони _____, иш турлари сони _____

2. Раҳбар (Ф.И.Ш): _____

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

3. Касаба уюшма қўмитаси (ёки ташкилоти) раисининг асосий лавозими _____

Ф.И.О. _____

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлим бошлиғи (муҳандис)нинг ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис вазифасини бажарувчи мутахассиснинг ва (ёки) бозорнинг профессионал иштирокчиси Ф.И.О.

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

5. Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони _____; гуруҳий _____; ўлим билан тугаган _____; оқибати оғир _____

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, мик-дори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
1.	Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (муҳандиси) ходимлари сони (50 ёки ундан ортиқ ходимлар ишлайдиган ташкилотлар учун)	нафар		меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ нусхалари	50 дан 150 нафаргача ходимга – 1 нафар мутахассис; 151-500 ходимга – 2 нафар мутахассис; 501-1000 ходимга – 3 нафар мутахассис ишласа: 5 балл камроқ мутахассис ишласа: 2 балл Ташкилотда мутахассис тайинланмаган бўлса: -3 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, мик- дори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
2.	Ходимлар сони 50 нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши (куйида келтирилган қаторлардан бири тўлдирилади):			меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юклатилганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси ёки бозорнинг профессионал иштирокчиси билан тузилган шартнома	рахбар томонидан ёки бозорнинг профессионал иштирокчиси билан тузилган шартнома асосида ишни ташкил этилган: 5 балл	
	- ташкилот раҳбари томонидан				ҳеч ким: -3 балл	
	- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юклатилган ходим ёки бозорнинг профессионал иштирокчиси томонидан				юклатилган ходим томонидан: 5 балл;	
					ҳеч ким: -3 балл	
3.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида хона, синф ажратилганлиги	хона синф		хона ва синф фотосуратлари	хона ажратилган бўлса, 3 балл	
					синф ажратилган бўлса: 3 балл	
					иккаласи бўлса: 6 балл	
4.	Хавфсизлик техникаси бўйича бурчак ташкил этилганлиги	сони		Бурчак(лар) фотосуратлари	3 балл	
5.	Меҳнат муҳофазасига оид баннер мавжудлиги	сони		Баннер(лар) фотосуратлари	2 балл	
6.	Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ	минг сўм		сарфланган маблағлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари	Ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ соҳадаги ўртача кўрсаткичдан 20 фоиздан 50 фоизгача кўп бўлса: 3 балл	
	Шундан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимда мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ	минг сўм			50 фоиздан ортиқ кўп бўлса: 5 балл	
	меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ	минг сўм			соҳадаги ўртача кўрсаткичдан 20 фоиздан 50 фоизгача кам бўлса: -3 балл	
					50 фоиздан ортиқроқ кам бўлса: -5 балл	
7.	меҳнат шароитлари нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларига йил давомида сарфланган маблағ	минг сўм		сарфланган маблағ ҳақидаги ҳужжатлар, меҳнат шароитлари нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар	100 фоиз бўлса: 6 балл 90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл 80 фоиздан 90 фоизгача, 2 балл 70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл 60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл 50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл 50 фоизгача: -6 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, мик-дори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
	юқорида қайд этилганлар билан бепул таъминланиши лозим бўлган ходимлар сони	нафар		учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш меъёрлари нусхалари		
	шундан ҳимоя воситалари билан таъминланган ходимлар сони	нафар				
8.	Ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш учун сарфланган маблағ	минг сўм		тиббий муассаса билан тузилган шартнома нусхаси, тиббий кўрикдан ўтказиш баёни нусхаси	1-20 фоиз: 1 балл	
	даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимлари сони	нафар			21-40 фоиз: 2 балл	
	шулардан тиббий кўрикдан ўтганлари	нафар			41-60 фоиз: 3 балл	
					61-80 фоиз: 4 балл	
					81-100 фоиз: 5 балл	
9.	Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш учун сарфланган маблағ	минг сўм		аттестациядан ўтказиш бўйича тузилган шартнома нусхаси, аттестациядан ўтказиш баёни нусхаси	1-20 фоиз: 1 балл	
	меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган иш ўринлари	сони			21-40 фоиз: 2 балл	
	шулардан аттестациядан ўтказилганлари (сўнгги беш йилни ҳисобга олган ҳолда)	сони			41-60 фоиз: 3 балл	
					61-80 фоиз: 4 балл	
					81-100 фоиз: 5 балл	
10.	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланмаси мавжудлиги	сони		Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар реестри	5 тадан 10 тагача: 2 балл	
					11 тадан 15 тагача: 3 балл	
					15 тадан 20 тагача: 4 балл	
					20 та ва ундан кўпроқ: 5 балл	
11.	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ташкил этилганлиги	минг сўм		жамғарма ташкил этиш ҳақидаги буйруқ нусхаси	3 балл	
	шундан кўрик-танлов ўтказилган йилда сарфлангани	минг сўм			2 балл	
12.	Ташкилот ҳудудида ишлаб турган ошхоналар	сони		ошхоналар фотосуратлари	ошхонадаги ўриндиқлар сони ходимлар сонидан 4 марта кам бўлса: 4 балл	
	ошхоналардаги ўриндиқлар сони	сони			5-8 марта кам бўлса: 2 балл	
13.	Дам олиш хоналари ташкил этилганлиги	сони		дам олиш хоналари фотосуратлари	ташкил этилган бўлса: 3 балл	
					ташкил этилмаган бўлса: -2 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, мик-дори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
14.	Ташкилот ходимларининг жиҳозланган санитария-гигиена хоналари билан таъминланиши:	сони		кийиниш, ювиниш, қўл ювиш ва аёлларнинг шахсий гигиена хоналари барчаси фотосуратлари	эркаклар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	кийиниш хонасидаги шкафлар сони	сони			аёллар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	эркаклар учун аёллар учун	сони			15 нафар эркакка 1 та душ сеткаси тўғри келса: 2 балл	
	ювиниш хоналаридаги душ сеткалари:	сони			15 нафар аёлга 1 та душ сеткаси тўри келса: 2 балл	
	эркаклар учун аёллар учун	сони			15 ходимга 1 та умивальник тўғри келса: 2 балл	
	бет-қўл ювиш жойлари (умивальниклар)	сони			2 балл	
	ҳожатхоналар:	сони			2 балл	
	эркаклар учун аёллар учун	сони			15 нафар ва ундан кўпроқ аёллар ишлаётган ташкилотларда ташкил этилган бўлса: 2 балл	
15.	Мехнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича ўқитилиши ва билими текширилиши лозим бўлган раҳбарлар ва мутахассислар шундан ўқитилгани ва билими текширилгани	нафар		ўқитиш бўйича тузилган шартнома, билимларини текшириш баёнлари нусхалари	100 фоиз бўлса, 6 балл;	
	(сўнгги 3 йилни ҳисобга олган ҳолда)	нафар			90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл	
					80 фоиздан 90 фоизгача: 2 балл	
					70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл	
					60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл	
					50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл	
					50 фоизгача: -6 балл	
16.	Мехнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича билими текширилиши лозим бўлган ишчилар	нафар		ишчилар рўйхатлари	100 фоиз бўлса, 6 балл	
	шундан билими текширилгани	нафар			90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл	
					80 фоиздан 90 фоизгача: 2 балл	
					70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл	
					60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл	
					50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, мик-дори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
					50 фоизгача: -6 балл	
17.	Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш йўриқномасининг ҳажми, йил давомида кириш йўриғидан ўтказилган ходимлар сони	бет нафар		йўл-йўриқ берилишини қайд этиш дафтаридан кўчирма	йил давомида ишга кирган ходимлар сонига тенг бўлса: 5 балл кам бўлса: -5 балл	
18.	Хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилганлиги: касблар бўйича	сони		касб бўйича ва иш тури бўйича йўриқномалар	касблар сонига тўғри келса: 2 балл	
	иш турлари бўйича	сони			кам бўлса: -2 балл иш турларига тўғри келса: 2 балл кам бўлса: -2 балл	
19.	Йил давомида иш жойидаги хавфсизлик техникаси бўйича йўриқдан ўтказилган ходимлар сони: бирламчи йўриқдан ўтказилган	нафар		иш жойидаги йўриқларни қайд этиш дафтаридан кўчирмалар	йил давомида ишга кирган ишчилар сонига тенг бўлса: 5 балл	
	даврий йўриқлардан ўтказилган	нафар			кам бўлса: -5 балл билими текширилиши лозим бўлган ишчилар сонидан 4 марта кўп бўлса: 2 балл	
20.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари туфайли етказилган зарар суммаларидан қарздорлик	минг сўм		етказилган зарар суммаларини олувчилар рўйхати, охириги тўлов амалга оширилгани ҳақидаги ҳужжат нусхаси	қарздорлик мавжуд бўлса: -5 балл	
21.	Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинганлиги	минг сўм		суғурта полиси рақами, санаси ва амал қилиш муддати	суғурта қилинган бўлса: 3 балл қилинмаган бўлса: -3 балл	

Ташкилот раҳбари
М.Ў.

(сана, имзо, Ф.И.О.)

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси

(сана, имзо, Ф.И.О.)

**Касаба уюшма қўмитасининг фаолиятини акс эттирувчи
кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари**

1. Тармоқ касаба уюшмасининг номи _____

Бошқарув органи номи _____

Ташкилот номи _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, хусусий ёки бошқа) _____

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

Манзили _____

Веб-портал ёки саҳифаси _____

Ташкилот ходимлари сони, жами _____, шундан аёллар _____

Ташкилотдаги иш ўринлари сони _____

2. Касаба уюшма қўмитаси таркиби:

КУ қўмитаси раиси, аъзосининг Ф.И.О.	Асосий касби, лавозими	Ушбу ташкилотдаги иш стажи	КУ қўмитаси раиси, қўмита аъзолигига неча йилдан бери сайланади	Телефон, факс e-mail веб-саҳифаси
1	2	3	4	5

3. Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони _____ :
гуруҳий _____; ўлим билан тугаган _____; оқибати оғир _____

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдо ри	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
1.	Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси ташкил этилганлиги ва аъзолари сони	нафар		комиссия тузиш ҳақидаги қарор нусхаси	ташкил этилган бўлса: 5 балл этилмаган бўлса: -5 балл	
2.	Комиссия аъзоларининг неча нафари ким томонидан ва қачон ўқитилган	нафар		ўқитилгани ҳақидаги ҳужжат нусхаси	ўқитилган бўлса, 2 балл ўқитилмаган бўлса, -2 балл	
3.	Комиссиянинг йиллик иш режасидаги тадбирлар сони (комиссия томонидан олиб борилган ишлар ҳақидаги маълумотнома илова қилинади)	сон		Комиссиянинг йиллик иш режаси, унда назарда тутилган тадбирлардан бажарилма-ганлари номи	иш режаси бажарилган бўлса: 3 балл	
4.	Ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар (вакил) сони	нафар		йиғилиш баёни, вакиллар рўйхати	сайланган бўлса: 5 балл сайланмаган бўлса: -5 балл	
5.	Вакилларнинг неча нафари ким томонидан ва қачон ўқитилган	нафар		ўқитилгани ҳақидаги ҳужжат нусхаси	ўқитилган бўлса: 2 балл ўқитилмаган бўлса: -2 балл	
6.	Вакил (катта вакил)нинг йиллик иш режасидаги тадбирлар сони (вакиллар томонидан олиб	сон		вакил (катта вакил)нинг йиллик иш режаси, унда	иш режаси бажарилган бўлса: 3 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдо ри	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
	борилган ишлар ҳақидаги маълумотнома илова қилинади)			назарда тутилган тадбирлардан бажарилмаганлари номи		
7.	Касаба уюшма кўмитаси томонидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси масалалари йил давомида неча марта кўриб чиқилган	сони		йиғилишлар баёнлари, қарорлари	1 марта: 1 балл;	
					2 марта: 2 балл	
					3 марта: 3 балл	
					4 марта: 4 балл	
					5 марта ва ундан ортиқ: 5 балл	
8.	Меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган текширишлар	сони		Текширишлар натижаларига кўра тузилган маълумотномалар нусхалари	91-100 фоиз бартараф этилса: 5 балл	
	текширишларда аниқланган камчиликлар	сони			81-90 фоиз бартараф этилса: 4 балл	
	шулардан бартараф этилганлари	сони			71-80 фоиз бартараф этилса: 3 балл	
					61-70 фоиз бартараф этилса: 2 балл	
					51-60 фоиз бартараф этилса, 1 балл	
9.	Йил давомида неча нафар касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди	нафар		тегишли ҳужжатлар нусхалари, ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлар рўйхати	1 нафар: 1 балл	
					2 нафар: 2 балл	
					3 нафар: 3 балл	
					4 нафар: 4 балл	
					5 нафар ва ундан ортиқ: 5 балл	
10.	Йил давомида назорат қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари текширувларида аниқланган жами камчиликлар	сони		ёзма кўрсатмалар ва тақдимномалар, аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақида маълумотномалар нусхалари	91-100 фоиз бартараф этилса: 5 балл	
	шулардан бартараф этилганлари	сони			81-90 фоиз бартараф этилса: 4 балл	
					71-80 фоиз бартараф этилса: 3 балл	
					61-70 фоиз бартараф этилса: 2 балл	
					51-60 фоиз бартараф этилса: 1 балл	
11.	Жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими Ўзбекистон КУФ томонидан ишлаб чиқилган макетга мослиги	мос		жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими кўчирмаси	мос келса: 3 балл	
		мос эмас				
12.	Жамоа шартномасига илова қилинган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбир-ларини режалаштириш бўйича тавсиялар”га мослиги	мос		меҳнат муҳофазаси бўйича битим нусхаси	мос келса: 3 балл	
		мос эмас				
13.	Битимдаги чора-тадбирлар сони	сони		битимда назарда тутилган тадбирлардан	91-100 фоиз бажарилса: 5 балл	
	шулардан бажарилгани	сони			81-90 фоиз бажарилса:	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
				бажарилмаганлари номи ва сони	4 балл 71-80 фоиз бажарилса: 3 балл 61-70 фоиз бажарилса: 2 балл 51-60 фоиз бажарилса: 1 балл	
14.	меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим бўлган ходимлар сони	нафар		меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш меъёрлари нусхаси	100 фоиз бўлса: 6 балл 90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл 80 фоиздан 90 фоизгача: 2 балл 70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл 60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл 50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл 50 фоизгача: -6 балл	
	шундан ҳимоя воситалари билан таъминланган ходимлар сони	нафар				
15.	Меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли назорат ўтказиш йўлга қўйилганлиги:	кун		уч босқичли назоратнинг 1 ва 2-босқичини қайд этиш журналидан кўчирма, 3-босқични ўтказиш далолатномаси	текширув йўлга қўйилган бўлса: 3 балл	
	1-босқични ўтказиш даврийлиги					
	2-босқични ўтказиш даврийлиги	ҳафта				
	3-босқични ўтказиш даврийлиги	ой				
16.	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича ўқитилиши ва билими текширилиши лозим бўлган раҳбарлар ва мутахассислар	нафар		ўқитиш бўйича тузилган шартнома, билимларини текшириш баёнлари нусхалари	100 фоиз бўлса: 6 балл 90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл 80 фоиздан 90 фоизгача: 2 балл 70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл 60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл 50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл 50 фоизгача: -6 балл	
	шундан ўқитилгани ва билими текширилгани (сўнгги 3 йилни ҳисобга олган ҳолда)	нафар				

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
17.	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича билими текширилиши лозим бўлган ишчилар	нафар		ишчилар рўйхатлари	100 фоиз бўлса: 6 балл	
	шундан билими текширилгани	нафар			90 фоиздан 100 фоизгача: 4 балл	
					80 фоиздан 90 фоизгача: 2 балл	
					70 фоиздан 80 фоизгача: 0 балл	
					60 фоиздан 70 фоизгача: -2 балл	
					50 фоиздан 60 фоизгача: -4 балл	
					50 фоизгача: -6 балл	
18.	Даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимлари сони	нафар		тиббий кўрикдан ўтказиш баёни нусхаси	1-20 фоиз: 1 балл	
	шулардан тиббий кўрикдан ўтганлари	нафар			21-40 фоиз: 2 балл	
					41-60 фоиз: 3 балл	
					61-80 фоиз: 4 балл	
19.	Меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган иш ўринлари	сони		аттестациядан ўтказиш баёни нусхаси	1-20 фоиз: 1 балл	
	шулардан аттестациядан ўтказилганлари (сўнгги беш йилни ҳисобга олган ҳолда)	сони			21-40 фоиз: 2 балл	
					41-60 фоиз: 3 балл	
					61-80 фоиз: 4 балл	
20.	Ташкилот ходимларининг жиҳозланган санитария-гигиена хоналари билан таъминланиши: кийиниш хонасидаги шкафлар сони: эркаклар учун	сони		барча кийиниш, ювиниш, қўл-бет ювиш ва аёлларнинг шахсий гигиена хоналари фотосуратлари	эркаклар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			аёллар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	ювиниш хоналаридаги душ сеткалари: эркаклар учун	сони			15 нафар эркакка 1 та душ сеткаси тўғри келса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			15 нафар аёлга 1 та душ сеткаси тўри келса: 2 балл	
	қўл-бет ювиш жойлари (умивальниклар)	сони			15 ходимга 1 та умивальник тўғри келса: 2 балл	
	ҳожатхоналар: эркаклар учун	сони			бўлса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			бўлса: 2 балл	
	аёлларнинг шахсий гигиена хоналари	сони			15 нафар ва ундан кўпроқ аёллар ишлаётган Ташкилотларда ташкил этилган бўлса: 2 балл	
21.	Ходимлар ишлаб чиқа-ришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилинганлиги	минг сўм		суғурта полиси рақами, санаси ва амал қилиш муддати	суғурта қилинган бўлса: 3 балл	
					қилинмаган бўлса: -3 балл	
22.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз	сони		Н-1 шаклидаги	Ҳужжат мазмуни, касаба	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
	ходисаларни текшириш комиссияси ишида иштироки			далолатнома ва профилактик чора-тадбирлар нусхаси	уюшмаси кўрган профилактик чора-тадбирлар асосида: 0-5 баллгача	
23.	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштироки	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ходимларга меҳнат шариоити яратишдаги иштироки бўйича: 0-5 баллгача	
24.	Ходимлар меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиб тегишли органларга мурожаат қилиши	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ҳар бир ижобий ҳал этилган масала учун: 1 балл	
25.	Норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштироки	сони		Норматив ҳужжат нусхаси	Ҳар бир ишлаб чиққан ҳужжат учун: 1 балл	
26.	Меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштироки	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ҳар бир ижобий ҳал этилган масала учун: 1 балл	
27	Иш ўринларини меҳнат шариоитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси ишида иштироки	сони		Ҳужжат нусхаси	Ҳар бир комиссия ишидаги иштирок ва меҳнат шариоитларини яхшиланиши учун киритган таклифлари учун алоҳида: 0-12 баллгача	

Касаба уюшма қўмитаси раиси

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи

(меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандиси)

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг фаолиятини акс эттирувчи
кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари**

1. Тармоқ касаба уюшмасининг номи _____

Бошқарув органи номи _____

Ташкилот номи _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, хусусий ёки бошқа) _____

Манзили _____

Веб-портал ёки саҳифаси _____

Ташкилот ходимлари сони, жами _____, шундан аёллар _____

2. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил (кейинги ўринларда – вакил)нинг Ф.И.О.

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

Асосий касби, лавозими _____

Ташкилотдаги иш стажи _____

Қайси таркибий бўлинмага вакил этиб сайланган _____

3. Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони _____ : гуруҳий _____ ; ўлим билан тугаган _____ ; оқибати оғир _____

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сони, миқдори	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
1.	Неча марта вакил этиб сайланган	марта		Йиғилишлар баёнлари	3 ва undan ortiq марта: 5 балл	
					2 марта: 4 балл	
					1 марта: 3 балл	
2.	Ким томонидан ва қачон ўқитилган			Ўқитилгани ҳақидаги ҳужжат нусхаси	Ўқитилган бўлса: 2 балл	
					Ўқитилмаган бўлса: -2 балл	
3.	Вакилнинг йиллик иш режасидаги тадбирлар сони (вакил томонидан олиб борилган ишлар ҳақидаги маълумотнома илова қилинади)	сони		вакилнинг йиллик иш режаси, unda nazarda tutilgan ta'dbirlardan bajarylmanlari nomi va soni	иш режаси тўлиқ бажарилган бўлса: 3 балл	
					тўлиқ бажарилмаган бўлса: 2 балл	
4.	Меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли назорат ўтказиш йўлга қўйилганлиги: 1-босқични ўтказиш даврийлиги	кун		уч босқичли назоратнинг 1 ва 2-босқичини қайд этиш журналидан кўчирма, 3-босқични ўтказиш далолатномаси	текширув йўлга қўйилган бўлса: 3 балл	
	2-босқични ўтказиш даврийлиги	ҳафта				
	3-босқични ўтказиш даврийлиги	ой				

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирли- ги	Сони, миқдо- ри	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
5.	Мехнат муҳофазаси бўйича ўтказилган текширишлар	сони		Текширишлар натижаларига кўра тузилган маълумотномалар нусхалари	91-100 фоиз бартараф этилса, 5 балл	
					81-90 фоиз бартараф этилса: 4 балл	
	текширишларда аниқланган камчиликлар	сони			71-80 фоиз бартараф этилса:, 3 балл	
	шулардан бартараф этилганлари	сони			61-70 фоиз бартараф этилса: 2 балл	
					51-60 фоиз бартараф этилса: 1 балл	
6.	Ходимлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиш ҳақида мансабдор шахсларга талаблар қўйилганлиги	сони		қўйилган талаблар нусхалари, инобатга олинмаганлари номи	91-100 фоиз инобатга олинса: 5 балл	
					81-90 фоиз инобатга олинса: 4 балл	
					71-80 фоиз инобатга олинса 3 балл	
					61-70 фоиз инобатга олинса: 2 балл	
	шулардан инобатга олингани	сони			51-60 фоиз инобатга олинса: 1 балл	
7.	Бахтсиз ҳодисаларни текширишда неча бор иштирок этилди	сони		тузилган далолатномалар нусхалари	йил давомида юз берган бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этган бўлса: 2 балл	
					этмаган бўлса: -2 балл	
8.	Вакил таклифига биноан меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари талабларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилган шахслар	нафар		Жавобгар-ликка тортилганлик ҳақидаги буйруқлардан кўчирмалар	жавобгарликка тортилганлар бўлса: 2 балл	
9.	Вакил таклифига кўра жамоа шартномасига меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича киритилган тадбирлар	сони		жамоа шартномасига киритилган чора-тадбирлар номи, бажарилмаганлари номи ва сони	таклиф киритилиб, тўлиқ бажарилган бўлса: 3 балл	
	шулардан бажарилгани	сони			тўлиқ бажарилмаган бўлса: 2 балл	
10.	Вакил фаолияти натижасида меҳнат шaroитлари яхшиланган ва меҳнат хавфсизлиги таъминланган иш ўринлари	сони		иш ўринлари рўйхати	3 та ва ундан ортиқ яхшиланган ва таъминланган бўлса: 3 балл	
					2 та бўлса: 2 балл	
					1 та бўлса: 1 балл	
11.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси ва шaroитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этганлиги, таклиф этган чора-тадбирлари	сони		чора-тадбирлар номи	3 та ва ундан ортиқ чора-тадбир таклиф этилган бўлса: 2 балл	
					1 ёки 2 та чора-тадбир таклиф этилган бўлса: 1 балл	
12	Вакил хизмат кўрсатаётган бўлинма ходимларининг меҳнат шaroитлари ноқулай ишларда	фоиз		меҳнат шaroитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар	100 фоиз бўлса: 3 балл	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирли- ги	Сони, миқдо- ри	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
	банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланиши			белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан ходимларни бепул таъминлаш меъёрлари нусхаси	90 фоиздан 100 фоизгача: 2 балл 80 фоиздан 90 фоизгача: 1 балл	
13.	Вакил хизмат кўрсатаётган бўлинма ходимларининг жиҳозланган санитария-гигиена хоналари билан таъминланиши: кийиниш хонасидаги шкафлар сони: эркаклар учун	сони		бўлинмада ташкил этилган кийиниш, ювиниш, қўл-бет ювиш ва аёлларнинг шахсий гигиена хоналари фотосуратлари	эркаклар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			аёллар сонига тенг бўлса: 2 балл	
	ювиниш хоналаридаги душ сеткалари: эркаклар учун	сони			15 нафар эркакка 1 та душ сеткаси тўғри келса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			15 нафар аёлга 1 та душ сеткаси тўри келса: 2 балл	
	қўл-бет ювиш жойлари (умивальниклар)	сони			15 ходимга 1 та умивальник тўғри келса: 2 балл	
	ҳожатхоналар: эркаклар учун	сони			бўлса: 2 балл	
	аёллар учун	сони			бўлса: 2 балл	
	аёлларнинг шахсий гигиена хоналари	сони			15 нафар ва ундан кўп аёллар ишлаётган ташкилотларда ташкил этилган бўлса: 2 балл	
14.	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштироки	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ходимларга меҳнат шароити яратишдаги иштироки бўйича: 0-5 баллгача	
15.	Норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштироки	сони		Норматив ҳужжат нусхаси	Ҳар бир ишлаб чиққан ҳужжат учун: 1 балл	
16.	Меҳнат шароитларини яхшилашга оид жамоа шартномаларига киритган таклифлари	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ҳар бир асослаб киритилган таклиф ва натижадорлиги учун: 1 балл	
17.	Касаба уюшмаси кўмитаси (ташкilotи)га меҳнат шароитларини яхшиланишига оид киритилган таклифлар	сони		Ҳужжатлар нусхаси	Ҳар бир асослаб киритилган таклиф ва натижадорлиги учун: 1 балл	

Т/р	Қўрсаткич номи	Ўлчов бирли- ги	Сони, миқдо ри	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
18	Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси ишида иштироки	сони		Хужжат нусхаси	Ҳар бир комиссия ишидаги иштирок ва меҳнат шароитларини яхшиланиши учун киритган таклифлари учун алоҳида: 0-12 баллгача	

Қасаба уюшма қўмитаси раиси
М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис фаолиятини акс эттирувчи
кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари**

1. Тармоқ касаба уюшмасининг номи _____

Бошқарув органи номи _____

Ташкилот номи _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, хусусий ёки бошқа) _____

Манзили _____

Веб-портал ёки саҳифаси _____

Ташкилот ходимлари сони, жами _____, шундан: аёллар _____ ёшлар _____

2. Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассиснинг Ф.И.О.

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

Асосий касби, лавозими _____

Ташкилотдаги иш стажи _____

Туғилган йили ва санаси (ёши) _____

Қайси таркибий бўлинмада фаолият юритади _____

3. Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони _____; гуруҳий _____; ўлим билан тугаган _____; оқибати оғир _____

Т/р	Кўрсаткич номи	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида иш стажи	Маълумотнома (объективка), меҳнат дафтарчасининг нусхаси	3 йилгача: 3 балл; 3 йилдан-5 йилгача: 4 балл; 5 йилдан кўп: 5 балл	
2	Маълумоти	Диплом, Сертификат, гувоҳномалар нусхаси	ўрта махус: 3 балл; бакалавр: 4 балл; магистр: 5 балл; кўшимча ўқув курслари - ҳар бири: 1 балл	
3	Чет тилларини билиши	Ўтказилган суҳбат натижаси	қониқарли: 3 балл; ўртача: 4 балл; аъло: 5 балл	
4	Ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилияти ва компьютер саводхонлиги	Электрон рақамли имзо, почтаси борлиги ва электрон ҳисоботларни юрита олиши	қониқарли: 3 балл; ўртача: 4 балл; аъло: 5 балл	
5	Ташкилотда фаолият кўрсатаётган даврида давлат мукофотлари, фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги	Ҳужжатлар нусхаси	Меҳнат муҳофазасига оид Фахрий ёрлиқ: 2 балл; Халқаро диплом: 5 балл; Давлат мукофотлари: 10 балл	
6	Меҳнат муҳофазасига оид муаллифлик ишлари бўлса, унинг	Муаллифлик ишлари (тема, лойиҳа, патент,	Тўлиқ асосланган: 5 балл қисман камчиликлар мавжуд: 3-4	

Т/р	Кўрсаткич номи	Ахборот манбаи	Баҳолаш мезонлари	Балл
	долзарблиги, асосланганлиги бўйича берилган технологик баҳо	ихтиро ва ҳ.к)	балл; тўлиқ асосланмаган: 0-2 балл	
7	Жамоат ишларидаги иштироки ва касаба уюшмалари ҳаракатидаги фаоллиги	Ўтказилган тадбир, учрашув, йиғилиш баёни, қарор, иш режа нусхалари ва фотолар	Ёш мутахассис ташкил этган тадбир, учрашув, йиғилишлар сони: 20 дан ортиқ: 5 балл; 15 дан ортиқ: 4 балл; 10 дан ортиқ: 3 балл	
8	Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари	Чоп этилган мақолалар нусхалари	Мақолалари - ҳар бири 1 балл	
9	Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини янада такомиллаштириш борасида киритган тақлифлари	Ишлаб чиқилган ва жорий этилган методик қўлланмалар, йўриқномалар ва низомилар	Тизимни такомиллаштириш борасида киритилган тақлифлар: 8 балл; Амалиётга тадбиқ этилган: 12 балл	
10	Касбий маҳорати, берилган топшириқларни ўз муддатида бажариши ҳамда ўз касбий билимларини доимий равишда ошириб бориши	Иш жойидан тўлиқ тавсифнома, суҳбат натижаси, малака ошириш курслари ва семинарларда иштирок этганлигини тасдиқловчи Сертификат, ёки гувоҳномалар нусхаси	Ҳужжатлар мазмунига қараб 0-5 баллгача	
11	Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид ҳужжатлар талаблари ва қоидаларига риоя қилиши	Иш жойидан маълумотнома, суҳбат натижаси	Талаб даражасида: 5 балл Огоҳлантириш: -1 балл Интизомий чора: -3 балл	
12	Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси ишида иштироки	Ҳужжат нусхаси	Ҳар бир комиссия ишидаги иштирок учун алоҳида: 0-12 баллгача	
13	Меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китобларини нашрга тайёрлаганлиги	Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китоблари	Мазмуни ва сонига қараб, ҳар бири учун алоҳида: 0-20 баллгача	
14	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишида иштироки	Ҳужжатлар нусхаси	Ҳар бир амалиётга жорий этилган тақлиф ва натижасига қараб: 0-20 баллгача	
15	Ходимлар малакасини ошириш, ўқитиш ва тенингларида ўз маърузалари билан иштироки	Маъруза матни, тақдимот материаллари, ташкилотчилар ёки тингловчи тақриси	Ҳужжатлар мазмунига қараб 0-5 баллгача	

Касаба уюшма қўмитаси раиси
М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи
(меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандиси)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан тизим ташкилотларида амалга оширган ижобий кўрсаткичлар

Касаба уюшмаси ташкилотининг номи _____

Манзили _____

Веб-саҳифаси _____

Ташкилот ходимлари сони, жами _____, шундан: аёллар _____ ёшлар _____

тел.рақами _____ факс _____ e-mail: _____

Касаба уюшмаси ташкилотига аъзолар сони _____

Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида қуйидаги йўналишларда амалга оширилган ишлар батафсил маълумотлар, фото, видео лавҳалар ва ҳужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда альбомга тўплаб, тақдим этилади:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларида касаба уюшмаларининг қамраб олиниши;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашдаги амалга оширилган ишлар;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширишда аниқланган муаммоли масалалар ва уларнинг ечими бўйича қўрилган чора-тадбирлар;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўришда ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилган ишлар;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш орқали Хукуматга ва (ёки) тегишли органларга ахборот киритилгани ва натижалари;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва комиссиялар ишини ташкил қилиш ва фаолиятини олиб боришда услубий ва амалий кўрсатилган ёрдам;

жамоа шартномалари ва келишувлари орқали меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид киритилган имтиёзлар, амалда бажарилиши ҳолати;

ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминланиши, уларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларига оид қонун ҳужжатлари талабларини тушунтириш мақсадида ўтказилган тадбирлар (ўқув-семинар, тренинг, давра суҳбати, тарғибот ва бошқалар);

бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти учун ишлаб чиқиб, чоп этиб, амалга тадбиқ этилган босма нашрлар (тўплам, рисола, услубий қўлланма ва бошқалар);

Раёсатда қўрилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалалари, қабул қилинган қарор ва уларнинг ижроси.

Изоҳ: Комиссия томонидан маълумотлар етарли эмас деб топилганда, қўшимча маълумотларни сўраб олиниши мумкин.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
ИЖРОИЯ ҚЎМИТА**

**O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI
IJROIYA QO'MITA**

**ҚАРОРИ
QARORI**
Тошкент ш.
Toshkent sh.

2021 йил 19 март

№ 2 - 37 "с"

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида мурожаатлар
билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳамда уларнинг вакиллари қабулини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги янги тахрирдаги Низом 1-иловага;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг маъсул ходимларидан иборат ишчи гуруҳининг республика ҳудудларида оммавий (сайёр) қабулларни ташкил этиш жадвали 2-иловага;

касаба уюшмаси органларида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби янги тахрирда 3-иловага мувофиқ **тасдиқлансин.**

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш Федерация маъмурий биносининг (Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй) 2-қаватидаги (асосий кириш) хонада ҳафтанинг душанба - жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар (тушлик вақти 13:00 дан 14:00гача) навбатчилик асосида ташкил этилиб борилин.

3. Қабул учун масъул ходимнинг (навбатчи) асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

қабулга келган барча фуқароларни тегишли дафтарга қайд этиш;

ёзма мурожаат билан келган шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва қабулнинг якунидан сўнг Федерация аппаратининг Юридик бўлимига топшириш;

муурожаатда қайд этилган масалаларни кўриб чиқиш касаба уюшмаларининг ваколати доирасига кирмайдиган оғзаки муурожаат қилувчига тегишли ваколатли органга муурожаат қилишни тушунтириш ва мазкур органнинг манзили тўғрисида маълумот бериш;

касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарининг шахсий қабулига келган фуқаролар тўғрисида тегишли касаба уюшмаси ташкилотига хабар бериш;

касаба уюшмаси ташкилотларида ишловчи ходимларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан келган фуқаролар Федерация раисининг ўринбосарлари томонидан қабул қилинишини ташкил этиш;

қабулга келган фуқаронинг муурожаатмазмунига қараб тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг мутахассисини қабулхонага таклиф этиш.

4.Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашлари раислари навбатчиликка жалб этилган ходимнинг навбатчиликда бўлишини таъминлашга, айрим сабабларга кўра навбатчиликни бажара олмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариш учун шу ташкилотнинг бошқа ходимини жалб этишда шахсан масъул этиб белгилансин.

5.Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлими (Х.Премкулов)га қабулни ва оммавий (сайёр) қабулни ташкил этишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш, умумлаштириш ва ҳисоботини юритиш вазифалари топширилсин.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2015 йил 21 апрелдаги 21-5-сонли қарорининг 2-банди ҳамда 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган **“Касаба уюшмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом** ҳамда **Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиб** бекор қилинсин.

7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг 2021 йил 1-ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси 84-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида, Федерациянинг касаба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси **“Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонунига шарҳ** 1000 (бир минг) донда китоб шаклида чоп этирилсин ва **4-иловага мувофиқ** тегишли ташкилотларга бепул (беғараз) тарқатилсин, шунингдек, **“Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби”** 1000 (бир минг) донда китоб шаклида чоп этирилсин ва Федерация аппаратининг Юридик бўлимига Ўзбекистон Республикаси Олий судига ҳамда адвокатлар палатасига улар билан имзоланган Медорандум ижроси сифатида бепул (беғараз) тарқатиш учун топширилсин.

8. Федерация аппаратининг Ишлар бошқармаси (О.Умаров)га мазкур қарорнинг 7-бандида қайд этилган китобларни шартнома тузган ҳолда чоп этирилишини ва тегишли ташкилотларга ҳамда Юридик бўлимга етказиб берилишини, **Молия бўлими (Ж.Хамзаев)га** тузилган шартномаларга мувофиқ маблағ ўтказиб берилишини таъминласин.

9.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Б.Махмадалиев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси



Қ.Рафиқов

ЎзКУФИКнинг 2021 йил
 “16” мартдаги 2-37,0’-сон қарорига
 илова ✓✓

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизими ташкилотларида (кейинги ўринларда касаба уюшмалари ташкилотлари деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

кўриб чиқиш тартиби Федерация органлари қарорлари билан белгиланган бошқа мурожаатларга;

касаба уюшмалари ташкилотларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф — давлат ва жамият, шу жумладан касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш ёки иш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат;

мурожаатнинг дубликати — айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

такрорий мурожаат — аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, аввалги мурожаатда кўтарилган масалаларни ўз ичига олган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

оммавий қабул - раҳбарнинг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

электрон мурожаат — электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклидаги мурожаат.

4. Оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда берилган, давлат тили ва бошқа тилда берилган мурожаатлар бир ҳил аҳамиятга эга.

Қасаба уюшмаларининг расмий веб-сайти, электрон почта, Телеграмм тармоғи ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5. Мурожаатлар ариза, таклиф ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш ёки иш жойи тўғрисидаги, юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат қилувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

7. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8. Мурожаатларни бериш муддатлари, қондага кўра, белгиланмайди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, тегишли ваколатли органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибда юқори қасаба уюшмаси ташкилоти жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилган аризаси ёки шикоятини кўриб чиқади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи қасаба уюшмаси ташкилоти томонидан тикланиши мумкин.

9. Мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек ариза, шикоят ва таклиф мазмунига эга бўлмаган мурожаатлар юзасидан тезкор маслаҳат хизматини тақдим этиш мақсадида қасаба уюшмаси ташкилотида “ишонч телефони” жорий этилиши мумкин.

Қасаба уюшмаларининг “ишонч телефони”га келиб тушган ўрганиш талаб этиладиган ариза, шикоят ва таклифлар “Ишонч телефони” сифатида мазкур

Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шакл бўйича рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Касаба уюшмаси ташкилоти рахбари томонидан “ишонч телефони” фаолиятига масъул шахс тайинланиши ёки навбатчилик тизими жорий этилиши мумкин.

10. Оммавий ахборот воситалари тахририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

11. Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан ушбу Низомда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

II. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

12. Касаба уюшмаларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш касаба уюшмаларининг меҳнат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

13. Электрон мурожаатлар тушган кунда қогозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса — навбатдаги иш кунда қогозга босиб чиқарилиши керак.

14. Мурожаатлар онлайн дастур(<http://murojaat2.kasaba.uz>)га шакл бўйича рўйхатга олинади.

Мурожаатлар “номенклатура бўйича мурожаат индекси/рўйхатга олиш дафтаридаги тартиб рақами-йил” шаклида қайд рақами берилади (мисол: 11/89-2015).

Қайд этиш штампда касаба уюшмаси ташкилотининг расмий номи (агар расмий номи узун бўлса умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб ва қайд рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

15. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда, конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда, мурожаат муаллифи билан телефон орқали боғланиб мавжуд эмас ҳужжатлар сўраб олинади, бу ҳақида икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири касаба уюшмаси ташкилотига қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниклаш учун саклаб қолиниши мумкин.

16. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбари, масъул ходими ёхуд мурожаатнинг предметига кўра ваколатли ходим томонидан қабул қилинади.

17. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари оғзаки мурожаат этишганда, улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши керак.

Ўрганишни талаб этадиган ҳолатлар ифодаланган оғзаки мурожаатлар, шунингдек “ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича масъул ходим томонидан касаба уюшмаси органи раҳбарига мурожаат ҳақида маълумот (онлайн дастур орқали олинган шакл) киритилади ва раҳбарнинг кўрсатмаси олинади.

18. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарига, унинг ўринбосарига резолюция (топширикнома) қўйиш учун киритилади.

19. Резолюция (топширикнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) онлайн дастур орқали юборади.

20. Касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган мурожаатлар иш юритувга қабул қилиниши, бўйсуниш тартибида қуйи ташкилотга юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа ваколатли органга юборилиши мумкин.

21. Қўйилган масалаларни ҳал этиш касаба уюшмаларининг ваколати доирасига кирмайдиган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа ташкилотга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

22. Қуйи орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар берилиши керак.

23. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

24. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат юзага келган тақдирда мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ушбу касаба уюшмасининг ваколатлари доирасида — белгиланган тартибда бошқа тегишли органлардан қўшимча ахборот сўраб олиниши мумкин.

25. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи касаба уюшмаси ташкилоти мурожаатни жойда кўриб чиқишни таъминлаши мумкин.

26. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имкони бўлмаганда, улар касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

27. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича мурожаатни ўрганган ходим томонидан жавоб хати таёрланиб, ўрнатилган тартибда муаллифга йўлланади.

28. Кўриб чиқиш натижасига касаба уюшмаси ташкилоти томонидан мурожаат важларини қаноатлантириш, тушунтириш бериш, рад этиш ёки кўрмай қолдириш мумкин, мазкур банднинг 3-хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мурожаатни кўриб чиққан касаба уюшмаси ташкилоти мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг дарҳол хабар қилиши шарт.

Жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар) бўлиши керак.

Мурожаатларга жавоб хати, мурожаат этилган тилда баён қилинади ва касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Мурожаатни ўрганиш давомидаги оралик ёзишмалар (сўровнома, тақдимнома, даъво ёки буйруқ тартибида ариза, дастлабки жавоб хати ва ҳ.к.) ва берилган жавоб хати ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ рақамланади.

29. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари мазкур Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

30. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим онлайн дастурга маълумот киритади.

Оралик жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

31. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда мурожаат қилувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

32. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан олинади.

33. Юқори касаба уюшмаси ташкилотининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиққан касаба уюшмаси ташкилоти мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори касаба уюшмаси ташкилотига ёзма шаклда хабар беради.

34. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаатнинг асл нусхаси касаба уюшмаси ташкилотининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни қайтариб олиш тўғрисидаги ариза касаба уюшмаси ташкилоти томонидан ваколат доирасида қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

35. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида тўпланган ҳужжатлар тегишли “Ҳужжатлар жилди” (4-илова)да қуйидаги кетма-кетликда, рақамланган ҳолда жамланади:

Тўпланган ҳужжатлар рўйхати (номи ва бети);
Ариза (билдирги) ва илова ҳужжатлар;
Мурожаат юзасидан ёзишмалар ва тўпланган ҳужжатлар (хронологик кетма-кетликда);
Кўрилган чоралар (тақдимнома ва судга ариза);
Жавоб хати.

Кўриб чиқилган мурожаатлар ва улар билан боғлиқ материаллар касаба уюшмасининг мурожаатлар билан ишлаш учун маъсул бўлган ходими томонидан сақланади.

36. Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатлар (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) рўйхатга олинмайди ва кўриб чиқилмайди. Мазкур хатлар “маълумот учун” деган гриф билан сақланиши мумкин.

III. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

37. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли касаба уюшмаси ташкилоти

рахбари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

38. Таклиф касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

39. Айрим ҳолларда юқори турувчи касаба уюшмаси ташкилоти ёки касаба уюшмаси рахбари ёки ўринбосари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қискартиришлари мумкин.

40. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар касаба уюшмаси ташкилотига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

41. Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

IV. Мурожаатларни кўрмай қолдириш

42. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар (пахта йиғим терими мавсумида келиб тушадиган аноним мурожаатлар бундан мустасно);

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

43. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатни ўрганган масъул ходим томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса касаба уюшмаси ташкилоти рахбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Касаба уюшмаси ташкилотларининг «ишонч телефонлари»га тушган мурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

44. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, масъул ходим уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда масъул ходим томонидан хулоса тузилади ва раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб

ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

V. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш

45. Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақирилганнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

46. Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган шахси қабул қилади.

47. Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомда 41-бандига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

48. Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига хат билан бирга уч кун ичида қайтарилади.

49. Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

VI. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш

50. Касаба уюшмаси ташкилотларида ва уларнинг таркибий бўлинмаларида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

51. Касаба уюшмаси ташкилотларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ушбу касаба уюшмаси раҳбари ва унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Касаба уюшмаси ташкилотларида, зарурият бўлганда, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

52. Қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби касаба уюшмаси ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносига ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса — ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

53. Мурожаатлар билан ишловчи масъул ходим қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

54. Касаба уюшмаси ташкилотига мурожаатлар билан ишлаш учун масъул бўлинма ёки лавозим жорий этилган ҳолларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишловчи масъул бўлинма ёки ходим иштирокида амалга оширилади.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича касаба уюшмаси ташкилотининг бошқа ходимлари ҳам қабул жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш касаба уюшмаси ташкилотининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади.

57. Касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади. Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ўтказилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 43-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

58. Сайёр шахсий қабуллар вақтида мурожаатлар билан ишловчи ходим ва бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллариининг сайёр шахсий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VII. Мурожаатларни кўриб чиқишда касаба уюшмалари ташкилотларининг мажбуриятлари

59. Мурожаатни кўриб чиқаётган касаба уюшмаси ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг талаби билан мурожаатни кўриб чиқишиининг бориши ҳақида ахборот олиш, шахсан важдларини баён этиш ва тушунтиришлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар такдим этишлари учун имконияти яратиб берилиши шарт.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларига мурожаатларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари учун шароит яратиб берилиши шарт.

60. Касаба уюшмаси ташкилотларининг мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

жисмоний ва юридик шахсга уларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан, агар уларда давлат сирларини ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши, шунингдек агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиёни компенсация қилиш бўйича чораларини кўриши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг мазкур Низомда белгиланган тартибда ва шаклда зудлик билан хабар қилиши шарт.

Мурожаат юзасидан қарор қабул қилган касаба уюшмаси ташкилотининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг юзасидан шикоят беришга ҳақли эканлигини тушунтириши шарт.

61. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан ташкилот мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

**VIII. Мурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш.
Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

62. Масъул ходим мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Масъул ходим мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби мурожаатни кўриб чиқаётган ходим томонидан бузилганлиги тўғрисида касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини дарҳол хабардор қилади.

Масъул ходим ҳар чоракда касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.



ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА

O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI

IJROIYA QO'MITA

ҚАРОПИ
ҚАРОРИ

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2023 йил 23 май

№ 9 – 5

**“Касаба уюшмаси қўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” ҳақида
(янги таҳрирда)**

Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмаси органи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод этилмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо бериш ёки у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқишда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Касаба уюшмаси қўмитасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш (интизомий жазо қўллаш) ҳақидаги тақдимномалари мазкур қарорнинг 1-банди билан тасдиқланган Тартиб асосида кўриб чиқишнинг таъминлашлари белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 март “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида мурожаатлар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 2-37”с” сонли қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев, Юридик бўлими мудири Х.Премкулов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси

 К.Рафиков

**Касаба уюшма қўмитаси, органида меҳнат шартномасини
иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги
тақдимномасини кўриб чиқиш**

**Тартиби
(янги таҳрирда)**

I. Умумий қондалар

1. Касаба уюшма қўмитасида, органида (кейинги ўринларда касаба уюшма қўмитаси деб юритилади) меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиш тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги 12-сонли қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма қўмитаси томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод этилмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо бериш ёки у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш ҳақидаги тақдимномани (кейинги ўринларда – Тақдимнома деб юритилади) кўриб чиқиш қондаларини белгилайди.

3. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномани кўриб чиқишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатларга асосланади.

II. Тақдимномани кўриб чиқишга ваколатли орган

4. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига биноан Тақдимномани кўриб чиқишга қуйидаги касаба уюшмаси органлари ваколатлидир:

1) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо қўллашга розилик беришни сўраб киритилган тақдимнома - шу касаба уюшмаси органи томонидан;

Масалан, цех қўмитасига аъзо бўлиб сайланган ходимга нисбатан киритилган тақдимнома шу цех қўмитаси томонидан, корхона, ташкилот, муассасанинг (кейинги ўринларда - Ташкилот деб юритилади) касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимга нисбатан киритилган тақдимнома шу касаба уюшма қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

2) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда Ташкилот таркибий бўлинмасидаги касаба уюшмаси органи раҳбари (масалан, цех қўмитаси раҳбари) этиб сайланган ходимга интизомий жазо қўллашга розилик беришни

сўраб киритилган такдимнома – Ташкилот касаба уюшма кўмитаси томонидан;

3) Касаба уюшмасига аъзолигидан катъи назар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик беришни сўраб киритилган такдимнома - ходим ишлаётган Ташкилотнинг касаба уюшма кўмитаси томонидан, башарти, Ташкилотда касаба уюшма кўмитаси тузилмай, касаба уюшмаси ташкилотчиси фаолият юритиши белгиланган бўлса, шу ташкилотчи томонидан;

4) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган ҳолда ташкилотдаги касаба уюшмаси органининг раҳбари этиб сайланганлар (масалан Ташкилот касаба уюшма кўмитаси раиси, агар кичик ташкилот бўлса ва унда касаба уюшма кўмитаси эмас, балки касаба уюшмаси ташкилотчиси (профорганизатор, профгруппорг, ва шу қабила) билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган такдимнома – умумий тартибга риоя этишдан ташқари, тегишли касаба уюшмалари бирлашмаси (масалан, айни вақтда Кенгашнинг Низомига биноан Жиззах вилоят (ёки Қорақалпоғистон, бошқа вилоят, Тошкент шаҳар) касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси ҳисобланувчи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилоят (ёки Қорақалпоғистон, бошқа вилоят, Тошкент шаҳар) Кенгаши томонидан;

5) Ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган ҳолда юқори касаба уюшмаси органи (масалан, тармок ёки ҳудуд бўйича бирлашган кўмита, кенгаш, раёсат ва хоказо) таркибига сайланган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган такдимнома - мазкур Тартибнинг 4-банди “4)” кичик бандида қайд этилган тартибдан ташқари ходим аъзо бўлган (сайланган) касаба уюшмаси органи томонидан;

6) Ходимни ишга қабул қилишга ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга юқори ташкилот ваколатли бўлса, такдимномани ходим ҳақиқатда ишлаётган жойдаги касаба уюшма кўмитаси кўриб чиқади. Агар у ерда касаба уюшма кўмитаси тузилмаган бўлса Меҳнат кодексининг 15-моддасига мувофиқ кўрилади, яъни иш берувчи касаба уюшма кўмитасининг розилиги талаб қилинадиган масала тўғрисида меҳнат жамоасини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

5. Такдимномага касаба уюшма кўмитаси раҳбари томонидан коллегиял органининг қарорисиз бирор бир тарзда муносабат билдириш мумкин эмас. Ташкилотда касаба уюшма кўмитаси ўрнига касаба уюшмаси ташкилотчиси (профорганизатор, профгруппорг, ва шу қабила) сайланган ҳоллар бундан мустасно.

III. Такдимномани кўриб чиқиш тартиби

6. Такдимномани кўриб чиқувчи касаба уюшма кўмитаси мажлисини чақириш, унинг тўла ҳукукли бўлиши ва қарор қабул қилиш тартиби тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг Устави, Низоми ёки бошқа локал ҳужжат билан белгиланади.

7. Такдимномани кўриб чиқаётган орган мазкур тартиб қоидаларининг тўлиқ ижросини таъминлайди, шунингдек, иш берувчи томонидан интизомий жазо қўллаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунда белгиланган

талабларига риоя этилганлиги ҳолатига баҳо беради.

8. “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Тартибнинг 4-банди 1, 2, 4, 5-кичик бандлари талаблари жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида шартлашилганлигидан катъи назар қўлланилади.

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида белгиланган тақдирда касаба уюшмаси аъзолари томонидан сайланган (меҳнат муҳофазаси бўйича вакил, меҳнат низолари комиссияси аъзоси ва бошқа) вакиллар касаба уюшмаси сайланма органи аъзосига тенглаштирилади.

9. Касаба уюшма қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги иш берувчининг тақдимномасини олган кунидан қонунда белгиланган 10 (ўн) кунлик муддат давомида розилик масаласи бўйича қабул қилган қарор ҳақида иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддатда касаба уюшма қўмитаси қабул қилган қарори ҳақида хабар қилмаса иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз бекор қилиши мумкин.

10. Мажлисни қонунда белгиланган 10 (ўн) кунлик муддат ичида ўтказиш мақсадида касаба уюшмаси органининг мажлисига кела олмаган аъзоси (барча касаба уюшмаси органи аъзолари) масофадан туриб видео конференция алоқа тартибида иштирок этиб овоз бериши мумкин, бунда мажлисни ўтказиётган касаба уюшма органи барча жихозларни ҳозирлаши лозим бўлади.

11. Масаласи кўрилатган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Касаба уюшмаси органи ходимнинг мажлисида иштирок этиши учун мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма шаклда ёки почта орқали хабардор қилиши шарт, масаласи кўрилатган ходимнинг имконияти бўлса мажлисида масофадан туриб видео конференция алоқа тартибида иштирок этиши мумкин.

Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолда иш берувчининг тақдимномасида кўрсатилган масала юзасидан рад жавоби берилади. Бу ходимнинг меҳнат қобиляти тикланганда қайтадан тақдимнома киритишга тўсқинлик қилмайди.

Ходим мажлисга узрли сабабларга кўра келмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қолдирилади ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилинади.

Мажлисни кейинга қолдириш қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат доирасида белгиланади. Мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилади.

Ходимнинг мажлисида узрли сабабларсиз иштирок этмаганлиги ёки иштирок этишдан бош тортганлиги тақдимномани унинг иштирокисиз кўриб чиқишга асос бўлади.

12. Тақдимномани кўриб чиқишда касаба уюшмаси органи томонидан иш берувчи ёки унинг вакили таклиф этилиши мумкин.

13. Ходим ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун мажлисга ўз вакилини ёки адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

14. Касаба уюшма органи мажлисга гувоҳлар, мутахассисларни таклиф қилишга, иш берувчидан муҳокама учун зарур маълумот ва ҳужжатлар олишга

ҳақлидир.

15. Касаба уюшмаси органининг мажлисида баённома юритилади ва тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилинади.

Баённома ва қарор мажлиси раиси томонидан имзоланади.

16. Баённомада қуйидагилар акс эттирилади:

Мажлис ўтказилаётган жой ва сана, баённоманинг тартиб рақами;
ташкилот, касаба уюшма органи номи ва мажлисда иштирок этган касаба уюшмаси органи аъзолари;

тақдимнома қабул қилинган сана ва унинг мазмуни;

мажлисда иштирок этаётган бошқа шахслар, шу жумладан тарафларнинг вакиллари, гувоҳлар ва мутахассисларнинг лавозимлари, фамилияси, исм, шарифи ва уларнинг масала юзасидан билдирган фикрлари;

тақдимномани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ҳолатлар;

мажлисга ходимнинг таклиф этилганлиги (ходим мажлисда иштирок этмаган ҳолларда);

касаба уюшмаси органи қарорининг мазмуни ва унинг ҳуқуқий асоси (қонун ҳужжатлари, жамоа келишуви, жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси ва бошқа локал ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда);

касаба уюшмаси органининг қарори ўқиб эшиттирилганлиги (ходим мажлисда қатнашган, шу жумладан он-лайн иштирок этган ҳолларда), унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги;

қарор учун овоз бериш натижалари (ёқлаб ва қарши овоз берганлар, бетарафлар сони). Агар тақдимнома шу касаба уюшмаси органининг аъзосига нисбатан киритилган бўлса, у, яъни манфаатдор шахс овоз беришда иштирок этмайди.

17. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқиш натижалари юзасидан қарори бевосита мажлис баённомасида акс эттирилиши ёки алоҳида қарор кўринишида баённомага илова қилиниши мумкин.

Қарорда (мажлис баённомаси акс эттирилган қарор бундан мустасно) қуйидагилар кўрсатилади:

Қарорни чиқарган касаба уюшмаси органининг номи;

Қарорнинг санаси ва тартиб рақами;

тақдимноманинг мазмуни;

тақдимномани кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган қарор мазмуни.

18. Касаба уюшмаси органи қарорида асослантирилган тарзда тақдимномага розилик бериш ёки розилик беришни рад этиш ҳақидаги тўхтам кўрсатилади.

Қарор далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Башарти, касаба уюшмаси органи иш берувчининг ҳаракатларида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаб ёки бошқа объектив сабабга кўра тақдимномага розилик беришни рад этиш ҳақида тўхтамга келса, қарорда иш берувчининг рад этилган талаблари, шунингдек, ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган талаблар аниқ ва равшан акс эттирилади.

19. Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан иш берувчи ва масаласи кўрилган ходимга белгиланган тартибда жавоб хати йўлланиб, касаба уюшмаси органининг қароридан нусха (кўчирма) илова қилинади. Ушбу ҳолда, қарор тарафларга шахсан топширилмаган ҳолларда қўлланилади.

20. Башарти, иш берувчи томонидан айнан бир масала юзасидан такроран (такрор-такрор) тақдимнома киритилса, бу тақдимномани (тақдимномаларни) қабул қилишни рад этиш, муқаддам берилган жавобдан нусха юбориш ёки бошқа шаклда кўрмай қолдиришга йўл қўйилмайди. Бундай тақдимнома (тақдимномалар) умумий тартибда кўриб чиқилиши шарт.

21. Касаба уюшмаси органи ўз мажлисида масалани фақат тақдимноманинг мазмунини доирасида муҳокама қилади, яъни тақдимномага розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

IV. Якуний қоидалар

22. Касаба уюшмаси органининг қароридан норози бўлган манфаатдор ходим ёки иш берувчи бир ой муддатда юқори касаба уюшмаси органига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

23. Башарти тақдимномада кўрсатилган масала юзасидан розилик беришга рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ва иш берувчи юқори касаба уюшмаси органига шикоят қилса, шикоятни кўриб чиқувчи касаба уюшмаси органи, асослантирган ҳолда, тақдимномани кўриб чиқишда йўл қўйилган хато-камчиликларни, тегишли норматив ҳужжатни нормаларини кўрсатиб, қарорни бекор қилиши ва қарор қабул қилган органидан масалани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақлидир. Шикоятни кўриб чиққан юқори турувчи касаба уюшмаси органи ўзининг қарори ва янгитдан тақдимнома киритиши мумкинлиги ҳақида бир иш кунида иш берувчини хабардор қилади. Бир хил мазмундаги иккита тақдимнома бўйича икки марта бир хил қарор қабул қилинган тақдирда, қарор қатъий ҳисобланади.

24. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқишга доир ҳужжатлари қатъий ҳисобга қўйилади ва бир йил муддат давомида сақланади.

25. Ушбу Тартиб қоидалари ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномани кўриб чиқишга ваколатли бўлган барча касаба уюшмаси органларига ҳам тадбиқ этилади.

26. Касаба уюшмаси ташкилотининг Уставида ушбу тартиб қоидаларига нисбатан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, Устав қоидалари қўлланилади.

МОЛИЯВИЙ

МАСАЛАЛАРГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР, ТАВСИЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI

ҚАРОРИ
QARORI

Тошкент ш.
 Toshkent sh.

2013 йил 25 январь

№ 7-4

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳақида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V-Қурултойида барча бўғиндаги касаба уюшмалари органлари олдида касаба уюшмаси бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали ҳамда тассаруфида мавжуд бўлган мол-мулкдан оқилона фойдаланиш борасида қатор долзарб вазифалар қўйилган.

Бу вазифаларни бажариш учун эса касаба уюшмалари органларидан ўз молиявий фаолиятларини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, маблағларни фақат Уставларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга йўналтириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик ҳамда тежаб тергаб фойдаланиш чораларини кўриш, шунингдек қонунларда белгиланган ҳуқуқлар доирасида касаба уюшмалари бюджетини қўшимча даромадлар билан тўлдириш, яъни тадбиркорлик фаолиятини юритган ҳолда унинг янги усуллари излаб топиш ҳамда амалга ошириш талаб этилади.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари ташкилотларида олиб борилаётган такомиллаштириш ишлари натижасида бошланғич ташкилотларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2011 йилнинг июль ойидан бошлаб, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида йиғилган аъзолик бадалларининг **50 фоизи** ўрнига **53 фоизи** қолдирилиши белгиланган эди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг йўналишлари бўйича асосий ишлар бошланғич ташкилотларда амалга оширилишини инобатга олиб, уларнинг молиявий имкониятларини кучайтиришга қаратилган чораларни белгилаб олиш, бошланғич ташкилотларга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида, жорий йилнинг **15 февралидан** бошлаб амалда йиғилган аъзолик бадалларининг **60 фоизигача**, балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма кўмиталарида эса **70 фоизигача** қолдирилиши режалаштирилмоқда. Мазкур ҳолатда 2012 йил ҳисоби билан олинганда бошланғич ташкилотларда аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **11 млрд. 925 млн. сўм** миқдорда қўшимча маблағ қолдирилишига эришилади.

Шунингдек, 2011 йилнинг июль ойидан бошлаб касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари (ота-она, турмуш ўртоғи, фарзандлари)ни санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдиришга рухсат берилди. Натижада 2011 йилнинг II-ярим йили давомида **1400 нафар**, 2012 йилда **6483 нафарга** яқин касаба

уюшма аъзолари санаторий ва дам олиш уйларида қўшимча равишда соғломлаштирилиб, дам олдирилди.

Касаба уюшмалари органларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг молиявий фаолиятларини ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган таҳлиллар бу соҳада кўплаб хато ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, касаба уюшмалари органларида, айниқса бошланғич ташкилотларда маблағларнинг асосий қисмини байрамларни нишонлаш муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга сарфлаш ҳолатлари камаймаяпти.

Агросаноат мажмуи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Алоқа ходимлари касаба уюшмаларининг ўрта бўғин вилоят касаба уюшмалари кенгашларида маблағларнинг **45-65 фоизи** ва ундан ортиғи маъмурий-хўжалик харажатларига сарфланмоқда.

Касаба уюшмалари органларида юқори малакали касаба уюшма кадрларини тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш мақсадида фаоллар билан ўқув-семинарлар ташкил этиш, қуйи ташкилотларни услубий қўлланмалар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, таниқли олимлар, фан арбоблари, фахрийлар билан касаба уюшмалари аъзоларининг учрашувларини ташкил этиш, халқаро ишларни ва касаба уюшмаси туризмини ривожлантириш, меҳнаткашларни маънавий салоҳиятини бойитиш, республикамизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Касаба уюшмалари органларида мавжуд бўлган пул маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш турларини, пул маблағларини банкка депозитга қўйиш орқали банк фоизлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали даромадлар олиш ишларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Агросаноат мажмуи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари тармоқ касаба уюшмаларига молиявий имкониятини яхшилаб олиш учун 2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг охиригача Федерация Кенгашига йиғилган аъзолик бадалларининг **15 фоизи** ўрнига **12 фоиз** ўтказиши бўйича имтиёз берилган бўлсада, мазкур тармоқлар мавжуд имкониятдан унумли фойдаланмади.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий ва ҳудудий кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари томонидан янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига аъзоликка олишда сусткашликка йўл қўйилган.

Масалан, республика ҳудудларидаги давлат солиқ ташкилотлари томонидан йиғилган ягона ижтимоий тўлов маблағларига нисбатан ҳисобланган иш ҳақи фондининг 1 фоизи миқдоридаги маблағ билан ҳақиқатда йиғилган аъзолик бадаллари ўртасидаги фарқ ягона ижтимоий

тўлов ҳисобланмайдиган айрим тўловларни ҳисобга олганда, 2012 йил 1 июль ҳолатига республика бўйича **26,4 млрд.** сўмни ташкил этган.

Янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига аъзоликка ўз вақтида жалб этиш орқали **26,4 млрд.** сўм миқдордаги аъзолик бадаллари йиғилиши мумкин бўлгани ҳолда, ҳақиқатда ушбу маблағ 2012 йилнинг I-ярим йили давомида йиғилмай қолган.

Бугунги кунда касаба уюшмалари органлари томонидан маблағларни “умуман фаолиятга” эмас, балки аниқ, муҳокама этилган ва тасдиқланган дастурларни бажаришга йўналтириш, бошқача айтганда “Дастурий молиялаштириш”ни амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек қуйи ташкилотлардан тушган кўплаб таклифларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши VII- Мажлиси **қарор қилади:**

1. “Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин ва **2013 йилнинг 15 февралидан** кучга кириши белгилаб қўйилсин.

2. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, соҳалар бўйича Республика бирлашган кўмиталари, касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, бирлашган ва бошланғич ташкилотлари:

касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ҳамда бошқа тушумлар тўла ҳажмда ва ўз вақтида йиғилишини, юқори касаба уюшмалари органларига белгиланган миқдорда ва тартибда мунтазам ўтказилишини;

молиявий ҳисоботлар юқори органларга белгиланган муддатларда топширилиши юзасидан касаба уюшма органларининг маъсулияти оширилишини;

ўз фаолиятларида мазкур қарорнинг 1-бандида қайд этилган “Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га қатъий амал қилинишини;

республикада касаба уюшмалари ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга ва фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган молиявий сиёсатнинг объектив зарурияти тўғрисида касаба уюшмалари аъзолари ва фаоллари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласинлар.

3. Барча бўғиндаги касаба уюшмалари органларида касаба уюшма бюджети маблағларидан тўғри, тежаб-тергаб, мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан шахсий масъулият тегишли касаба уюшмалари органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

4. Фаолияти ва тузилмасида такомиллаштириш ишлари амалга оширилаётган касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раисларига:

янги тузилма ва штатлар жадвали тасдиқланганлиги муносабати билан Федерация Кенгаши томонидан марказлашган ҳолда молиялаштириш учун **10 кун муддатда** ўрнатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда тегишли ташкилотларнинг жорий йилнинг **март-декабрь** ойлари учун сарф-харажатлар сметаларини тузиш ва Федерация Кенгашининг Раёсати билан келишиш учун тақдим этиш;

фаолияти тугатилаётган тармоқ касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари, раислар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари ходимлар, дебитор ва кредитор ташкилотлар билан тегишли ҳисоб-китоблар қилинганидан сўнг қолган пул маблағларини **жорий йилнинг 15 февралидан** кечикмаган ҳолда тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақами ёпилиши вақтида Федерация Кенгашининг (ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000700431324001) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва ёзма равишда маълумот бериш (ҳисоб рақами ёпилиши вақтидаги банк кўчирмаси (выписка) ва ҳисоб рақами ёпилганлиги тўғрисида банк маълумотномасининг нусхаси билан);

фаолияти тугатилаётган тармоқ касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари, раислар кенгашлари ва бирлашган қўмиталарининг мол-мулкини (балансдаги иморат, иншоот ва автотранспорт воситаларидан ташқари) қўйи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилган соҳалар бўйича Республика бирлашган қўмиталарининг моддий-техника базасини мустақкамлаш учун балансдан балансга ўтказилганлиги тўғрисида **жорий йилнинг 15 февралигача** батафсил маълумот бериш;

ҳудудларда масъул ташкилотчиларига эга бўлган тегишли тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий кенгашлари фаолияти тугатилаётган ҳудудий кенгашлар балансдаги автотранспорт воситалари (1 донаси)ни масъул ташкилотчиларга бириктириш учун ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг балансига Федерация Кенгаши билан келишган ҳолда ўтказиш ишларини амалга ошириш;

тизимда такомиллаштириш ишлари олиб борилаётган тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари Марказий кенгаш, соҳалар бўйича Республика бирлашган қўмиталари, ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларини сақлаб туриш учун жорий йилнинг **февраль ойида** зарур бўладиган маблағларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда (ҳисоб-китоб Федерация Кенгашига тақдим этилади), мазкур ҳисоб-китобдан ортиқча бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини, банкка депозитга қўйилган пул маблағларининг қолдиғи билан биргаликда Федерация Кенгашининг (ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000700431324001) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва **жорий йилнинг 20 февралигача** бўлган муддатда ёзма равишда маълумот бериш

(пул маблағларининг қолдиғи ўтказилган кундаги банк кўчирмаси (выписка)нинг нусхаси билан) вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раисларига:

янги тузилма ва штатлар жадвали тасдиқланганлиги муносабати билан Федерация Кенгаши томонидан марказлашган ҳолда молиялаштириш учун **10 кун муддатда** ўрнатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг **март-декабрь** ойлари учун сарф-харажатлар сметаларини тузиш ва Федерация Кенгашининг Раёсати билан келишиш учун тақдим этиш;

бирлашма кенгашини сақлаб туриш учун жорий йилнинг **февраль ойида** зарур бўладиган маблағларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда (ҳисоб-китоб Федерация Кенгашига тақдим этилади), мазкур ҳисоб-китобдан ортиқча бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини, банкка депозитга қўйилган пул маблағларининг қолдиғи билан биргаликда Федерация Кенгашининг (*ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000700431324001*) ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва **жорий йилнинг 20 февралигача** бўлган муддатда ёзма равишда маълумот бериш (пул маблағларининг қолдиғи ўтказилган кундаги банк кўчирмаси (выписка)нинг нусхаси билан);

худудларда масъул ташкилотчилари бўлган тегишли Марказий кенгашлар билан масъул ташкилотчиларни сақлаб туриш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларда ўзаро келишув асосида ишлаш вазифалари топширилсин.

6. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, соҳалар бўйича Республика бирлашган қўмиталари раисларига жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб, амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларини ўрнатилган тартибда бирлашма кенгашининг жамғарма-депозит ҳисоб рақами орқали Федерация Кенгашининг (*ТИФ Миллий банкнинг Бош амалиёт бўлими МФО 00407, ИНН 201685882, ҳ/р 20212000900431324003*) ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш ва доимий назорат қилиш вазифалари топширилсин.

7. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (А.Исаков)дан касаба уюшмалари ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ишини мувофиқлаштиришни кучайтириш, тафтиш комиссиялари иш режаларига мувофиқ тегишли касаба уюшмалари органларининг молиявий фаолиятлари ўрганиб борилишига ва аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига қаратилган аниқ чораларни кўриш сўралсин.

8. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг қуйидаги қарорлари:

2011 йил 27 апрель “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги **3-2 сонли қарори 2013 йилнинг 15 февралидан** бошлаб;

2012 йил 26 январь “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши III-Мажлисининг 2011 йил 27 апрелдаги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 4-6 сонли қарори **2013 йилнинг 15 февралидан** бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва назоратдан чиқарилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси

Т.Нарбаева

**Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик
бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан
мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

*(Федерация Кенгаши Мажлисининг 2013 йил 25 январдаги 7-4 сонли қарори билан
тасдиқланган, Федерация Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 19 апрелдаги
16-23 – сонли, 2019 йил 30 сентябрдаги 16-12 “с”-сонли, Федерация Ижроия қўмитасининг
2023 йил 17 июлдаги 10-7-сонли қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом касаба уюшмалари Уставларида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги матнларда Федерация деб юритилади) тизимида ва Федерацияга аъзо ташкилотларда касаба уюшма бюджетини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ягона молиявий фаолият тартибини белгилайди.

II. НИЗОМНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

2.1. Ушбу Низомдан кўзланган асосий мақсад, Федерация тизимидаги ва Федерацияга аъзо ташкилотларда касаба уюшма бюджетини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, касаба уюшмалари ташкилотларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, молиявий масалаларда барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимларининг масъулиятини оширишдан иборат.

III. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ

ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

3.1. Касаба уюшмаларининг маблағлари Федерациянинг Уставида белгиланган қуйидаги манбалар асосида шаклланади:

Федерациянинг Уставига мувофиқ тарзда касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағлар;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг аппарат ходимларини сақлаб туриш, уларга қўшимча ҳақ тўлаш, аъзолар ўртасида маданий-оммавий ва спорт тадбирлари ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари асосида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб бериладиган маблағлар;

касаба уюшмаси аъзолари томонидан санаторий, дам олиш уйлари ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмаларининг қисман тўлови учун тўланадиган маблағлар;

касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини банкка депозитга қўйиш орқали олинадиган банк фоизлари, қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали олинадиган даромадлар;

касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш, ноширлик фаолияти, касаба уюшма ташкилотлари мулкани ижарага бериш, туризмни ривожлантириш ва бошқа турдаги республика қонунлари билан таъқиқланмаган тижорат фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар.

IV. КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБЛАРИ

4.1. Федерациянинг Уставига мувофиқ касаба уюшмасига аъзолик бадаллари, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендиялар)нинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдори ташкил этади.

Касаба уюшмасида ҳисобда турган ишламайдиган пенсионерлар республикада белгиланган энг кам ёшга доир пенсия, ишни вақтинча тўхтатган шахслар республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядига нисбатан ҳисобланган иш ҳақи)нинг бир фоизи миқдорида бадал тўлайди.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендия)га нисбатан ҳисобланган аъзолик бадаллари тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларига асосан корхона, ташкилот ва муассасалар бухгалтерияси орқали ушлаб қолиниб, улар томонидан бошланғич ҳамда юқори касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб берилади.

4.2. 2013 йилнинг 15 февралидан бошлаб касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан амалда йиғилган аъзолик бадалларининг умумий миқдоридан:

бошланғич ташкилотларда **60 фоизи**;

мазкур Низомнинг **1-илова**сидаги балансида ижтимоий объектлари (болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият саройлари, кутубхоналар, тиббий реабилитация марказлари, мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари) мавжуд бўлган корхона, ташкилотларнинг касаба уюшмалари қўмиталарида **70 фоизи** (1-иловада кўрсатиб ўтилган корхона, ташкилотларнинг рўйхатига Федерациянинг Ижроия қўмитаси томонидан тегишли муддатларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин) қолдирилади;

қолган **30-40 фоизи** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари (кейинги ўринларда – Ҳудудий кенгашлар) **жамғарма-депозит** ҳисоб рақами орқали тўлалигича Федерациянинг транзит ҳисоб рақамига ўтказилади (бадалларни йиғиш схемаси **2-илова**да).

4.2.1. Шунингдек, йиғилган аъзолик бадаллари бошланғич касаба уюшма ташкилоти бевосита туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталарнинг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари мазкур Низомнинг **4.2-банди**

билан белгиланган қисми (**60-70 фоизи**) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳисоб рақамига, қолган (**30-40 фоиз**) қисми мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмитанинг ҳисоб рақамига, ўз навбатида ушбу маблағ **тўлалигича** Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари **тўлалигича** (100 фоиз) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмитанинг ҳисоб рақамига, ўз навбатида ушбу маблағларнинг **30-40 фоизи** Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади.

4.2.2. Бошланғич ташкилот бевосита тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари мазкур Низомнинг **4.2-банди** билан белгиланган қисми (**60-70 фоизи**) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали бошланғич ташкилот ҳисоб рақамига, қолган (**30-40 фоиз**) қисми тегишли Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилган аъзолик бадаллари **тўлалигича** (100 фоиз) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси орқали тегишли Худудий кенгашларнинг **жамғарма-депозит** ҳисоб рақамига ўтказилади.

4.2.3. Ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг сарф-харажатлари, уларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, марказлашган ҳолда тармоқларнинг тегишли туман, шаҳар кенгашлари ёки бирлашган қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Худудий кенгашлар ҳам туман, шаҳар кенгашлари ёки бирлашган қўмиталар тузилмасига эга бўлмаган тармоқ касаба уюшмаларида ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич ташкилотларнинг сарф-харажатларини, уларнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, марказлашган ҳолда амалга оширилишини қатъий тартибда таъминлайди.

4.2.4. Авиация ходимлари тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларининг **40 фоизи**, мазкур тармоқнинг Республика кенгашига ўтказилади.

4.2.5. Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида амалда йиғилган ялпи аъзолик бадалларининг **50 фоизи** қолдирилади ва улар томонидан йиғилган аъзолик

бадалларининг қолган **50 фоизи** мазкур тармоқнинг Республика кенгашига ўтказилади.

4.3. Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **10 фоизидан** ошмаган миқдорда, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқдаги корхоналар тасарруфидаги ижтимоий объектларда ишловчи ходимларни сақлаш учун қисман маблағ ажратилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **15 фоизидан** ошмаган миқдорда маблағ қолдирилиши тавсия этилади.

4.4. Аъзолик бадаллари ялпи тушуми ҳисобидан Федерацияга ўтказиладиган ажратмалар Авиация тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларидан **20 фоиз**, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларидан **15 фоиз** миқдорда белгиланади.

Аъзолик бадаллари ялпи тушуми ҳисобидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари аппарат ходимларини сақлаш учун маблағларнинг фоиз ҳисобидаги аниқ миқдори (бошланғич касаба уюшма ташкилотларида қоладиган маблағлар ҳисобидан) Республика кенгашлари томонидан белгиланади.

4.5. Касаба уюшмалари органлари томонидан юқори касаба уюшмалари ташкилотларига аъзолик бадалларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раислари, тармоқларнинг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари, тармоқ касаба уюшмалари Республика, Худудий кенгашлари раислари шахсан жавобгардирлар.

V. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНИНГ МАҚСАДЛАРИ

5.1. Аъзолик бадаллари ҳисобидан, хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини юритишдан тушган маблағлар ҳамда бошқа даромадлар Федерациянинг Уставида, шунингдек мазкур Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидаги мақсадларга сарфланади:

касаба уюшмалари ташкилотларида маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказишга;

касаба уюшмалари аъзоларини санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдириш, болаларни ёзги оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш ҳамда болалар оромгоҳлари фаолиятини яхшилашга;

юқори малакали касаба уюшмалари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда фаоллар билан ўқув-семинарларини ташкил этишга;

методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва чоп этиш, касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли буклетлар, плакатлар ҳамда баннерлар тайёрлашга;

халқаро алоқаларни ва касаба уюшмалари туризмини ривожлантиришга;

касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида корхона, ташкилотлар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишга;

касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ва халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг ҳиссасини кўшишга;

касаба уюшмалари ташкилотлари балансида мавжуд бўлган иморатлар, маданият саройлари, кутубхоналар, спорт иншоотлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, Федерациянинг Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган санаторийларда қурилиш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган касаба уюшмаси фаолларини рағбатлантиришга;

касаба уюшмаларига тегишли ҳудудларни, майдонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш фаолиятларини ташкиллаштиришга;

касаба уюшмалари органлари аппарати ходимларини сақлаб туришга;

касаба уюшмалари Устав мақсадларига зид бўлмаган бошқа йўналишларга сарфланади.

VI. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН

Фойдаланиш тартиблари

6.1. Бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадалларини йўналишлар бўйича сарфлаш миқдорлари қуйидагича белгиланади:

6.1.1. Тармоқ касаба уюшмалари уставларида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари учун белгиланган вазифаларни амалга ошириш, яъни касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига, касаба уюшмаси фаолларини моддий рағбатлантириш ҳамда шу каби касаба уюшмалари фаолиятига тегишли мақсадларга, шунингдек маъмурий-хўжалик харажатларига аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **50-60 фоизи** (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган **60-70 фоиз** аъзолик бадаллари ҳисобидан) миқдорида маблағ сарфланади.

Бунда, бошланғич касаба уюшмалари кўмиталари аппаратлари ходимларини сақлаб туриш билан боғлиқ маъмурий-хўжалик харажатларига жами харажатларнинг (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган

60-70 фоиз аъзолик бадаллари ҳисобидан) 35 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми йўналтирилади. Аппарат ходимлари мавжуд бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилоти (штатдаги) раисига, мазкур фоиз чегарасидан чиқмаслик шарти билан ўзи ишлаб турган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари ўринбосари ёки унга тенглаштирилган ходимнинг иш ҳақи миқдоригача маош белгиланиши мумкин.

Тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган ҳамда бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарининг асосий ишидан озод этилмаган, жамоатчилик асосида ишловчи раислари ва ғазначилари касаба уюшмаси фаоли сифатида рағбатлантириб борилиши мумкин, бунда рағбатлантиришнинг умумий суммаси молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йил давомида республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **йигирма бараваригача** (ғазначи кўзда тутилмаган ҳолларда **ўн икки бараваригача**) белгиланади, мазкур харажатлар маъмурий-хўжалик харажатларининг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида маблағлар касаба уюшма қўмитасининг ҳақ тўланадиган аппарати (раиси)ни сақлаб туришга етмаган ҳолларда, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро келишувига асосан, бошланғич ташкилот аппарати ходимларига ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши жамоа шартномаларида кўзда тутилиши мумкин.

6.1.2. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзоларга бериладиган **моддий ёрдам** харажатлари жами харажатларнинг **20 фоизигача** бўлган миқдорда белгиланади.

6.1.3. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг асосий фаолиятига тегишли бўлган бошқа йўналишдаги харажатлар учун маблағлар, касаба уюшма қўмиталарининг йиғилиши томонидан тасдиқланган йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ сарфланади.

6.1.4. Корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида аъзолик бадаллари ҳисобидан улар ихтиёрида қоладиган маблағларнинг **10 фоизигача** бўлган миқдорда янги йил совғаларини сотиб олиш учун маблағ сарфланиши мумкин. Лекин мазкур мақсадларга сарфланган маблағларнинг миқдори бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг маданий-оммавий тадбирлар учун сарфлаган маблағларининг **20 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар жамоа шартномаларига мувофиқ иш берувчилар томонидан ўтказилган мақсадли маблағлар ҳисобидан ҳам янги йил совғаларини сотиб олиши мумкин.

6.1.5. Аъзолик бадаллари ялпи тушумининг **10 фоизи** (бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган 60-70 фоиз аъзолик бадаллари ҳисобидан) ёки ундан ортиқ миқдорда қолдирилган маблағлар бошланғич ташкилотлар томонидан мақсадли равишда касаба уюшмаси аъзолари (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)ни соғломлаштириш учун санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли

йўлланмалар харид қилиш, шунингдек бошланғич ташкилотлар балансида мавжуд бўлган ижтимоий объектларни жорий таъмирлаш ҳамда уларни сақлаб туриш мақсадларига сарфланади.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинадиган имтиёзли йўлланмаларни харид қилиш, уларни касаба уюшмаси аъзоларига тарқатиш ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари ҳамда Авиация ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тармоқларида Республика кенгашлари орқали марказлашган ҳолда амалга оширилади.

6.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси разрядларининг тариф коэффициентлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотлар учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 17 июлдаги 10-7-сонли қарорининг 2-иловасига ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати учун 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6.3. Авиация ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашлари ўз ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан Республика кенгашлари раёсати томонидан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ харажатларни амалга оширади.

6.4. Агросаноат мажмуи, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Кимё саноати ва фармацевтика, Маданият, спорт ва туризм, Metallургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Соғлиқни сақлаш, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари, Таълим ва фан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмалари Республика ҳамда Ҳудудий кенгашларининг харажатлари, мазкур ташкилотларнинг Федерация Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6.5. Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Маданият, спорт ва туризм, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари, Metallургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Энергетика, нефт-газ ва геология, Соғлиқни сақлаш ҳамда Таълим ва фан ходимлари тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда ўзларининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларининг иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари (ҳисоб-китоблари билан), хизмат сафари харажатларини ҳисобга олишлари лозим.

Мазкур тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашлари ҳудудлардаги масъул ташкилотчиларига иш ҳақи ҳисоблаш учун табелларни ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари билан келишган ҳолда (Ҳудудий кенгашлар билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ) расмийлаштиради.

Ҳудудий кенгашлар маъмурий биносидан тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчиларига фаолиятида фойдаланиш учун хизмат хоналари, ташкилий техника, уяли телефон воситалари, хизмат автомашиналарини ажратади, масъул ташкилотчиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, хизмат сафари харажатларидан бошқа барча хўжалик харажатларини (тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ) қоплайди ҳамда ўзларининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда ушбу харажатларни ҳисобга олишлари лозим.

Шунингдек, Ҳудудий кенгашлар тегишли тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчиларига уйдан ишга келиши, ишдан уйига кетиши учун хизмат автомашинаси бириктирилиши ва иш вақти давомида уларнинг талабномалари асосида автомашина ажратилишини таъминлайди.

Федерация молиялаштириш учун ажратилган маблағларни ҳисобот ойдан кейинги ой учун ҳисобот ойининг тугашига **5 банк иш куни** қолган муддатдан кечикмаган ҳолда, тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

6.6. Тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Ҳудудий кенгашлар йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда қуйидаги меъёрларга амал қилишлари шарт.

Маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юқори малакали касаба уюшма кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, фаоллар билан ўқув-семинарлар ташкил этиш, халқаро алоқалар ва касаба уюшмалари туризмининг ривожлантириш, маданий-оммавий ва маърифий тадбирлар ўтказиш, ходимлар ва меҳнаткашларни маънавиятини ошириш мақсадида республикамизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш, болаларни ёзги оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш ҳамда газета ва журналларга обуна бўлиш масалаларига жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **20 фоизидан** ошмаган миқдорида маблағлар сарфланади.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш, спортнинг барча турлари бўйича меҳнаткашлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларини ташкил этиш, тармоқлараро спартакиадалар ўтказиш, касаба уюшмалари спорт мактабларида болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш билан боғлиқ харажатларга жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **10 фоизигача** бўлган миқдорда маблағлар сарфланади.

Фуқароларга бериладиган **моддий ёрдам** тўловлари жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **5 фоизидан** ошмаган миқдорда белгиланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган фаолларни турли байрамлар ҳамда ўтказилаётган тадбирларда моддий рағбатлантиришга жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **5 фоизидан** ошмаган миқдорда маблағ сарфланади.

Маъмурий-хўжалик харажатларига, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга штатлар жадвалидан келиб чиққан ҳолда, бошқа хўжалик харажатлари (коммунал тўловлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, банк хизмати, телефон, уяли алоқа хизмати, канцтоварлар ва бошқалар)га эса жами харажат (хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ва Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **10 фоизидан** ошмаган миқдорларда маблағлар сарфланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида (тасарруфида)ги корхона, ташкилотлар (спорт иншоотлари)ни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча (иш ҳақи, жорий таъмирлаш ва бошқа хўжалик) харажатлар, мазкур корхона, ташкилотлар (спорт иншоотлари)нинг молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлари (пуллик хизматлар) ҳисобидан амалга оширилади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари балансидаги бино, маданият саройлари, болалар оромгоҳлари, спорт иншоотларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларни инвентарлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда бошқа кўзда тутилмаган харажатлар учун маблағлар Федерация билан келишилган ҳолда, жами харажат (Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган умумий харажат)ларнинг **15 фоизидан** ошмаган миқдорда амалга оширилади.

6.7. Касаба уюшмалари ташкилотларининг штатдаги ходимларига иш фаолиятининг асосий натижалари учун ой якунларига кўра рағбатлантириш тўловлари жамоа шартномасининг иловаси ҳисобланадиган “Ходимларни мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тўланиши мумкин.

Бунда, рағбатлантириш тўловлари ходимларнинг иш фаолиятига қўшган шахсий ҳиссаларига мутаносиб тарзда лавозим маошининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда белгиланади.

Меҳнат ҳақи тизимига лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловлари, устамалар киради. Бу тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (Меҳнат кодексининг 183-моддаси) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Қонунларда белгиланган байрам саналари муносабати билан бериладиган пул мукофотлари **молиявий имкониятдан келиб чиққан**

ҳолда ходимларнинг **бир ойлик лавозим маошидан ошмаган** миқдорда берилади.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизмидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларга узоқ йиллик иш стажи учун жамоа шартномасига мувофиқ ҳар ойда ходимларнинг лавозим маошига нисбатан қуйидаги миқдорларда устама тўланади:

5 йилдан 10 йилгача бўлган иш стажи учун 15 фоиз;

10 йилдан 15 йилгача бўлган иш стажи учун 35 фоиз;

15 йилдан 20 йилгача бўлган иш стажи учун 75 фоиз;

20 йилдан юқори бўлган иш стажи учун 100 фоиз.

Ходимнинг иш стажи ойлар оралиғига тўғри келса, устама тўлови кейинги ойдан (*масалан, ходимнинг иш стажи июль ойи ичида 10 йилга тўғри келган ҳолда, устама тўлови август ойдан*) бошлаб тўланади.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги иш стажига ходимнинг аввал тизимда ишлаган даври ҳам киради.

Агар ходим бир вақтнинг ўзида бир нечта асосларга кўра устама олиш ҳуқуқига эга бўлса, ходимнинг танлови (ёзма аризаси) бўйича битта устама тўланади, бундан Фавқулодда ва Мухтор элчи мартабаси ҳамда илмий даража ва илмий унвон учун белгиланган устамалар мустасно.

6.8 Компенсация тўловлари, яъни касаба уюшмалари ташкилотлари ва Федерация тасарруфидаги ташкилотларда молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ишловчи ходимларга овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **бир бараваригача** ҳамда йўл харажатларини қисман қоплаш учун республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **35 фоизигача** бўлган миқдорда тўловлар белгиланади.

6.9. Касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларига хизмат сафари давомида кундалик харажатлар учун жамоа шартномасига асосан республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **35 фоизи** миқдорида ҳақ тўланади.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари республикада белгиланган меъёрларда ҳамда меҳмонхона хизмати харажатлари республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **1,5 бараваридан** ошмаган миқдорда белгиланади.

6.10. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва Худудий кенгашлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгашларининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчилари хизмат фаолиятида ташкилот ҳисобидан тегишли кенгашларнинг балансидаги уяли телефон билан таъминланиши мумкин.

Ушбу ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ташкилотчилар учун ажратилган уяли телефонларда сўзлашув харажатларининг меъёри ойига республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизидан** ошмаган миқдорда белгиланади.

6.11. Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишда нефть ва суюлтирилган газ маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш мақсадида, хизмат автомобилларидан фойдаланишнинг кунлик меъёри **100 км.**дан ошмаган миқдорда белгиланади.

Автотранспорт воситаларидан хизмат вазифаси заруриятларига мувофиқ фойдаланишда, яъни хизмат сафарлари ва бошқа жамоатчилик асосида бириктирилган вазифаларни бажаришда белгиланган лимитлардан ошган йўл масофалари касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳужжатли асосланиши лозим.

6.12. Аъзолик бадалларининг тушуми тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Ҳудудий кенгашларнинг тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича уларни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни қоплашга етмаган ҳолларда, мазкур ташкилотларнинг штатлари, уларга тўланадиган иш ҳақи, мукофот, компенсация тўловлари қисқартирилади.

6.13. Барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларини мақсадли сарфланиши, ҳужжатларни ўз вақтида тўғри расмийлаштирилиши, молиялаштириш учун ажратилган маблағларни белгиланган муддатларда ўтказилишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

6.14. Республика ва Федерация миқёсида ўтказиладиган тадбирлар учун маблағлар Федерация маблағлари ҳисобидан харажатлар амалга оширилиши ёки ушбу вазифа Федерация томонидан тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Ҳудудий кенгашларга юклатилиши мумкин.

VII. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФ-ХАРАЖАТИ БЎЙИЧА ТУЗИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ

7.1. Касаба уюшмалари маблағларининг сарф-харажати бўйича молиявий ҳисоботлар Федерациянинг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган шакллар асосида юритилади.

Касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботларни йил бошидан **ортиб боровчи якун бўйича** топширишнинг қуйидаги тартиби белгиланади:

7.1.1. Бошланғич ташкилот бевосита туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталарнинг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **10 санасигача** мазкур бошланғич ташкилотга касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталарга топширади;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига касаба уюшма хизмати кўрсатадиган тегишли туман, шаҳар кенгаши ёки бирлашган қўмиталари касаба уюшма бюджети маблағларини

сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **15 санасигача** умумлаштирилган ҳисоботни Ҳудудий кенгашларга топширади.

7.1.2. Бошланғич ташкилот бевосита тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг касаба уюшма хизматида бўлган ҳолларда:

ўз ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан молиявий ҳисоботни биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **10 санасигача** Ҳудудий кенгашларга топширади.

7.1.3. Ҳудудий кенгашлар касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларидан касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан йиғилган молиявий ҳисоботларни умумлаштирган ҳолда, биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **25 санасигача** Федерацияга топширади.

Ўз навбатида, Ҳудудий кенгашлар умумлаштирилган молиявий ҳисоботни Федерацияга топшириладиган вақтга қадар, ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмаларидан йиғилган аъзолик бадаллари тўғрисидаги таҳлилни тармоқ касаба уюшмаларининг Республика кенгашларига тақдим этилишини таъминлайди.

7.1.4. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида молиявий ҳисоботни аъзолик бадаллари бўйича Ҳудудий кенгашлардан олинган маълумотларни бошланғич ташкилотлар ва туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари бўйича таҳлил қилган ҳолда, биринчи ярим йил ва йил якуни бўйича июль ва январь ойларининг **25 санасигача** Федерацияга топширади.

7.2. Касаба уюшма бюджети маблағларини сарфланиши юзасидан топшириладиган молиявий ҳисоботлар электрон шаклда топширилади, ўз навбатида ҳисоботлар раҳбар, молия бўлими мудирлари ва бош бухгалтерларнинг имзолари ҳамда ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолатда ҳам етказилади.

Молиявий ҳисоботларнинг тузилиши ва улардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари, молия бўлими мудирлари ва бош бухгалтерлари шахсан жавобгар бўлади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

Мазкур Низом тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Ҳудудий кенгашлар билан келишилган.

**ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ
РАЁСАТ**

**O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI
RAYOSAT**

**ҚАРОРИ
QARORI**

Тошкент ш
Toshkent sh.

2012 йил 24 апрель

№ 6-11

**Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети
маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни
расмийлаштириш Тартиби тўғрисида**

Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тасдиқланган сметалар асосида маблағларни Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланишини назорат қилиш, бюджет маблағларининг сарф-харажатларини белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши, молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларининг сарфланишида молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш Тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раислари ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларига:

тасдиқланган Тартиб асосида ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотлар ва тармоқ тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларини сарф-харажат қилинишида молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилишини қатъий тартибда назорат қилиш;

молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўғри юритилиши мавзуларида касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш ва ушбу масалалар юзасидан жойларда ўқув-семинарлар ташкил этиш;

молиявий ҳужжатларни расмийлаштиришда Тартибга амал қилмаган касаба уюшмалари органлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимларига нисбатан қонунда ва Уставларда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриб бориш топширилсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси (Б.Ахраров)дан жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотларида тафтиш ўтказиш жараёнларида ташкилотлар томонидан бюджет маблағларининг сарф-харажатларини Тартиб асосида расмийлаштирилаётганлигини назорат қилиш сўралсин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши молия бўлими (А.Асадов) юқорида тасдиқланган Тартибдан иш фаолиятида фойдаланиш масалалари юзасидан жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатсин ва бу борада жойларда ўқув-семинарлар ташкил этсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Н.Аллаёров зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси

Т.Нарбаева

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА КАСАБА УЮШМА БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФЛАНИШИДА МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави асосида, касаба уюшмалари ташкилотлари касаба уюшма бюджетининг шаклланишида ягона молиявий фаолиятни юритиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, касаба уюшмалари ташкилотларида молиявий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, касаба уюшма бюджети маблағларини мақсадли ва самарали сарфланиши меъзонларини белгилайди.

II. ТАРТИБНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Ушбу Тартибдан кўзланган асосий мақсад, касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, молиявий ҳужжатларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини тўғри олиб бориш ҳамда тасдиқланган сметалар асосида маблағларни Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланишини таъминлашдан иборат.

III. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Барча турдаги касаба уюшмалари ташкилотларида аъзолик бадаллари ва бюджет маблағларини сарфлаш тегишли молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Бюджет маблағлари ва товар-моддий бойликларни сарфлаш учун аввало тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади. Мазкур қарор билан ўтказиладиган тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобидаги товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш учун ҳисобот йили бошида уч кишидан кам бўлмаган таркибда комиссия тузилади.

Ушбу комиссия ҳисобот йили давомида ўтказилган тадбирлар иштирокчилари ва спартакиадалар ғолибларига берилган совғаларни, уларнинг тарқатилганлигини асословчи қайдномалар асосида ҳисобдан чиқариш далолатномасини расмийлаштиради. Мазкур далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланиб, муҳрланади ва ўз навбатида ташкилот бухгалтериясига тақдим этилади.

Ташкилот бухгалтерияси комиссиядан қабул қилиб олган далолатнома асосида ташкилот ҳисобида бўлган товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаради.

Шунингдек, ташкилот томонидан ўтказилган тадбирларда совғаларни касаба уюшмаси фаолларига тарқатиш жараёнида тузилган қайднома ҳамда комиссия томонидан тузилган ҳисобдан чиқариш далолатномасида тарқатилган ва ҳисобдан чиқарилаётган совғаларнинг номи, миқдори, нархи кўрсатилиши лозим.

Касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшма бюджети маблағлари Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланиб, улар асосан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади.

3.1. Республикамизда ўтказиладиган байрамлар муносабати билан ташкил қилинадиган маданий-оммавий тадбирлар (“Янги йил”, 8 март “Халқаро Хотин-қизлар куни”, 21 март “Наврўз”, 9 май “Хотира ва қадрлаш куни”, 1 сентябрь “Мустақиллик куни”, 1 октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”, 8 декабрь “Конституция куни”, “Рамазон” ва “Қурбон” хайитлари байрамларида) сарф-харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагича расмийлаштирилади.

Касаба уюшмаси ташкилотининг тадбирни ўтказиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинади ҳамда тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади, шунингдек, қарорда тадбир ўтказиладиган жой ва санаси кўрсатилиши лозим. Тадбир давомида иштирокчиларга берилган совғаларни тарқатилганлигини асословчи қайднома ва уларни ҳисобдан чиқариш учун далолатнома расмийлаштирилади. Агар тадбир иштирокчилари овқатлантирилса, умумий овқатланиш корхонасидан ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома, таомнома олиниши, шунингдек ушбу ҳужжатга тадбир иштирокчиларининг рўйхатини илова қилиш лозим.

3.2. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган касаба уюшма аъзоларини юбилей саналари муносабати билан табриклаш (50, 55, 60 ёш ва бошқа юбилей саналари) учун касаба уюшмаси ташкилотининг қарори қабул қилинади. Юбилярга эсдалик совғаси берилганда, совға далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади, агар маълум миқдорда пул маблағи берилганда касса чиқим ордери расмийлаштирилади.

3.3. Касаба уюшмалари ташкилотларида Федерация Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари Марказий, ҳудудий бирлашмалар кенгашлари, тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар томонидан республика ва касаба уюшмалари фаолиятларига оид бўлган долзарб масалалар юзасидан касаба уюшма фаоллари билан учрашувлар, ўқув-семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади, қарорда учрашув ва ўқув-семинарнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади. Тадбир харажатлари сарф-харажатлар сметаси асосида амалга оширилади ва далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади.

3.4. Касаба уюшма аъзолари, фаоллари, фахрийлари учун республикамизнинг қадимий обидаларига саёҳатлар уюштириш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун турли концерт ва театр томошалар ташкил қилиш каби тадбирлар учун касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва қарор билан сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади ҳамда қарорга иштирокчилар рўйхати илова қилинади.

Туристик саёҳат билан боғлиқ бўлган харажатларни асослаш учун транспорт хизмати кўрсатган ташкилотдан ҳисоб-фактура, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома ҳамда хизмат кўрсатган транспорт воситаси йўл варақасининг нусхаси олинади.

Агар ташкиллаштирилган концерт ва театр томошалари учун касаба уюшма ташкилоти томонидан чипталар тарқатилса, қайднома расмийлаштирилиши ва шу асосда ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилиши лозим.

3.5. Хорижий касаба уюшмалари ташкилотлари билан алоқаларни мустақамлаш мақсадида ҳамда хорижий касаба уюшмаларининг таклифлари асосида чет элга хизмат сафарлари уюштирилади. Мазкур хизмат сафари фақат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг рухсати билан амалга оширилади.

Ташкилот ходимини хизмат сафарига юборишдан олдин тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори Федерация Кенгашининг рухсатига асосланиб қабул қилинади. Қарорда сафар харажатлари қайси ташкилот ҳисобидан қопланиши, шунингдек хорижий касаба уюшмалари ташкилотларига олиб кетиладиган эсдалик совғалари тўғрисидаги бандлар киритилиши лозим.

Агар сафар билан боғлиқ бўлган харажатлар юборувчи ташкилот ҳисобидан қопланиши кўрсатилган бўлса, харажатларни асословчи барча ҳужжатлар (авиачипталар, меҳмонхона, виза олиш квитанциялари)ни илова қилган ҳолда тузилган ҳисоботга асосан харажатлар хизмат сафарига борган ходимга қоплаб берилади. Суткалик тўловлар эса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатга олинган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш Тартиби”нинг 1-илласида белгиланган меъёрлар бўйича 100 фоиз миқдорда тўланади.

Шунингдек, сафар билан боғлиқ бўлган харажатлар (овқатланиш, турар жой) кутиб олувчи хорижий касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобидан қопланса, суткалик тўловлар юқоридаги Тартибнинг 1-илласида белгиланган меъёрларнинг 30 фоизи миқдорида сафарга юборувчи ташкилот томонидан тўланади.

Ташкилот ҳисобидан хорижий касаба уюшма ташкилотларига берилган эсдалик совғалари далолатнома тузилган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

3.6. Пахта йиғим-терими мавсумида иштирок этаётган ҳашарчилар, кам таъминланган илғор теримчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни маданий дам олишини ташкиллаштириш учун касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва ушбу қарор билан тадбирнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Ҳашарчилар ва теримчилар учун маданий тадбирлар тегишли ҳудуддаги маданият ва спорт ишлари бўлими билан шартнома тузган ҳолда амалга оширилади ва ушбу тадбир учун қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома маданият ва спорт ишлари бўлимидан олинади.

Ҳашарчилар ва теримчилар учун иссиқ овқат ташкиллаштириш умумий овқатланиш корхоналари билан шартнома тузиш асосида амалга оширилади ва ушбу мақсад учун қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома умумий овқатланиш корхоналаридан олинади (теримчилар рўйхати илова қилинади).

Шунингдек савдо ташкилотларидан озиқ-овқат маҳсулотлари олиниб, ҳашарчи ва теримчиларга иссиқ овқат ташкил қилинса, ушбу маҳсулотлар тегишли ташкилотлар фаоллари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида тузилган далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади (теримчилар рўйхати илова қилинади).

Ҳашарчи ва теримчиларни рағбатлантириш учун касаба уюшмалари ҳисобидан бериладиган совғаларнинг тарқатилганлини асословчи қайднома расмийлаштирилади ва далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади, ушбу далолатномада совғаларни тарқатишда иштирок этган фаолларнинг имзоси бўлиши лозим.

3.7. Тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган меҳнаткашлар, касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, касаба уюшмалари аппарат ходимлари ўртасида спорт турлари бўйича ўтказиладиган спартакиадаларни ташкил қилиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва ушбу қарор билан спартакиаданинг низоми, сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Спартакиада иштирокчилари овқатлантирилганда умумий овқатланиш корхонасидан ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома, таомнома олиниши, шунингдек ушбу ҳужжатга иштирокчиларининг рўйхатини илова қилиш лозим.

Спартакиада яқуни бўйича ғолибларга совға тарқатишда қайднома расмийлаштирилади ҳамда қайднома асосида совғаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилади.

Агар спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган манзилга спортчиларни олиб бориш учун йўловчи ташувчи транспорт воситаларидан фойдаланилса, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотдан ҳисоб-фактура, бажарилган

иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома ҳамда транспорт воситасининг йўл варақасидан нусха олинади.

3.8. Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган касаба уюшма аъзоларига, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Моддий ёрдам бериш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилиниб, қарорга моддий ёрдам сўраган шахсларнинг аризалари ва паспортининг нусхаси илова қилинади, шунингдек қарорда ҳар бир шахсга бериладиган моддий ёрдам суммалари кўрсатилиши лозим.

Моддий ёрдам ташкилот ҳисобидан касса чиқим ордери билан берилиб, ордерда моддий ёрдам олувчи шахс паспортининг маълумотлари тўлиқ кўрсатилиши керак. Шунингдек ушбу тўлов моддий ёрдам сўраган шахсларнинг шахсий пластик карточкасига ҳам ўтказилиши мумкин, фақат маблағ ўтказилган тўлов топшириқномасига пластик карточкасига моддий ёрдам ўтказилган шахсларнинг реестрини банкдан тасдиқлатиб илова қилиб қўйиш лозим.

3.9. Касаба уюшмаларининг барча тузилмалари иш ҳақи ва хўжалик харажатлари (балансда мавжуд бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, уяли алоқа воситалари)га маблағ сарфлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2011 йил 27 апрелдаги “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган меъёрларга амал қилиши лозим.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ тўланади. Ҳар бир касаба уюшма ташкилоти штатлар жадвалини тасдиқлашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 27 апрелдаги “Касаба уюшма органлари тузилмаси ва штатлар жадвалини такомиллаштириш тўғрисида”га 2-7 сонли қарорига амал қилиши шарт.

Иш ҳақи ҳисоблаш учун ташкилотнинг масъул шахслари томонидан табель тўлдирилади ва табель ташкилот раиси томонидан тасдиқланади. Табелда ходимларнинг ишда, хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлганлиги ҳамда дам олиш кунлари аниқ ва тўғри кўрсатилиши лозим.

Иш ҳақи ҳисоблаш китобида ҳисобот оyi давомида ходимга бериладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, меҳнат натижалари бўйича тўловлар, ходим меҳнат таътилига чиққан вақтда бериладиган ижтимоий-маиший (моддий ёрдам) тўлов ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бериладиган компенсация (йўл, овқат пули) тўловлари, шунингдек, ходимга ташкилотнинг иш ҳақи бўйича ўтган ойдан қолган қарзи, унинг берилиши, берилган бўнак (аванс), иш ҳақидан ушланмалар (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар, касаба уюшмасига аъзолик бадаллари) ҳамда ходимнинг иш ҳақи ҳисобидан унинг аризасига асосан электр энергия, газ таъминоти,

олий ўқув юртларига тўлов контрактлар ва бошқалар учун ўтказилган маблағлар кўрсатилиши шарт.

Ҳисобот йили давомида ходимларга иш берувчи томонидан натура шаклида берилган қимматбаҳо эсдалик совғаларининг қиймати республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан ошса, ушбу ошган қисми ходимнинг даромадига қўшилади ва белгиланган тартиб бўйича даромад солиғига тортилади.

Ходимлар ташкилот раисининг фармойишига асосан хизмат сафари гувоҳномаси расмийлаштирилган ҳолда хизмат сафарига юборилади. Хизмат сафарига жўнатилган ходим сафар гувоҳномасига ўзи ишлайдиган ташкилот ва сафарга борган ташкилотидан имзо, муҳр қўйдириши лозим. Сафар якуни бўйича ходим амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот ёзиши ҳамда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл транспортининг чиптаси, турар жой квитанцияси) асосида ҳисобот топшириши ва ушбу ҳисоботни ташкилот раиси тасдиқлаши керак.

Йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни авиада ташиш тарифларини 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Вилоят миқёсида (туманлараро) хизмат сафари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт ташкилотларидан олинган маълумотномаларда белгиланган тарифлар асосида қопланади.

Шунингдек хизмат сафарига борган ходимга сафарда бўлган даври учун суткалик тўловлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома”га асосан Тошкент шаҳри, вилоятлар марказларида республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда 8 фоизи миқдорида суткалик тўловлар тўланади.

Суткалик тўловларнинг миқдори корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномасига мувофиқ кўпайтирилиши мумкин. Лекин касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2011 йил 27 апрелдаги “Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 3-2 сонли қарори билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган меъёрлардан оширилмаслиги лозим.

Ўз навбатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома”да белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган суткалик тўловлар ходимларнинг даромадига қўшилади ва белгиланган тартибда даромад солиғига тортилади.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолият юритиши учун олинган канцтоварлар ходимларга ҳар ойда қайднома билан тарқатилиб, далолатнома асосида ҳисобдан чиқариб борилади.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг балансида бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишда хизмат вазифаси, хизмат сафарлари ва бошқа жамоатчилик асосида бириктирилган вазифаларни бажаришда автотранспорт воситасига кунлик ёки 5 кунлик йўл варақалари расмийлаштирилади.

3.10. Касаба уюшмалари ташкилотларининг мажлис (пленум), раёсат йиғилишларини ўтказиш учун тегишли касаба уюшма ташкилотининг қарори қабул қилинади ва қарор билан йиғилишнинг сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади.

Йиғилишни ўтказиш учун ишлатилган ва иштирокчиларга тарқатилган канцтоварлар, китоблар, буклетлар ва бошқалар комиссия томонидан тузилган далолатномага мувофиқ, иштирокчиларни овқатлантириш учун қилинган харажатлар эса умумий овқатланиш корхоналаридан олинган ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилиб, ушбу далолатномага йиғилиш иштирокчиларининг рўйхати илова қилинади.

3.11. Касаба уюшмалари ташкилотлари балансида мавжуд бўлган асосий воситаларга нисбатан уларнинг турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 136-сонли Қонуни билан 2007 йил 25 декабрда тасдиқланган ва 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган Солиқ Кодексининг 144-моддасида белгиланган меъёрларга асосан амортизация ажратмалари (эскириш) ҳисобланади.

Шунингдек, ташкилотлар балансида мавжуд бўлган асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтган “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ҳамда ҳар йили Давлат статистика қўмитаси томонидан чиқариладиган индексларга асосан қайта баҳоланади. Ўз навбатида, мавжуд асосий воситаларга нисбатан ҳисобланган амортизация ажратмалари (эскириш) ҳам пропорционал равишда мазкур индекслар бўйича қайта баҳоланади.

НАМУНА

_____ касаба уюшма ташкилотининг 2025 йил
 “__” _____даги _____-сонли раёсат қарорига асосан 8 март “Халқаро
 Хотин-қизлар куни” байрами муносабати билан совға тарқатиш
Қ А Й Д Н О М А С И

05.03.2025 йил

№	Совға олган шахснинг Ф.И.О.	Совғанинг			Имзо
		номи	сони, ў/бир	нархи	
1		Тефал	1 дона	45000	
2		Тефал	1 дона	45000	
3		Тефал	1 дона	45000	
Жами:			3 дона	135000	

Комиссия аъзолари ва совғаларни
 тарқатишда иштирок этган фаоллар:

НАМУНА

_____ касаба уюшма ташкилотининг 2025 йил
 “__” _____даги _____-сонли раёсат қарорига асосан “Янги йил” байрам
 томошалари учун чипта тарқатиш
Қ А Й Д Н О М А С И

25.12.2025йил

№	Совға олган шахснинг Ф.И.О.	Чиптанинг			Имзо
		сони	нархи	суммаси	
1		2	5000	10000	
2		1	5000	5000	
3		3	5000	15000	
Жами:		6		30000	

Комиссия аъзолари ва чипталарни
 тарқатишда иштирок этган фаоллар:

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилоят кенгаши ходимларига
иш фаолиятида фойдаланиш учун декабрь ойида канцтоварлар тарқатиш
Қ А Й Д Н О М А С И**

№	Бўлимлар номи	Қоғоз А-4		Ручка		Қалам		Чизғич		Органайзер		Варақлама тақвим		Сумма	Имзо
		сони	нархи	сони	нархи	сони	нархи	сони	нархи	сони	нархи	сони	нархи		
1	Ташкилий ишлар	2	5500	3	200	3	200	3	250	3	12000	3	2500	56450	
2	Меҳнаткашларни ижт.иқтисодий манфатларини ҳимоя қилиш	1	5500	2	200	2	200	2	250	2	12000	2	2500	35800	
3	Юридик	1	5500	2	200	2	200	2	250	2	12000	2	2500	35800	
4	Меҳнатни муҳофаза қилиш	1	5500	2	200	2	200	2	250	2	12000	2	2500	35800	
5	Молия	1	5500	3	200	3	200	3	250	3	12000	3	2500	50950	
6	Ижтимоий суғурта	1	5500	4	200	4	200	4	250	4	12000	4	2500	66100	
7	Маданият ва спорт ишлари	1	5500	3	200	3	200	3	250	3	12000	3	2500	50950	
8	Ишлар бошқармаси	2	5500	1	200	1	200	1	250	1	12000	1	2500	26150	
Жами:		10		20		20		20		20		20		358000	

Бирлашма кенгаши ишлар бошқарувчиси

А.Саидов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Касаба уюшмаси ташкилоти раиси

_____ (Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

ДАЛОЛАТНОМА

31.10.2025 йил

Андижон шаҳри

Ушбу далолатнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят кенгаши товар-моддий бойликларини ҳисобдан чиқариш комиссияси аъзолари А.Юлдашев, Р.Собиров, Ф.Маҳмудов ва ишлар бошқарувчиси А.Саидовлар томонидан шу ҳақда тузилдиким, Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2025 йил 10 сентябрдаги 5-15 сонли қарорига асосан, Балиқчи туманида пахта тераётган ҳашарчилар ҳамда кам таъминланган илғор теримчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, бирлашма кенгаши ҳисобидан теримчиларга 10 дона нархи 30000 сўмдан бўлган жами 300000 сўмлик “Сервиз”лар, 15 дона нархи 25000 сўмдан бўлган жами 375000 сўмлик “Радио плеер”лар, 20 дона нархи 7500 сўмдан бўлган жами 150000 сўмлик “Шахмат”лар ва 10 дона нархи 35000 сўмдан бўлган жами 350000 сўмлик “Дазмол”лар совға қилинди.

Мазкур далолатнома юқорида келтирилган жами 1175000 (бир миллион бир юз етмиш беш минг) сўмлик совғаларни ҳисобдан чиқариш учун тузилди (совғаларни тарқатиш қайдномалари илова қилинади).

Вилоят Кенгаши
комиссияси аъзолари:

_____ А.Юлдашев

_____ Р.Собиров

_____ Ф.Маҳмудов

Ишлар бошқарувчиси

_____ А.Саидов

Совғаларни тарқатишда иштирок этганлар:

Туман ҳокимияти вакили

_____ Й.Рахимов

“Жамшид ота” фермер
хўжалиги раҳбари

_____ У.Баҳромов

НАМУНА**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Касаба уюшмаси ташкилоти раиси

_____ (Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

ДАЛОЛАТНОМА

31.10.2025 йил

Андижон шаҳри

Ушбу далолатнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят кенгаши товар-моддий бойликларини ҳисобдан чиқариш комиссияси аъзолари А.Юлдашев, Р.Собиров, Ф.Маҳмудов ва ишлар бошқарувчиси А.Саидовлар томонидан шу ҳақда тузилдиким, Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2025 йил 10 сентябрдаги 5-15 сонли қарорига асосан, Балиқчи туманида пахта тераётган Андижон қишлоқ хўжалиги институти талабаларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, бирлашма кенгаши ҳисобидан талабаларга 10 дона нархи 3000 сўмдан бўлган жами 30000 сўмлик “Шашка”лар, 15 дона нархи 25000 сўмдан бўлган жами 375000 сўмлик “Радио плеер”лар, 20 дона нархи 7500 сўмдан бўлган жами 150000 сўмлик “Шахмат”лар ва 10 дона нархи 5500 сўмдан бўлган жами 55000 сўмлик “Домино”лар совға қилинди.

Мазкур далолатнома юқорида келтирилган жами 610000 (олти юз ўн минг) сўмлик совғаларни ҳисобдан чиқариш учун тузилди (совғаларни тарқатиш қайдномалари илова қилинади).

Вилоят Кенгаши
комиссияси аъзолари:

_____ А.Юлдашев

_____ Р.Собиров

_____ Ф.Маҳмудов

Ишлар бошқарувчиси

_____ А.Саидов

Совғаларни тарқатишда иштирок этганлар:

Институт вакили

_____ М. Эркинов

“Қахрамон” фермер
хўжалиги раҳбари

_____ Қ.Сафаров

НАМУНА**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Касаба уюшмаси ташкилоти раиси

_____ (Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

ДАЛОЛАТНОМА

31.12.2025 йил

Андижон шаҳри

Ушбу далолатнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят кенгаши товар-моддий бойликларини ҳисобдан чиқариш комиссияси аъзолари А.Юлдашев, Р.Собиров, Ф.Маҳмудов ва ишлар бошқарувчиси А.Саидовлар томонидан шу ҳақда тузилдиким, Кенгаш аффили ҳодимларига иш фаолиятида фойдаланиш учун 10 пачка нархи 5500 сўмдан бўлган жами 55000 сўмлик А-4 шаклдаги “Қоғоз”лар, 20 дона нархи 200 сўмдан бўлган жами 4000 сўмлик “Ручка”лар, 20 дона нархи 200 сўмдан бўлган жами 4000 сўмлик “Қалам”лар, 20 дона нархи 250 сўмдан бўлган жами 5000 сўмлик “Чизғич”лар, 20 дона нархи 12000 сўмдан бўлган жами 240000 сўмлик “Органайзер”лар, 20 дона нархи 2500 сўмдан бўлган жами 50000 сўмлик “Варақлама календар”лар берилди.

Мазкур далолатнома юқорида келтирилган жами 358000 (уч юз эллик саккиз минг) сўмлик канцтоварларни ҳисобдан чиқариш учун тузилди (канцтоварларни тарқатиш қайдномаси илова қилинади).

Вилоят Кенгаши
комиссияси аъзолари:

_____ А.Юлдашев

_____ Р.Собиров

_____ Ф.Маҳмудов

Ишлар бошқарувчиси

_____ А.Саидов

**САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ
АЖРАТИШ
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР,
ТАВСИЯЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

РАЁСАТ

O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI

RAYOSAT

ҚАРОРИ
QARORI

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2013 йил 26 январь

№ 9-24

**Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан
фойдаланишга оид Йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2012 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 6-2 сонли қарорига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

“Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” **1-иловага;**

“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисидаги Йўриқнома” **2-иловага;**

“Касаба уюшма ташкилотлари томонидан йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганиш комиссияси тўғрисидаги Низом” **3-иловага;**

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганиш комиссияси таркиби **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Йўриқномалар ва Низом жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб кучга киритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими (Н.Ишанханова), молия бўлими (Ж.Ҳамзаев)ларга бир ой муддат ичида Йўриқномаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатларга маблағ ажратиш, Ишлар бошқармаси (Б.Юлдашев)га Йўриқномаларни чоп этишни ташкил этиш, уларни ижрочиларга етказиш вазифалари топширилсин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 27 апрелдаги ““Санаторий йўлланмаларини режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, ҳисоботи ва бериш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг янги тахририни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2-13 сонли қарори 2013 йил 1 февралдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси

Т.Нарбаева

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги
9-24-сонли қарорига 1-илова**

Мазкур Йўриқномага Ўз.КУФК Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-12 сонли қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

**Ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга
йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга
олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида**

Й Ў Р И Қ Н О М А

I. Йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш ва сотиш тартиби

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ҳар йили касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларнинг йўлланмаларини чиқариш режасини тузади.

2. Йўлланмаларни чиқариш режаси санаторийлар томонидан тақдим этилган қабул жадваллари асосида, даволаш ихтисослашуви, йил мавсумлари, санаторийлардаги мавжуд ва фойдаланишга топшириладиган биноларнинг қабул қилиш қувватини ҳамда капитал таъмирлашга (қайта қуриш) тўхтатилиш муддатлари режасини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Сотиб олинadиган йўлланмада даволаниш муддати Санатор-курортлар бошқармаси Ҳайъат мажлисининг қарори билан белгиланади ва битта йўлланмадан фақат бир киши фойдаланади.

3. Янгидан фойдаланишга топшириладиган (қайта қуриладиган) санаторийларга йўлланмалар, улар даволанувчиларни қабул қилишга амалда тайёр бўлган вақтдан бошлаб чиқарилади. Қўшимча чиқарилган йўлланмалар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари (бундан буён матнда “бирлашма” деб юритилади) билан олдиндан келишилган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тақсимланади. Йўлланмада “ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан қўшимча” штампи қўйилади.

Санатор-курортлар бошқармаси томонидан келгуси йил учун йўлланмалар чиқариш режаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳар йилнинг 1 октябрга қадар тақдим этилиши лозим.

4. Бирлашмалар туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталаридан келгуси йил учун санаторийлар бўйича чоракларга (мавсумий эҳтиёжни назарда тутган ҳолда) тақсимланган талабномаларни йиғиб, тармоқлар кесимида жамлайди ва бирлашма бўйича жамланган талабномани ҳар йилнинг 15 сентябрга қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этадилар.

4.1. Ҳар бир касаба уюшмаси қўмитаси йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобини юритади. Навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китоби асосида ҳар йилнинг 1 сентябригача келгуси календарь йил учун йўлланмаларга талабнома тузиб, юқори касаба уюшмаси ташкилотига тақдим этади.

Касаба уюшмаси қўмитаси тузилмаган жойларда иш берувчининг ёзма мурожаати асосида, йўлланма ажратиш бўйича талабномаларини тўғридан тўғри ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларига тақдим этади.

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими Санатор-курортлар бошқармаси томонидан тақдим этилган йўлланмаларни чиқариш режасига асосланиб, бирлашмаларнинг молиявий имкониятлари ҳамда улар томонидан тақдим этилган талабномаларни эътиборга олган ҳолда йўлланмаларни тақсимлаш режаси лойиҳасини тузиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритади ва уни **ҳар йилнинг 1 ноябригача** ҳудудий бирлашмалар ва Санатор-курортлар бошқармасига юборади.

Бирлашмаларга йўлланмаларни тақсимлаш режаси вилоят ҳудудида жойлашган касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг қабул қилиш қувватидан имкон борица кўпроқ фойдаланган ҳолда тузилади..

6. Бирлашмалар тармоқларнинг молиявий имкониятларини инобатга олган ҳолда йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузиб, раёсат қарори билан тасдиқлайдилар ва **ҳар йилнинг 15 ноябригача** туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталарига етказадилар.

7. Туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режаси асосида йирик касаба уюшма қўмиталари бўйича (300 ва ундан зиёд ходимлар хизмат қиладиган) йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузадилар ва тасдиқлайдилар. Қолган йўлланмалар эса, йўлланмаларни тақсимлаш режасининг алоҳида «Бошқа касаба уюшма қўмиталари» сатрида акс эттирилади.

8. Бирлашмалар касаба уюшма ташкилотлари талабномаларига мувофиқ, бошқа идораларга қарашли санаторийларнинг йўлланмаларини қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда сотиб олишлари мумкин:

- касаба уюшмалари йўлланмаларининг ўртача баҳосидан юқори бўлмаган нархларда;

- касаба уюшмалари санаторийларига тақсимлаш режасига мувофиқ ажратилган йўлланмалар тўлиқ олинган ҳолда;

- Санатор-курортлар бошқармасига аввал олинган йўлланмалар учун қарзлар тўлиқ қайтарилган ҳолда;

- бюджетнинг «санаторий-курортларда даволаниш» моддасида кўзда тутилган маблағлар ортиб қолган тақдирда.

Имкон борица кўпроқ ходимларни даволаш мақсадида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан қиммат нархдаги, шунингдек люкс-палаталарга йўлланмалар сотиб олиш ман этилади.

9. Талаб бўлмаган ҳолда бошқа идоралар тасарруфидаги санаторийларга йўлланмалар ажратилишга рухсат берилмайди.

10. Йўлланмаларни йил мавсумлари бўйича тақсимлашда таълим, фан ва маданият, агросаноат мажмуи тармоқлари ҳамда бошқа тармоқларга қарашли иш фаолияти мавсумий тусга эга бўлган ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

11. Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшма ташкилотларига йўлланмаларни тасдиқланган тақсимлаш режасига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган нархларда сотади.

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар тижорат устама нархларсиз сотилади.

Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда кузги-қишги давр учун санаторий йўлланмалари нархларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Санатор-курортлар бошқармаси ҳар йили 1 декабрга қадар бирлашмалар билан келгуси йил йўлланмаларини сотиш бўйича шартномалар тузади.

12. Бирлашмалар сотиб олинган йўлланмалар учун пул маблағларини шартномаларда кўзда тутилган муддатларда ўтказадилар.

13. Санатор-курортлар бошқармаси бирлашмаларга йўлланмаларни қуйидаги муддатларда беради:

- I чорак учун 1 декабргача;
- II чорак учун 1 мартгача;
- III чорак учун 1 июнгача;
- IV чорак учун 1 сентябргача.

Тасдиқланган йўлланмалар тақсимлаш режасининг бажарилиши бўйича масъулият бирлашма раислари зиммасига юклатилади.

Объектив сабабларга кўра ҳамда тақсимлаш режасига мувофиқ бирлашмалар томонидан йўлланмаларни тўлиқ сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими Санатор-курортлар бошқармаси билан биргаликда режага ўзгартириш киритишга ҳақли.

Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинаётган йўлланмаларни беришдан аввал уларга: «Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ҳақи тўланган. Қайта сотиш мумкин эмас» деган штамп қўяди.

14. Бирлашмалар туман ва шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ҳамда касаба уюшма қўмиталарига йўлланмаларни улар амал қилиш муддатидан 30 кун аввал беради.

Бирлашма кенгаши раёсатида тасдиқланган режа бўйича туман (шаҳар) кенгашлари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ўз вақтида олинмаган ва улар томонидан бирлашмага қайтарилган йўлланмалар, талабнома асосида бошқа тармоқ касаба уюшмаси қўмиталарига берилади.

15. Йўлланмалар берилишида счет-фактура 2 нусхада ёзилади. Уларда сихатгоҳнинг номи, йўлланмалар рақами, йўлланмаларнинг сони ва муддати, ҳар бир йўлланманинг нархи ва барча йўлланмаларнинг умумий қиймати кўрсатилади.

16. Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан талаб қилиб олинмаган йўлланмалар Санатор-курортлар бошқармаси томонидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга келишилган нархларда сотилади.

II. Йўлланмаларни бериш тартиби

17. Ходимга даволаниш учун йўлланма унинг иш жойидаги касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ўрнатилган навбат бўйича берилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси тузилмаган жойларда иш берувчининг ишончномасига асосан бирлашма томонидан йўлланма ажратилади.

Ходимлардан тушган барча аризалар йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобига киритилади ва уларга йўлланма олиш учун навбат белгиланади (1-илова).

18. Ходим ижтимоий суғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилади.

19. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинadиган йўлланмалар:

- 10 фоизгача – бепул;
- 90 фоизгача – қиймати қисман ундирилган ҳолда берилади.

Йўлланмалар қийматининг ундириладиган миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланади.

20. Йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қийматини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- банк муассасалари орқали “Эълон” бўйича нақд пул ёки пластик карточка орқали бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади;
- касаба уюшма қўмитаси ёки туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари кассасига нақд пулда тўланади;

- корхона бухгалтерияси томонидан ходимнинг аризасига кўра иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Олинган йўлланма учун ходим томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари кассасига тўланган нақд пул тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг, кассага кириш қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда банк муассасаларига топширилиб, бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан йўлланмаларга маблағ тўлаш учун ёзиладиган банк ҳужжатларида тўлов мақсадлари тўлиқ ва аниқ кўрсатилиши (йўлланма олувчининг Ф.И.Ш, йўлланма рақами, санаторий номи) шарт.

Йўлланманинг қисман қиймати ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган ҳолда, корхона бош бухгалтери ушлаб қолинган маблағни бирлашманинг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун жавобгардир.

Йўлланманинг қисман қиймати ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари раислари, бош бухгалтерлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари раислари жавобгардир.

21. Йўлланманинг қисман ёки тўлиқ қиймати тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қоғози (квитанция) тақдим этилмагунча йўлланма берилмайди.

22. Миокард инфарктининг ўткир хуружидан сўнг беморлар санаторийда даволанишни давом эттиришлари учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар соғлиқни сақлаш органлари тавсиясини эътиборга олган ҳолда умумий асосларда берилади.

23. Санаторийда даволаниш учун бепул йўлланмалар биринчи навбатда ишловчи:

байналмилалчи жангчиларга;

ядро полигонларида ва ядро-радиацияси мавжуд объектларда ҳарбий хизматини ўтаган шахсларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сонли қарорига асосан);

ўз ҳарбий бурчини бажариш пайтида соғлиғига шикаст етганларга;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганларга;

Ўзбекистон Республикаси олдида хизмат кўрсатганларга;

меҳнат фахрийлари ва ногиронларига;

кўп болали (тўрт ва ундан ортиқ бола), кам таъминланган оилаларнинг меҳнат қиладиган аъзоларига берилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги ходимлардан талабномалар бўлмаган ҳолларда, бепул йўлланмалар мазкур йўриқноманинг 19-бандига амал қилган ҳолда бошқа ишловчи касаба уюшма аъзоларига берилади.

24. Касаба уюшма ташкилотлари мавсумий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда бепул йўлланмаларни бериш меъёрларини тартибга солиши мумкин.

25. Санаторийда даволаниш учун йўлланмалар касаба уюшма қўмитасининг, у тузилмаган жойларда эса корхона маъмурияти томонидан тузилган ижтимоий суғурта бўйича комиссиянинг қарори асосида берилади.

Касаба уюшма ташкилотлари йўлланмаларни ажратишда ва уларни тўлови бўйича имтиёзлар беришда ижтимоий адолат тамоилларига амал қилишлари, аниқ йўналишга эга бўлишлари ҳамда йўлланмаларни меҳнат жамоасининг ижтимоий тузилмасига мос равишда тақсимлашлари лозим.

Бу масалалар ҳамжиҳатликда кўриб чиқиши, қабул қилинган қарорлар ошкора эълон қилиниши зарур.

Касаба уюшма қўмиталари ажратилган йўлланмалар тўғрисида ходимлар олдида ҳисобот беришлари лозим.

Йўлланмаларни касаба уюшма қўмитаси раиси ёки бошқа аъзоларининг кўрсатмаси бўйича бериш таъқиқланади.

26. МДХ ва хорижий мамлакатларнинг санаторийлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-санитария бирлашмаси (Кисловодск ва Ялта шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” дам олиш-соғломлаштириш санаторийларидан ташқари) санаторийлари йўлланмаларининг ҳақи ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан тўланмайди.

27. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан узрли сабабга кўра фойдаланишнинг иложи бўлмай қолган ҳолларда, туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталари уларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 15 кун олдин бирлашмаларга қайтариши зарур. Йўлланмани қайтаришдаги счет-фактурага қайтариш сабаблари кўрсатилган тушунтириш хати илова қилиниши лозим.

Бирлашма томонидан қабул қилинган йўлланма учун туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталарига ишонч қоғози берилади.

28. Бирлашмалар қайтарилган йўлланмалардан бошқа касаба уюшма ташкилотлари фойдаланиши чораларини кўради.

Йўлланмалар талаб қилинмай қолса, бирлашма йўлланмаларни амал қилиш муддати бошланишидан камида 10 кун олдин Санаторий-курортлар бошқармасига қайтариши зарур.

Бу ҳолда йўлланмаларнинг тўлиқ қиймати бирлашмаларга қайтарилади.

29. Касаба уюшма ташкилотлари ходимни, аввал олган йўлланмадан узрли сабабсиз фойдаланмаганлиги ёки уни бошқа шахсга берганлиги учун, маълум муддатга йўлланма олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишлари мумкин.

30. Ходимларга даволаниш учун йўлланмалар, уларнинг амал қилиш муддати бошланишидан камида 20 кун аввал берилади.

31. Ходим йўлланма олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози (квитанция);

32. Ходимга берилган йўлланма, олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт асосида), иш жойи, лавозими, йўлланма берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раиси томонидан (раиснинг фамилияси кўрсатилган ҳолда) имзоланиши ва муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Йўлланмага тузатишлар йўлланма бераётган охириги касаба уюшма ташкилоти томонидан киритилади ва тасдиқланади. Киритилган ўзгартириш ва тузатишлар тўғрисида бирлашмага ёзма ахборот берилади.

Касаба уюшма ташкилоти муҳри бемалол ўқиладиган даражада тиниқ бўлиши керак.

Тўлдирилмаган йўлланмаларни бериш қатъиян тақиқланади.

Йўлланма фақат касаба уюшма ташкилотидан олган шахс учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

33. Санаторийлар томонидан тўлдирилмаган, муҳри ноаниқ қўйилган йўлланмалар билан келган шахсларни қабул қилиниши, йўлланмага тузатиш киритилиши қатъиян таъқиқланади.

Ушбу тартиббузарликларга йўл қўйилмаслиги учун санаторий раҳбари шахсан жавобгардир.

Йўлланма нотўғри расмийлаштирилгани, йўлланма бўйича бошқа шахс келгани аниқланган ҳолда, санаторий масъул ходимлари йўлланма нусхасини олиб, ёзма равишда Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишини ўрганиш комиссиясига чора кўриш учун хабар беради.

34. Ходим йўлланма олгандан кейин санаторийга тақдим этиш учун санаторий-курорт картасини (0.7.2./У-шакл) расмийлаштиради. Даволаш усули мос келмаслигини кўрсатувчи белгилар аниқланган ҳолда, у санаторийга қабул қилинмайди.

35. Шифокор ҳулосасига кўра санаторийда даволаниши жуда зарур бўлган ходимга, касаба уюшма ташкилотида йўлланма бор бўлган тақдирда, санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботда (14-шакл, 2-илова) акс эттирилган ва ходимга берилган санаторий йўлланмалари рўйхатига (3-илова) киритилган ҳолда, санаторий йўлланмаси тўлиқ қийматига берилиши мумкин.

III. Йўлланмалар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар юритилиши

36. Йўлланмаларни ҳисобга олиш бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва касаба уюшма қўмиталарида «Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби»да (13-шакл, 4-илова) юритилади.

Йўлланмалар олинган тартибда счет-фактурага мувофиқ кирим қилинади. Ҳар бир йўлланма китобда алоҳида сатрда қайд қилинади.

Йўлланмани ходимга бериш вақтида, йўлланмаларни ҳисобга олиш китобининг тегишли қатори бўйича йўлланма берилган сана, асос (касаба уюшма қўмитаси қарори), кимга берилгани (ходимнинг фамилияси, исми, шарифи паспорт бўйича), иш жойи, лавозими, пул тўланган сана, тўлов қоғози рақами ва йўлланма учун тўланган сумма акс эттирилиши, шунингдек ходимнинг йўлланма олгани тўғрисида имзоси бўлиши лозим.

37. Йўлланма берилишига асос бўлган қуйидаги ҳужжатлар алоҳида папкага тикилиши ва йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга молиявий ҳужжатлар каби сақланиши зарур:

- олинган йўлланмалар учун счет-фактура;
- ходимнинг аризаси;
- тиббий маълумотнома;
- туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг қарори;
- меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- йўлланма қиймати қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози;
- йўлланманинг қайтарилувчи талони.

38. Касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, касаба уюшма қўмиталари юқори касаба уюшма ташкилотига санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботни (14-шаклда) йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-куни (8 апрель, 8 июнь, 8 октябрь, 8 январь) дан кечиктирмай тақдим этишлари зарур.

Ҳисобот йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидаги маълумотларга асосланган ҳолда тузилади, бунда йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби маълумотлари ва

санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисобот орасида фарқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳисоботга илова қилинадиган санаторийларга берилган йўлланмалар рўйхати кенгаш (касаба уюшмаси қўмитаси) раиси ҳамда ҳисобчиси томонидан имзоланган, муҳрланган ҳолда қоғоз ва электрон шаклларда топширилади.

39. Бирлашмалар йўлланмалар киримини 4-журнал ордерида юритадилар. Унда касаба уюшма органлари томонидан йўлланмалар олинishiга қараб счет-фактуралар қайд қилиб борилади.

Бирлашма кенгашига қайтарилган, фойдаланилмаган йўлланмалар ҳам журнал ордерга умумий тартибда киритилади.

Журнал ордерида ҳужжатнинг тартиб рақами, счет-фактура санаси ва рақами, йўлланмалар кимдан олингани, уларнинг сони ва қиймати ёзилиши, шу ернинг ўзида корреспондент ҳисоб варақларининг шифрлари кўрсатилиши лозим.

Журнал ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади ва чорак якунланганидан сўнг олинган йўлланмаларнинг умумий қиймати корреспондент ҳисоб варақларининг кредити бўйича ажратилиб, ҳисоблаб чиқилади ва бош китобда қайд этиш учун бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Олинган йўлланмаларнинг счет-фактуралари тикилиб, журнал-ордер билан биргаликда алоҳида папкада сақланади.

40. Касаба уюшма ташкилотларига ҳисобдорлик асосида берилган йўлланмаларнинг чиқими 5-журнал ордерда юритилади, шунинг ўзида фойдаланилмаган йўлланмалар, улар олинган бирлашма кенгаши ёки ташкилотга қайтарилиши ҳисоби ҳам олиб борилади.

Журнал ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади ва чорак якунланганидан сўнг олинган йўлланмаларнинг умумий қиймати корреспондент ҳисоб варақларининг дебети бўйича ажратилиб, ҳисоблаб чиқилади ва “Бош китоб”да қайд этиш учун бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

41. Йўлланмаларни ҳисобдан чиқариш, қабул қилинган санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботларнинг (14-шакл) маълумотлари ҳамда уларни 6-журнал ордерда қайд қилиниши асосида амалга оширилади.

6-журнал ордерда ҳисобот топширган ташкилот номи, сумма (берилган йўлланмалар қиймати), харажатлар тегишли бўлган корреспондент ҳисоб варақлари кўрсатилади.

Журналда ишчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига, талабаларга, аёлларга, шунингдек бепул, қисман ва тўлиқ қийматига берилган йўлланмалар сони, алоҳида алоҳида устунларда қайд этилади.

Йўлланма олган ҳар бир касаба уюшма ташкилоти учун санаторий йўлланмаларининг қисман тўлови тушумини назорат қилиш варақаси очилади (5-илова).

42. Бирлашмалар йўлланмаларни тасдиқланган режага мувофиқ:

- туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашларига, касаба уюшма қўмиталарига уларнинг ишончномалари асосида счет-фактуралар ёзиш йўли билан берилади;

- кам сонли касаба уюшма ташкилотларида йўлланмалар бирлашмадан бевосита даволанишга юборилаётган ходимнинг ўзига йўлланма берилиши учун тақдим этилган ҳужжатлар ва бошлашғич касаба уюшма қўмитаси қарори асосида йўлланмаларни ҳисобга олиш китобига (13-шакл) киритган ҳолда берилади ҳамда барча ҳужжатлар бирлашмада сақланади.

Туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан йўлланмалар крим-чиқими йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида юритилади, тақдим этилган ҳужжатлар ва касаба уюшма кенгашининг қарорига асосан йўлланмалар бевосита даволанишга юборилаётган ходимнинг ўзига берилади, ходим йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида йўлланма олгани тўғрисида имзо чекиши лозим.

Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби ва тақдим этилган ҳужжатлар алоҳида папкага тикилиб, касаба уюшма қўмиталари ва туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашларида сақланади.

43. Бирлашмаларда ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олиш учун берилган ишончномаларни ҳисобга олиш учун алоҳида журнал юритадилар, улар 10 кун муддат ичида олинган счет-фактуралар бўйича ёпилиши лозим.

Бегона шахсларга Ишончнома бериш қатъиян ман этилади. Бу учун бирлашманинг кредит бошқарувчиси шахсан жавобгардир.

IV. Йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши бўйича назорат ва масъулият

44. Мазкур Йўриқнома қоидаларига амал қилиш учун шахсий жавобгарлик:

- касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари;
- туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари раислари;
- корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшма қўмиталари раислари;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи;

- касаба уюшмалари санаторийлари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

45. Санатор-курортлар бошқармаси ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-куни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўлланмаларни тақсимлаш режаси бажарилиши ва ҳар бир санаторий бўйича йўлланмаларнинг ҳақиқий таннарни таҳлили тўғрисида маълумотларни тақдим қилади.

46. Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳар йили, йил якунига, санаторийларнинг ҳисоботларига

кўра, бирлашмалар бўйича санаторийларга келмаганлар тўғрисида, йўлланмалар рақами акс эттирилган маълумотнома тақдим этади ҳамда ҳар бир йўлланма бўйича ходимлар санаторийларга келмагани, кечикиб келгани ёки санаторийлардан муддатидан олдин кетгани натижасида тўлиқ ёки қисман сарфланмай қолган овқатланиш ва даволаниш ҳақларининг умумий қийматини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Бу маблағлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига биноан касаба уюшмалари санаторийларидаги шароитларни яхшилаш учун йўналтирилади.

47. Агар ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан йўлланма олган ходим, йўлланмадан фойдаланмаса ва ўз вақтида узрли сабабсиз касаба уюшма ташкилотига қайтариб топширмаса ёки бошқа шахсга бериб юборса, шунингдек ходим мазкур Йўриқноманинг 18-бандида кўрсатилган муддатдан олдин икки ва ундан ортиқ марта йўлланмадан фойдаланганлиги аниқланса, ундан йўлланма қийматининг, қисман тўланганидан қолган қисми ёки йўлланма бепул берилган бўлса, тўлиқ қиймати ундириб олинади.

Йўлланма касаба уюшмалари ходимлари айби билан фойдаланилмай қолган (берилмаган) ёки улар бегона шахсларга берилган ҳолларда юқори касаба уюшма ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ моддий зарарни ундириш чораларини кўради.

Зарурият бўлганда, Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишини ўрганиш комиссияси, касаба уюшма ташкилотлари ва санаторийларда йўлланмалардан фойдаланиш бўйича текширув вақтида аниқланган йўлланмалар нотўғри расмийлаштирилиши, бошқа шахсга берилиши ёки улардан нотўғри фойдаланилиши фактларини кўриб чиқади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими ёки Федерация Кенгашининг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан йўлланмалардан нотўғри фойдаланилганлиги аниқланганда, қайта тикланган маблағ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

48. Санаторийлар даволанишга келган шахснинг фамилияси ва тўлиқ исмини, санаторийда амалда бўлган вақтини кўрсатиб, йўлланманинг қайтарилувчи талонини беришлари шарт.

Йўлланманинг қайтарилувчи талонига санаторий штампи қўйилиши ва санаторий рўйхатчиси фамилиясини тўлиқ кўрсатган ҳолда имзо чекилиши лозим.

49. Санаторийдан қайтган ходим йўлланма берган касаба уюшма ташкилотига санаторий томонидан тўлдирилган йўлланманинг қайтарилувчи талонини

топшириши шарт ва бу тўғрида йўлланмаларни ҳисобга олиш китобида тегишли ёзув қайд қилинади.

50. Йўлланманинг қайтарилувчи талони йўлланмадан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

У йўқолган ҳолда йўлланма берган касаба уюшмаси ташкилотининг сўрови бўйича санаторий раҳбари томонидан имзоланган, ходимнинг санаторийда бўлган вақти кўрсатилган маълумотнома тасдиқловчи ҳужжат бўлади.

51. Йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни бирлашмалар, туман, шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари, касаба уюшма қўмиталари шунингдек уларнинг тафтиш комиссиялари амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ
**КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА
АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ
САРФЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**
[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 июнда
1690-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди]

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат **кодекси**, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги **қарорига** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви қарор қиладилар:

*(муқаддима Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 19 сентябрдаги 287-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 8 сентябрдаги 08/427-сон, Солиқ қўмитасининг 2025 йил 4 сентябрдаги 2025-12-сон, Марказий банк бошқарувининг 2025 йил 12 сентябрдаги 287-В-2-сонли **қарори** (рўйхат рақами 1690-2, 23.10.2025 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.10.2025 й., 10/25/1690-2/0975-сон)*

1. Касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги **низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май, 56-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май, М-23-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май, 2007-14-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май,
287-В-сон

Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 15 майдаги 56, М-23, 2007-14, 287-В-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Мазкур Низом касаба уюшмалари органларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун йўналтирилган маблағларини сарфлаш тартибини белгилайди.

I. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий суғурта бюджетини шакллантириш манбалари

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий суғурта бюджети қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланадиган, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун **ижтимоий солиқдан** йўналтирилган ажратмалар ҳисобига;

белгиланган тартибда ходимларга доволаниш ва дам олиш учун берилган йўлланмалар учун улардан олинган маблағлар ҳисобига;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига.

II. Касаба уюшмалари органларининг банклардаги ҳисобварақлари

2. Касаба уюшмалари органларининг **ижтимоий суғурта** маблағлари Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит ва транзит ҳисобварақларида сақланади.

Банкларда **депозит** ва транзит ҳисобварақларини очиш Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги **йўриқномага** (рўйхат рақами 3420, 2023 йил 8 февраль) мувофиқ амалга оширилади.

3. **Касаба уюшмалари органлари** Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларига (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар деб юритилади) банкларда қуйидаги **банк ҳисобварақлари** очилади:

202112 «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» баланс ҳисобварағида ижтимоий суғурта маблағларини, шу жумладан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига олинган йўлланмаларни сотиб олишдан тушган маблағларни ҳисобга олиш учун ижтимоий суғурта бўйича транзит ҳисобварақлар очилади, уларнинг 30 фоизи белгиланган тартибда

тақсимлангунга қадар — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига, 70 фоизи ҳудудий кенгашларга йўналтирилади;

худди шу 20212 баланс ҳисобварағида тасдиқланган бюджетга мувофиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ҳудудий кенгашлар ихтиёрига 70 фоиз миқдордаги ижтимоий суғурта маблағларини тақсимлашдан транзит ҳисобварақларидан келиб тушган маблағларни ҳисобга олиш учун жорий **ҳисобварақлари** очилади.

III. Касаба уюшмалари органларида ижтимоий суғурта маблағларини сарфлаш тартиби

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маблағлари тегишли касаба уюшмалари органларининг қарорлари билан тасдиқланадиган бюджет ва сметаларида белгиланган мақсадларга мувофиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун сарфланади. Улар:

санаторий-курортларда даволаниш, пансионат ва дам олиш уйларига йўлланмалар олишга;

корхоналар ва ўқув муассасаларидаги санаторий-профилакторийларда, санаторий-профилакторийларнинг ижтимоий суғурта учун тасдиқланган сметасига мувофиқ, ходимлар ёки талабаларни соғломлаштириш харажатларини қисман қоплашга (ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга, даволанувчиларнинг овқатланиши, даволаниши, уларга маданий хизмат кўрсатишга);

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархининг бир қисмини қоплаш учун ижтимоий солиқ тушумидан ажратмани ҳисобга олган ҳолда оромгоҳларга ёки касаба уюшмалари ташкилотлари орқали унинг аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдорида компенсация беришга;

касаба уюшмалари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (кейинги ўринларда — БЎСМ деб юритилади) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, спорт анжомларини харид қилиш, ўқув-спорт тадбирларини ўтказиш учун маблағ ажратишга;

ўз спорт базалари бўлмаган тақдирда, ҳудудий кенгашлар томонидан тасдиқланган БЎСМнинг сметасига мувофиқ, истисно тариқасида, биноларни ижарага олишга;

ижтимоий суғурта бўйича ташкилий-маъмурий харажатларни молиялаштиришга, кадрларни тайёрлаш, ўқитиш, соғломлаштириш тадбирларида иштирок этувчи шифокорлар ва бошқа кадрларнинг таъминотига;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тасдиқланган сметаси, қурилиш ва реконструкция қилинадиган объектларнинг манзилли рўйхатига мувофиқ касаба уюшмалари соғломлаштириш муассасалари ва БЎСМ спорт иншоотларини реконструкция қилинишига;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги спорт мажмуалари абонементларини сотиб олишга;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган ижтимоий суғурта бюджети ёки сметаси доирасидаги ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга сарфланади.

6. Ижтимоий суғурта бўйича харажатларни тўлаш кредит тақсимловчилари томонидан имзоланган тўлов ҳужжатлари билан маблағларни ўтказиш йўли билан, қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

а) ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига олинган санаторийлар, пансионат ва дам олиш уйларига йўлланмаларининг тўловлари йўлланмалар олинган тегишли ташкилотларнинг тузилган шартномалари ва юк хатлари, ҳисоб-фактураларига асосан амалга оширилади. Шартнома тузилмасдан йўлланмаларни олиш учун маблағларни ўтказишга йўл қўйилмайди;

б) ходимларни, талабаларни санаторий-профилакторийларда соғломлаштиришга мўлжалланган маблағлар мазкур санаторий-профилакторийларининг жорий ҳисобварақларига тасдиқланган сметаларга мувофиқ ўтказилади;

в) болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига ёки касаба уюшмалари ташкилотлари орқали унинг аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдорида компенсация маблағлари соғломлаштириш оромгоҳларининг жорий ҳисобварақларига ёки ихтиёрида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган бирлашган касаба уюшмалари қўмиталарининг қарорларига мувофиқ мазкур касаба уюшмалари қўмиталарининг жорий ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин;

д) тасдиқланган сметага мувофиқ ижтимоий суғурта маблағларидан БЎСМларни таъминлаш учун дотациялар, БЎСМларни молиялаштириш учун очилган ижтимоий суғурта бўйича жорий ҳисобварақларига ўтказилади;

е) ижтимоий суғурта аппарати ходимларини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш учун мўлжалланган маблағлар тасдиқланган сметага мувофиқ ҳудудий кенгашларнинг тегишли жорий касаба уюшмалари бюджетлари ҳисобварақларига ўтказилади ва зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда тасдиқланган касаба уюшмаси бюджетига мувофиқ сарфланади;

ж) спорт мажмуалари абонементларини сотиб олиш учун маблағлар, тасдиқланган сметага мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги спорт мажмуаларининг жорий ҳисобварақларига ўтказилади.

7. Касаба уюшмалари органларига ижтимоий суғурта маблағларидан касаба уюшмаси эҳтиёжлари ёки ижтимоий суғурта билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш ёки уларни ўзлаштириш қатъиян тақиқланади.

9. Санаторий-профилакторийларни, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини таъминлаш, жиҳозлаш, таъмирлаш, уларда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, соғломлаштирилаётганларнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгиланган нормалардан ортиқроқ овқатланишини молиялаштириш харажатлари мазкур санаторий-профилакторий, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари балансида бўлган корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ҳисобидан, улар томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ амалга оширилади.

IV. Ижтимоий суғурта маблағлари бўйича ҳисобот

10. Ҳудудий кенгашлар тегишли ҳудудий солиқ органларидан ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши ва тўланиши ҳақидаги маълумотларни электрон тарзда олгандан сўнг, тегишли давр учун ижтимоий суғурта бюджетининг ижроси ҳақидаги йиғма молиявий ҳисоботни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этадилар.

11. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси республика бўйича ижтимоий суғурта бюджети ижроси ҳақидаги йиғма молиявий ҳисоботни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

V. Якуний қоида

12. Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Д. ЖАҲОНГИРОВА

Тошкент ш.,

2007 йил 15 май

Касаба уюшмасидан санаторийларга йўлланмалар олиш тартиби

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар тўғрисида М А Ё Л У М О Т			
№	Санаторий номи	Манзили	Даволаш йўналиши
1	Абу Али Ибн Сино	Самарқанд в., Нуробод т., Нурбўлоқ кўрғони	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик кардиологик касалликлар
2	Ботаника	Тошкент вил., Қибрай тумани, Оқ-ковок ҚФЙ	Кардиологик, невролик ва овқат ҳа қилиш касалликлар
3	Бўстон	Тошкент вил., Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ	Кардиологик, неврологик ва гинеколог касалликлар
4	Бўзатов	Қорақалпоғистон Рес., Бўзатов тумани	Кардиологик, терапевтик ва невролог касалликлар
5	Заркент	Тошкент вил., Паркент т., Заркент кишлоғи	Нафас олиш органлари, терапевтик неврологик касалликлар
6	Зомин	Жиззах вилояти, Зомин тумани	Силга алоқадор бўлмаган юқори наф йўли касалликлари
7	Косонсой	Наманган вил., Косонсой ш., Халклар дўстлиги кўчаси	Ҳаракат-таянч аъзолари, невролог овқат ҳазм қилиш аъзолари, гинеколог ва кардиологик касалликлар
8	Кўхинур	Тошкент вил., Куйичирчик тумани Маданият МФЙ	Кардиологик, терапевтик ва невролог касалликлар
9	Курортология илмий-амалий маркази	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тарнов кўрғони	Овқат ҳазм қилиш органлар гинекология, неврология эндокринология касалликлари
10	Олтинсой	Навоий вил., Хатирчи т., Чилаш кишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, невролог кардиологик ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлар
11	Оқ тош	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқ тош кишлоғи	Силга алоқадор бўлмаган юқори наф йўли касалликлари
12	Оқ-тош Шабода	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқ тош кишлоғи	Нафас олиш органлари касалликлари
13	Омонхона	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Омонхона кишлоғи	Овқат ҳазм қилиш органлар эндокринология, гинекология неврология касалликлари
14	Ситораи Мохи Хоса	Бухоро шаҳри, Мохи Хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси, 30-уй	Ҳаракат-таянч аъзолари, невролог овқат ҳазм қилиш аъзолари ва уролог касалликлар
15	Сангардак	Сурхондарё вилояти, Сарисоё тумани, Сангардак МФЙ	Нафас олиш органлари, терапия неврология касалликлари
16	Севарсой	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чимган, Чимган МФЙ	Нафас олиш органлари ва невролог касалликлари
17	Термиз марвариди	Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Учқизил ҚФЙ	Ҳаракат-таянч аъзолари, кардиолог неврологик, гинекологик ва уролог касалликлар
18	Турон	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Шўртепа кўчаси	Кардиологик, неврологик, гинекологик урологик касалликлар
19	Умид Гулшани	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси, 1-уй	Гинекологик, урологик, эндокринолог ва неврологик касалликлар
20	Чимён	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён кишлоғи	Кардиологик, ҳаракат-таянч аъзола неврология тизими, гинекологик урологик касалликлар
21	Чинобод	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси	Овқат ҳазм қилиш аъзола эндокринологик ва гинеколог касалликлар
22	Чинобод Плаза	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси	Овқат ҳазм қилиш аъзола эндокринологик ва гинеколог касалликлар
23	Чортоқ	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Оромғоҳ МФЙ, А.Саидалiev кўчаси, 5-уй	Ҳаракат-таянч аъзолари, невролог овқат ҳазм қилиш аъзолари, гинеколог урологик, кардиологик ва эндокринолог касалликлар
24	Ховатоғ Гулшани	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Чангиовул кишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, неврологик кардиологик касалликлар
25	Хонка	Хоразм вилояти, Хонка тумани, Қирқён кишлоғи	Ҳаракат-таянч аъзолари, невролог гинекологик ва кардиологик касалликлар
26	Хўжаинок	Сурхондарё вил., Олтинсой т., Жобу МФЙ, Наврўз кўчаси	Кардиология, ҳаракат-таянч, невролог ва терапевтик касалликлар
27	Қашқадарё соҳили	Қарши шаҳар, Н.Мирзаев кўчаси, Ровот маҳалласи, 12-уй	Кардиологик, неврологик, овқат ҳа қилиш ва урологик касалликлар

Касаба уюшма қўмитасида мавжуд йўлланмалар тўғрисида маълумот			
№	Санаторий номи	Йўлланма нархи	Йўлланма муддати
1	Турон	7 398 000	2026 йил 4 июль
2	Ботаника	5 640 000	2026 йил 7 июнь
3	Чортоқ	4 536 000	2026 йил 9 июнь
ЭСЛАТМА			
1. Йўлланма унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.			
2. Санаторийлар томонидан битта йўлланмага фақат бир киши қабул қилинади.			
3. Санаторий йўлланмаларининг муддатлари ўзгартирилмайди.			
4. Дам олиш уйларига берилган йўлланмалар неча киши учун берилган бўлса, шунча аъзолар дам олиш уйига қабул қилинади.			
5. Санаторийда даволаниш муддати тугаганидан сўнг йўлланманинг қайтарилиш талони йўлланмани берган ташкилотга қайтарилиши шарт.			
6. Узурли сабабсиз (асословчи ҳужжатсиз) санаторийга муддатидан кеч келган ёки олдин кетган ходимларга, санаторийда бўлиш кунлари тикланмайди.			

“Ижтимоий сўғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномадан кўчирмалар 18-банд: Ходим ижтимоий сўғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилади 19-банд: Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинadиган йўлланмалар: 10 фoизгача – бeпул; 90 фoизгача – киймати қисман ундирилган ҳoлда бeрилади. 32-банд: Хoдимга бeрилган йўлланма, oлувчининг фaмилияси, исми ва oтaсининг исми (пaспoрт aсocидa), иш жoйи, лaвoзими, йўлланма бeрган кaсaбa уюшмa тaшкилoтининг нoми кўрсaтилгaн ҳoлдa тўлдирилиши ҳaмдa кaсaбa уюшмa тaшкилoти рaиси тoмoнидaн (рaиснинг фaмилияси кўрсaтилгaн ҳoлдa) имзoлaниши вa мuxри билaн тaсдиқлaниши шaрт. 33-банд: Санаторийлар томонидан тўлдирилмаган, мухри ноаниқ қўйилган йўлланмалар билан келган шахсларни қабул қилиниши, йўлланмага тузатиш киритилиши қатъиян таъқиқланади. 47-банд: Агар ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан йўлланма олган ходим, йўлланмадан фойдаланмаса ва ўз вақтида узрли сабабсиз касаба уюшма ташкилотига қайтариб топширмаса ёки бошқа шахсга бериб юборса, шунингдек ходим мазкур Йўриқноманинг 18-бандида кўрсатилган муддатдан олдин икки ва ундан ортиқ марта йўлланмадан фойдаланганлиги аниқланса, ундан йўлланма кийматининг, қисман тўланганидан қолган қисми ёки йўлланма бeпул бeрилгaн бўлсa, тўлиқ киймaти ундириб oлинaди. 49-банд: Санаторийдан қaйтгaн хoдим йўлланмa бeргaн кaсaбa уюшмa тaшкилoтигa сaнaтoрий тoмoнидaн тўлдирилгaн йўлланмaнинг қaйтaрилувчи тaлoнини тoпшириши шaрт вa бу тўғридa йўлланмaларни ҳисoбгa олиш китoбидa тeғишли ёзув қaйд қилинaди.
“Касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномадан кўчирмалар

28	Янгир	Сирдарё вил., Янгир ш., Бобур МФЙ Пахтакор кўчаси	Харакат-таянч, неврология, урология ва гинекология касалликлари
29	Ахмад ал- Фаргоний	Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Арсиф ҚФЙ	Дам олиш маскани
30	Хонобод	Анджон вилояти, Хонабод шаҳри, Хонтоғ кўчаси	Нафас олиш органлари ва неврология касаликлари

**Ходим йўлланма олиш учун қуйидаги ҳужжатларни
тақдим этиши лозим:**

**1. Ижтимоий сўғурта бюджети маблағи ҳисобидан
олинса:**

1. Ариза;
2. Тиббий маълумотнома;
3. Паспорт ёки ID карта нусхаси;
4. Меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Меҳнат таътили берилганлиги тўғрисида
буйруқдан кўчирма;
6. Йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани
тўғрисида тўлов қоғози (квитанция).

**2. Касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан
олинса:**

1. Ариза;
2. Паспорт ID карта нусхаси;
3. Тиббий маълумотнома;
4. Меҳнат таътили берилганлиги тўғрисида
буйруқдан
кўчирма;
5. Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг қарори;
6. Туман, шаҳар ёки бирлашган касаба уюшма
ташкilotларининг қарори;
7. Йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани
тўғрисида тўлов қоғози (квитанция)

**(Ижтимоий сўғурта бюджети маблағидан
йўлланма олиш учун)**

Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси
касаба уюшмаси қўмитаси раиси
Д.Исакуловага
Жаррохлик бўлими шифокори
Д.Турсуновдан
АРИЗА

Менга соғлигимни тиклаш учун 2026 йилнинг июл
ойига “Турон” санаторийсига ижтимоий сўғурта
бюджетидан бир дона имтиёзли (бепул) йўлланма ажратиб
беришингизни сўрайман.

Йўлланмадан фойдаланишда белгиланган
тартибларни бузмасликка қафолат бераман.

Аризамга тиббий маълумотнома илова қилинади.

02.06.2026 йил (имзо) Д.Турсунов

**(Касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан йўлланма
олиш учун)**

Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмаси
касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
Ш.Абраевага
Терапия бўлими шифокори
К.Саидовдан
АРИЗА

Менга соғлигимни тиклаш учун 2026 йилнинг июл
ойига “Турон” санаторийсига касаба уюшма бюджетидан
бир дона имтиёзли йўлланма ажратиб беришингизни
сўрайман.

Йўлланмадан фойдаланишда белгиланган
тартибларни бузмасликка қафолат бераман.

Аризамга тиббий маълумотнома илова қилинади.

5.06.2026 йил (имзо) К.Саидов

3.13. Санатор-курортлар бошқармаси ва санаторийлар
касаба уюшмалари ташкilotларига аъзолик бадаллари
ҳисобидан сотилган йўлланмаларни беришдан олдин
йўлланмаларга “Касаба уюшма бюджети маблағлари
ҳисобидан қопланган, қайта сотиш ёки бошқа
ташкilotларга беришга рухсат этилмайди” деган штамп
босади.

3.16. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар
кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич
ташкilotлари томонидан йўлланмалар касаба уюшмасига
аъзо бўлганига ҳамда қорхона, ташкilot ва муассасаларда
ишлаётганига камида 3 йил бўлган ишчи ва хизматчиларга
берилади.

Ишчи ва хизматчилар касаба уюшма ёки ижтимоий
сўғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланмалар
олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир маротаба
йўлланма берилади.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ҳамда
дам олиш учун сотиб олинган йўлланмалар, йўлланмалар
нархининг қисман фонзи тўланганидан кейин берилади.

Йўлланмалар қийматининг касаба уюшма аъзолари
томонидан тўланадиган миқдори Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори
билан тасдиқланади.

Шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида
даволаниш ёки дам олиш учун аъзолик бадаллари
ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар ўрнатилган
тартибда ишчи ва хизматчиларнинг оила аъзолари (ота-она,
турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га қисман тўлов асосида
ҳамда 100 фоиз тўлови билан ҳам берилиши мумкин.

3.17. Касаба уюшмаси аъзоларини имконият даражасида
қўпроқ соғломлаштириш мақсадида, аъзолик бадаллари
ҳисобидан қимматбаҳо, шунингдек, локс-палаталарга
йўлланмалар сотиб олиш таъқиқланади.

МДХ ва чет эл мамлакатларининг санаторийлари,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Тиббий-санитар бирлашмаси (Кисловодск ва Ялта
шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” дам олиш-
соғломлаштириш санаторийлари бундан мустасно)
санаторийлари йўлланмаларини аъзолик бадаллари
ҳисобидан сотиб олиш таъқиқланади.

4.2. Ҳисобот йили давомида олинган ҳар бир йўлланма
бўйича юқорида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ
расмийлаштирилганидан сўнг, барча ҳужжатлар
йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга,
бошланғич ташкilotлар томонидан тармоқ касаба
уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган
қўмиталарига топширилади ва уларда сақланади.

Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари
ва бирлашган қўмиталарига эга бўлмаган тармоқларда
юқоридаги ҳужжатлар бошланғич касаба уюшмалари
ташкilotларида сақланади.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси
аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли
йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш,
ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисида**

ЙЎРИҚНОМА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави асосида, касаба уюшмаси аъзоларини касаба уюшма бюджети маблағлари, яъни аъзолик бадаллари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар билан касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ёки тармоқ келишувларига асосан касаба уюшмалари ташкилотларига ўтказиб берилган маблағлар ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, дам олдиришни ташкиллаштириш, касаба уюшмалари ташкилотлари тасарруфидаги ижтимоий объектларни сақлаб туриш ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун маблағлар ажратиш тартибини белгилайди.

II. ЙЎРИҚНОМАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Ушбу Йўриқнома касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ихтиёрида қолдирилган аъзолик бадаллари ҳамда жамоа шартномалари орқали хўжалик органлари томонидан ўтказилган маблағлар ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар бериш, тақсимлаш, сотиш ҳамда ҳисоботларни юритиш тартибларини белгилайди.

III. САНАТОРИЙЛАР ВА ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ, ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

3.1. Санаторийлар ва дам олиш уйлари учун йўлланмаларни тақсимлаш ва сотиш режаси Санатор-курортлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этилган қабул жадваллари асосида, даволаш йўналишлари, йил мавсумлари, санаторийлардаги мавжуд ва фойдаланишга топшириладиган биноларнинг қабул қилиш қуввати ҳамда капитал таъмирлаш (қайта қуриш)га тўхтатилиш муддатлари режаларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Йўлланмалар қуйидаги тартибда, яъни:

- санаторийда бир кишининг даволаниши учун;
- дам олиш уйида бир киши ёки унинг оилавий (жамоа) бўлиб дам олиши учун чиқарилади.

Санаторий йўлланмалари билан даволаниш муддати 10-12 кунни ташкил қилади.

3.2. Курилиши тугалланиб, капитал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилган санаторийларга йўлланмалар, уларнинг фаолиятини бошлашга тайёр бўлган вақтдан бошлаб чиқарилади.

Қўшимча чиқарилган йўлланмалар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг (бундан буён матнда “Бирлашма” деб юритилади) талабномалари асосида Санатор-курортлар бошқармасининг йўлланмаларни чиқариш режасига киритилади ва Федерация Кенгашининг Раёсати томонидан тасдиқланади. Ўз навбатида мазкур йўлланмаларга Санатор-курортлар бошқармаси томонидан “Қўшимча” штамп қўйилади.

3.3. Касаба уюшма аъзоларининг йўлланма олиш учун тақдим этган аризалари бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аризаларни рўйхатга олиш китобида (1-илова) қайд этилади.

Туман, шаҳар тузилмасига эга бўлган тармоқ касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари келгуси йил учун йўлланмалар олишга талабномаларни, жорий йилнинг 20 августигача тегишли тармоқнинг туман, шаҳар кенгаши ва бирлашган қўмитасига тақдим этади.

Тармоқ касаба уюшмасининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари ҳамда ушбу тузилмалари бўлмаган тармоқ касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари йўлланмалар учун йиғилган талабномаларни санаторийлар, дам олиш уйлари ва чораклар бўйича умумлаштириб, мавсумий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Бирлашмаларга жорий йилнинг 1 сентябригача тақдим этади.

3.4. Бирлашмалар йўлланмалар бўйича қуйи ташкилотлардан йиғилган талабномаларни тармоқлар негизида санаторийлар, дам олиш уйлари ва чораклар бўйича умумлаштириб, мавсумий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жорий йилнинг 15 сентябригача тақдим этади.

3.5. Санатор-курортлар бошқармаси келгуси йил учун йўлланмалар чиқариш режасини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жорий йилнинг 1 сентябрига қадар тақдим этади.

3.6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг молия бўлими Санатор-курортлар бошқармаси томонидан тақдим этилган йўлланмаларни чиқариш режасига мувофиқ, Бирлашмалар томонидан тақдим этилган талабномалар асосида ҳудудлардаги тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларининг даромадларини ҳисобга олган ҳолда, йўлланмаларни тақсимлаш режаси лойиҳасини Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган жойлардаги санаторийларнинг даволанувчиларни қабул қилиш қувватидан унумли фойдаланган тарзда тузади ва уни Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритади.

Ўз навбатида Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасини жорий йилнинг 5 октябрга қадар Бирлашмаларга юборади.

3.7. Бирлашмалар Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тасдиқлаш режасига мувофиқ, тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан тақдим этилган талабномаларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудуддаги тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузади ва кенгашнинг раёсат қарори билан тасдиқлайди.

Ўз навбатида Бирлашмалар раёсати томонидан тасдиқланган тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини жорий йилнинг 25 октябрга қадар тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларига етказилишини таъминлайди.

Шунингдек, тасдиқланган йўлланмаларнинг тақсимот режасини бажарилиши бўйича масъулият шахсан Бирлашмалар раислари зиммасига юклатилади.

3.8. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ялпи тушумининг 10 фоизини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган талабномаларга мувофиқ, Бирлашмалар Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлмаган санаторий ва дам олиш уйлари йўлланмаларини қуйидаги ҳолларда, яъни:

бошқа корхона ва ташкилотларнинг санаторий ва дам олиш уйлари йўлланмаларининг баҳоси, Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида бўлган санаторийларнинг ўртача баҳосидан юқори бўлмаганда;

Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийлар йўлланмаларини тақсимлаш режаси тўлиқ бажарилганда;

Санатор-курортлар бошқармасидан олинган йўлланмалар бўйича қарздорликлар бўлмаганда;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасининг 20 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча равишда санаторий ва дам олиш уйлари билан шартномалар тузиш орқали сотиб олишлари мумкин.

3.9. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари Бирлашмалар раёсати томонидан тасдиқланган тармоқлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ, бошланғич ташкилотлар томонидан тақдим этилган талабномалар ҳамда уларнинг даромадини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич ташкилотлар бўйича йўлланмаларни тақсимлаш режасини тузади ва тегишли ташкилотларнинг раёсат, умумий йиғилиш қарори билан тасдиқлайди.

3.10. Санатор-курортлар бошқармаси Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган режа асосида келгуси йил йўлланмаларини сотиш учун Бирлашмалар билан ҳар йили 1 декабрга қадар шартномалар тузади.

3.11. Санатор-курортлар бошқармаси йўлланмаларни касаба уюшмалари ташкилотларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ, Федерация Кенгаши билан келишилган нархларда сотади.

Шунингдек, Санатор-курортлар бошқармаси йўлланмаларни касаба уюшмалари ташкилотларига устама нархларсиз сотилишини таъминлайди.

3.12. Санатор-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда, кузги-қишки даврлар учун йўлланмаларнинг нархларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

3.13. Санатор-курортлар бошқармаси томонидан келгуси йил учун йўлланмаларни Бирлашмаларга сотиш муддатлари қуйидаги тартибда белгиланади:

- I чорак учун - 1 декабрга;
- II чорак учун - 1 мартга;
- III чорак учун - 1 июнга;
- IV чорак учун - 1 сентябрга.

Санатор-курортлар бошқармаси ва санаторийлар касаба уюшмалари ташкилотларига аъзолик бадаллари ҳисобидан сотилган йўлланмаларни беришдан олдин йўлланмаларга “Касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган, қайта сотиш ёки бошқа ташкилотларга беришга рухсат этилмайди” деган штамп босади.

3.14. Муҳим сабаблар (қурилиш, реконструкция, таъмирлаш, табиат ҳодисалари ва бошқалар)га кўра йўлланмаларни тақсимлаш режаси бўйича сотиш, сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотларнинг хатлари асосида Федерация Кенгашининг молия бўлими Санатор-курортлар бошқармаси билан биргаликда йўлланмаларни сотиш режасига ўзгартириш ва Федерация Кенгаши Раёсатига тасдиқлаш учун киритиши мумкин.

3.15. Бирлашмалар томонидан шартномалар асосида сотиб олинган йўлланмалар тасдиқланган режалар асосида тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари орқали бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, шунингдек туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари бўлмаган тармоқларда йўлланмаларни тўғридан-тўғри бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 30 кун аввал берилади.

3.16. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан йўлланмалар касаба уюшмасига аъзо бўлганига ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётганига камида 3 йил бўлган ишчи ва хизматчиларга берилади.

Ишчи ва хизматчилар касаба уюшма ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланмалар олишидан қатъий назар, унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилади.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ҳамда дам олиш учун сотиб олинган йўлланмалар, йўлланмалар нархининг қисман фоизи тўланганидан кейин берилади.

Йўлланмалар қийматининг касаба уюшма аъзолари томонидан тўланадиган миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори билан тасдиқланади.

Шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ёки дам олиш учун аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар ўрнатилган тартибда ишчи ва хизматчиларнинг оила аъзолари (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га қисман тўлов асосида ҳамда 100 фоиз тўлови билан ҳам берилиши мумкин.

Ўз навбатида, касаба уюшмалари ташкилотларида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган, касаба уюшмалари фаолиятини ривожланишига ҳиссасини қўшган ва касаба уюшма ташкилотларидан пенсияга чиққан пенсионерларга ҳам санаторий ёки дам олиш уйлари йўлланмалари имтиёзли равишда йўлланмалар нархининг қисман тўлови асосида берилиши мумкин.

3.17. Касаба уюшмаси аъзоларини имконият даражасида кўпроқ соғломлаштириш мақсадида, аъзолик бадаллари ҳисобидан қимматбаҳо, шунингдек, люкс-палаталарга йўлланмалар сотиб олиш таъқиқланади.

МДХ ва чет эл мамлакатларининг санаторийлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-санитар бирлашмаси (Кисловодск ва Ялта шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” дам олиш-соғломлаштириш санаторийлари бундан мустасно) санаторийлари йўлланмаларини аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олиш таъқиқланади.

3.18. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари касаба уюшма аъзоларига йўлланмаларни, уларнинг амал қилиш муддатидан камида 20 кун аввал аъзоларнинг йўлланма олиш учун тақдим этган аризаларни рўйхатга олиш китобида белгиланган навбат бўйича аъзолар томонидан йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қиймати тўланганлиги тўғрисидаги ва бошқа талаб қилинадиган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганидан кейин беради.

Йўлланма олган шахслар томонидан, йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қиймати, улар олинган кундан кечикмасдан йўлланма берган тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг кассасига, ҳисоб рақамига нақд пул ва пластик карточка орқали ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Ўз навбатида, касаба уюшма аъзоларига берилган йўлланмаларнинг қисман тўлови ёки 100 фоизи тўлиқ тўланиши ҳамда йўлланмалардан тўғри, мақсадли фойдаланилишига Бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари жавобгардир.

3.19. Миокард инфарктининг ўткир хуружидан кейин беморлар санаторийда даволанишни давом эттиришлари учун, уларга аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар соғлиқни сақлаш органларининг тавсиялари асосида умумий тартибда берилади.

3.20. Касаба уюшма аъзоларига берилган йўлланмаларда даволанувчи ёки дам олувчининг фамилияси, исми ва шарифи (паспорт маълумотлари бўйича), иш жойи, лавозими ва йўлланмани берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган бўлиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раисининг имзоси ва касаба уюшма ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Йўлланмага касаба уюшма ташкилоти томонидан қўйилган муҳр аниқ ўқиладиган даражада бўлиши керак.

Йўлланмаларни даволанувчилар ва дам олувчиларга тўлдирилмаган ҳолатда бериш таъқиқланади. Шунингдек, босилган муҳр кўринмайдиган йўлланмалар билан санаторий ва дам олиш уйларида даволанувчи ёки дам олувчиларни қабул қилиш ва барча маълумотлари тўлдирилган йўлланмаларга тузатишлар киритиб, бошқа шахсларни қабул қилиш қатъиян таъқиқланади.

Агар шундай ҳолатларда санаторий ва дам олиш уйларида даволанувчи ёки дам олувчилар қабул қилинса, ушбу йўлланмалар учун санаторий ва дам олиш уйлари раҳбарлари шахсан жавобгар бўлади.

Йўлланмаларнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳолатлар аниқланганда, ушбу йўлланмаларнинг нусхасини санаторий ва дам олиш уйлари раҳбарлари Санатор-курортлар бошқармасига, ўз навбатида Санатор-курортлар бошқармаси уларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишни ўрганувчи комиссияга тақдим этиши зарур.

3.21. Санаторийларга йўлланмалар даволанишга муҳтож бўлган касаба уюшмаси аъзоларига тиббий маълумотнома асосида берилади.

Шунингдек даволанувчи санаторийга санатор-курорт карта (0.7.2/У-шакл)ни тақдим этиши лозим, агар даволанувчининг касаллиги санаторийнинг даволаш йўналишларига тўғри келмаса, санаторий мутахассислари томонидан тузилган далолатнома асосида даволанувчилар санаторийга қабул қилинмайди.

Мазкур ҳолатларда йўлланмалардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида санаторийларнинг далолатномаси асосида Санатор-курортлар бошқармаси томонидан йўлланмаларнинг муддатини ўзгартириб берилиши мумкин.

3.22. Касаба уюшмаси аъзолари томонидан йўлланмалардан узрли сабабларга кўра фойдаланилмаган ҳолатларда, йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 10 кун олдин тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотларига қайтарилиши лозим.

3.23. Касаба уюшмаси аъзолари томонидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотларига фойдаланилмаган ҳолда қайтарилган йўлланмалар, улар томонидан йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 7 кун олдин Бирлашмаларга юк хати расмийлаштирилган ҳолда қайтарилади.

Йўлланмаларни қайтариш вақтида расмийлаштирилган юк хатига, аъзолар томонидан уларни қайтариш сабаблари кўрсатилган тушунтириш хати илова қилинади.

3.24. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари томонидан Бирлашмаларга қайтарилган йўлланмалар, улар томонидан йўлланмаларнинг амал қилиш муддатидан камида 5 кун олдин Санатор-курортлар бошқармасига қайтарилади.

3.25. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан айрим ходимларни, яъни:

- йўлланма олган ва улардан узрли сабабларсиз ўз вақтида фойдаланилмаган;

- олинган йўлланмаларни узоқ қариндош-уруғлари ёки бошқа бегона шахсларга берганлиги тўғрисида ҳолатлар аниқланганда, ходимларнинг имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли ҳужжатлар билан маълум муддатга чеклаб қўяди ҳамда йўлланмаларнинг тўлиқ қийматини айбдор шахслардан ундиради.

3.26. Касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич ташкилотлари томонидан йўлланмалар бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган шахсларга қисман тўлов фоизига, шунингдек тўлиқ нарҳида берилишига рухсат этилмайди.

IV. ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ БЎЙИЧА ТУЗИЛАДИГАН ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ

4.1. Бирлашмалардан олинган йўлланмалар тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан олинган йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидан бошқа “Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби”да (2-илова) юритилади.

Йўлланмалар юк хатига асосан ушбу китобга кирим қилинади ва ҳар бир йўлланма китобда алоҳида сатрда кўрсатилади. Йўлланмаларни даволанувчи ёки дам олувчиларга бериш вақтида китобга йўлланма берилган сана, кимга

берилганлиги, тўлов ҳужжатларининг рақами, санаси ва тўлов суммаси ҳамда йўлланмани олган шахснинг имзоси қайд этилади.

Ўз навбатида, йўлланмаларни беришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- ариза (шахсан йўлланма олувчининг номидан);
- йўлланма сўраган шахснинг паспорт нусхаси;
- тиббий маълумотнома;
- меҳнат таътили тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
- меҳнат дафтарчаси (ходим тўғрисидаги маълумотлар киритилган биринчи ва охириги иш жойи кўрсатилган бетлари)нинг нусхаси;
- бошланғич касаба уюшма қўмитасининг қарори;
- туман, шаҳар ёки бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг қарори;
- йўлланма нархининг қисман ёки тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (квитанция ёки тўлов топшириқномаси).

Йўлланма ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га берилган тақдирда, қариндошликни тасдиқловчи ҳужжат (ота-она ва фарзандлар учун туғилганлик, турмуш ўртоғи учун никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда паспорт)ларнинг нусхалари ҳам тақдим этилади. Мазкур ҳолатда ходимнинг меҳнат таътилига чиқиши шарт эмас.

Шунингдек, даволанувчи ва дам олувчи санаторий ёки дам олиш уйидан келганидан кейин, тегишли касаба уюшма ташкилотига йўлланманинг қайтариладиган талон қисмини топшириши ва ушбу талонни касаба уюшма ташкилотининг масъул ходимлари “Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби”да қайд этиб қўйиши шарт.

4.2. Ҳисобот йили давомида олинган ҳар бир йўлланма бўйича юқорида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг, барча ҳужжатлар йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга, бошланғич ташкилотлар томонидан тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталарига топширилади ва уларда сақланади.

Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталарига эга бўлмаган тармоқларда юқоридаги ҳужжатлар бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида сақланади.

4.3. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари олинган йўлланмалар тўғрисидаги ҳисоботни 3-иловага асосан йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича Бирлашмаларга ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-санаси (8 апрель, 8 июль, 8 октябрь ва 8 январь)дан кечиктирмай топширишлари зарур.

Ҳисобот йўлланмаларни ҳисобга олиш китобидаги ёзувлар асосида тузилади ҳамда ҳисоботга 4-иловадаги шакл бўйича маълумотлар қўшиб топширилади.

4.4. Тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари томонидан фойдаланилган йўлланмаларни ҳисобдан чиқариш мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasида кўрсатилган маълумотлар асосида тегишли бухгалтерия проводкаларини бериш орқали амалга оширилади.

4.5. Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳисоб-китобини алоҳида тўғри ва аниқ юритилиши, ҳисоботлар тузилишини соддалаштириш мақсадида, умумий тартибда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан берилган йўлланмаларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи журнал-ордер шаклларида фойдаланилиши мумкин.

4.6. Бирлашмалар томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмалар, шунингдек фойдаланилмай қайтарилган йўлланмаларни кирим қилиш ҳам 4-сонли журнал-ордерда ҳисобга олинади.

Олинган йўлланмаларнинг юк хати ҳисобварақ-фактуралари 4-сонли журнал-ордер билан биргаликда сақланади.

4.7. Бирлашмалар томонидан олинган йўлланмаларнинг, шунингдек улар томонидан йўлланма олинган тегишли ташкилотларга қайтарилган чиқими ҳам 5-сонли журнал-ордерда ҳисобга олинади.

Мазкур журнал-ордер билан йўлланмаларни чиқим қилиш учун расмийлаштирилган юк хати ҳисобварақ-фактуралар биргаликда сақланади.

4.8. Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳаракати, кирими, чиқими ва ҳисобдан чиқарилиши учун бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ёки ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан олинган йўлланмаларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи журнал-ордер шаклларида фойдаланилишидан қатъий назар, бухгалтерия ҳисоби проводкалари 21-сонли “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти”нинг счётлар режасига мувофиқ берилади.

Шунингдек, расмийлаштирилган мемориал ёки журнал-ордерларда барча реквизитлар ўз вақтида аниқ ва тўғри тўлдирилиши лозим.

V. ЙЎЛЛАНМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАСИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ

НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.1. Мазкур Йўриқномага амал қилиш тармоқ касаба уюшмаларининг Республика, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталари, бошланғич ташкилотлари, Бирлашмалар, Санатор-курортлар бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидаги санаторийлар раҳбарлари ва йўлланмалар билан ишлайдиган масъул шахслари зиммасига юклатилади.

5.2. Санатор-курортлар бошқармаси ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечикмаган ҳолда, аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган

йўлланмаларнинг тақсимот режасини бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот ҳамда ҳар бир санаторий бўйича йўлланмаларнинг ҳақиқий таннарих тўғрисидаги маълумотни Федерация Кенгашига тақдим этиб боради.

5.3. Даволаниш ёки дам олиш учун йўлланма олган шахслар йўлланмадан узрсиз сабабга кўра фойдаланмаса ёки йўлланмаларни бошқа шахсларга қайта сотса, ушбу йўлланмаларнинг тўлиқ қиймати аввал тўланган қисман фоизини ҳисобга олган ҳолда, йўлланмадан фойдаланмаган ёки қайта сотган шахслардан тўлиқ ундирилади.

Шунингдек, йўлланмалардан касаба уюшмалари ташкилотларининг айби билан фойдаланилмай (ўз вақтида берилмай) қолиш ёки уларни бегона шахсларга бериш ҳолатлари аниқланса, йўлланманинг тўлиқ қийматини айбдор шахслардан ундириш масаласи амалдаги қонунчиликка асосан тегишли ёки юқори касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан кўриб чиқилади.

5.4. Зарурий ҳолларда, Федерация Кенгашининг касаба уюшмалари ташкилотларида йўлланмалардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш Комиссияси, касаба уюшмалари ташкилотлари ва санаторийларда йўлланмалардан тўғри фойдаланиш ҳолатларини ўрганади.

Шунингдек, Федерация Кенгаши молия бўлими ва Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан касаба уюшмалари ташкилотларида ўтказилган текширишлар натижасида йўлланмалардан нотўғри фойдаланганлик ҳолатлари аниқланганда, мазкур йўлланмалар учун жавобгар шахслардан ундирилган маблағлар тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг касаба уюшма бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

5.5. Санатор-курортлар бошқармаси касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан сотилган йўлланмалардан тўлиқ фойдаланганлик тўғрисида санаторийлардан маълумот йиғади ва уни йўлланмаларнинг рақамларини кўрсатилган ҳолда Бирлашмалар бўйича умумлаштириб Федерация Кенгашига тақдим этади.

Агар даволанувчилар турли сабабларга кўра, йўлланманинг муддати бўйича тўлиқ даволанмаганлик ҳолатлари аниқланса, ушбу йўлланмалардан фойдаланмаган қисмининг даволаниш ва овқатланиш қийматлари Санатор-курортлар бошқармаси орқали санаторийлардан йиғилиб, Федерация Кенгашининг касаба уюшма бюджети ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан Федерация Кенгаши Раёсатининг қарорига асосан, касаба уюшмаси аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш учун қўшимча йўлланмалар олиниб, молиявий имконияти оғир бўлган касаба уюшмалари ташкилотларига Бирлашмалар орқали, тармоқ касаба уюшмаларининг жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига берилади.

5.6. Санаторийларнинг масъул шахслари даволанишга йўлланма билан келганларга йўлланманинг қайтариладиган талон қисмини беришлари ва унда даволанувчининг фамилияси, исми, шарифи ва санаторийда бўлган вақтини тўлиқ кўрсатиши ҳамда унга санаторий штампини босиши шарт. Шунингдек, йўлланманинг қайтариладиган талон қисмида санаторий рўйхатхонаси ходимининг фамилияси ва имзоси бўлиши зарур.

5.7. Йўлланманинг қайтариладиган талон қисми ундан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади, у йўқолган ҳолларда даволанувчи, дам олувчи санаторий ёки дам олиш уйида бўлган вақти кўрсатилган ҳамда санаторий ёки дам олиш уйи директори томонидан имзолаб, муҳр билан тасдиқланган маълумотнома йўлланмадан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

5.8. Йўлланмалардан тўғри фойдаланилиши устидан назорат тармоқ касаба уюшмаларининг Республика, туман, шаҳар кенгашлари ва бирлашган қўмиталари, уларнинг тафтиш комиссиялари ҳамда Бирлашмалар томонидан амалга оширилади, йўлланмалардан нотўғри фойдаланганлик ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш уларнинг раёсат йиғилишларида кўриб чиқилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДА

Мазкур Йўриқнома тармоқ касаба уюшмалари Республика, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари ҳамда Санатор-курортлар бошқармаси билан келишилган.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИ

МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР,
ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида маданий-маърифий йўналишида тавсиялар

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида «Маърифат соатлари»ни ўтказиш

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маърифат соатлари» ўтказилади.

«Маърифат соатлари»нинг Намунавий мавзулари юқори касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан тақдим этилади ҳамда бугунги кун талабига қараб мавзулар ўзгартирилиши мумкин.

Меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари»ни ҳар ойда бир маротаба ўтказиш, мавзу бўйича малакали маърузачиларни белгилаш, бунда уларнинг билими, салоҳияти ва тайёрланган маърузалар мазмунига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари»ни ўтказиш масаласини жамоа шартномасига киритиш орқали иш жараёнига таъсир этмаган ҳолда, иш берувчи билан келишилган вақтда ўтказиш ва барча ишчи-ходимларни жалб этишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, касб байрамларини нишонлаш, кўрик-танлов ёки бошқа тадбирларни ўтказиш тартиби

Меҳнат жамоаларида ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ходимлар ва ёшларни ҳаётга онгли муносабатини шакллантириб бориш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш ва турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга кўмаклашиш касаба уюшмаларининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида маданий-маърифий йўналишдаги бирор-бир тадбирни – умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, касб байрамларини нишонлаш, кўрик-танлов ёки бошқа тадбирларни ўтказиш учун биринчи навбатда касаба уюшмаси қўмитасининг қарори қабул қилинади.

Қарорда ушбу тадбирни ўтказиш бўйича режа, ташкилий қўмита ёки ишчи гуруҳ таркиби, сарф-харажатлар сметаси тасдиқланади. Кўрик-танлов ўтказилганда Ҳакамлар ҳайъати ҳам тасдиқланади.

Ташкилий қўмита ёки Ишчи гуруҳ таркибига касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари, корхона (ташкилот, муассаса)да меҳнат қилаётган фаол ходимлар киритилади. Маъмурият билан келишилган ҳолда тадбирни ўтказиш вақти ва жойи аниқланади.

Тадбир касаба уюшмаси бюджети сметасининг маданий-оммавий тадбирлар моддасида кўрсатилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, жамоа шартномасига киритиш орқали иш берувчи томонидан ҳам маблағ ажратилиши мақсадга мувофиқдир, қолаверса, ҳомийлар жалб этилиши ҳам мумкин.

Тадбирга корхона (ташкилот, муассаса)да фаолият юритаётган ходимлардан ташқари, тадбир мавзусига қараб меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, маҳалла фаоллари ва ёшларни ҳам жалб этиш мумкин.

Умумхалқ байрамлари ёки тарихий саналарни нишонлашда, аввало, бу байрам ёки саналарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилади. Бунинг учун жойлардаги маънавият тарғиботчиларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг имконияти бўлмаган тақдирда, ушбу ҳудуддаги мактабларнинг ўқитувчилари имкониятидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, корхонада фаолият юритаётган, мазкур масалани яхши биладиган фаол ходимларни жалб қилиш тавсия этилади.

Тадбирнинг иккинчи қисми бадий қисм бўлиб, бунга санъаткорларни, маданият саройи бадий жамоаларини, ҳудуддаги мактаб ўқувчиларини ёки мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини таклиф этиш мумкин.

Агар тадбир умумхалқ ёки касб байрамларини нишонлашга бағишланган бўлса, тадбир сўнггида ишлаб чиқариш илғорлари, касаба уюшмаси фаолларини тақдирлаш мумкин.

Касаба уюшмаси қўмитаси номидан ушбу тадбирни ўтказиш бўйича фаол ташкилотчилар ва иштирокчилар рағбатлантирилади, ушбу тадбирни ўтказиш бўйича қабул қилинган қарор назоратдан чиқарилади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар

Маданий-оммавий тадбирлар – бу ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкиллаштириш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлардир.

Маданий-оммавий тадбирлар касаба уюшмаси ташкилотининг иш режасига асосан амалга оширилади. Тадбирларни ўтказиш бўйича касаба уюшмаси ташкилоти томонидан ташкилий қўмита, ишчи гуруҳ ёки комиссия тузилади.

Агар тадбир иш вақтида ўтказиладиган бўлса, иш берувчи билан келишиш шарт. 100 нафардан ортиқ киши қатнашадиган тадбир тўғрисида қатнашчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан келишилади.

Касаба уюшмаси томонидан ўтказиладиган тадбирлар смета асосида касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан ёки бўлмаса тузилган жамоа шартномасига кўра иш

берувчи томонидан маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Касаба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

Республикамизда меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкиллаштириш, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашларини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш, миллий истиқлол ғоялари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳисларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар касаба уюшмаларининг маданий-оммавий тадбирларини ташкил этади.

Ушбу Низом касаба уюшма ташкилотларида маданий-оммавий тадбирларнинг ўтказилиш тартибини белгилайди.

II. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказишдан мақсад

Меҳнаткашлар ҳамда ёшлар ўртасида маданий-оммавий тадбирлар қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

-бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши ғоявий ва инфорацион хуружлар, улар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини инсонлар онгига етказиш;

-Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларини англатиш орқали одамларда ифтихор туйғусини тарбиялаш;

-истиклол туфайли қайта туғилган қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларимизда мужассам бўлган эзгулик, бағрикенглик, хурфигрлик фазилатларини ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг ўзига хос жиҳатлари, бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш;

-ўсиб келаётган ёш авлодни аждодлардан қолган тарихий анъаналарга ва Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур, шукроналик фазилатларини шакллантириш;

-ёш авлодни конституцион қонунларни ўрганишга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олишга ўргатиш;

-меҳнаткашларнинг ва ёшларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаган ҳолда яшаши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

-мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари ва тарихий саналарнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини меҳнаткашлар ва улар фарзандлари онгига етказиш;

-меҳнаткашлар ва ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкил этишда фаол қатнашиш;

-меҳнаткашлар, айниқса ёшларнинг ҳаётга қизиқишларини орттириш, ҳар томонлама комилликка интиштириш, маънан ва руҳан бойитиш;

-ўзаро меҳр-оқибатни жамиятнинг оммавий фазилатига айлантириш;

-касб байрамларини нишонлаш ҳамда касбга оид кўрик-танловлар ўтказиш орқали ишчи-ходимларнинг ўз касбларига бўлган муҳаббатини шакллантириш;

-меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъат ва адабиётга бўлган қизиқишларини ўстириш, улар орасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш;

-улар онгига соғлом турмуш тарзининг ижобий хислатларини сингдириб бориш;

-диний ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юрт тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан мурасизлик муҳитини яратиш;

-ғиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ичкиликбозлик каби барча жирканч кўринишларга қарши жамоатчиликнинг салбий муносабатини шакллантириш;

-касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини кўтариш, меҳнаткашларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашдаги фаолиятини кенг оммага етказиш.

III. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш усуллари

Давра суҳбатлари, маърузалар – миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳисларини шакллантириш, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, уларнинг ғоявий-ахлоқий тарбиясини юқори даражага кўтариш, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиш, улар онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган мавзуларда мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Учрашувлар – адабиёт ва санъат намоёндалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш ва илм-фан илғорлари, маҳалла фаоллари, иқтидорли ёшлар билан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида турли мавзуларда ўтказилади.

Кўрик-танловлар – ишчи-ходимларнинг ўз касбига бўлган кўникма ва малакаларини янада ривожлантириш, мусобақалашув орқали энг яхшиларини аниқлаш мақсадида касбий кўрик-танловлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, корхона, ташкилот, муассасаларда хизмат қилаётган санъатсевар меҳнаткашлар, талаба ва ўқувчилар ўртасида адабиёт ва санъат йўналишида ёки ёшлар ўртасида тури мавзуларда ўтказилади.

Фестиваль – оммавий байрам, санъатнинг мусиқа, театр, кино ва бошқа йўналишларидаги энг яхши ютуқларини кенг халқ оммасига намоиш этиш орқали ўтказилади.

Саёҳатлар – меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни дунёқарашларини кенгайтириш, ўтмишда бўлиб ўтган ва ҳозирги замонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар, халқимизнинг буюк бунёдкорлик мерослари билан таништириш мақсадида диёримизнинг тарихий ва диққатга сазовар жойлари, муборак қадамжолар ва мустақиллик йилларида барпо этилган гўзал масканларига уюштирилади.

Тўғарак машғулотлари – меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, ўз қизиқишларига мос интеллектуал салоҳиятларини ошириш мақсадида маданият муассасаларида ташкил этилади.

Бадий ҳаваскорлик жамоаларига бирлашиб фаолият юритиш – касба уюшмалари тизимидаги, корхона, ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги маданият саройлари, уйлари, клубларда ёки айрим меҳнат жамоаларида, шу билан бирга таълим муассасаларида санъатга шайдо, иқтидорлардан ташкил топади. Бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурлари билан маданий-оммавий тадбирларда иштирок этадилар, кўрик-танлов ва фестивалларда қатнашадилар.

Оммавий тадбирлар – умумхалқ байрамлари, миллий байрамлар нишонланиши ҳамда бошқа муносабат билан ўтказилади. Ҳар бир оммавий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг халқ оммасига тушунтириш ва тарғиб қилиб бориш лозим.

Концерт – меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонандалар ёки бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ташкил этилади.

Илмий ва ижодий конференция – усулида танланган мавзуни ҳар томонлама кенг ёритиш бўйича бир неча иштирокчиларнинг тайёрлаган маърузалари тингланади ва муҳокама қилинади. Конференцияда бадий қисм бўлмайди.

Мунозара, илмий баҳслар – бирон-бир мавзу ёки бирон-бир китоб (асар)га бағишлаб ўтказиладиган тадбир бўлиб, қатнашчиларни эркин фикрлашга ўргатади, билим даражасини оширади.

Китоб кўргазмалари – кутубхона ёки бошқа маданий-оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, махсус ёки турли тадбирлар билан ҳамоҳанг равишда маълум бир мавзуда, муҳим унутилмас саналарга бағишлаб ёки кенг қамровли умумлаштирилган йўналишларда кутубхона ташкил этилиб, меҳнаткашлар, айниқса ёшларни китоб оламида яратилган ва яратилаётган турли босма нашрлар билан таништириш мақсадида ўтказилади.

Дам олиш кечалари, мавзули кеча – жуда муҳим мавзуга, китобларни тарғиб қилишга, таниқли шахсларнинг ижодига, фан ва техника ютуқларига, шу куннинг воқеаларига, адабиёт ва санъат жанрларига бағишланган бўлади ва сиёсий, илмий, фан ва техника, халқаро ҳаёт ҳамда маданият янгиликлари билан оммани таништиради. Кечада бадий қисм бўлади.

Ўткир зехнлилар баҳслашувлари – меҳнаткашлар, айниқса ёшларнинг ақлий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи, топқирлик ва билимдонлигини аниқловчи, “Заковат”, “Ўткир зехнлилар мусобақаси”, “Ўйла, изла, топ!”, “Қувноқлар ва зукколар” ва бошқа номлар билан ўтказиш кенг тарқалган усуллардан бири.

IV. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари

Ушбу тадбирлар касаба уюшма қўмиталарининг иш режасига асосан ёки алоҳида тасдиқланган тадбирлар режаси орқали амалга оширилади. Тадбирларни ўтказиш бўйича касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкилий қўмита, ишчи гуруҳи ёки комиссия тузилади. Касаба уюшма қўмитасининг маданий-оммавий ишлар бўйича комиссиялари бунда фаолликни ўз қўлларига оладилар.

Агар тадбирлар иш вақтида ўтказиладиган бўлса, иш берувчи билан келишиш шарт. 100 нафардан ортиқ киши қатнашадиган тадбирлар тўғрисида, қатнашчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, давлат ҳокимиятининг тегишли органлари билан келишилади.

V. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказишни молиялаштириш

Касаба уюшмалари томонидан ўтказиладиган барча тадбирлар смета асосида касаба уюшмалари маблағларидан ҳамда иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларида белгиланганига кўра маълум миқдорда иш берувчи томонидан маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича

ТАВСИЯЛАР

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда корхона, ташкилот ва муассасаларда, касаба уюшмалари тизимидаги маданият муассасаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди.

«Маънавият ва маърифат» хоналари Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлинмалари билан маслаҳатлашган ҳолда, уларнинг тавсиялари асосида жиҳозланади.

«Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, уларни жиҳозлаш сиёсий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш масалалари жамоа шартномалари ва келишувларида ўз аксини топишига алоҳида аҳамият бериш лозим.

«Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш бўйича қуйидагиларга:

«Маънавият ва маърифат» хонаси учун жой ажратиш масаласини жамоа шартномаси орқали ҳал этиш;

маъмурият ва жамоатчилик билан келишилган ҳолда «Маънавият ва маърифат» хонаси учун битта масъул ходим тайинлаш;

корхона, муассаса ва ташкилотларда мажлислар залида, бундай зал мавжуд бўлмаган тақдирда, алоҳида хона ажратиш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

«Маънавият ва маърифат» хоналарини жиҳозлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

«Маънавият ва маърифат» хонасининг олди қисмининг энг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзлари ёзилади.

Ушбу ёзувларнинг юқоридан чап қисмида Ўзбекистон давлатининг рангли сиёсий харитаси жойлаштирилади.

Хаританинг пастки қисмида қуйидагилар ёзилади:

Давлат тузуми – **Республика.**

Қонун чиқарувчи олий органи – **Олий Мажлис.** Парламентимиз **Сенат** ва **Қонунчилик палатасидан** иборат.

Маъмурий ва ҳудудий тузилиши: **Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳридан** иборат.

Ҳудуди – **447,4 минг кв.км.** Пойтахти – **Тошкент шаҳри.**

Хаританинг ёнидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг портрети ҳамда пастки қисмида қисқача таржимаи ҳоли берилади.

Юқорида келтирилган давлат рамзлари ва сиёсий харитага тенг ҳажмда китоб тасвири туширилиб, унинг тепа қисмида **«Ўзбекистон Республикаси»** ва **«Ўзбекистон» деган номлар бир маънони англатади**» деб ёзилади.

Ватанпарварман деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган **Давлат рамзларини** билиши, ҳурмат қилиши шарт. Давлат рамзларини ҳар доим олд қисмда ўрнатиш мақсадга мувофиқ. **Давлат байроғи ва герби** билан жиҳозлашда ҳар доим **рамзий тасниф** билан бирга бериш лозим.

Шунингдек, «Маънавият ва маърифат» хонасида қуйидаги кўргазма ва жиҳозлар (стендлар) бўлиши тавсия этилади:

- Республика Президентининг китоб ва рисоалари;
- Маънавий-маърифий ислохотларга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари, қарорлари;
- улуғ алломалар сиймолари акс эттирилган фотосуратлар ҳамда уларнинг доно фикрларидан намуналар;
- халқимизнинг бой маданий мероси, анъаналари, удумлари ва қадриятларини акс эттирувчи лавҳаларни ифодаловчи кўргазмалар;
- Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ифодаловчи лавҳаларни ўз ичига жамлаган турли фото-плакатлар жамламаси;
- корхона, муассаса ва ташкилот жойлашган вилоят, туман, ҳудуд тарихини таърифловчи кўргазма, адабиёт, альбомлар;
- корхона, муассаса ва ташкилотнинг бугунги ва эртанги кунинини таърифловчи кўргазма;
- Республика Маънавият ва маърифат кенгаши нашрлари, Республикада чоп этилаётган газета ва журналлар жамланмаси;

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан нашр этилган рисоалар, илмий-услубий тавсиялар;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қарор ва дастурлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш

КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойи, Федерациянинг Ижроия қўмитаси қарори касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса аёллар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган қатор қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

I. Концепциянинг асосий мақсад ва вазифалари

Концепциянинг асосий мақсади ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш орқали миллий спорт турлари билан шуғуллантиришдан фойдаланган ҳолда саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт маданиятини ошириш, оммавий спорт тадбирлари, мусобақа ва спартакиадалар ташкил этиш, касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришнинг самарали тизимини яратишдан ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашдан иборатдир.

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида спорт-соғломлаштириш гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини, ходимлар гимнастикасини кенг жорий қилиш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга йўналтирилган спорт мусобақаларини мунтазам ташкил қилиб бориш ва ушбу спорт мусобақаларини ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш;

ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, уларнинг касалланиш даражасини пасайтириш;

ҳар бир корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ходимларнинг ўз жисмоний маданиятини ошириш, ўсишини ривожлантириш, чиниқтириш масалаларига бўлган дунёқарашини ўзгартириш;

корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида, шунингдек аҳоли турар жойларида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари имкониятидан кенг

фойдаланган ҳолда, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб қилиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

миллий ўйинлар, фестиваллар, спорт мусобақалари турларини кўпайтириш, мамлакатда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан амалга ошириш ишларида касаба уюшмаларининг фаоллигини орттириш;

меҳнат жамоаларида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида оммавий спорт турларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга эришиш;

қуйидан республика даражасигача босқичма-босқич равишда оммавий спорт мусобақалари ўтказишни йўлга қўйиш, бунда миллий спорт ўйинларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун турли спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

касаба уюшмалари тизимидаги мавжуд спорт мажмуалари ҳолатини тубдан ўрганиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тегишли шарт-шароитлар яратиш, жамоа шартномалари орқали иш берувчилар томонидан янги спорт иншоотлари барпо этилиши, мавжудларини қайта тиклашга, уларни турли спорт анжом ва ускуналари билан таъминланишига ва касаба уюшмаларига бепул фойдаланишга берилишига эришиш.

II. Касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизимини такомиллаштириш

Касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини тизимли ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун корхона, ташкилот ва муассасаларда тармоқ жисмоний тарбия ва спорт гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш, уларни жонлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Уларда миллий спорт турларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлади.

Бунинг учун эса корхона, ташкилот, муассасалар қошидаги спорт жамоалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларни янада ривожлантириш, фермер хўжаликларида оилавий спорт жамоаларини ташкил қилиш йўналишларини аниқ белгилаш лозим.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борадиган ишларни мувофиқлаштириб бориш Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси зиммасига юклатилади.

Бунда бўлим томонидан бу йўналишда амалга ошириладиган асосий устувор вазифалар қуйидагича белгиланиши лозим:

спортнинг миллий турларини, халқ ҳаракатли ўйинларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда жисмоний тарбия ва спортни мувофиқлаштириш бўйича режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Олимпия қўмитаси, республикадаги спорт турлари бўйича Федерациялар ва бошқа давлат, нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Оммавий спортни ривожлантириш, такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, турли нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатган мамлакатимиз спортчилари билан телевидение ва радиода учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида профессионал спортчиларни тайёрлаш, миллий терма жамоаларга захира тайёрлаш борасида уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

спортнинг Олимпия турлари бўлган енгил атлетика, каноэда эшкак эшиш, бокс, кураш, от спорти, қишки спорт турларини ривожлантириш, профессионал спортчиларини тайёрлаш учун республика ва ҳудудий комплекс спорт мактабларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали спорт мураббийлари ва бошқа спорт мутахассисларини жалб этиш бўйича ҳамкорликда чора-тадбирларни белгилаш;

ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини ошириш мақсадида жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини меҳнат тартибига жорий қилиш ва бўш вақтларда оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришда жисмоний тарбияни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари амалиётига соғлом турмуш тарзини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этиш;

ҳар бир корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида ходимлар гимнастикасини жорий қилиш орқали меҳнаткашларнинг иш қобилиятини ошириш, касб касалликларини олдини олиш мақсадида иш берувчилар томонидан қисқартирилиб кетган спорт йўриқчиси штатларини тиклаш, жорий қилишга эришиш;

ҳомийлар, жамоат ташкилотлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобига маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт жамғармаларини тузиш йўли билан уларда жисмоний тарбия усуллари ва шаклларини ишлаб чиқиш, дам олиш ҳудудларида аҳоли билан оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни, уларнинг ўз жисмоний ривожланишида доловчи, соғломлаштирувчи гимнастика, машқларни қўллаш, жисмоний тарбияни аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий қилиш, жисмоний тарбия воситалари билан

касалликларнинг олдини олишни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, туманларда, чекка қишлоқларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спортни ривожлантиришни янада жонлантириш;

корхона, муассаса, ташкилотлар ва фермер хўжаликларида соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва жисмоний тарбия мутахассисларини бирлаштирувчи ягона саломатлик хизматлари ташкил қилиш;

ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси бўйича мақсадли дастурлар ва меъёрий талабларни ишлаб чиқиш;

тизимда ташкил этиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларининг ягона, тизимли спорт-соғломлаштириш тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

III. Жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этиш

Оммавий ахборот воситаларида касаба уюшма спорти мавзуидаги материалларни қуйидаги мақсадларда кенг ёритиш назарда тутилади:

корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини, жисмоний маданиятини ривожлантириш мақсадида тарғибот ташвиқот ишларини ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни давлат олдида турган ижтимоий-иқтисодий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишдаги ролида кўмаклашиш ва уни кенг тарғиб қилиш;

ишлаб чиқаришдаги жисмоний тарбиянинг ходимларнинг иш қобилиятини ошириш ва касб касалликларини камайтиришдаги имкониятларини намоён қилиш;

касаба уюшмалари ташкилотларининг оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилганлик учун мукофотларни таъсис этиш, спортнинг миллий турлари, мусобақалар ва халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича спорт фестиваллари, мусобақаларни ташкил этиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек турли нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатган мамлакатимиз спортчилари билан оммавий ахборот воситаларида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш.

IV. Концепцияни амалга ошириш механизми

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мазкур Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний тарбия ва спорт борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, барча касаба уюшмалари органлари, тизимдаги спорт мажмуалари ва иншоотлари имкониятидан тўлиқ, самарали фойдаланиш, шунингдек, тармоқ, ҳудудий келишувлари, жамоа шартномалари орқали иш берувчилар маблағларини кенг жалб этиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

Касаба уюшмалари тизимида спорт-соғломлаштириш ишлари ҳар бир касаба уюшмалари органи иш режаларига алоҳида бўлим сифатида киритилишини таъминлаш.

Ходимлар ўртасида спартакиадаларни энг қуёи босқичдан республика даражасигача марказлашган ҳолда ташкил этиш, ушбу спорт тадбирларида барча тармоқларнинг фаол эштирок этишини таъминлаш.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса аёллар ва ёшларни оммавий равишда спортга жалб қилиш, турли спорт мусобақалари орқали аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш мақсадида босқичли спорт-соғломлаштириш мусобақаларини ташкил этиш. Мазкур тадбирларни юқори савияда ўтказилишига эришиш.

Халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари билан меҳнаткашлар ўртасида спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда спортни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш, тажриба алмашиш ва доимий малака оширишни таъминлаш.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш учун:

барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотлари ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш, уларни оммавий спортга жалб этишни давлатнинг муҳим ижтимоий сиёсати сифатида қарайдилар ҳамда касаба уюшмалари иштирокида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадиладар, бу борадаги спорт-соғломлаштириш тадбирларига ўз маблағларини кенг жалб этадиладар;

корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида ишчи-ходимлар ўртасида спорт тадбирлари ва мусобақалар, спартакиадалар, фестиваллар ўтказиб боришни тизимли йўлга қўядиладар, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари имкониятидан фойдаланган ҳолда, спортни кенг тарғиб этадиладар;

тармоқ, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномалари орқали иш берувчилар томонидан янги спорт иншоотларини барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни турли спорт инвентарлари билан таъминлаш ва касаба уюшмаларига бепул фойдаланишга беришни йўлга қўядиладар;

касаба уюшмалари тизимидаги санаторий, санаторий-профилакторий, соғломлаштириш ва дам олдириш муассасаларида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратадиладар;

санаторий, санаторий-профилакторий, соғломлаштириш ва дам олдириш муассасаларида дам олувчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун мунтазам равишда жисмоний машқлардан, жисмоний тарбиянинг бошқа шаклларида фойдаланишни йўлга қўядиладар.

V. Концепцияни амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш манбалари

Мазкур Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари касаба уюшмалари ташкилотлари ва уларнинг ижтимоий шериклари, иш берувчилар, ҳомийлар маблағлари, шунингдек, амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

VI. Кутилаётган натижа

Касаба уюшмаларининг барча спорт-соғломлаштириш ва дам олдириш масканларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар ва улар оила аъзоларининг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш тизими шаклланади.

Корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида ходимлар ўртасида турли босқичли спорт тадбирлари ва мусобақалар, спартакиадалар белгиланган тартиб-қоидалар асосида юқори савияда ўтказилади.

Турли спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги янада мустаҳкамланади, уларнинг маънавий-жисмоний камол топишида жисмоний тарбия ва спорт муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Спортнинг оммавийлиги таъминланади, меҳнаткашлар ва ёшларнинг кенг қатлами мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этилишига эришилади.

Корхона, ташкилот, муассасалар ва фермер хўжаликларида жисмоний тарбия жамоалари ташкил этилади ва бу орқали ходимлар гимнастикаси жорий қилинади.

Барча меҳнат жамоаларида спортнинг оммавийлашишига эришилади, етук спортчилар замини тайёрланади, Спорт вазирлиги, Олимпия қўмитаси, республикадаги спорт турлари бўйича Федерациялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳақиқий ҳамкорлик иш фаолияти учун муҳит яратилади.

Касаба уюшмалари тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ

1. Умумий қоидалар.

Касаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини тизимли ташкил этиш, республика, вилоят, шаҳар, туманлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, улар орасида турли спорт турлари асосида оилавий мусобақаларни ташкил этиш, ташкилотларда тадбирларни ташкил этиш учун тегишли шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш, спорт ўйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, мусобақалар, спартакиадалар орқали саломатлигини тиклашга қаратилган оммавий спорт тадбирларни ташкил қилиш.

Ушбу Низом касаба уюшма ташкилотларида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларнинг ўтказилиш тартибини белгилайди.

2. Мақсад ва вазифалар.

Ходимлар ўртасида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ҳамда доимий тарзда такомиллаштириб бориш;

меҳнаткашлар, ёшлар ва айниқса аёлларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкил этиш;

корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий мусобақалар, спартакиадалар ва бўш вақтдан оқилона фойдаланишга ёрдам берувчи спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;

ходимларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, турли спорт тадбирларини ташкил қилиш орқали саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган ходимлар гимнастикасини ўтказилишини таъминлаш;

ходимлар орасида спортнинг саломатликка ижобий таъсирларини сингдириб боришга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишда касаба уюшмаларининг ролини кучайтиришга кўмаклашишдан иборат.

3. Оммавий соғломлаштириш тадбирларни ўтказиш қоидалари.

Касаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган барча оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари дастурига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу дастур ҳудудий кенгашлари тақдим этган таклифлар асосида тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашларининг масъул ташкилотчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Ҳар бир ўтказиладиган спорт тадбири учун уни ўтказиш Низоми, сарф-харажатлар сметаси ва ҳудудий Кенгашлари тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашларининг масъул ташкилотчилари иштирокида қўшма қарор қабул қилинади. Тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита, ишчи гуруҳи тузилади. Маълум бир спорт тури бўйича Низом ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги талаблар белгиланади:

спорт жамоаси таркиби, иштирокчиларнинг сони;

қатнашчиларнинг жинс ва ёш тоифалари;

республикамизда тасдиқланган қоидаларга мувофиқ натижаларни баҳолаш тизими;

спорт турлари бўйича спорт анжомлари билан таъминлаш;

буюртмаларни бериш тартиби ва муддати, шаклини, буюртма берувчи ташкилот раҳбариятининг имзоси ва муҳри;

мусобақаларнинг ўтказилиш жойи ва вақти;

мусобақалар қатнашчиларининг келиш ва кетиш кунлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартиби;

мусобақаларнинг молиявий шартлари, харажатларни қоплаш бўйича молиявий мажбуриятларда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш:

қатнашчиларнинг тадбир бўладиган жойгача, у ердан қайтишдаги йўл харажатлари ва хавфсизлиги;

қатнашчиларнинг тадбирда қатнашадиган вақтдаги яшаш харажатлари;

қатнашчиларнинг тадбирда қатнашадиган вақтдаги овқатланиш харажатлари;

қатнашчиларнинг тадбирлар давомида йўлда ўтадиган вақти учун суткалик харажатлари;

спорт ҳакамларининг меҳнат ҳақи, ягона ижтимоий тўлов;

спорт иншоотларини, шунингдек бошқа биноларни ижарага олиш;

спорт анжомлари ва ускуналарини ижарага олиш;

тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

жамоат тартибини сақлаш;

канцелярия анжомлари билан таъминлаш;

ғолиб ва совриндорларни мукофотлаш учун совғалар (қимматбаҳо совғалар, кубоклар)ни тайёрлаш ёки сотиб олиш;

ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш учун дипломларни тайёрлаш ёки сотиб олиш.

Агар тадбирларда 100 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашадиган бўлса, тадбир ўтиш кунидан 1 ой олдин мuddатда қатнашчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳокимият ва ички ишлар органларига мурожаат қилиниши шарт.

4. Спорт тадбирларини молиялаштириш тартиби

4.1. Тадбирларни ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан қабул қилинган қўшма қарорлар билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида касаба уюшмалари маблағлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

4.2. Оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларида хизмат кўрсатиш учун спорт ҳакамлари ва котибларига тўланадиган бир кунлик тўлов миқдорлари.

Ҳакамлар лавозимлари	Ҳакамлар тоифалари			
	ҲҚ/МК	ОТ	1-т	С/Ҳ
Бош ҳакам	24%	22%	21%	-
Бош котиб	24%	22%	21%	-
Бош ҳакам ўринбосари	22%	21%	19%	-
Бош котиб ўринбосари	22%	21%	19%	-
Ҳакамлар	21%	19%	18%	16%

(энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган миқдорига нисбатан коэффициентларда)

Изоҳ. Спорт ҳаками малакасининг шартли белгилари:

ХТ - халқаро тоифали; МТ - миллий тоифали; ОТ - олий тоифали;

1-т - биринчи тоифали; С/Ҳ - спорт бўйича ҳакам.

тўловлар миқдорлари мусобақаларнинг бир кунига хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган, битта ўйин учун хизмат кўрсатганлик учун тўловлар амалга ошириладиган спортнинг жамоавий ўйин турлари бундан мустасно;

ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг бош ҳакам томонидан имзоланган рўйхати мусобақаларга хизмат кўрсатганлиги учун ҳакамларга тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади;

мусобақаларга хизмат кўрсатганлик учун ҳакамларга тўлов мусобақалар ўтказиладиган жойда, мусобақани ўтказиш бўйича қарор билан тасдиқланган сарф-ҳаражатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади;

спорт мусобақаларига хизмат кўрсатганлик учун ҳакамларга тўлов уларга кўрсатиладиган, Низомда назарда тутилган моддий таъминот (овқатланиш, яшаш)нинг бошқа турларидан қатъи назар, амалга оширилади.

4.3. Касаба уюшмалари тизимида ўтказиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш.

1. Ғолибларни тақдирлаш учун эсдалик совғалари қиймати қуйидаги тартибда белгиланади:

а) туман, шаҳар миқёсида мусобақаларини ўтказишда:

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **3 бараваригача**;

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **2 бараваригача**;

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **1 бараваригача**;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида мусобақаларини ўтказишда:

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **6 бараваригача**;

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **5 бараваригача**;

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **4 бараваригача**;

в) Республика миқёсида мусобақаларни ўтказишда:

1-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **9 бараваригача**;

2-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **8 бараваригача**;

3-ўрин учун - энг кам ойлик иш ҳақининг **7 бараваригача**.

4.4. Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ташкиллаштириладиган барча спорт-соғломлаштириш мусобақаларида, хусусан спартакиадалар, спорт турлари бўйича турнирлар ва бошқа спорт тадбирларида 1-,2-,3-ўрин ғолибларига эсдалик совғаларидан ташқари, тегишли қийматдаги медаллар ва дипломлар берилиши мумкин.

Шунингдек, мусобақалар қатнашчиларини рағбатлантириш мақсадида 1-,2-,3-ўринлар учун, совға мукофотларига қўшимча равишда, қуйидаги номинациялар бўйича алоҳида совғалар таъсис этилиши мумкин:

1. Ғалабага бўлган иштиёқи учун;
2. Энг малакали спортчи;
3. Энг ёш спортчи;
4. Спорт тадбирини тайёрлаш ва ўтказишдаги фаол иштироки учун;
5. Оммавий спортни ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаси учун.

4.5. Номинациялар республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорлари қийматига эга бўлган совғалар тарзида таъсис этилади:

а) корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган тадбирлардас энг кам ойлик иш ҳақининг **1 бараваригача**;

б) туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган тадбирларда энг кам ойлик иш ҳақининг **2 бараваригача**;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тадбирларда энг кам ойлик иш ҳақининг **3 бараваригача**;

г) республика миқёсидаги якуний босқични ўтказишда энг кам ойлик иш ҳақининг **5 бараваригача** миқдорда.

Касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот, муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини ошириш, аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини узайтириш учун тавсиялар

Тавсияларга муқаддима

Тавсиялар тўғрисида

Мазкур тавсия бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган бўлиб, унда корхона, ташкилот ва муассасаларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларини ривожлантириш, аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини узайтиришга қаратилган.

Шунингдек, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари фаолиятида спортнинг оммавий турларини ўтказилишига доир ҳужжатлар лойиҳалари ва намуналари акс эттирилган.

Тавсияларнинг асосий мақсади:

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга қўмаклашиш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш;

аҳоли ва ёшларни спортнинг жисмоний тарбия ҳамда оммавий турларига қизиқишларини кучайтириш;

корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг спорт ва жисмоний тарбия кундалик иш жарёнини бир бўлагини ташкил қилиши зарурлиги бўйича кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

КИРИШ СЎЗИ

Спорт инсоннинг жисмоний сифатларини ривожлантириши билан бирга унинг маънавий камолотига ҳам кучли таъсир ўтказишини қадимдан яхши билишган.

Темурийлар даврида, айниқса Амир Темур хукмронлиги даврида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзига эътибор жуда кучли бўлган. Бу борада темурийлар даври ёзма манбаларида анчагина далиллар бор.

Чунончи “Темур тузуклари”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фосих Хавофийнинг “Мужмал-и-Фосихий”, айниқса, Мулло Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурномаси” каби қатор тарихий-бадий асарларида Амир Темур ва унинг авлодлари ўз даврида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзига катта аҳамият берганликлари таъкидланади.

Ўрта асрлар даврида яратилган Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг” асарида баркамолликдаги жисмоний етукликка алоҳида аҳамият берилган. Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг” асарида вояга етаётган хукмдорга маънавий етуклик билан бир қаторда жисмоний етуклик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда жисмоний машқларнинг номларини, ўтказиш жойларини, ўтказиш воситаларини баён этган. Жисмоний машқлар инсоннинг ёшига қараб белгиланиши билан бир қаторда от билан бажариладиган машқлардан камон, қилич билан бажариладиган машқлар кўрсатилган.

Инсон комиллигини унинг маънавий ва жисмоний етуклиги белгилаб беришини тиббиёт илми султони мутафаккир Абу Али Ибн Сино ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” да “Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия эканлиги”ни таъкидлар экан, “бадантарбиянинг нозик ва енгил усуллари” қатори унинг кучли-“найза отиш, чавгон, кураш, тош кўтариш, чавондозлик” каби ўша давларда ҳам оммалашган миллий спорт турлари билан шуғулланишнинг аҳамиятини батафсил таърифлаб берган. Ибн Сино таъбири билан айтганда, **соғлиқни сақлаш ва уни чиниқтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнини босадиган бирорта дори дармон йўқдир.**

Жисмоний тарбия ва спорт жисмоний сифатлари: куч, тезлик, чидамлилик, чаққонлик кабилар билан бирга интилувчанлик, қатъият, мардлик, ташаббускорлик, талабчанлик, мустақиллик, йиғинчоқлик, интизомлилик, курашчанлик ва бошқа сифатларни, хотира, диққат, тафаккур сингари психик хусусиятларни ҳам ривожлантиради.

Жисмоний тарбия билан шуғулланувчи шахс ҳаёт учун зарур ҳаракат, малака ва кўникмаларни эгаллаб бориши билан бирга ўз организми ҳақида чуқур билимларга эга бўлиб боради, ахборотларни тез эслаб қолиш ва унга зудлик билан ишлов беришни ўрганади. Шу тариқа жисмоний тарбия ва спортнинг потенциал имкониятлари ҳар томонлама уйғур ривожланган шахсни шакллантиришга оид мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун шароит яратади, жумладан, инсоннинг барча жисмоний ва психик қобилиятлари меъёрида ўсиб, такомиллашиб боради, ҳар қандай ноқулай ҳолатларда ҳам у яшаш учун жисмоний тайёрлиги, иродаси, феъл-атворини чиниқтиради, ўз-ўзини бошқариш, ноанъанавий вазиятларда тез ва тўғри мўлжал ола билиш қобилияти тараққий топади, соғлом турмуш тарзини

шакллантириш, жисмоний баркамоллик ва саломатликнинг ҳаракат, ақлий ва ижтимоий-психологик таркибий қисмларини ўзлаштиришга мойиллиги ортади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳам жисмонан, ҳам маънан комил инсонни тарбиялашда спорт ва соғлом турмуш тарзига риоя қилишнинг аҳамияти беқиёсдир.

***“Ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун ўзи масъул,
оиладаги соғлом маънавий муҳит барқарорлиги
учун ҳамма масъулдир”.***

Мазкур тавсиялар корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг соғлом турмуш тарзи асосида меҳнат фаолиятини олиб бориши, ходимлар гимнастикаси орқали саломатлигини яхшилаши, гиподинамия (камҳаракатлик) туфайли юзага келувчи турли касалликлардан ўзини сақлашига кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ходимлар гимнастикаси ташкил этилишининг долзарблиги. Бугунги кунда жамиятни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг янги шароитлари ва ходисалари, ўқиш ва кейинроқ меҳнат жараёнига тезлик билан муваффақиятли мослашиши учун инсон психикаси ҳамда жисмоний соғлиғини сафарбар этиш зарурати билан боғлиқ ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини ўзгартиришни талаб қилади.

Ҳар бир одамнинг ҳаракатлари сарфланган саломатлик захираларини тиклаш, соғлом авлодни сақлаб қолиш ва умрини узайтириш, ҳаётий фаоллигини таъминлаш ва ўз соғлиғига болаликдан кексалик давригача оқилона муносабатда бўлишига йўналтирилиши керак.

Лекин маълумки, ҳозирги даврда жуда кўп инсонлар гиподинамия (камҳаракатлик) туфайли юзага келадиган касалликлардан азият чекади.

Асосан, буларга кўп ҳаракат талаб этмайдиган соҳалар (конвейерда ишлайдиганлар, операторлар, ҳайдовчилар, компьютерда ишловчилар ва ҳ.к.) киради.

Ҳозирги кунда жуда ҳам кўп соҳалар пайдо бўлиб, унда асосан инсоннинг психикаси, асаб системаси, кўриш ва эшитиш органларига кучли таъсир этмоқда.

Кўп ҳаракатсиз ҳолатда турганда ёки ўтирганда, кам ҳаракатдаги организмда моддалар алмашинуви, қон айланиши камаяди. Оёқларда мушаклар заифлашиб, қомад бузилишига олиб келади ва кам ҳаракатли касб эгалари кўпроқ бош оғришидан шикоят қиладилар.

Оғир меҳнат талаб этувчи касб эгаларида бир хил иш жараёнидаги ҳаракатлар фақатгина аниқ мушак гуруҳларига таъсир этади, бошқа мушакларнинг иш фаолияти ҳаракатсизлиги туфайли ёмонлашишга олиб келади.

Ақлий ва жисмоний юкламаларнинг оқилона тақсимланиши, соғлом турмуш тарзини юритиш ҳамда жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш замонавий одамнинг муваффақиятли ҳаёт фаолиятининг ажралмас бўлагидир.

Аммо биз кўпинча шунинг гувоҳи бўламизки, кишилар саломатлиги жиддий издан чиққан пайитдагина соғлом турмуш тарзи ва жисмоний машқларга мурожаат қиладилар. Ваҳоланки мунтазам равишда оддий гимнастик машғулотларни бажариш саломатлигимизга ўз ижобий таъсирини ўтказади.

Гимнастика ўзининг мақсад ва вазифаларига қараб 3 турга бўлинади ва улардан бири бу -**ходимлар гимнастикаси** хисобланади.

Ходимлар гимнастикаси-қийин бўлмаган комплекс жисмоний машқлар бўлиб, ҳар куни иш вақти жараёнида ходимларнинг организм ҳолатини функционал яхшилаш, иш фаолиятини янада оширишга қаратилиб, бу машқлар иш жойида ва иш кийимида ўтказилишига мослаштирилган бўлиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, **ходимлар гимнастикасининг** асосий мақсади-ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, иш вақти жараёнида уларнинг иш даражасини тиклаш, чарчаш ҳолатини камайтириш, касалланиш даражасини пасайтиришдан иборатдир.

Қуйида тавсия этилаётган **гимнастик машқлар мажмуаси** куннинг биринчи яримида иш бошлангандан икки соат кейин ва куннинг иккинчи ярмида тушликдан икки соат кейин бажарилиши мақсадга мувофиқдир.

Спорт танаффуси-бу дам олиш ҳолати бўлиб, у чарчаш ва иш даражасини тиклашга қаратилган. Бу танаффуслар 5-10 машқлардан иборат бўлиб, 5-7 дақиқани ташкил этади. Одатда бу машқлар иш вақтнинг иккинчи ярмида ўтказилади. Машқлар бажарилаётган жой хавфсиз ва гигиеник талабларга жавоб бериши шарт.

Машқларни шундай навбатлаштириш керакки, улардан бири орқа мушакларни ривожлантирса, бошқаси бўйин қисмида йиғилувчи тузларни парчалаши-кейингиси қорин прессини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Машқ бажарувчи машқ давомида ўзини ёмон ҳис этса, машқ секинлаштирилади ва камайтирилади. Шундан кейин ҳам ўзини ёмон ҳис этса, албатта шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Спорт машқлари иложи бўлса мусиқа остида ва очик ҳавода ўтказилса шуғулланувчиларнинг организми янада мустаҳкамланади.

Ходимлар гимнастикаси бўйича қуйида кўрсатиб ўтилган машқларни мунтазам бажариш натижасида;

-остеохондроз (бўғинларда туз йиғилиши);

- умуртқа қисмидаги грижа;

-геморрой;

-семизлик;

-ички организмларни нотўғри ишлаши (модда алмашувининг ёмонлашуви) каби хасталиклардан сақлаб, иш унумдорлигини оширади.


Немис ёзувчиси Гётенинг таъкидлашича **“ишонган нарсасига интилган инсоннинг қуввати асло тугамайди”** ва бу унинг ҳозирги ва келажакда катта муваффақиятларга эришувига ёрдам беради.

Саломат бўлай десангиз - шифо машқларини афзаллигига ишонинг ва уларни бажаришга интилинг!

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан “Ходимлар гимнастикаси” бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий текшириш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, 2014 йил 3 мартдаги 8н-4/17-сонли хат билан ижобий тақриз берилган.

ГИМНАСТИК МАШҚЛАР МАЖМУАСИ

1) **Иш жараёнида кўп жисмоний куч талаб этадиган касб эгалари учун;** (1-расм)



1. Турган жойида, қўллар белда, тирсаклар орқага, гавдани кўтарган ҳолда, оёқлар учида туриб чуқур нафас оламиз; тирсаклар олдинга, оёқлар тўлиқ ерга қўйилади нафас чиқарилади (4 марта қайтарилади);

2- олдинги турган ҳолатга қайтиб, биринчи қўллар елкага кейин қўлларни тепага кўтарамиз, кўтарилганда нафас оламиз; қўллар эркин ҳолатда пастга туширилганда нафас чиқарилади; 6 марта бажарилади;


3- олдинги ҳолатга қайтиб стулга ўтириб, қўллар билан астагина қайилтирилган ҳолда стулга суяниб, оёқлар бирга ва олдинга чўзамиз; оёқларни очган ҳолда, товонларни полда сирпантирган ҳолда нафас оламиз; оёқларни бирлаштириб, бошни пастга энгаштирилади, қўлларни стулга тираган ҳолда нафас чиқарилади; (4 марта бажарилади);

4- олдинги ҳолатга қайтиб, стулда ўтирган ҳолда, қўлларни стулга тираб; нафас оламиз, оёқларни текислаб, озгина олдинга энгашамиз, қўлларни олдинга чўзишга ҳаракат қилиб оёқларга текизган ҳолда – нафас чиқарилади; кейин текисланиб нафас олинади; (4 марта бажарилади);

5 - Олдинги ҳолатга қайтиб, турган ҳолда оёқлар елка кенглигида очган холда; қўлларни туширамиз, кейин ён тарафга кейин аста тепага қўтарамиз нафас оламиз; олдинга энгашиб, қўлларни пастга тушириб нафас чиқарамиз; (6 марта бажарилади);

6 – Олдинги турган ҳолатга қайтиб, қўлларни тепага қўтариб, ўнг оёқни орқага қилиб нафас олинади, олдинги, тўғри турган ҳолатга қайтарилиб нафас чиқарилади; кейин чап оёқ билан қайтарилади; (6 марта бажарилади.)

2) **Иш жараёнида ўрта жисмоний куч талаб этадиган касб эгалари учун; (2-расм)**



1- Турган жойида, оёқлар бирга; қўлларни тепага қўтариб, оёқларни учида турамиз чуқур нафас оламиз; қўлларни пастга тушириб, олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади;

2- олдинги турган ҳолатга қайтиб, оёқлар елка кенглигида очилиб, ўнг қўлни ён тарафга чўзамиз, чап қўлни белга қўйган ҳолда, гавдани ўнг томонга кейин чап томонга қараб бурамиз, қўллар чўзганда нафас оламиз; қўллар белга қўйилганда нафас чиқарилади, кейин қўлларни алмаштирилади;

3- олдинги ҳолатга қайтиб, қўллар ён томонларга чўзилиб нафас олинади; гавдани пастга энгаштириб, қўлларни Х ҳолатига келтириб нафас чиқарилади; .


4- олдинги турган ҳолатга қайтиб оёқларнинг учида туриб, қўллар белда, сакралади, турган жойда югурилади;

5 - Олдинги ҳолатга қайтиб, турган ҳолда оёқлар елка кенглигида очилиб; қўлларни ён тарафга кейин тепага қўтариб нафас оламиз; гавдани энгаштириб, қўллар билан ўнг оёқ бармоқларига текизиб олдинги ҳолатга қайтамиз. Худди шундай машқни чап

оёқ бармоқларига текизиб, олдинга энгашиб, қўлларни пастга тушириб нафас чиқарамиз;

6 – Олдинги турган ҳолатга қайтиб, оёқлар елка кенглигида очилиб, ўнг қўлни бошга қўйиб нафас олинади, чап қўл ён тарафга чўзилади; кейин чап қўллар бошга қўйилади, ўнг қўллар ён тарафга чўзилади; қўллар алмашган вақтда нафас чиқарилади; (Ҳар бир машқ 5- 6 марта бажарилади.)

3) **Иш жараёнида ўтириб иш юритадиган касб эгалари учун; (3-расм)**



1. Стулда ўтирган ҳолда, гавдани қўтариб, оёқлар учида туриб, қўлларни ёнга, кейин тепага қўтарамиз чуқур нафас оламиз; олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади; (3- 4 марта бажарилади)

2- олдинги ҳолатга қайтиб, стул ёнига туриб, қўллар билан стулнинг суянчиғини ушлаб, битта оёқ орқага, битта қўл ёнга чўзилиб (нафас оламиз); олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади; (3-4 марта ҳар бир оёққа қайтарилади)

3- шу ҳолатда ўнг қўлни бош баландлигида қўтариб, чап оёқни ён тарафга чўзамиз нафас оламиз; орқага қайтариб нафас чиқарилади; (5-6 марта ҳар бир оёққа бажарилади)

4- олдинги турган ҳолатга қайтиб, қўллар пастга туширилган ҳолатда, оёқлар бирга; қўлларни тепага қўтарамиз нафас оламиз, энгашиб қўллар билан орқада турган стулга теккизилади –(нафас чиқарилади; (3- 4 марта бажарилади)

5 - Стулни олдида турган ҳолда, қўллар пастга туширилган, қўллар билан стулни суянчиғини ушаб, ўтирилади – нафас олинади, турганда нафас чиқарилади; (4-5 марта бажарилади)

6 – Олдинги турган ҳолатга қайтиб, стул гавданинг орқа томонига қўйилиб, қўлларни тўғрига чўзиб, гавда билан ўнг томонга кейин чап томонга қайрилиб стулнинг суянчиғи қўллар билан ушланади; ҳар қайрилганда нафас олинади, олдинги ҳолатга қайтганда нафас чиқарилади; (5- 6 марта бажарилади)

7- стулда ўтирган ҳолда, қўллар билан стулни ушлаб, оёқларни тўғрига қўтарамиз ва туширамиз ;(6-8 марта қайтарилади)

8- стулда ўтирган ҳолда, қўллар билан стулни ушлаб, оёқларни чўзиб, қўлларни ён тарафга чўзиб кейин тепага қўтарилади нафас оламиз ва олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади; (3-4 марта бажарилади)

9- стулга ён тарафдан туриб, оёқлар бирга, ўнг қўл билан стул суянчиғини ушлаб, чап оёқ ён тарафга чўзилади, чап қўл тепага баланд қўтарилиб нафас оланади ва олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади, сўнг чап қўл билан стул суянчиғи ушлаб, ўнг оёқ ён тарафга чўзилади, ўнг қўл тепага баланд қўтарилади нафас оламиз ва олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади ; (ҳар тарафга 5-6 марта бажарилади)

10- стулга ён тарафдан туриб, оёқлар бирга, ўнг қўл билан стул суянчиғи ушлаб, чап қўлни қўтариб бўйин орқасига қўйилади – нафас олинади, олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади; чап қўл билан стул суянчиғи ушлаб, ўнг қўлни қўтариб бўйин орқасига қўйилади – нафас олинади, олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади;(3-4 марта бажарилади)

Бўйин гимнастикаси:


1- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни аввал ўнга кейин чапга бурамиз ва олдинги ҳолатга қайтилади (ҳар томонга 5-10 марта бажарилади).

2- тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни ўнг томонга буриб, турган жойда енгил югирилади, худди шу машқни бошни чап томонга бурган ҳолда бажарилади (ҳар томонга 5-10 марта бажарилади).

3- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни олдинга эгиб, даҳан қисмини кўкрак қисмига етказилади ва олдинги ҳолатга қайтилади (5-10 марта бажарилади).

4- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни орқага эгиб, даҳан қисмини олдинга чўзилади ва олдинги ҳолатга қайтилади (5-10 марта бажарилади).

4). Иш жараёнида аклий иш юритадиган касб эгалари учун; (4-расм)



1. Турган ҳолда, оёқлар бирлаштириб, қўлларни бошдан тепага қўтарамиз, қўл бармоқлари бир-бирига қулф ҳолда бўлиб, чуқур нафас оламиз, олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади;

2- олдинги турган ҳолатга қайтиб, ўнг оёқни ёнга чўзиб қўлларни қўтариб бошга қўйилади, чўзилиб (нафас оламиз), олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади, сўнгра худди шу машқни чап оёқни ёнга чўзиб қўлларни қўтариб бошга қўйилади, чўзилиб нафас оламиз, олдинги ҳолатга қайтиб нафас чиқарилади;

3- шу ҳолатда ўнг қўлни бош баландлигида қўтариб, чап оёқни ён тарафга чўзиб нафас оламиз, орқага қайтариб нафас чиқарилади; (5-6 марта ҳар бир оёққа қайтарилади).

4- олдинги турган ҳолатга қайтиб, қўлларни олдинга қараб қўтарамиз, кафтлар бўш ҳолда пастга туширилган, ўтириб, қўлларни пастга туширганда-нафас оламиз, қўллар белга қўйилганда – нафас чиқарилади;

5 - Турган ҳолда, оёқлар бирга, қўлларни ён тарафга чўзиб, гавдани ва бошни бирга ўнг сўнгра чап томонларга қаратамиз;

6 – Олдинги турган ҳолатда, қўлларни тепага қўтарамиз ва нафас олинади, тўғрига энгашиб, қўллар белда бўлади ва нафас чиқарилади;

7- Олдинги турган ҳолатда, оёқлар елка кенглигида, қўлларни кўкрак олдида бирлаштириб, чап томонга сўнг ўнг томонга буриламиз; (ҳар бир машқ 6-12 марта бажарилади).

Бўйин гимнастикаси:


1- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни аввал ўнга кейин чапга бурамыз ва олдинги ҳолатга қайтилади (ҳар томонга 5-10 марта бажарилади).

2- тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни ўнг томонга буриб, турган жойда енгил югирилади, худди шу машқни бошни чап томонга бурган ҳолда бажарилади (ҳар томонга 5-10 марта бажарилади).

3- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни олдинга эгиб, даҳан қисмини кўкрак қисмига етказилади ва олдинги ҳолатга қайтилади (5-10 марта бажарилади).

4- стулда ўтирган ёки тикка турган ҳолда қўллар ён томонда эркин ҳолатда. Бошни орқага эгиб, даҳан қисмини олдинга чузилади ва олдинги ҳолатга қайтилади (5-10 марта бажарилади).

5). Иш жараёнида тик турган ҳолда иш юритадиган касб эгаларига; (5- расм)



1. Барча машқлар стулда ўтирган ҳолда бажарилади, фақатгина 4- машқдан ташқари. Стулда ўтирган ҳолда, оёқлар товонини полга теккизган ҳолда, чўзамиз, чап қўлларни бош орқасига кўтарамиз ва чуқур нафас оламиз; қўлларни бўш тутган ҳолда, пастга туширамиз ва нафас чиқарилади, ўнг қўлларни бош орқасига кўтарамиз ва чуқур нафас оламиз; қўлларни бўш тутган ҳолда, пастга туширамиз ва нафас чиқарилади (6-8 марта бажарилади).

2- олдинги ҳолатга қайтиб, оёқларни чўзган ҳолда, қўллар кўкрак олдида қўйилиб, гавдани ўнг томонга, сўнгра чап томонга бурамыз, олдинги ҳолатга қайтилади (8-10 марта ҳар бир оёққа бажарилади).

3- оёқларнинг товонини полга теккизган ҳолда, олдинга қараб чўзиб, қўлларни тепага кўтарамиз ва пастга эгиламиз; шундан сўнг қўлларни ерга текказиб,

тикланамиз, қўлларни тепага қўтарамиз, оёқларни жуфтлаштириб олдин ҳолатга қайтамиз (6-8 марта бажарилади).

4- столга юз томон билан қараб, уни қўл билан ушлаб, ўнг оёқни орқага, олдинги турган ҳолатга қайтиб, ўтириб турилади, худди шу машқ чап оёқ билан қайтарилади (8- 10 марта бажарилади).

5 - оёқларни чўзиб, қўллар белда, оёқларни чап томонга сўнгра ўнг томонга ҳаракатлантираамиз. Олдинги ҳолатга қайтиб оёқларнинг учи билан кетма-кет тепага пастга тушираамиз (10-12 марта бажарилади).

6 – Стулда ўтирган ҳолда, қўлларни бошдан тепага қўтариб, секин орқага эгилаамиз, қўлларни тушириб, ўнг оёқни қўтариб, қўллар билан қарсак чалаамиз, худди шу машқни чап оёқ билан қайтараамиз (6-8 марта бажарилади).

7- стулда ўтирган ҳолда, қўллар билан елкани ушлайамиз, ўнг оёқни олдинга қараб чўзаамиз, қўлларни бўш қилган ҳолда ёнга чўзиб, олдинги ҳолатга қайтамиз, худди шу машқни чап оёқ билан қайтараамиз (5-6 марта бажарилади).

Соғлом турмуш тарзига амал қилган инсоннинг саломатлиги шубҳасиз ўз қўлида бўлади.

“САЛОМАТЛИГИНГИЗ УЧУН- ЎЗИНГИЗ МАСЪУЛСИЗ” БУНИ УНУТМАНГ!

ТАШКИЛИЙ ИШЛАР
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР,
ТАВСИЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI KENGASHI

Р А Ё С А Т

RAYOSAT

Қ А Р О Р И
QARORI

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2015 йил 31 март

№ 21-53 “с”

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич
касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида ўтказиладиган «Энг намунали
бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан сўнг ўтган давр мобайнида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг корхона, ташкилот ва муасасаларда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асосларни ва барча шарт-шароитларни яратиш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, 2011 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг ўтказилиши бу соҳада қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Кўрик-танловнинг ўтказилиши натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги амалий ишларга, уларга етарли меҳнат ва маиший шароитларнинг яратиб берилишини, жамoa шартномаларида белгиланган имтиёзлардан барча ходимлар бирдек фойдаланишларини, касаба уюшмалари кўмиталари ва ташкилотчилари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш масалаларига бошланғич ташкилотларнинг эътибори кучайди.

Кўрик-танловни ўтказиш тартиб-тамомойиллари ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2011 йилда асосий эътибор кўрик-танлов республика финал босқичини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантиришга қаратилган бўлса, 2013 йилда унинг қуйи босқичларида ҳам ғолибларни тақдирлаш тадбирлари ўтказилиб, ушбу тадбирларда иштирок этган 2,5 минг нафардан ортиқ бошланғич ташкилотлар раисларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун намунали бошланғич ташкилотларга ташрифлари ташкил этилди.

Барча бошланғич ташкилотларни кўрик-танловда фаол иштирок этишга жалб қилиш мақсадида, 2013 йилда кўрик-танловнинг республика финал босқичида иштирок этган, аммо ғолибликни қўлга киритмаган барча бошланғич ташкилотлар Федерация Кенгашининг, қуйи босқичларда иштирок этган бошланғич

ташкилотлар эса тегишли касаба уюшмалари органларининг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирландилар.

Кўрик-танловнинг қуйи босқичлари ва республика финал босқичида иштирок этган ва ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш мақсадида уларда бошқа бошланғич ташкилотлар раислари учун амалий машғулотлар, семинарлар ташкил этиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, бугунги кун талабларидан, касаба уюшмалари Федерацияси тизимида барча йўналишларда амалга оширилаётган ишлардан келиб чиққан ҳолда, кўрик-танловни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, унда барча бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг фаолиятини баҳолашда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш соҳасида олиб бораётган ишларнинг аниқ натижаларига асосий эътиборни қаратиш зарур.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида барча тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини, кўрик-танловнинг барча босқичлари юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказилишини, кўрик-танлов иштирокчилари бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳаққоний ва холис баҳоланишини таъминлаш, кўрик-танлов иштирокчилари ва ғолибларини муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказиладиган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тўғрисида Низом» **1-иловага**, кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси** кўрик-танловнинг қуйи босқичлари белгиланган муддатларда, юқори савияда ўтказилишини мувофиқлаштириб борсин.

3. **Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари:**

кўрик-танловнинг қуйи босқичлари белгиланган муддатларда ва юқори савияда ўтказилишини, уларда барча бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этишини;

кўрик-танлов босқичларини ўтказиш жараёнида бошланғич ташкилотлар фаолияти тегишли комиссиялар томонидан ҳаққоний ва холис баҳоланишини, бунда асосий эътибор бошланғич ташкилотда ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш соҳасида эришилган аниқ натижаларга қаратилишини;

ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши ҳамда амалга оширилишини;

кўрик-танловнинг қўйи босқичлари оммавий ахборот воситалари, веб-сайтларда кенг ёритилишини таъминласинлар.

4. **Федерация Кенгаши аппарати бўлимлари** кўрик-танловнинг қўйи босқичларини ташкил этиш ва ўтказишда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларга амалий ёрдам кўрсатиб борсинлар.

5. **«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти** (Ж.Шарофбоев)га кўрик-танловни ўтказиш жараёнларини ҳамда унда ғолиб бўлган бошланғич ташкилотлар иш тажрибаларини газеталар саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги 2-150-сонли ҳамда 2013 йил 26 январдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги 2-150-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 9-18-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосарлари Б.Махмадалиев ҳамда Т.Тешабаевлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси

Т.Нарбаева

*ЎЗКУФК Раёсатининг
2015 йил 31 мартдаги 21-53 “с”-сон
қарорига илова*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич
ташкilotлар ўртасида ўтказиладиган «Энг намунали бошланғич
ташкilot» кўрик-танлови тўғрисида Низом
(янги таҳрири)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкilotлар ўртасида “Энг намунали бошланғич ташкilot” кўрик-танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

II. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танлови:

фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкilotларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш;

корхона, ташкilot ва муассасаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бошланғич ташкilotларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

бошланғич ташкilotлардаги касаба уюшмаси фаолларининг профессионал даражасини ошириш, уларда ижодкорлик қobiliятини шакллантириш;

касаба уюшмалари фаолларини, шунингдек ёшларни касаба уюшмалари ташкilotлари фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ўтказилади.

2.2. Кўрик-танловни ўтказиш орқали бошланғич ташкilotларда:

жамоа шартномаларини тармоқ келишувларига мослаштирган ҳолда тузилиши ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорликда уларнинг бажарилишини таъминлашга;

жамоа шартномалари бажарилишини йил якунлари бўйича меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари (конференциялари)да муҳокама этиб борилишига;

бандликни таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, муносиб иш ҳақи тўланиши жараёнида касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлашга;

ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари, шунингдек маиший шароитлар яратилишига;

ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларида меҳнат қонунларига риоя этилишини таъминлашга;

фаолиятни устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри ва самарали ташкilot этилишига;

ихтиёрларида қолдирилган маблағлардан тасдиқланган сметаларга мувофиқ мақсадли фойдаланилишига;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилишига;

фаолияти ошкоралигини таъминлаш йўналишларидаги ишларни намунали ташкил этилишига ҳамда пировард натижада уларнинг фаолият самарадорлиги оширилишига эришилади.

III. КЎРИК-ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Кўрик-танловда иштирок этаётган бошланғич ташкилотлар орасидан ғолибларни аниқлашда касаба уюшмалари фаолиятининг қуйидаги йўналишларида амалга оширилган ишлар асосий омил ҳисобланади:

жамоа шартномасининг тузилиши, унинг бажарилишини йилда камида бир марта меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама этилиши;

меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масаласида бошланғич ташкилот томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, корхона (ташкилот, муассаса)да ходимлар учун яратиб берилган меҳнат ва маиший шароитлар;

касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар;

корхона (ташкилот, муассаса)да меҳнат муносабатларининг тартибга солинишида касаба уюшмасининг иштироки;

касаба уюшмаси аъзоларининг маънавиятини юксалтириш, уларни жимоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш борасидаги ишлар;

касаба уюшмаси аъзолик бадаллари тушумининг тўлиқлиги таъминланиши;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари;

касаба уюшмаси ташкилотида ташкилий ишлар борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан иш режасининг тўғри тузилиши ва бажарилиши, касаба уюшмаси фаолларини ўқитиш, малакасини ошириш ишлари, ахборот-услубий ишлар, бошланғич ташкилотда иш юритишнинг ташкил этилиши;

корхона (ташкилот, муассаса)да бошланғич ташкилот фаолияти учун шарт-шароитлар яратилиши, фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши.

IV. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

4.1. Кўрик-танлов икки йилда бир марта ўтказилади.

4.2. Кўрик-танловда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

Юқори касаба уюшмалари органлари кўрик-танловнинг мақсади ва уни ўтказиш шартларини ҳар бир бошланғич ташкилотга етказди.

4.3. Бошланғич ташкилот фаолиятини баҳолаш жараёнида сўнгги кўрик-танлов ўтказилган йилнинг апрель ойидан кўрик-танлов ўтказилаётган йилнинг апрель ойигача бўлган давр (икки йил) мобайнида амалга оширилган ишлар инобатга олинади.

4.4. Кўрик-танлов тўрт босқичда, аъзолар сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ва 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказилади.

1-босқич.

Бунда бошланғич ташкилот тегишли тармоқ касаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгашига (туман, шаҳар кенгаши бўлмаган тармоқларда тегишлилигича вилоят даражасидаги бирлашган қўмитага, ҳудуд бўйича масъул ташкилотчига, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига) 1-иловада келтирилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови иштирокчилари фаолиятини баҳолаш мезонлари»да (кейинги ўринларда «баҳолаш мезонлари» деб аталади) белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни топширади.

Тармоқ касаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгаши раёсатининг қарори билан ташкил этилган комиссия тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқади, баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолайди ҳамда энг юқори балл олган 2 та (аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ва 100 нафардан ортиқ бўлган) бошланғич ташкилот ҳужжатларини комиссия хулосаси кўрсатилган баённома ҳамда туман (шаҳар) кенгаши раёсатининг қарори билан кейинги босқичга тақдим этади.

Танловнинг 1 босқичи **апрель-май** ойларида тармоқ касаба уюшмаларининг туман (шаҳар), кенгашлари, туман (шаҳар) кенгаши бўлмаган тармоқларда тегишлилигича вилоят даражасидаги бирлашган қўмиталар, ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилар, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашлари томонидан ўтказилади.

2-босқич.

Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчилари ҳамда вилоят даражасидаги бирлашган қўмиталар томонидан **июнь ойида** ўтказилади.

Унда:

тармоқ касаба уюшмасининг туман (шаҳар) кенгашлари томонидан тақдим этилган баҳолаш мезонларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри ва холис тўлдирилганлиги раислар кенгаши қарори билан тасдиқланган комиссия томонидан кўриб чиқилади, энг юқори балл тўплаган 2 та (аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ва 100 нафардан ортиқ бўлган) бошланғич ташкилот комиссия хулосаси кўрсатилган баённома асосида кейинги босқичга чиқарилади;

вилоят даражасидаги бирлашган қўмиталар жорий этилган тармоқларда бошланғич ташкилотлар томонидан тақдим этилган баҳолаш мезонларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри ва холис тўлдирилганлиги бирлашган қўмита раёсати қарори билан тасдиқланган комиссия томонидан кўриб чиқилади, энг юқори балл тўплаган 2 та (аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ва 100 нафардан ортиқ бўлган) бошланғич ташкилот комиссия хулосаси кўрсатилган баённома асосида кейинги босқичга чиқарилади.

Ушбу босқични ўтказиш бўйича ташкил этилган комиссиялар таркибига ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакили киритилиши шарт.

Кўрик-танловнинг туман (шаҳар), вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотларнинг ўзаро тажриба алмашишларини ташкил этиш, уларни рағбатлантириш, бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунига бағишланган тадбир ташкил этилади.

3-босқич тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари томонидан **июль** ойида ўтказилади.

Мазкур босқичда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, вилоят даражасидаги бирлашган қўмиталар, ўрта бўғин касаба уюшмалари органлари бўлмаган тармоқларда эса бошланғич ташкилотлар томонидан тақдим этилган баҳолаш мезонларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри ва холис тўлдирилганлиги касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган комиссия томонидан кўриб чиқилади, энг юқори балл тўплаган 2 та (аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ва 100 нафардан ортиқ бўлган) бошланғич ташкилот комиссия хулосаси кўрсатилган баённома ҳамда Республика кенгаши раёсатининг ушбу бошланғич ташкилотларни Республика финал босқичига тавсия этиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига тақдим этилади.

4-босқич – Республика финал босқичи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилади.

4.5. Касаба уюшмалари органларида ташкил этилган комиссиялар тегишли босқичга тақдим этилган бошланғич ташкилотлар фаолиятини жойига чиқиб ўрганишлари мумкин.

IV. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ФИНАЛ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Кўрик-танловнинг Республика финал босқичи ғолибларини аниқлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан комиссия ташкил этилади.

Комиссия тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари томонидан тақдим этилган баҳолаш мезонлари, тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри ва холис тўлдирилганлигини ўрганади.

4.2. Кўрик-танловнинг Республика финал босқичида иштирок этаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятига қўйилган баллар 2-иловадаги «Баҳолаш варақаси»га киритилиб, умумлаштирилади ҳамда ягона рейтинг жадвалига киритилади.

Рейтинг жадвали икки йўналиш бўйича алоҳида тузилади:

ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар бўйича;

саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар бўйича.

Ушбу рейтинг жадвали асосида энг юқори балл тўплаган бошланғич ташкилотлар кўрик-танлов ғолиби деб топилади.

4.3. Ҳар бир йўналиш бўйича 2 та биринчи ўрин, 2 та иккинчи ўрин ва 2 та учинчи ўринни эгаллаган ғолиблар аниқланади, яъни аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ва 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар алоҳида ғолиб деб топилади.

4.4. Баҳолаш якунлари бўйича комиссия хулосаси баённома кўринишида расмийлаштирилади, комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Комиссия томонидан ғолиблар рўйхати уларни тақдирлаш бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати тақдим этилади.

Шунингдек, комиссия хулосаси ва тавсиясига кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан номинациялар эълон қилиниши мумкин.

4.5. Кўрик-танловнинг Республика финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимини ўтказиш муддати ва уни молиялаштириш тартиби ҳамда миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан белгиланади.

4.6. Кўрик-танловнинг Республика финал босқичида 1-ўринни эгаллаган бошланғич ташкилотлар икки йилдан кейин ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этмайди.

V. КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ

5.1. Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичида ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар мазкур босқични ташкиллаштираётган касаба уюшмалари органлари томонидан белгиланган сарф-харажатлар сметаси доирасида рағбатлантирилиши мумкин.

5.2. Кўрик-танловнинг Республика финал босқичи ғолиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан Федерация Кенгаши дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Кўрик-танловнинг босқичларида ғолибликни киритган бошланғич ташкилотларни тақдирлаш учун берилган дипломлар, совринлар, қимматбаҳо совғаларнинг сақланиши учун бошланғич ташкилот раиси (ташкилотчиси) шахсан масул ҳисобланади.

6.2. Кўрик-танловнинг тегишли босқичлари яқунлари бўйича комиссиялар хулосалари, қарорлари устидан тушган шикоят кейинги босқични комиссияси томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади.

6.3. Республика финал босқичи комиссиясининг хулосаси бўйича тушган шикоят Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсати томонидан кўриб чиқилади.

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги
бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказиладиган «Энг
намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тўғрисида
Низомга 1-илова*

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови иштирокчиларининг фаолиятини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар
I. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАЛАРИДА					
1.	Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг муаммоларини ечишида қўмаклашиш	1.1	Бошланғич ташкилот раисининг корхона (ташкилот, муассаса)даги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилувчи органлар (кузатув кенгаши, ҳайъат, комиссия ва ҳ.к.) киритилганлиги ва унинг самараси: - таркибга киритилган, кўтарган муаммоларининг барчаси ҳал қилинишига эришган; - таркибга киритилган, кўтарган муаммоларининг қисман ҳал қилинишига эришган; - таркибга киритилмаган ёки киритилган бўлса ҳам кўтарган муаммоларнинг ҳал қилинишига эришмаган.	9 балл; 6 балл; 0 балл.	Мажлисларнинг баён ва қарорлари, буйруқлар, аъзоларнинг тасдиғи
		1.2.	Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишларида кўриб чиқилган ижтимоий-иқтисодий масалалар (масалан бандлик, иш ҳақи, жамоа шартномаси, ижтимоий ҳимоя, иш вақти ва дам олиш вақти ва бошқалар) юзасидан қабул қилинган қарорларнинг самараси: - қарорлар ижроси доирасида кўтарилган масалалар ўз ечимини топган- - қарорлар ижроси доирасида кўтарилган масалалар қисман ҳал бўлган – - қарор қабул қилинган, лекин масалалар ҳал бўлмаган –	9 балл; 6 балл; 0 балл;	Мажлисларнинг баёнлари, қарорлар ва уларнинг ижроси юзасидан маълумотлар
2.	Жамоа шартномасининг тузилиши ва бажарилишини	2.1	Жамоа шартномасини тузиш қоидаларига риоя этилганлиги ва унинг мазмуни қонун ҳужжатлари, тармоқ қилинувлари ва тавсияларга мослиги: - тўлиқ жавоб беради –	9 балл;	Буйруқлар, қарорлар, жамоа шартномаси, умумий мажлис (конференция) баёни

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар
	таъминлаш, ижтимоий ҳимоя		- яхши – - қониқарли – - камчиликлари кўп –	6 балл; 3 балл; 2 балл.	
		2.2.	Жамоа шартномалари шартлари бажарилишининг муҳокамаси ташкил этилганлиги: - белгиланган муддатда ўтказилган, ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган; - муддатдан кечикиб ўтказилган, ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган; - белгиланган муддатда ўтказилган, ҳужжатлар расмийлаштирилмаган; - муҳокама ўтказилмаган.	9 балл; 6 балл; 3 балл; 0 балл.	Буйруқлар, қарорлар, жамоа шартномаси, умумий мажлис (конференция) баёни
		2.3.	Жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши: - 70 фоизгача – - 90 фоизгача – - 90 фоиздан юқори –	3 балл; 6 балл; 9 балл.	Жамоа шартномасини бажарилиши бўйича текширув далолатномаси, умумий мажлис (конференция) баёни
		2.4.	Жамоа шартномаси шартларини бажариш доирасида бир ходимга сарфланган маблағ миқдорини олдинги йилга нисбатан ўсиши: - 10 фоизгача – - 20 фоизгача – - 20 фоиздан юқори –	3 балл; 6 балл; 9 балл.	Жамоа шартномаси, бажарилиши бўйича текширув далолатномаси, ЖШ-1 шакли бўйича ҳисобот
		2.5.	Кам таъминланган ходимлар, кўп болали оилаларга, бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга корхона (ташкилот, муассаса) маблағлари ҳисобидан қўлланилган ижтимоий кўмак чоралари сони: - рўйхатдаги ходимларнинг 10 фоизгача- - рўйхатдаги ходимларнинг 10 фоиздан 20 фоизгача- - рўйхатдаги ходимларининг 20 фоиздан кўпига-	3 балл; 6 балл; 9 балл.	Раҳбарнинг буйруғи, касаба уюшмаси ташкилотининг тақдимномаси, қўшма қарор, ёрдам кўрсатилган аъзонинг тасдиғи ва ҳ.к.
		2.6.	Касаба уюшма ташкилотининг янги иш ўринлари ташкил этишдаги иштироки	Ходимларнинг рўйхатдаги сонига нисбатан ҳар 10 фоизи	Мажлисларнинг баён ва қарорлари, аъзоларнинг тасдиғи

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар
				учун 3 баллдан	
3.	Мехнат муҳофазаси, ходимлар учун маиший шароитларнинг яратилганлиги	3.1	Ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари (кийиниш, ювиниш, қўл ювиш, хожатхона, дам олиш ва овқатланиш хоналарини мавжудлиги).	Ҳар бири яратилган шароит учун 5 баллдан	Фота альбом, касаба уюшма аъзоларининг тасдиғи
		3.2.	Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун маблағларнинг кўзда тутилиши ва сарфланиши: - кўзда тутилган, маблағлар тўлиқ сарфланган- - кўзда тутилган, маблағлар тўлиқ сарфланмаган- - кўзда тутилган, маблағлар умуман сарфланмаган ёки кўзда тутилмаган-	9 балл; 6 балл; 0 балл	Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишлари, жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган йиғилиш (конференция) материаллари, ҳисоботлар
		3.3	Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилишга оид кўзда тутилган бандларнинг бажарилиши: - 70 фоизгача бажарилган- - 70 фоиздан 90 фоизгача бажарилган- -90 фоиздан ортиғи бажарилган-	3 балл; 6 балл; 9 балл.	Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишлари, жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган йиғилиш (конференция) материаллари, ҳисоботлар
		3.4.	Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширилиши: - тадбирлар тасдиқланган, тўлиқ амалга оширилмоқда- - тадбирлар тасдиқланган, қисман амалга оширилган- - тадбирлар тасдиқланмаган-	6 балл; 3 балл; 0 балл	Иш берувчи ва касаба уюшмаси ташкилотининг қўшма қарорлари, буйруқлар
		3.5.	Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ходисалар: Ҳар бир енгил тан жароҳати етказилиши ҳолати Ҳар бир оғир тан жароҳати етказилиши ҳолати Ҳар бир ўлим билан тугаган ҳолат	Баллар камайтирилади -5 балл - 10 балл -30 балл	Мехнат муҳофазаси бўйича ҳисоботлар, ахборотлар
4.	Ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий ҳимоя	4.1	Бошланғич ташкилот томонидан ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатларининг сони.	Ҳар бири учун 3 баллдан	Тадбирлар ўтказилганлиги, жойи, муддати, қатнашувчилар сони, ҳамкорлар акс эттирилган ахборот (маълумот)лар, иш

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар
					режаси, тадбир дастури
		4.2.	Меҳнат низолари бўйича комиссия ташкил этилганлиги	3 балл.	Комиссия таркиби ва низоми тасдиқланганлиги
		4.3.	Ходимлардан тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ва натижалари (моддий ёрдам кўрсатиш ва йўлланма ажратишга оид мурожаатлар бундан мустасно): -мурожаатларнинг 50 фоизгачаси ҳал этилган- -мурожаатларнинг 50 фоиздан 75 фоизгачаси ҳал этилган- -мурожаатларнинг 75 фоиздан ортиғи ҳал этилган-	3 балл; 6 балл; 9 балл.	Мурожаатларни қайд этиш китоби, иш берувчи ва юқори ташкилотлар билан ёзишмалар, буйруқлар, қарорлар
II. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ СОҲАЛАРИДА					
5.	Маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкиллаштириш	5.1	Корхона (ташкилот, муассаса) жамоа шартномасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия масалалари ўз аксини топганлиги, ушбу мақсадларга иш берувчи томонидан маблағ ажратилиши: - акс этирилган, маблағ тўлиқ ажратилган – - акс этирилган, маблағ тўлиқ ажратилмаган – -акс этирилмаган	6 балл; 3 балл. 0 балл.	Жамоа шартномаси
		5.2.	Касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчи) томонидан ходимлар учун ташкил этилган маданий-маърифий тадбирлар, ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатларининг сони.	Ҳар бири учун 3 баллдан	Тадбирлар ўтказилганлиги, жойи, муддати, қатнашувчилар сони, ҳамкорлар акс этирилган ахборот (маълумот)лар, иш режаси, тадбир дастури
		5.3.	Бошланғич ташкилот томонидан спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар: -спорт мусобақалари ўтказилган, ходимларнинг 50 фоиздан ортиғи жалб қилинган- -спорт мусобақалари ўтказилган, ходимларнинг 50 фоизгачаси жалб қилинган- -спорт мусобақалари ўтказилмаган-	9 балл; 6 балл; 0 балл.	Тадбирлар ўтказилганлиги, жойи, вақти, қатнашувчилар сони, ҳамкорлар акс этирилган ахборот (маълумот)лар
		5.4.	Йил дастурлари асосида бошланғич ташклот томонидан		Дастур ва унинг бажарилиши

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар
			қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши: -дастур қабул қилинган, бандлари тўлиқ бажарилган- -дастур қабул қилинган, бандлари тўлиқ бажарилмаган- -дастур қабул қилинмаган-	6 балл; 3 балл; 0 балл.	ҳақида маълумотлар
6.	Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш	6.1.	Бошланғич ташкилотда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда соғломлаштириш учун касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ишлатилиши: -75 фоиздан 100 фоизгача ишлатилган- -50 фоиздна 75 фоизгача ишлатилган- -50 фоизгача ишлатилган- -ишлатилмаган-	9 балл; 6 балл; 3 балл; 0 балл.	Санаторийларга берилган йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби (рўйхати)дан кўчирма
		6.2.	Бошланғич ташкилотда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ишлатилиши: -75 фоиздан 100 фоизгача ишлатилган- -50 фоиздна 75 фоизгача ишлатилган- -50 фоизгача ишлатилган- -ишлатилмаган-	9 балл; 6 балл; 3 балл; 0 балл.	Санаторийларга берилган йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби (рўйхати)дан кўчирма
III. ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР СОҲАСИДА					
7.	Ташкилий масалалар	7.1	Ташкилотдаги мавжуд ишловчилар сонига нисбатан касаба уюшма аъзолигига жалб қилинганлар сони: - 10%гача – - 10-15% – - 15-20% – -20-100% –	0 балл; 3 балл; 6 балл; 9 балл.	Статистик маълумот, аъзоларни рўйхатга олиш китоби, мажлисларининг баён ва қарорлари, аъзолар аризалари
		7.2	Бошланғич ташкилот мажлисларининг ўз вақтида ва мунтазам ўтказилганлиги, баён ва қарорларнинг мавжудлиги	Ҳар бири учун 3 баллдан	Мажлисларнинг баён ва қарорлари, аъзоларнинг тасдиғи
		7.3.	Бошланғич ташкилот етакчининг касаба уюшмаси аъзолари оддида фаолият тўғрисида ҳисобот бериб бориши: -бир йилда икки марта ҳисобот берган-	6 балл;	Мажлисларнинг баёнлари

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар
			-бир йилда бир марта ҳисобот берган- -ҳисобот берилмаган-	3 балл; 0 балл.	
		7.4.	Бошланғич ташкилотда иш юритиш тегишли йўриқнома ва ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасига асосан йўлга қўйилганлиги: - тўла равишда жавоб беради – - яхши – - қониқарли – - камчиликлари кўп –	9 балл; 6 балл; 3 балл; 0 балл.	Тўлиқ (янгиланиб турилган) ва тўғри расмийлаштирилган йиғмажилдлар
		7.5.	Бошланғич ташкилотда ахборот технологияларидан амалда фойдаланиш даражаси, электрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилганлиги: - компьютер интернет тармоғига уланган, электрон почта адреси мавжуд, ундан электрон ҳужжат айланишида тўлиқ фойдаланилади - - компьютер интернет тармоғига уланган, электрон почта адреси мавжуд эмас, электрон ҳужжат айланиши қисман йўлга қўйилган - - компьютер интернет тармоғига уланмаган, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди -	6 балл; 3 балл; 0 балл;	Жараён комиссия томонидан жойида ўрганилади, бунда ходимнинг компьютер саводхонлиги даражасига ҳам эътибор берилади
		7.6.	Касаба уюшмаси фаолларини ўқитиш ҳамда қайта ўқитишни ташкил этиш	Ҳар бир ташкил этилган ўқув учун 3 баллдан	Ўқувлар ташкил этилгани ҳақида маълумотлар, баёнлар, ўқув дастурлари
		7.7.	Касаба уюшма ташкилотининг бурчагини ташкил этилганлиги ва унинг жиҳозланиш даражаси: - ташкил этилган, етарли даражада жиҳозланган – - ташкил этилган, етарли даражада жиҳозланмаган – -ташкил этилмаган-	6 балл; 3 балл; 0 балл.	Фота альбом, касаба уюшма аъзоларининг тасдиғи
IV. ФАОЛИЯТНИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ҚИЛИШ СОҲАСИДА					
8.	Тарғибот-ташвиқот ишлари	8.1.	Бошланғич ташкилот фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилганлиги:	Ҳар бири учун	Газета ва журналларнинг нусхалари, телевидениеда

№	Фаолият йўналишлари	№	Бошланғич ташкилот фаолияти бўйича ўрганиладиган масалалар	Баҳолаш тартиби ва бериладиган баллар миқдори	Тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар
			-маҳаллий нашрларда- -вилоят нашрларида, телевидениесида- -марказий нашрларда, марказий телевидениеда-	3 балл; 6 балл; 9 балл.	ёритилганлиги тўғрисида видео лавҳа ва маълумотлар
		8.2.	Бошланғич ташкилотнинг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обуна бўлганлиги: - 3 ойгача - - 6 ойгача - - 1 йилгача-	Ҳар бир обуна квитанцияси учун: 3 балл; 6 балл; 9 балл.	Обуна этилганлиги тўғрисидаги квитанциялар

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР, ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ

Бошланғич ташкилотлар ишини режалаштириш

Бошланғич ташкилотнинг иши перспектив ва жорий иш режалари асосида ташкил этилади. Перспектив иш режалари ҳисобот-сайловдан кейинги ҳисобот-сайловгача бўлган даврга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади.

Иш режаси касаба уюшма ташкилоти фаолиятининг асосий мақсадларини ва уларга эришиш йўллари белгилайди.

Жорий иш режалари қисқароқ муддатга, одатда йилнинг бир чорагига тузилиб, уларда қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фаолиятнинг йўналишлари аниқлаштирилади.

Перспектив иш режаси учун касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи умумий йиғилиш, конференция қарори асос қилиб олинади. Перспектив иш режаларини тузишда, шунингдек, ҳозирги босқичда касаба уюшмалари ҳаракати олдида турган умумий вазифаларни кўзда тутган юқори ташкилотларнинг тавсияларини ҳам инобатга олиш зарур.

Лекин, энг асосийси, иш режаларида касаба уюшмалари аъзолари томонидан билдирилган фикрлар ҳам ўз аксини топиши керак.

Перспектив иш режасини тузишда энг аввало ташкилотнинг яқин келажақдаги асосий мақсадлари танланади, конкретлаштирилади, шунингдек уларнинг устуворлари белгиланади.

Кейин мақсадга эришишнинг асосий усуллари аниқлаштирилади. Сўнгра мақсадга эришишга қаратилган комплекс- чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларда ҳар бир банд бўйича мақсадга эришиш учун зарур бўладиган ресурслар (моддий ресурслар, инсон ресурслари) аниқ кўрсатиб қўйилади. Шунинг учун ҳам йиллик иш режаларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда уни амалга ошириш учун зарур бўладиган харажатларни кўзда тутувчи сметалар ҳам тасдиқланади.

Жорий иш режалари перспектив иш режаларини амалга ошириш мақсадида тузилиб, уларда перспектив иш режаларида кўзда тутилган тадбирлар конкретлаштирилади, шунингдек, зарур ҳолларда шароитнинг ўзгарганлиги ҳам назарда тутилади.

Жорий иш режаси иш усулларини алоҳида кўрсатиш шаклида тузилиши мумкин, яъни аввал қўмита йиғилишида, кейин қўмита раёсати йиғилишида кўриладиган масалалар, сўнгра фаолият йўналишлари бўйича амалий тадбирлар кўрсатилади.

Бу ерда ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ташкилий ишлар, молиявий ишлар соҳалари бўйича йўналишларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Иш режаларини бажаришнинг асосий шарти масалаларни аниқ ёритилиши, тадбирларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари кўрсатилиши, бажарилиши учун масъулларнинг аниқ белгиланиши ҳисобланади.

Иш режасида кўзда тутилган вазифалар бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш (масалан, ҳар ой якунлари бўйича), бажарилмаган бандларни бажариш чораларини белгилаш ва амалга ошириш Уставларда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажаришга имконият яратади. *(иш режасининг намунаси ва уни тасдиқлаш тўғрисида қарор намунаси қуйида берилган)*

Бошланғич ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича тавсиялар

Аввало, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо барча тармоқ касаба уюшмалари уставларида бошланғич ташкилотларнинг органлари сифатида умумий йиғилиш (конференция), касаба уюшмаси қўмитаси (йирик бошланғич ташкилотларда – қўмита раёсати) белгиланган.

Умумий йиғилиш (конференция) – бошланғич ташкилотнинг олий органи бўлиб, унинг фаолиятига доир ҳар қандай масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси қўмитаси бошланғич ташкилотнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади.

Қарорларни расмийлаштириш.

Қарорлар лойиҳаларини тайёрлашга қўйиладиган қатор талаблар мавжудки, уларга риоя этилиши лозим.

Қарорлар матнига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири холислиқдир. Қарорга расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма восита сифатида қаралади. Шунинг учун қарорлар лойиҳаларида сўз ва сўз шакллари қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд.

Хусусан, расмий иш услубида кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларини олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки бачкана сўзлар, дағал сузлар, тор доирадаги кишиларгина тушинадиган сўзлар, ўхшатиш, жонлантириш, муболаға, истиора, ташхис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши ҳужжатлар матнидаги ифоданинг нохослигига олиб келади.

Қарор матни аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби талабларга ҳам жавоб бериши керак.

Қарорларнинг сарлавҳалари қисқа, асосий мазмунга мувофиқ келиши ва «нима ҳақида» деган саволга жавоб бериши лозим. Масалан, «... тадбирлари тўғрисида», «... якунлари ҳақида», «... бориши тўғрисида».

Қарор матни қоидага кўра, қайд қилиш (таъкидловчи) ва қарор қисмларидан иборат бўлади.

Қайд қилувчи қисмда мазкур қарорни қабул қилишга ундаган зарурият ёки бунинг учун асос баён этилади. Унда кўрилаётган масала бўйича амалга оширилган ижобий ишлар кўрсатилади, камчиликларга танқидий баҳо берилади.

Агар кўрилган масалаларни тушунтиришга зарурат бўлмаса, у ҳолда қайд қисми ёзилмасдан, бевосита қарор қисмидан бошланади.

Қарор қисми банд ва тағбандларга бўлиниб, араб рақамлари билан белгиланади.

Агар банд топшириқ мазмунига эга бўлса унинг мундарижаси «кимга, қанча муддатда, қандай вазифа» сингари тузилишда бўлади. Ижрочилар сифатида ташкилотлар ёки мансабдор шахслар кўрсатилиши мумкин. Агар бандда аниқ топшириқ бўлмаса, уни «тасдиқлансин», «маъқулансин», «маълумот учун қабул қилинсин» деган иборалар билан таърифлаш мумкин.

Аввал қабул қилинган қарорларни ёки уларнинг айрим бандларини бекор қилиш ёки ўзгартириш зарурати туғилганда, қарор (қарор банди)нинг санаси, рақами, номи кўрсатилади ва «... ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин» деб ёзилади.

Қарорнинг охирида унинг ижросини назорат қилувчи шахс ёки орган (қўмита, қўмита раёсати, қўмита комиссияси) кўрсатилади.

Таклиф ва топшириқлар мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, асосланган бўлиши, амалдаги қонунларга мувофиқ келиши, ишнинг ҳолатига ҳолисона баҳо берилиши, масалаларни ҳал этишнинг мақсад ва чора-тадбирлари батафсил ифода этилган, ижрочилар аниқ кўрсатилган, бажариш муддатлари реал белгиланган бўлиши керак.

Қўмита (қўмита раёсати)нинг қарори бошқа ташкилот (иш берувчи) билан биргаликда қабул қилиниши мумкин.

Бундай ҳужжатнинг бош қисмида қайси ташкилотнинг номидан ҳужжат қабул қилинаётган бўлса ўша ташкилотнинг номи тўлиқ кўрсатилади, мазкур ташкилот ўз тартиб рақамини беради. Ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган ташкилот биринчи бўлиб рақамни олиши керак.

Баёнларни расмийлаштириш.

Қўмита (унинг раёсати) йиғилиши ёки умумий йиғилиш (конференция) ўтказилган кун ўша йиғилиш (конференция) баёнининг санаси ҳисобланади. Қўмита (унинг раёсати) йиғилиши ёки умумий йиғилиш (конференция) баёнларининг тартиб рақами ҳисобот-сайловдан кейинги ҳисобот-сайловгача олиб борилади.

Қўмита (унинг раёсати)нинг йиғилишлари оралиғида сўров йўли билан қабул қилинган қарорларига навбатдаги йиғилиш баёнининг тартиб рақами қўйилиб, « «с» ҳарфи билан белгиланган ҳолда баёнга киритилади (масалан 4-1 “с”).

Қўмита йиғилиши баёнининг (қўмита аъзолари сони кўп бўлиб, қўмита раёсати сайланган ҳолларда) сарварағида раислик қилувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими, қўмита таркибига сайланган аъзоларнинг умумий сони ва улардан йиғилишда иштирок этаётганлари сони, раёсат (ёки аъзолар сони кам бўлган ҳамда раёсат сайланмаган қўмита) йиғилишлари баёнида эса йиғилишда қатнашаётган раёсат (қўмита) аъзоларининг Ф.И.Ш., таклиф қилинган

шахсларнинг фамилиялари ва лавозимлари (ёки таклиф қилинганлар умумлаштирилган ҳолда тоифалари) кўрсатилади.

Кейин йиғилишнинг тасдиқланган кун ва иш тартиби кўрсатилади.

Сўнгра тасдиқланган кун тартибига мувофиқ кўриб чиқилган масала кўрсатилиб, тагига ушба масала юзасидан ахборот берган, муҳокамада қатнашган кишиларнинг фамилиялари ёзиб қўйилади.

Шундан сўнг масала юзасидан ахборотнинг, шунингдек муҳокамада иштирок этганлар сўзларининг қисқача мазмуни ёритилади.

Кўриб чиқилган масала бўйича қарор лойиҳаси маъқулланиб, ҳамма «ёқлаб» овоз берса баёнда «Қарор бир овоздан қабул қилинди» деб ёзилади. Агар қарор лойиҳасини қайта ишлаш талаб қилинса «Қарор лойиҳасини кўриб чиқиш... муддатгача қолдирилсин», қарор лойиҳаси маъқулланмаган ҳолда эса «Қабул қилинмасин», «Муҳокама қилиш билан чекланилсин» деб ёзиб қўйилади.

Овоз бериш жараёнида овозлар бўлиниб қолган ҳолларда «ёқлаб», «қарши» овоз берган, «бетараф» қўмита ёхуд раёсат аъзоларининг сони кўрсатилади (*қўмита йиғилиши баёнининг ва ҳисобот-сайлов йиғилиши баёнининг намуналари қуйида берилган*).

Конференция, қўмита йиғилишларининг ҳужжатлари баёнларга кун тартибида белгилангандек кетма-кет тартибда тиркалади: маъруза, қўшимча маъруза матнлари ҳамда масала муҳокамасида қатнашганларнинг сўзлари матнлари (сўзга чиққанларнинг исм-фамилияси ва лавозимлари кўрсатилади) ва қабул қилинган қарор.

Сўзга чиқувчиларнинг маърузалари илова қилинмаган ҳолларда, маърузанинг қисқача мазмуни бевосита баён матнида ёритилиши мумкин.

Қарор баён матнига киритилмаса «қарор илова қилинади» деб кўрсатилади.

Агар қарорларда иловага ҳавола қилинган бўлса, илова тегишли тарзда (розилик белгиси, сана, имзолар қўйилиб) расмийлаштирилади ва мажлис баёнига тиркалади.

Ҳужжатлар билан ишлашга қўйиладиган умумий талаблар.

Жўнатиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш

Ҳужжатлар жўнатилишидан аввал тўғри расмийлаштирилганлигини ва қуйидагиларнинг мавжудлигини текшириб кўриши керак:

- адресат;
- келган ҳужжатнинг рақамига ҳавола;
- иккинчи нусхада зарур визаларнинг (расшифровка қилинган) борлиги.

Текшириб чиқилган ва имзо чекилган ҳужжатга жўнатиш рақами, сана қўйилади ва тегишли адрестга жўнатилади.

Хужжатларни тузиш ва расмийлаштириш.

Хужжатларни тузиш ва расмийлаштиришда Ўзбекистон Давлат стандарти Oz'DSt 1157:2008 "Ташкилий-фармойиш хужжатлари. Хужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар"га ва ушбу йўриқномага риоя этилиши зарур.

Қарорлар лойиҳалари, уларнинг иловалари ва маълумотнома (ахборот)лари, турли ташкилотларга ёзилган хужжатларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотномалар ва уларга илова қоғозлари, хатлари, ахборотлар, маълумотлар ва бошқа турдаги хужжатлар одатда компьютерда, қатор оралиғи бир интервалда тайёрланади.

Матбаа усули билан нашр қилишга тайёрланаётган хужжатлар матнининг қатор орасини икки интервалда ёзишга рухсат этилади.

Қарорлар, фармойишлар, бошқа ташкилот, муассасаларга ёки айрим фуқароларга жўнатиш учун тайёрланаётган хатлар ва бошқа матнли материалларни босиш учун қоида тариқасида А-4 /210 x 290 мм/ форматли қоғоздан фойдаланилади. Кўп устунли (графали) жадвал шаклидаги материаллар учун А-3 /297 x 420 мм/ форматли қоғоздан фойдаланиш мумкин.

Бланк ёки бланксиз расмийлаштирилаётган хужжатлар **одатда** 13-ўлчам (размер) «Times New Roman» шрифтида босилиб, ҳар бир варағида қуйидаги четки чегаралар қолдирилади:

- чапдан - 25 мм;
- юқори, ўнг ва пастдан - 20 мм.

Хужжатлар ташкилотларга, уларнинг таркибий бўлинмаларига ёки мансабдор, жисмоний шахс номига юборилиши мумкин. Ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмасининг номи бош келишиқда кўрсатилади.

Масалан (бундан буён матнда мисол тариқасидаги ташкилот номлари, шахсларнинг исми шарифлари ва лавозимлари шартли равишда берилади):

Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Хонқа туман
кенгаши

Хужжат мансабдор шахс номига юборилганда ташкилот ва унинг таркибий бўлинмаси номи бош келишиқда, лавозим ва фамилиялар - жўналиш келишигида кўрсатилади.

Масалан:

Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Хонқа туман кенгаши
А.А.Қобуловга

Ҳужжат ташкилот раҳбари номига юборилганда ташкилот номи адресат лавозимининг номи таркибига киритилади.

Масалан:
 “Хоразм марвариди”
 МЧЖ директори
 Р.Исмоиловга

Агар ҳужжат бир турдаги ташкилотларга ёки ташкилотнинг бир неча таркибий бўлинмаларига юбориладиган бўлса, уларни умумлаштириб кўрсатиш керак.

Масалан:
 Цех касаба уюшма
 ташкилотлари
 раисларига

«Адресат» реквизити таркибига почта манзили киритилиши мумкин. Почта манзилининг таркибий қисмлари почта алоқаси хизматлари қоидаларида ўрнатилган кетма-кетликда кўрсатилади.

Ташкилотга жўнатиладиган хатда номи, кейин почта манзили кўрсатилади, масалан:

Масалан:
 Хоразм вилояти Адлия бошқармаси
 бошлиғи А.Султоновга
 Ураганч ш., Мустақиллик кўчаси, 5

Жисмоний шахсга жўнатиладиган хатда олувчининг исми, шарифи, фамилияси кейин почта манзили кўрсатилади, масалан:

Масалан:
 А.Л. Тохировага
 Насаф кўчаси, 8-уй, 15-хонадон,
 Урганч ш., 100373

Тасдиқланадиган ҳужжат имзоланган, тасдиқланган вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади. Ҳужжатларнинг айрим турлари - низомлар, йўриқномаларни ва ҳ.к. кучга кириш вақти уларни тасдиқлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши мумкин. Ҳужжат ваколатли шахс томонидан ёки коллегиял орган қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Келишилиши ва тасдиқланиши зарур бўлган ҳужжатлар КЕЛИШИЛДИ, ТАСДИҚЛАНГАН, ТАСДИҚЛАЙМАН деган грифлар билан расмийлаштирилади, улар бош ҳарфлар билан, қўштирноқсиз ёзилади.

Тасдиқлаш грифи “ТАСДИҚЛАЙМАН” сўзидан, ҳужжатни тасдиқловчи мансабдор шахснинг лавозими номи, шахсий имзоси ва исми шарифи, фамилияси ҳамда тасдиқлаш санасидан иборат бўлиши керак.

Масалан:

ТАСДИҚЛАЙМАН
«Нурли йўл» МЧЖ
касаба уюшмаси қўмитаси раиси
шахсий имзо С.Хуррамов
12.01.2026 йил К.Рафиков

Ҳужжат қарор, буйруқ, баённома билан тасдиқланадиган ҳолларда тасдиқлаш грифи «ТАСДИҚЛАНГАН» сўздан, ҳужжатнинг бош келишиқдаги номи, санаси ва рақамидан иборат бўлади.

Масалан:

ТАСДИҚЛАНГАН
«Нурли йўл» МЧЖ
касаба уюшмаси қўмитаси
қарори
12.01.2026 йил № 1-1

Тасдиқлаш грифи ҳужжатнинг юқоридаги ўнг бурчагига қўйилади.

Келишиш грифи «Келишилди» сўзи, келишувчи мансабдор шахс лавозими номи (бунда ташкилот номи ҳам киради), шахсий имзоси ва исм-фамилияси ҳамда келишилган санадан ташкил топади.

Масалан:

КЕЛИШИЛДИ
Касаба уюшмаси қўмитаси раиси
шахсий имзо С.Хуррамов
12.01.2026 йил

Ҳужжат коллегиял орган билан, хат ёки баённома орқали келишилган бўлса, келишиш грифи қуйидаги шаклда расмийлаштирилади.

КЕЛИШИЛДИ
Касаба уюшмаси
қўмитаси
мажлисининг
10.03.2026 йилдаги
№ 2 баённомаси

ёки

КЕЛИШИЛДИ
Хонқа тумани
молия бўлимининг
13.03.2026 йилдаги
12-2/214-сонли хати

Келишиш грифлари бир нечта бўлганида, улар бир даражада ёки бирининг тагига бошқаси қўйилади.

КЕЛИШИЛДИ
«Нурли йўл» МЧЖ
касаба уюшмаси
қўмитаси раиси
шахсий имзо С.Хуррамов

КЕЛИШИЛДИ
«Нурли йўл» МЧЖ
директори
шахсий имзо _____П.Нигматов

Хужжатни келишиш мансабдор шахс билан эмас, коллегиял орган қарори билан расмийлаштирилган тақдирда «Келишилди» грифи «Тасдиқланган» грифи билан бир даражада қўйилади.

Масалан:

КЕЛИШИЛДИ
Тошкент вилояти Адлия
бошқармаси бошлиғи
имзо _____Н.Усмонов
10.01.2026 йил

ТАСДИҚЛАНГАН
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Янгийўл
туман кенгаши қарори
№ 1-1 14.01.2026йил

Хужжатга имзо чекилган, тасдиқланган, келишилган саналар, шунингдек, матндаги саналар рақамлар билан расмийлаштирилади. Сана элементлари араб рақамларида ва қуйидаги тартибда келтирилади: кун, ой, йил.

Ой кун ва ой - нуқта билан ажратилган ҳолда икки жуфт араб рақамлари билан, йил – тўртта араб рақамлари билан расмийлаштирилади. *Масалан:* 29.03.2026.

Санани 2026 йил 29 март шаклида сўз ва рақам усули билан расмийлаштиришга ҳам рухсат этилади.

Хужжатларда саналарни расмийлаштиришнинг қисқа шакли - 29.03.2026. - хатларни рўйхатга олиш учун, тўлиқ шакли - 2026 йил 29 март – мажлис баёнлари баёнлари, молиявий хужжатлар, шунингдек, хужжат матнида ёзиш учун қўлланилади.

Хужжат матнда кўрсатилган иловага эга бўлса, илованинг борлиги тўғрисидаги қайд қуйидагича расмийлаштирилади:

Илова: 10 варақ, 2 нусхада.

Агар хужжатга иловаси бўлган бошқа хужжат тиркалган бўлса, илованинг борлиги тўғрисидаги қайд қуйидагича расмийлаштирилади:

Илова: бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасининг 2026 йил 12 мартдаги 21-3-821-сонли хати ва унга қўшимча илова, жами 7 варақ.

Фармойиш хужжати (қарор, буйруқ, фармойиш) илованинг биринчи варағида юқори қисм ўнг бурчагида “– илова” ёзилади ва фармойиш

ҳужжатининг номи, санаси ва рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами қўйилади, масалан:

«Нурли йўл» МЧЖ
касаба уюшмаси қўмитасининг
2026 йил 10 январдаги
1-3-сонли қарорига
2-илова

«Имзо» реквизити таркибига қуйидагилар киради: ҳужжатга имзо чеккан шахс лавозими номи (агар ҳужжат бланкда расмийлаштирилмаган бўлса – тўлалигича, бланкда бўлса – қисқартирилган), шахсий имзо шарҳи (исм-шарифи ва фамилияси).

Масалан:

«Нурли йўл» МЧЖ
касаба уюшмаси қўмитаси раиси
шахсий имзо С.Хуррамов
ёки

Раис С.Хуррамов

Ҳужжатларни “ўрнига” деган сўз билан имзолаш, шунингдек лавозими номи олдига қия чизиқ қўйиш мумкин эмас.

Ҳужжатга бир неча киши имзо чекканида, уларнинг имзолари эгаллаган лавозимига мувофиқ тарзда устма-уст қўйилади.

Масалан:

Раис	С.Хуррамов
Ғазначи	Ю.Салимова

**БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИНИНГ
П А С П О Р Т И (намуна)**

№	Маълумот мазмуни	ЖАМИ				
		01.01.2025й.	01.01.2026й.	01.01.2027й.	01.01.2028й.	01.01.2029й.
1	Ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзолари сони Шундан:					
	Аёллар					
	30 ёшгача бўлган ёшлар					
	Олий маълумотлилар					
	Раҳбар ходимлар					
	Хизматчилар					
	Ишчилар					
2	Ишлаётган пенсионерлар					
3	Ишлаётган ногиронлар					
4	Кам таъминланган оилалар					
5	4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёллар					
6	Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар					
7	Ёлғиз оналар					
8	Икки ва ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган фарзанд тарбиялаётган аёллар					
9	16 ёшгача ногирон фарзанд тарбиялаётган аёллар					
10	Жамоа шартномаси бўйича ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори					
11	Меҳнат муҳофазаси юзасидан Битим бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори					
12	Касаба уюшмаси аъзолигига янги қабул қилинган ходимлар сони					
13	Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилганлар сони					
14	Аъзолик билети билан таъминланган аъзолар сони					

Бошланғич касаба уюшмасы ташкилоти учун намунавий

АХБОРОТ БУРЧАГИ

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Тармоқ касаба
уюшмасы логотипи

"Микрокредитбанк" АТБ касаба уюшмасы ташкилоти АХБОРОТ БУРЧАГИ

Меҳнат
жамоасининг
расми

1.
Цитата

2.
Федерация
ҳақида

3.
Бошланғич
ташкилот
паспорти

4.
Бошланғич
ташкилот
тузилмаси

5.
Аъзолик
афзаллиги

6.
Жамоа
шартнома-
сидаги
имтиёзлар

7.
Жамоа
шартнома-
сидаги
мажбури-
ятлар

8.
Жорий
йил (ой)
учун иш
режаси

9.
Қилинган
ишлар,
янгиликлар

10.
Режадаги
ишлар,
эълонлар

11.
Йўлланма
ҳақида

12.
Мухим
саналар

Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баёни намунаси

“Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 4-йиғилиши БАЁНИ

2025 йил 26 декабрь

соат 17.30

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Р.Акрамов - “Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Йиғилишда қатнашган қўмита аъзолари: А.Бурхонов, Н.Жамолиддинов, Н.Саидова, Д.Нурматова, В.Собиров

Узрли сабабга кўра қатнашмаган қўмита аъзолари: Р.Нуриддинов

Таклиф этилганлар: цех касаба уюшмаси қўмиталари раислари, касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчилари (рўйхат бўйича).

Йиғилишни касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р.Акрамов очди ва кун тартиби лойиҳаси овозга қўйилди.

Кун тартиби бир овоздан тасдиқланди (кун тартиби илова қилинади).

(Агар кун тартиби илова қилинмаса, бевосита баёнда кўрсатилади)

Йиғилишнинг иш тартиби бўйича – кун тартибидаги масала бўйича ахборот берувчига 10 дақиқагача, сўзга чиқувчиларга 5 дақиқагача вақт бериш таклифи киритилди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтилди.

1. “Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида

(Акрамов, Собиров, Нурматова)

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р.Акрамов йиғилиш иштирокчиларига ахборот бериб, касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йил учун иш режасининг бажарилиши ҳақида тўхталди.

Хусусан, ахборотда қўмитанинг 2025 йил учун иш режасида кўзда тутилган аксарият тадбирлар белгиланган муддатларда, юқори савияда ўтказилгани таъкидланди.

Жумладан, йил давомида иш режасига мувофиқ корхона бошланғич ташкилотининг 1 та умумий йиғилиши, касаба уюшмаси қўмитасининг 4 йиғилиши ўтказилиб, уларда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратининг натижалари, корхонада меҳнат қонунчилигига риоя этилишининг аҳволи, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

соҳасида олиб борилаётган ишлар ва бошқа долзарб масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда ижроси таъминланмоқда.

2025 йилда цех қўмиталари раислари ва касаба уюшмаси гуруҳлари ташкилотлари учун 2 марта ўқувлар ташкил этилди.

Республикада белгиланган умумхалқ байрамларига бағишлаб турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Шундан сўнг қўмита раиси Р.Акрамов йиғилиш иштирокчиларини корхона касаба уюшмаси қўмитасининг 2026 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳаси билан таништирди.

Қўмита аъзолари Р.Собиров ва Д.Нурматовалар сўзга чиқиб, иш режаси лойиҳаси ҳар томонлама мукамал тайёрланганлигини билдирдилар ва уни тасдиқлаш таклифини киритдилар.

Кўриб чиқиляётган масала юзасидан ахборотни эшитиб ва муҳокама қилиб, қарор бир овоздан қабул қилинди **(қарор илова қилинади)**.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Р.Акрамов

Баёнлаштирувчи:

Н.Саидова

Намуна

**“Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг
ҚАРОРИ**

2025 йил 26 декабрь

№ 4-1

Навоий шаҳри

**“Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба
уюшмаси кўмитасининг 2026 йилга
мўлжалланган иш режаси тўғрисида**

Касаба уюшмаси кўмитаси **қарор қилади:**

1. “Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг 2025 йилга мўлжалланган иш режасининг бажарилиши тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин (илова 1).

2. “Шарқ тонги” акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқлансин (илова 2)

3. Касаба уюшмаси кўмитасининг 2024 йил 27 декабрдаги 1-3 сонли «Шарқ тонги» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасининг “2025 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва назоратдан чиқарилсин.

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Р.Акрамов

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг иш режаси намунаси

«Шарқ тонги» акциядорлик
жамияти касаба уюшмаси
қўмитасининг
2025 йил 26 декабрдаги 4-1-сон
қарорига 2-илова

«Шарқ тонги» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси

т/р	Тадбирлар мазмуни	Ижро учун масъул	Ижро муддати
Бошланғич ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари			
1.	<i>Бошланғич ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмаси томонидан жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилотнинг ички имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланади.</i>	Касаба уюшмаси қўмитаси	Йил давомида
Бошланғич ташкилот умумий йиғилишида қўриладиган масалалар			
1	«Шарқ тонги» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2025 йилдаги фаолияти якунлари ва 2026 йилдаги устувор вазифалари тўғрисида.	Касаба уюшмаси қўмитаси	2026 йил январь
Касаба уюшмаси қўмитасининг йиғилишида қўриладиган масалалар			
2	Тикувчилик цехи касаба уюшмаси қўмитасининг маънавий-маърифий, оммавий-спорт тадбирларини ташкил этиш борасидаги фаолияти тўғрисида.	Маънавий- маърифий, оммавий-спорт ишлари бўйича комиссия	2026 йил 1-чорак
3	Ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, нормал иш шароитларини яратиш бериш борасида касаба уюшмаси қўмитасининг иш берувчи билан ҳамкорликда олиб борган ишлари ва келгусидаги вазифалари ҳақида.	Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия	2026 йил 2-чорак

4	Корхонада меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишининг аҳволи ҳақида.	Хукуқий масалалар комиссияси	2026 йил 3-чорак
5	Бичув цехи касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчисининг касаба уюшмаси аъзолари билан олиб бораётган ишлари тўғрисида.	Ташкилий ишлар бўйича комиссия	2026 йил 4-чорак
6	Касаба уюшмаси қўмитасининг 2027 йилги сарф-харажатлар сметаси тўғрисида.	Акрамов Р.Т. Қодирова М.С.	2026 йил 4-чорак
Касаба уюшмаси цех қўмиталари раислари, гуруҳ ташкилотчилари ўқувини ташкил этиш			
1	Цех касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмаси гуруҳларида иш юритишни ташкил этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳақида.	Ташкилий ишлар бўйича комиссия	2026 йил февраль
2	Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби тўғрисида.	Хукуқий масалалар комиссияси	2026 йил июль
Умумий тадбирлар			
1	Корхона ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадасини ташкил этиш ва ўтказиш.	Маънавий-маърифий, оммавий-спорт ишлари бўйича комиссия	2021 йил май
2		КОМИССИЯСИ	
3		КОМИССИЯСИ	
4		КОМИССИЯСИ	
5		КОМИССИЯСИ	

Бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишларида кўриладиган масалалар ҳамда бошланғич ташкилот томонидан амалга ошириладиган умумий тадбирлар бошланғич ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Иш режанинг бажарилишининг боришини камида бир чоракда бир марта мониторинг қилиб бориш лозим бўлади. Мониторинг режадаги бандларнинг бажарилишини таҳлил қилиб бориш ва маълум сабабларга кўра ижро муддати кечикаётган бандларни тўлиқ ижросини таъминлаш бўйича аниқ чораларни кўриш имкониятини яратади.

Касаба уюшмалари органларида сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш юзасидан тушунтириш

Меҳнат кодексининг 26-моддаси биринчи қисмида ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар **улар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида юзага келиши** белгилаб қўйилган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса меҳнат муносабатлари юзага келадиган ҳолатлар аниқ белгиланган бўлиб, улардан бири лавозимга сайланиш ҳисобланади.

Шу ўринда меҳнат муносабатларининг субъектларига ҳам аниқлик киритиб ўтиш лозим. **Меҳнат кодексининг 19-моддасига кўра ходим ва иш берувчи якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг субъектларидир.**

Мазкур моддада шунингдек иш берувчилар сифатида иш юритиши мумкин бўлган субъектлар кўрсатилган бўлиб, улар сирасига мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотлар, шунингдек ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ёки бошқа алоҳида таркибий бўлинмалари ҳам киритилган.

Меҳнат кодексининг юқорида қайд этилган талабларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, касаба уюшмалари ташкилотларида **ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ҳар бир ходим билан меҳнат шартномаси тузилиши лозим бўлади.**

Меҳнат кодексининг 10-моддасида ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари эканлиги белгиланган.

Бизнинг ҳолда:

ходим – лавозимга сайланган касаба уюшма органи раиси, раис ўринбосари;

иш берувчи – ходимни лавозимга сайлаган орган (қўмита, бирлашган қўмита, умумий йиғилиш, конференция, Кенгаш, Қурултой) ҳисобланади.

Бунда раис ва раис ўринбосарини сайлаш (навбатдаги ҳисобот-сайловлар даврида, шунингдек конференциялар, Қурултойлар оралиғида) ваколатига киритилган касаба уюшма органлари тармоқ касаба уюшмаларининг уставлари, ҳудудий Кенгашларнинг низомлари билан белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шу ўринда **Меҳнат кодексининг 104-моддасида** меҳнат шартномасининг мазмуни ҳам белгилаб қўйилганини ёддан чиқармаслик лозим. Мазкур моддага кўра меҳнат шартномасига киритилиши шарт бўлган шартлар қуйидагилардан иборат:

иш жойи - ходим шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкилот, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;

меҳнат вазифаси - муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш, шунингдек ходимга топшириладиган ишнинг аниқ тури;

ишнинг бошланиш санаси - ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажаришга киришиши керак бўлган календарь сана;

меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (шу жумладан ходимнинг тариф ставкаси ёки маоши миқдори, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар);

ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган тақдирда меҳнат шартномасининг муддати, шунингдек ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ муддатли шартномани тузиш учун асослар;

иш вақти ва дам олиш вақти режими, агар бу ходим учун ушбу режим мазкур иш берувчида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимлар учун назарда тутилган иш вақтининг ва дам олиш вақтининг умумий режимидан фарқ қиладиган бўлса;

иш жойидаги меҳнат шароитларининг хусусиятлари кўрсатилган ҳолда нормал шароитлардан фарқ қиладиган шароитлардаги иш учун кафолатлар ва компенсациялар, агар ходим мазкур ишга қабул қилинаётган бўлса;

зарур бўлган ҳолларда ишнинг хусусиятини белгиладиган шартлар (кўчма, сайёр, йўлдаги, ишнинг бошқа хусусияти);

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда бошқа шартлар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур моддада агар меҳнат шартномасини тузиш чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартлардан бирор-бири шартномага киритилмаган бўлса, бу **меҳнат шартномасини тузилмаган деб эътироф этиш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлмаслиги** ҳам белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, **ушбу моддага кўра** ходимнинг ва иш берувчининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган бирор-бир ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг меҳнат шартномасига киритилмаслиги **ушбу ҳуқуқларни амалга оширишни ёки бу мажбуриятларни бажаришни рад этиш** сифатида кўриб чиқиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси шаклини ишлаб чиқишда **Меҳнат кодексининг 106-** (Меҳнат шартномасининг шакли), **107-** (Меҳнат шартномасининг реквизитлари) моддалари талабларига риоя этилиши лозим.

Амалдаги **Меҳнат кодексининг 110-моддасига** кўра меҳнат шартномаси номуайян муддатга ёки уч йилдан кўп бўлмаган муайян муддатга (муддатли меҳнат шартномаси) тузилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, касаба уюшмаси органи раиси ва раис ўринбосалари билан меҳнат шартномаларини **номуайян, лекин сайлов муддатида кўп бўлмаган муддатга** тузиш мақсадга мувофиқ.

Меҳнат кодексининг 127-моддаси биринчи қисмида ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши, буйруқ чиқариш учун **ходим билан тузилган меҳнат шартномаси** асос бўлиши, **иккинчи қисмида** эса - ташкилот раҳбарини ишга қабул қилиш бевосита ташкилот мулкдори ёки **таъсис ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан** амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, лавозимга сйаланган шахс билан меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга қабул қилишни расмийлаштириш учун буйруқ чиқариладими?, деган савол туғилиши мумкин.

Бу саволга жавоб **Меҳнат кодексининг 18-моддасида** берилган бўлиб, унга кўра иш берувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида муайян ходимга (ходимларга) ёки жамоага йўналтирилган ва бир марта қўлланилиш (ишга қабул қилиш, меҳнат шароитларини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ходимга меҳнат таътили бериш, ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш, ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги ва бошқа буйруқлар) учун мўлжалланган якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатлар - буйруқлар, фармойишлар, **қарорлар** қабул қилиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ишга қабул қилиш нафақат буйруқ, балки **қарор билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.**

Юқорида **Меҳнат кодексининг 26-моддаси биринчи қисмида** ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар **улар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида юзага келиши** белгилаб қўйилгани айтиб ўтилди.

Шу муносабат билан яна бир савол туғилиши табиий, яъни касаба уюшмаси органи раиси лавозими сайланадиган лавозим бўлиб, токи сайлов ўтказилмагунча ким сайланиши номаълум бўлиб қолади. Шундан келиб чиқиб, меҳнат шартномасини олдиндан, яъни сайлов ўтмасидан аввал тузиб бўлмайди, у **фақат сайлов ўтказилгандан сўнггина** тузилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб касаба уюшмаси органи раислигига сайланган шахс билан меҳнат шартномаси ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференцияси), Қурултой ўтказилган куннинг ўзида имзоланиши, унда ишнинг бошланиш куни сайлов ўтказилган куннинг эртасидан белгиланилиши лозим бўлади.

Қуйида бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси билан тузиладиган меҳнат шартномасининг намунаси берилган.

(меҳнат шартномаси бошланғич ташкилот раиси асосий ишидан озод этилган ҳолда фаолият юритган ҳолда тузилади)

Намуна

_____-СОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ
(шартнома рақами)

2025 йил 20 февраль

Тошкент ш.

1. “Ўзсифатқурилиш” қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти, унинг 2025 йил 20 февраль кундаги ҳисобот-сайлов конференциясининг 3-сон қарорига асосан ҳаракат қилувчи аъзоси **Рустамов Олим Маҳкамович** тимсолида бир тарафдан, кейинги ўринларда “Иш берувчи” деб аталади ва фуқаро **Турсунова Нилуфар Рашидовна** иккинчи тарафдан, кейинги ўринларда «Ходим» деб аталади, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

2. Турсунова Нилуфар Рашидовна “Ўзсифатқурилиш” қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг раиси лавозимига сайланди.

3. Мазкур шартнома бўйича иш, ходимнинг асосий иш жойи ҳисобланади.

4. Шартнома номуайян муддатга, аммо сайланганлик муддатидан кўп бўлмаган муддатга тузилди. Сайланганлик муддати, қонунчилик, Уставда белгиланган асосларга кўра муддатидан аввал ҳам тугатилиши мумкин.

5. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган кундан кучга киради ва юқоридаги 4-бандда қайд этилган муддат даврида амал қилади.

6. Ишнинг бошлани санаси 2025 йил 21 февраль.

7. Ходимнинг мажбуриятлари:

Мажбуриятларда Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунни, тармоқ касаба уюшмаси Уставини, Федерациянинг Уставини билиш ва уларга қатъий амал қилиш; меҳнат қонунчилигини, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор нормаларини билиш ва уларни ходимларнинг манфаатлари йўлида қўллаш; касаба уюшмаси қўмитасига раҳбарлик қилиш; бошқа норматив ва локал ҳужжатларни билиш ва амалиётда уларга риоя қилиш (қўллаш); ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; иш берувчининг ходимлар манфаатларига зид бўлган ҳужжатларини бекор қилиш (чораларини кўриш), юқори касаба уюшмаси ташкилотлари қарорлари бжарилишини таъминлаш ва бошқа шу каби вазифалари кўрсатилиши керак.

8. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) ходим томонидан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни конференция (қўмита мажлиси)да кўриб чиқиш ва амалдаги қонунчилик, тармоқ касаба уюшмаси уставига мувофиқ равишда қарорлар қабул қилиш;

б) ходимга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодекси, тармоқ касаба уюшмаси устави талабларига қатъий риоя этиш;

в) уставда кўзда тутилган ҳолларда ходимнинг муайян даврдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитиш жараёнида фаолиятга ҳолис баҳо бериш;

г) иш берувчи томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар.

9. Иш куни режими: 5 кунлик иш ҳафтаси

10. Меҳнат ҳақи тўлаш.

Ходимга қуйидагича ҳақ тўлаш белгиланади:

а) Ягона тариф сеткасининг разряди бўйича;

б) Тармоқ касаба уюшмасининг Устави, қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ меҳнат шaroитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар, мукофотлар, рағбатлантирувчи турдаги бошқа тўловлар тўланиши тармоқ касаба ушмаси Республика Кенгашининг ваколатли органи қарори билан белгиланади.

11. Ходимга:

а) 21 календарь кунидан иборат асосий меҳнат таътили берилади;

б) қўшимча таътил тармоқ касаба ушмаси Республика Кенгашининг ваколатли органи қарори билан белгиланади.

Томонларнинг реквизитлари:

Иш берувчи:

Ходим:

(муҳр) _____(имзо)

_____ (имзо)

Изоҳ: тарафларнинг реквизитлари Меҳнат кодексининг 107-моддасига мос равишда тўлдирилиши шарт.